



2
2006

Albadriyah Journal



ЭЗГУЛИК АРКАСИ



...Эзгулик аркаси ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланишига ишонамиз. Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истаксиз одамнинг ўзи йўқ. Истардимки, шу дарвоза останасидан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлсин. Аслида, барча бунёдкорлик ишларидан кўзлаган мақсадимиз — эзгулик йўлида хизмат қилишдир...


Ислом КАРИМОВ

Шарқ юлдузи

Адабий-ижтимоий журнал

2006

2-сон



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла Орипов—
тахрир ҳайъати раиси
Эркин Воҳидов
Хуршид Дўстмуҳаммад
Жуманиёз Жабборов
Омон Мухтор
Тулан Низом
Икром Отамурод
Хайриддин Султонов
Сирожиддин Саййид
Ибройим Юсупов
Пиримкул Қодиров
Ўткир Ҳошимов

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Абдулазиз Абдуқаҳхоров
Бобур Алимов
Туробжон Жўраев
Алишер Каримов
Бахтиёр Кубеев
Фатҳиддин Муҳиддинов
Ботир Парниев
Нематилло Худойберганов
Файрат Шоумаров
Ислом Шоғуломов
Омонулла Юнусов
Рустам Қосимов
Ашур Қодиров

БОШ МУҲАРРИР МИНҲОЖИДДИН МИРЗО

Масъул котиб
Юсуф Файзулло

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЭЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРҶАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

1 Ҳаршилов ЛОДАР

Ушбу сонда



Назм

Абдусайд Күчимов

**ЯРКИРЛЭЛНИ НИДОХДЛЫРЫНДА
ИККИ ДАРЫ ОКДР ЦЫРКҮРЛӘ**

Бир қатра жон қолса жонимда —
Жонгинангга нурдай күнгайман.
Уйғонурман, бир күн қонингда —
Алвон лола бўлиб унгайман.

Нима қиласай, шу бўлса қисмат,
Кўзларингда бор умид, аҳдим,
Дилбар хаёл, беадок ҳасрат —
Кизғалдоқдай гулларми баҳтим?!



Наср

Наби Жалолиддин

Сијрам ба ниқоб

Роман

...Илк савол Умар Хайём ҳеч шубҳаланмай
кутган мазмунда бўлди. Уни озин, рангпар юзли,
аммо кўзлари чақнаб тургувчи йигит берди:

— Юлдузлар чиндан ҳам инсон тақдирига дахл қилади-
ларми, ҳазрат?

Одатда бундайин мазмундаги сўроққа жавоб қилган ки-
шилар кўпда улур мушкулотларга рўбарў бўлардилар. Чунки
имми нужум тили или гапирилса, жавоб, албатта, Исломга,
шариатга зиддай туюларди.



Ёднама

Хусниддин Шарипов

ШОИРОНА ЗИЁ

...Шеърият — ўзига хос нурли олам. Ҳар сатрида
муҳаббат, вафо, соғинч, меҳр, ишонч, умид, табас-
сум яшайди. Тўғри, ҳажвий шеъриятда найза бор,
лекин у найзада заҳар бўлмайди. Шунинг учунмии-
кин, Озод Шарафиддинов тўғрисида ўйлагандা, у
муҳаррир, мақоланавис, нотик, таржимон бўлиши-
га қарамасдан, кўз олдимга шеърият зиёси келаве-
ради. Фақат айтишим қийин, бу зиё ундан тарала-
дими ёки унинг ўзи бу зиёда чўмиладими?!



Сирожиддин Сайид

ЭЗГУЛИК АРКАСИ

ҲАР ТОНГ – БУР ХУШХАБАР...

Мамлакатда ҳар куни, ҳар соатда бир хушхабар янграб туради.

Телевидениенинг тонг саҳардаги дастурларидан тортиб, то кеч тунги хабарларгача, радиотўлқинлару ҳар субҳидам оқ каптарлар каби Ватанимизнинг барча гўшалари сари парвоз этгувчи газеталарга қадар, албатта, ажиг бир янгилик, хуш мұждадан дарак беради.

Мана, нима ҳақда сўйлайди улар: Сурхондарёдаги Ҳисор тоглари бағрида Тўпаланг сув омбори ва янги ГРЭС қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда; бутун мамлакатда баҳорий ташвиш-юмушлар — экин-тикин ишлари авжида; кўхна Насаф, Навоий бобо ўз асарларида “Нахшаб, Маҳи Нахшаб” — Нахшаб ойи деб гўзал бир ташбеҳ билан таъриф берган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан бошланган улкан тарааддуд; ёш санъаткорларимиз, спортчиларимиз халқаро миқёсда қўлга киритаётган ютуқлар; дашту далалардан, боғ-роғлардан, корхоналардан келаётган хабарлар, яна ўнлаб, юзлаб сиёсий, маънавий-ижтимоий ўзгаришлар ва янгиликлар — буларнинг барчаси элу юртимизда эзгу ва улуғвор мақсадлар йўлида ҳаёт жўшқин давом этаётганини кўрсатиб туриди.

Ҳаётнинг муazzам ва бақувват қанотларини ҳеч қандай куч қайролмайди. Ҳалқнинг: “Мардлар минган отларинг номардларга хор бўлмас”, деган лўнда, жайдари гапи бежиз айтилмаган.

Истиқолимизнинг ўтган ўн тўртинчи йили ҳам муҳим воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Таракқиёт йўлидаги салмоқли ютуқлар, қувончли воқеалар билан бирга оғир синовларни ҳам бошдан кечирдик. Озод мамлакатимизга мудҳиш балоларни ёғдирмоқчи бўлган қора кучлар Андижон воқеалари мисолида ўз жирканч қиёфаларини яна бир карпа кўрсатишига уринди. Жаҳонда эса... бунга қараб дўст-хайриҳоҳаримиз астойдил қайфуришиди, кимлардир чапак чалди. Ўзбекистоннинг яна қаерида бир тутун чиқаркин, ёинки Тошкентнинг қайси бир маҳалласидаги симёроҷда лампочка куяркин, дея жар солишга илҳақ турган айрим хорижий радио ва уларнинг чаққон мухбирлари ёлғонни ямламай ютиш маҳоратини намойиш қилишиди.

Халқ эса, табиийки, бу фожиадан қайғута тушди, ўртанди. Лекин йўлини йўқотмади, иродаси букилмади. Бутун инсоний заҳматлару ҳаёт ташвишларини елкасига олиб ўз йўлида давом этмоқда — далаларда, заводларда меҳнат қилаяпти, боғча, мактаблар бино этаяпти, кўприк-

лар солиб, темир йўллар қураяпти, фарзандлари, дилбандларини тарбиялаб-ўстириб, ўз танлаган йўлидан ўз истиқболи томон одимлаяпти.

Хизмат сафари билан Тошкентта келган кекса рус адиби, нозиктъаб ва зиёли инсон, "Дружба народов" журнали раҳбарларидан бири Леонид Теракопян Езувчилар уюшмасида меҳмон бўлди. Мустақилликдан кейин у киши биринчи маротаба Тошкентга келиши экан. Узоқ сухбат давомида меҳмон телефонда Москва билан сўзлашишга изн сўради. У томондан Тошкент ҳақида савол бўлди, шекилли, оқсоқолнинг қўзлари чакнаб, юзлари ёришиб кетди.

— Ў-ў, Тошкент тамомила бошқача шаҳар бўлган, гуллаб-яшнаб кетибди, — деди меҳмон.

У томондан яна "Ўзбеклар қалай?" дея сўрашдими, меҳмон жиҳдий тус олди, ўтирганиларнинг ҳаммасига бир-бир разм солиб, жиҳдий, қисқа ва бинойи жавоб қиди:

— Ўзбекларми? Ўзбеклар давлат қураяпти.

Холис бир меҳмоннинг муҳтасаргина бу таърифи, айни ҳақиқат эди.

2005 йилнинг 27 июл куни тонготарга яқин, хизмат сафаридан қайтаётib, йўл чеккасида тұхтадим. Тун ҳали ўз пардаларини йигмаган, тонг фира-шира оқариб келаётган пайт. Само айвонида юлдузлар ярқирайди. Илк саҳархез қушлар отаётган тонгни қутлаб, ахён-ахён саирайпти.

Йўлнинг нариги бетида — Мустақиллик майдонида, тун бўлишига қарамай, иш қизғин. Бекорчиликдан эмас, асло, шунчаки бир қаламкаш, кўп йиллардан бўён шу шаҳарнинг нону тузини тотиб келаётган, унинг яхши кунига ҳам, ёмон кунига ҳам ўзимни даҳлдор, қувончу ташвишларига шерик деб билган бир фуқаро сифатида, соғинчу севинчларимга гувоҳ бўлган шу майдонга боргим келди.

Ярим тун, майдондаги баланд ҳавозалардан қатор-қатор кумуш юлдузлар сачраяпти. Юлдуз сочаётганлар, кечаси ишлётган бедор инсонлар — пайвандчилар.

Осмон тўла юлдузлар. Майдон тўла юлдузлар.

Пайвандчилар тун қўйинида гўё осмон юлдузларини майдон юлдузларига пайванд қилаётгандек: майдон тўла юлдузлар, осмон тўла юлдузлар.

Қатор кетган баланд-баланд устунлар, устунларни бирлаштирган панжара-панжара темир тўсинлару баланд-баланд ҳавозалар маҳобатли кўринади, ерда, ҳавозаларда, тўсинлар аро меҳнат қилаётган одамлар бу маҳобатга тун кечада ҳам жон бағишлаб турибдилар.

Сочлари оқарган, қотма, чайир гавдали, ёши эллик бешларга борган бир киши билан гаплашдим. Панжалари темирдай қаттиқ, шу пайтгача фақат қурилишларда ишлаб келган бу кишининг исми Тойир экан.

— Тойир aka, — дейман дабдурустдан қурувчи оғани ҳангуманг қолдириб, — исмингизнинг маъносини биласизми, нима дегани?

— Билмасам, адам қўйганлар, қанақадир күш деганими-еъ...

— Тўппа-тўғри, эски китобларда кўп учрайди, "тойири давлат" дейди, яъниким, давлат қуши дегани, давлат қуши бошига қўнсин, бошидан кетмасин, деган маънода.

Тойир aka бир зум ажабсиниб гапларимга қулоқ тутади, сал жилмайгандек бўлади, сунгра қурувчиларга хос чапанилик билан жавоб беради:

— Билмасам, биз эски китобларни кам ўқиганмиз, — дейди. Бирпас жим туриб, яна: — Мана, бизнинг китоб, — дея кенг майдонни кўрсатади.

Биз тонг дедик, хушхабар дедик. Одамзотнинг кундузги ҳаёти эрта

тонгдан бошланади. Сағар туриш, тонгни қаршилаш халқимизда азал-азалдан хайрли, баракали санаалган. Лайлаклар ҳам тонгда келадилар. Уларнинг бир манзилу маконга келишлари – ўша манзилу маконга файзу барака, тинчлик-осойишталик, бахту иқболнинг келишидан дарак беради. Хушхабарлардай севинчли, хосиятли оқ, оппоқ лайлаклар. Одамзотга нима керак – эл керак, кетар чори фарзандларига қолдириб кетадигани Ватан керак, ор ҳам ғуур керак.

**Ҳар кун умримизнинг бир сафариидир.
Ҳар он кунимизнинг бир гавҳариидир.
Тинчлик, омоналикда отган ҳар бир тонг
Оллоҳнинг бизларга хушхабариидир.**

ВАТАННИЙ АНГЛАШ

Таъбир жоиз бўлса, бинолар ҳам улуғ зотлар мисол, ота-оналару муаллим-устозлар сингари тарбиялайдилар, таълим берадилар. Уларнинг, гарчи тилу забонлари бўлмаса-да, зэгулиқдан сўйлайдилар, инсоний, хайрли амалларнинг рамзи, тимсоллари янглиғ яхшиликларга чорладилар, ибраг кўрсатиб турадилар.

Шу маънода, Мустақиллик майдонининг остонасида ғоя муаллифи, лойиҳа асосчиси мұхтарам Президентимиз ташаббуси билан қад ростлаган яна бир мұхташам маъмурый обида - Эзгулик аркаси ўзининг кўрку салобати, маҳобатию моҳияти билан кишини ҳаяжонга солади. Қалб билан, дил билан ўйласангиз -кўксингизни бир нималар тўлдириб келади.

2005 йилнинг 28 январида кечқурун телевидение орқали "Мустақиллик майдони" ҳужжатли фильмни намойиш этилди. Мамлакатимиз раҳбари Мустақиллик майдонининг қиёфасини тубдан ўзгартириш ҳақида гапирав экан, шундай деди:

"Неча йиллардан бўён кечалари уйқум қочиб шу ҳақда ўйлайман, қандай қилиб бу жойни том маънодаги Мустақиллик майдонига айлантириш мумкин, деб бош қотираман?.."

Эзгулик аркаси ҳам ана шу мақсад йўлидаги изланиш ва интилишлар, меъморий тафаккур маҳсули сифатида пайдо бўлган, десак, хато бўлмас.

2004 йил 16 декабрда Оқсанаройда давлатимиз раҳбари Бosh майдондаги иншоотлар лойиҳалари билан танишар экан, бу ерда барпо этилиши кўзда тутилган Эзгулик аркаси лойиҳасига алоҳида зътибор қаратди. Биз у кишининг арканинг ҳар бир устуни, равоқи, пештоқи тасвирини қайта-қайта чизиб кўрсатганига гувоҳ бўлдик.

"Мамлакатимизнинг Сурхондарё ва Қашқадарё каби жанубий вилоятлари, Зарафшон воқаси ёки Фарғона водийси бўладими, Тошкент ва Сирдарё, у ёқда Аму миңтақаси бўладими - бутун Ватанимизга, унинг бугунги ва эртанги тараққиётига, таъбир жоиз бўлса, айнан Бosh майдонимиздан туриб назар ташланади, холисона баҳо берилади. Шунинг учун ҳам бу маскан ҳақли равища халқимизнинг ғуур-ифтихори тимсолига айланниб кетган."

Мустақиллик майдони.

Илгари зулм ва истибоддининг макони бўлган, маҳаллий халқни қўрқитиши, одамлар қалбига вахима, таҳдид-таҳлика солиши учун танклар, ракеталар ўрмалаган, мустабид тузумнинг мустамлакачилик сиёсатини намойиш этиб, дабдабали ҳарбий парадлар ўтказилган жойлар.

Эндилиқда - ғуур-ифтихоримиз тимсолига айланган табаррук ва муқаддас майдон. Уртада – Мустақиллик тимсоли, бир томони – яқиндагина қурилган, истиқдол йилларининг кўркам кошонаси – оқ-оппоқ Сенат биноси, у ёғи ҳам, бу ёғи ҳам узунасига сўлим ва фусун-

кор боғ кетган, яна бир томони – "Хотира майдони", тоза ва зумрад кўжаламзорлар, текис ва равон йўлаклар. Фавворалар азиз ва қадрдан бу масканга хушҳаво, салқин иқлим бағишилаб турибдилар.

Маълумки, "арк", "арка" - катта салтанатларга дахлдор қадимий атама, меъморий тушунча. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ёзилишича "Арка" сўзи меъморий нуқтаи назардан, тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза ёки шундай дарвоза шаклидаги ҳашаматли иншоот деган маъно англатади. Одатда бу каби улуғвор иншоотлар тарихий воқеалар, зафарли юришлар ва ғалабалар шарафига бунёд этилади.

Шу ўринда Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўзи бош бўлиб, бунёд этган Арки Олийни эслаш жоиздир. "Бобурнома"да айтилишича, "Самарқанд аркида Темурбек бир улур кўшк солибтур, тўрт ошёнлик. Кўксаройга мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур. Яна пуштаи Кўҳқакнинг доманасига гарб сари бое солибтур. Бояи Майдонга мавсум. Бу боянинг ўртасига бир олий иморат қилибтур. Чилсунг дерлар..." Минг афсуски, Арки Олий XIX асрда мустамлакачилар томонидан бузиб ташланган.

Бухоро арки эса IX асрдан бошлаб XIII асргача бир неча маротаба қайта қурилган. XV асрда яна бир карра тикланган арк XVII асрда – Аштархонийлар даврида ва XIX аср охири, XX аср бошларида – Манғитлар даврида тубдан қайта бунёд этилган. Арк деворларининг тела қисми кунгурадор бўлган.

Наполеон даврида Париж шаҳрида Зафар дарвозаси бунёд этилган. Суриядаги Палмира Катта колоннадаси икки томонлама монументал дарвоза ва уч қисмли равокдан иборат бўлган. Ҳозир унинг айrim қисмларигина сақланиб қолган, холос.

Арк сўзининг, лотинчада ёй, арабчада қавс, ўзимиэда бўсаға, останова, ўрда, қалъя, дарвоза, даргоҳ сингари маънолари бор экан. Яна "Аркони давлат" деган ибора ҳам ишлатилади. "Аркон"нинг ўзаги "руқн", яъни, устун, таянч - давлат устунлари, таянчлари маъносини беради. Шундан келиб чиқсан ҳолда, айтиш мумкинки, бу муҳташам иншоотта Президент томонидан Эзгулик аркаси деб ном бериш ҳақидаги таклиф кўпчиликнинг кўнглидаги айни муддао бўлди. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари ҳам рамзий мазмунга эга, улар мустақил мамлакатимизнинг бакувват ва пойдор устунлари тимсолидир.

Нозик кузатувлар, чуқур-пухта ўйланган, сиёsat нуқтаи назаридан ҳам, маънавият, ҳаёт-турмуш тушунчалари бўйича ҳам - ҳар томонлама яхлит асосланган рамзлар, тимсоллар.

Юқорида тилга олинган ўша кўрсатувда арка лойиҳаси билан танишар экан, Президент унинг юқори қисмига ўрнатиладиган лайлак ва турналар шакллари ҳақида тўхталиб, лайлаклар сокин осудалик, турналар эса парвоз ҳолатини акс эттириб туриши лозимлигини таъкидаган эди.

«Турналар - Ўзбекистоннинг рамзи, қанотини қоқиб, парвозга тайёр бўлиб турган, юксакка кўтарилаётган мамлакатимиз тимсоли. Лайлаклар эса – тинчлик белгисидир. Улар оппоқ рангда бўлиши, шакли бир оёқда турган ҳолатда ишланиши керак. Яъни, лайлаклар битта оёқда турса, ишончи бўлар эканки, атрофида ҳеч нарса уни қўрқитмайди, ҳеч қандай ҳавф-хатар унга таҳдид солмайди».

Айни пайтда, бу рамзий тимсол мамлакат тинчлигини, эл-улус тинчлик-осойишталиқда ҳаёт кечираёттанини англатади.

Эзгулик аркаси – узунилиги 150 метр, икки томони ўн, ўрта пештоқ қисми ўн икки метр баландликка эга, яна қатор кетган ўн олтига оқ мармар устунлардан иборат бўлган бу муazzам меъморий мўъжизадан беихтиёр ҳайратта тушасиз. Арканинг юқори қисмida, ўртада – пештоқ устида ўрнатилган мўъжаз Ер шари узра уч нафар турнанинг парвозга шайланиб турган ҳолати айланма шаклда ўз рамзий ифодасини

топган. Беҳад жозибали, бағоят ҳаяжонли тимсоллар. Олижаноб мақсаднинг санъатга, нафосатта айланган шакли.

Эзгулик аркаси остонасидан то Мустақиллик монументига қадар - икки ёни қизил маъдантош кошиндан, ўртаси узун оқ пояндоз йўлак барпо этилган. Ёш йигит-қизлар никоҳ шодиёнарида шу йўлақдан юриб борадилар - оқ пояндоз гўёки уларнинг ҳаёт йўли андозасидай, умр йўллари оқ-ойдин бўлишига тилак билдириб, далолат қилиб тургандек.

Никоҳ аввал осмонларда, илоҳ томонидан қайд этилгандан кейингина ерга тушади, дейилади. Табаррук бўсағадан ўтиб, қутлуғ ва муборак пояндоз узра қадам ташлаб бораётган фарзандлар қалбида шундай кунларга еткизгани учун Яратганга шукроналар, илоҳий туйфулар жўш уриши табиий.

Ўша кўрсатувда Юртбошимиз, бу майдон нафақат сиёсий, балки илоҳий бир масканга айланишини истардим, дер экан, минг-минглаб ватандошларимиз дилидаги ҳис-туйғуларни ифода этган эди.

ТУРНАЛАР БАЛАНД ҲИДДИ

Эзгулик аркаси бу - шунчаки, оддий иншоот ёки байрам муносабати билан топширилган навбатдаги қурилиш объекти эмас. Унинг Мустақиллик монументи рўпарасида ўрнатилишидан бошлаб, шаклшамойили, безакларию кошинлари, устунларидан тортиб пойдевору пештоқларигача, рангию равоқларига қадар - ҳамма-ҳаммасининг рамзий, тимсолий маънолари бор.

Орзу-ҳавас. Ҳар қайси ота-онанинг бу ҳаётдаги орзу-ҳаваси - фарзандли бўлиш, унинг бахту иқболини кўриш. Катта ҳаёт ҳам, аслида, кичик-кичик оиласардан, улуғ элнинг бахт-толеи ҳам ёш оиласарининг саодатидан бошланади.

Ёш келин-куёвлар янги ҳаёт бошлар эканлар, илк қадамларини шу бўсағадан - Эзгулик остонасидан ташласалар, Эзгулик дарвозасидан ўтиб, эзгу ниятлар билан турмуш қурсалар, турналар уларнинг бошлари узра жавлон уриб, рақс тушиб турсалар, умрларига оқлик, поклик тилаб, тинчлик ва осойишларига тимсол бўлиб икки елкаларида тургандайин, оналарнинг оқ фотиҳалари янглиғ оқ лайлаклар оқ йўл тилаб қолса... бу ҳаяжонли лаҳзалар, севинч дамлари бир умр ёдда қолмайдими, кўнгиллар шу онларни эслаб бир умр орзиқмайдими?..

Ўзбекистон - қуёш юрти, қуёш диёри. Уйимиз қуёшга қаратиб қурилган, юртимиз - қуёшга қараган юрт. Эзгулик аркаси ҳам қуёшга томон, қуёшга қаратиб қурилган. Қуёш ҳар тонг заррин нурларини аввал турналар, лайлакларга узатади, сўнгра оқ устунлардан аста таралиб тушиб, остоная бош қўяди. Эзгулик дарвозасидан кириб бораёттан Эзгулик қуёши.

Турналар баланд учадилар. Улар юртимизга кўклам нафасини олиб келадилар, бахт ва сурур, софлик ва ёшлиқ келтирадилар.

Сал нарироқда, "Хотира майдони"нинг зарварақларида ўзбекнинг бўстонидан айрилган 450 минг лоласи - 450 минг боласи, 450 минг қайтмаган турнасининг номлари мангуга ёзиб қўйилган. 450 минг ном - 450 минг бонг.

Беихтиёр, Догистон халқ шоири Расул Ҳамзатовнинг армонли сатрлари ёдга келади:

*Менга шуюлар гоҳ: ботир ўғлонлар –
Жангларда жонини фидолар этган,
Асло ўлган эмас – жанг майдонидан
Оппоқ турналарга айланаб кетган.*

Турналар баланд учадилар.

Лайлаклар тонг саҳарда келадилар.

Турнага ҳам, лайлакка ҳам тажовуз қилиб бўлмайди, уларга тош отиш, чўчиши мумкин эмас. Табиатнинг ҳам, Яратганинг ҳам бу мўъжизавий қушлари эркинликни яхши кўради, озод самоларда парвоз этишини, озод манзилларда макон қуришни ёқтиради. Озод Ватанимизнинг Озодлик майдонида Эзгулик дарвозаси узра турналар, лайлакларнинг қад ростлаб туриши, Юртбошимиз айтганларидек, иншоolloҳ, шарафли ишларимизга ёр бўлгай, элу юртимизга файзу фарорат келтиргай.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги қурилиш, таъмиглаш ва ободончилик ишлари, аввало, мамлакатнинг моддий-иктисодий салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораётганини, чеккан заҳматларимиз, қилган меҳнатларимиз ўз самарасини бераётганини кўрсатиб турибди. Янги давлат, янги ҳаёт қуришнинг пойдевори бўлмиш бу иктисодий асослар ўз навбатида эл-улуснинг моддий-маиший фаронлиги ортиб боришига ҳам хизмат қўлмоқда.

Биз — бир замонлар эришиб бўлмасдай туюлган, лекин, айни, пайдада кўз ўнгимизда ҳар соат, ҳар кун содир бўлаётган бу оддий ҳақиқатларни англаб, тушуниб бормоқдамиз. Тушунганимиз сайин эса она Ватанини, истиқдол моҳиятини янада кенгроқ, теранроқ, англаётирмиз.

«БУЮК КИТОБ НШЛАЁТУР»

Халқда ажиг нақл бор: ҳар қандай узоқ йўл ҳам биринчи қадамдан бошланади. Амир Темур бобонинг: “Ҳар қандай баланд минора ҳам ердан, биринчи гиштдан бошланади”, деган ҳикматлари бу сўзлар билан нақадар ҳамоҳанг.

“Янги уй қурмай шуриб, эскисини бузманг”, деган чуқур ҳаётий маънога эга сўзларнинг айтилганига ҳам, мана, ўн икки йил бўлиби. Ўшанда туғилган чақалоқлар бугунга келиб ўн икки ёшга тўлди. Оиласа ўғил туғилиши билан ота унинг келажаги учун қайгура бошлайди. Бўлажак иморатга деб яхши ниятлар билан терак, тол қаламчаларини қаторлаштириб ерга қадайди, кўчат экади, ниҳол ўтқазади.

Улуғ, катта юрт, Ватан ҳам худди шундай.

“Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишишимиз керак”. Юртбошимизнинг бу сўзларида мустақил Ватанинг ёруғ истиқболи учун камарбаста бўлиш, фидойилик даъвати мужассам.

Камтарин, камсуқум қурувчи Тойир ака сухбат асносида ўзи билмаган, англамаган ҳолда ажиг бир ташбех-тимсолни ишлатди. У киши, “Менинг китобим”, деб Мустақиллик майдонини кўрсатди. Соҳибқирон бобонинг ҳикматларини ҳозирги замон — бугунги кунимизга, шу мўътабар майдонга қиёс этадиган бўлсак, айтиш жоизки, ҳар қандай улкан китоб ҳам биринчи саҳифадан бошланади.

Истиқолимиз — Буюк китобимизнинг муҳташам, залворли зарвараги, биринчи саҳифаси — Мустақиллик майдони. Ҳуррият йилларининг барча нашидасию қувончларини, жозибаю тароватини кўрган, завқу шодикларимиз, фахру фуруримизни оламга намоён этган, 1999 йил февраль воқеаларининг тажовузи, доро ҳасратини ҳам бошидан кечирган мустақкам, метин саҳифа.

Бу - биргина Тойир аканинг эмас, у кишига ўхшаган миллион-миллион ўзбекларнинг, уларнинг ўғил-қизлари, шу ўғил-қизларнинг иқбали ва истиқболининг азиз, муқаддас мажмуаси, яна қанчадан-канча келажак авлодларнинг табаррук, тўзимас китоби.

Ватан бир кундаёқ бунёд этилмайди, Ватан ўз-ўзидан Ватан бўлмайди. Бунинг учун юрт эгасидан тортиб, деҳқону талабагача, боғондан

то шоири шофёргача, не-не улуг зотлару яна неча-неча авлодларнинг, бир юрт, бир элнинг тамоми орзу-ниятлари, мақсад-муддаолари, меҳнати, интилиш ва ҳаракатлари, бедор, беҳаловат юраклар керак бўлади.

Бугунги Ватанимиз, мустақил она диёримиз худди шундай — уриб турган, беором ва уйғоқ улкан қалбга ўхшайди.

Устоз Абдулла Орипов таърифлагандек, биз она Ватанимизнинг буюк китоби — бугуни ва келажагини бунёд этаётимиз.

*Ҳа, бу китоб ишлар мангу,
Чунки ҳақни пешлаётир,
Мисли Темур тузуги бу,
Буюк китоб ишлаётир.
Озод юртнинг метин сафин
Жумла жаҳон хушлаётир,
Кутлаб сиздек муаллифин
Буюк китоб ишлаётир.*

МАЙДОННИНГ ӘФАСИ

Майдон — доимо бедор, у — ухламайди, кечаси ҳам, кундузи ҳам уйғоқ, бардам, баркамол вужуд мисол тўлиб-тошиб нафас оляпти, яшаяпти. Қадам боссангиз — кўнгил жимиirlайди, рух ва жисмингизни ҳаяжон қоплади. Бунда фуур бор, шаъну шавкат, ифтихор бор. Бунда элу юртнинг орзу-мақсадлари муқаддас тимсолларга айланган.

Президентимиз ташаббуси билан янги йил арафасида бу ерда яна бир табаррук рамз — она ва бола сиймоси акс эттирилган ҳайкал ўрнатилди. Сиёсий-ижтимоий жиҳатдан тўқис ва тутгал майдон Мустақиллик монументи пойида Бахтиёр она сиймоси пайдо бўлиши билан мушфиқ, ва меҳрибон бир қиёфа касб этди, мазмун ва моҳияти янада мукаммаллашди.

Кейин, Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 3 февралдаги қарорига биноан, "Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти-мизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғуурор ва ифтихор, ватанпарварлик туйгуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида" бир қатор ташкилотлар, кенг жамоатчиликнинг Мустақиллик майдонида бунёд этилган, ўзида Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам эттан янги мажмуага **Мустақиллик ва эзгулик монументи** деб ном берилди.

Мазкур қарор билан умумхалқ байрамлари, давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомил мақомини олди.

Биргина тимсол, биргина рамз. Болани севадиган миллатнинг, оилас-парвар ўзбекнинг, хонадонининг хотиржамлигини, элу юртнинг тинчлиги, осойишталигини доимо ардоқлайдиган ўзбекнинг тимсоли, инсоний муддаоларимизнинг мунис рамзи, ифодаси.

"Хотира майдони"да — мотамсаро она ҳайкали, бу ерда-бахтиёр она сиймоси. Ҳар икки ҳолатда — икки улуг рамзларда улуг ҳикматлар яширин.

Биз порлоқ, мунаввар бу дийдорлашув учун қанча жафоларни бошдан кечирмадик, қанча айрилиқлару, не-не ранжу аламларни кўрмадик, не азобли йўллардан ўтиб келмадик. Чеккан заҳматларимиз зое кетмаётганининг, дўсту душманли дунёда, қийинчилик, машаққатларга қарамай ўз йўлимиздан қатъий қадамлар билан бораётганимизнинг ҳам исботидир бу тимсоллар.

Қадам боссангиз — кўнгил жимиirlайди бунда, яқинлашганингиз

сайин рух ва жисмингизни ҳаяжон қоплайди. Орзиқасиз, севинасиз. Болакайларни ҳам, устоз, оқсоқол оқинларни ҳам бирдек түлқинлантирган бетимсол тимсоллар:

*Майдон мафтун этди кўпларни ғоят,
Бу жойда айтилди ҳанча ривоят.
Бир кун она-бала кириб келдию
Майдон эгасини шотди ниҳоят.*

ТӨШКЕНТДАН ТӨКИОГА ҚАДАР

Ҳар кун — тонг саҳардан то кечга қадар майдонга келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. Мактаб ўкувчилари, талабалар, хорижий сайёхлар, онахонлару отахонлар, севишганлар — ҳар хил касб, ҳар хил соҳадаги одамларни учратиш мумкин. Ҳар бирининг ўзига яраша ташвиш ва юмушлари бор. Лекин бу ерга келганда — кайфият ва ҳолатлари, завку ҳаяжонлари бир хил.

Алпқомат ўғиллари, неваралари билан айланиб юрган Мадирим бобо асли урганчлик экан. Саксон беш яшар соглом, бақувват бу оқсоқол 1958 йилдан буён бирор марта ҳам Тошкентта келмаган экан. Лекин бобонинг Мустақилик майдонини кезиб-кўриб, юз-кўзларида балқан қувончу ҳаяжони ёнидаги Қадамбой отлиғ ўн беш яшар неварасиникидан сира ҳам кам эмас эди.

Командирлари билан айланиб юрган аскар йигитларнинг кайфияти ўзгача. Улар яхши хизмат эвазига шаҳарни сайд қилиб келиш мукофоти билан сийланганларидан мамнун. Беш аскардан уч нафарининг исми Шавкат экан. Бойсун, Марғилон, Элликқалъадан, яна Самарқанд, Қаршидан хизматта чақирилган болалар. Темурбек, бошқа бирорининг исми — Озодбек. Исмлари ҳам қадду қоматларига ғоят ярашган ҳарбий кийимлари каби рамзий, тимсолий. Улуғ боболарига ўхшаб озод ва шавкатли бўлиб юрсин, шаъну шавкат келтирсин, деган яхши ниятлар билан қўйилган.

Аждодлар ва авлодлар.

Бу йигитлар ҳеч қачон керилмайди. "Бизлар шавкат келтираяпмиз", деган гапларни икки дунёда ҳам гапирмайди. Лекин ичларида, дилларида эгарланган отлар, тулпорлар бор. Буни биз ғуур деймиз, ор-номус деб атаймиз.

Тошкентдан Токиога қадар, сўраб кўринг — билишади буни. Ҳазрат Алишер Навоийга эъзоз-эҳтиром кўрсатиб, ул зотга ёдгорлик ўрнатган кунчиқар мамлакат элининг қалbidаги эзгулик билан бизнинг қалбимиздаги эзгулик ўртасида қандай фарқ бор? Эзгуликнинг миллати, злати бўлмайди — бани башар буни бирдек англайди, қадрлайди.

Бир япон бобо, эгнида ўзбекча чопон, бошида ўзбек дўпписи, худди ўзимизнинг Жовлимурод бувага ўхшаб қолган япон археологи — мұхтарам Като бобо нима дейди?

— Мен неча йиллардан буён ўзбек тупроғида, Термиздаги кўхна қалъалар орасида, биласизми, нимани излаяпман? Ҳалқимнинг, Ватанининг тарихини, шаъну шавкатини қидирайпман. Мен ер остидан мўъжизалар топсан, сизлар ер устида — ўз Ватанингизда мўъжизалар кураяпсизлар. Сизнинг тупроғингиз — мўъжизавий тупроқ...

Беихтиёр ўйлаб кетаман: Като бобо қаҳвасини ичиб, хушҳаво ва сўлим япон ороли соҳилида қарилек гаштини суриб ўтиrsa ҳам бўларди-ку? Уни бу қумтепалар қаърида чанг-тупроққа беланиб, японча ҳаётнинг бор роҳату фароратидан кечиб яшамоққа нима мажбур қилди экан?

Ўша ор-номус, ўша Ватан туйгуси, яна ўша ғурур ва шаъну шавкат. Инсонга инсонлик ҳуқуқи ва шарафини берадиган ўлмас туйгулар.

• • •

Кунлар, ойлар ўтади, фасллар такрор-такрор алмашиниб, ҳаётга, тирикликка рангу ифорлар таратиб кетади.

Эзгу мақсадлар, яхши ниятларнинг рўёбга чиқмоғи бор.

Келажак уфқларига умид тўшаётган темир йўлларимиз, орзу-мақсадларимизнинг соҳиҳларини бирлаштираётган кўпприкларимиз. Буғдойи дехқон қўлларидан тус олган тупрок, табаррук замин.

Янги-янги йиллар келади.

Тойчоқларнинг тулпорларга, полапонларнинг сор бургутларга айланмоги рост.

"Уйинг тинч - юртинг тинч", деган ҳикматни тескарисига ўтириб ўқинг-чи. Ҳар икки ҳолатда ҳам мазмун ўзгармайди. Бизнинг миллатда уй билан юрт, юрт билан уй - бир яхлит тушунча: жону тан мисол, жисму жон янглиғ.

Бугун бу уйнинг муаззам остонасига муаззам тимсоллар қўйилди. Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи бунёд этилди.

Соҳибқиён Амир Темур бобомиз ўз вақтида кўчаларни кенгайтириб, Арки Олий барпо этгани ҳақида сўз юритар экан, буарни ўз кўзи билан кўрган испан элчиси Клавихо: "Қарийб йигирма кун ичидан шундай улуғвор ишлар амалга оширилдики, чиндан ҳам бу ҳайратомуздир", деб ёзади.

Жадал суръатларда Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи бунёд этилиши, Эски шаҳардаги, бутун мамлакатдаги Милий боғдаги, Самар-қанд, Қарши, Термиз, Марғилон, Нукус шаҳарларидаги бекиёс ўзгаришларга, агар Клавихо тирик бўлганда, бугун ҳам худди шундай деган бўларди.

Янги-янги йиллар, янги-янги авлодлар келадилар.

Ҳаёт борининг гул-чечакларидаи, тириклик бўстонининг навниҳоллари мисол қоракўз, қорақош болакайлару қизалоқлар бу остонаядан Ватан дарсини оладилар, ифтихорга, ғууррга тўлиб, юрт тарихини ўрганидилар, Ватанин англайдилар.

Ва шунда, улар оғир ва машаққатли йилларда, синов ва қийинчиликларни матонат билан енгигиб, ота маконимиз, муқаддас диёrimiz - азиз ва жонажон Ўзбекистон келажагини ўз қўллари билан яратган фидойи инсонларнинг номларини, албатта, миннатдорлик билан ёдга оладилар.

*Яратган бекорга қарам қилмаган,
Отам, онамдайин қуёшим, ойим.
Чингиз, Ботуларга қарам бўлмаган
Бу ҳалқ - меникидир, шутилган жойим,
Етти пуштим шунда, ташвишим, тўйим,
Бу - сенинг уйингидир, бу - менинг уйим.*

*Токи, бу тупроқда қолгай изларинг,
Ору номусинг ҳам жисминг тан-батан.
Талпиниб келгувчи ўғил-қизларинг,
Энг азиз, энг порлоқ остонаянг - Ватан.
Сенинг ёруғ юзинг, менинг - ранг-рўйим,
Бу - сенинг уйингидир, бу - менинг уйим.*



НАЗМ



Абдусаид Күчимов

АБДУСАИД КҮЧИМ
ДАРВОЗАМНИҢ МУҲАББАТЫ

Мұхаббат рухи

Хар күн чақмоқ, момақалдиrok
Ойналарни шақыллатади.
Зарда билан кимдир "тақ-тақ-тақ"
Дарвозамни тақыллатади.

Юғраман ҳовлиқиб, шошиб,
Хаәлимда минг битта хаёл.
Ташқаридағазаби тошиб
Қақшаб турар аламнок шамол.

Эшикларни ёламан аста,
Чүзиламан түшакка дилгир.
Фурсат үтмай bemажол, хаста
Деразани чертади кимдир.

Сочларимни силайди еллар,
Деразамни очган замоним.
Аммо, бўум-бўш, кимсасиз йўллар,
Булут ўрар қибла томонни.

Кишу ёз шу, ҳар куни шу ҳол —
Ором бермас бир беором рух.
Чақмоқ бўлиб, гоҳ бўлиб шамол
Фарёд урар ғамбода андух.

Биламанки, будардли азоб
Азоб берар сенга ҳам ҳар кун.
Шамол увлар вахший, дарғазаб,
Чақмоқ чакнар дилзада, дилхун.

Менга аён, сенга ҳам аён
Бекаловат рухнинг ғамлари.
Тўлиб-тўлиб йиглайсан гирён
Қалдиrok "Оҳ!" урган дамлари.

Маҳшаргача санчади тикан
Жонимизга энди шур қисмат.
Иккимизнинг айбимиз билан
Етим қолган баҳтсиз мұхаббат.

Кувлашмачоқ

Эсингдами олмазор боғда
Кувлашмачоқ ўйнаган дамлар?
Чаққонликда бутун қишлоқда
Топилмасди сендеқ илдамлар.

Оҳу мисол турсанг-да чўчиб,
(Мен ноилож, ҳайрон қолардим.)
Борар эдинг маррага учиб,
Мен йўл ярмига етмай толардим.

Үтди қанча баҳор, қанча күз,
Изларингдан қуваман ҳамон.
Етолмайин доғдаман ҳануз,
Хануз етолмайин доғдаман.

Қарашибарынг

Нечун бўлдим маҳлиё – мафтун
Кўзларингнинг банди – асири.
Бу аланга, бу олов тўлқин
Олиб кетар мени охири.

Манглайи шўр парвоналарнинг
Такдиридан олмайин сабоқ,
Таллинаман девоналардай
Куйдирса ҳам шу ўт, шу чақмоқ.

Чўғга кўнган қорли учкундай
Зарра – зарра сув бўлар жоним.
Не – не диллар сенга туткунтир
Эй мингларнинг ширин армони!

Яркираган нигоҳларингда
Икки дарё оқар шаркираб.
Хаёт гувоҳ гуноҳларингга,
Қанчаларни қилиб кетдинг гарқ?!

Жодуларинг қанча жонларни
Тегирмондай янчиб ташлади.
Гўзал умид, ҳаяжонларни
Тигларига санчиб ташлади.

Бунча узун қиши оқшомлари,
Саҳарлари сахродай гариб?
Изгиринли сўқир шомлари
Нажот излар титраб, титраниб-
Тонглар, шомлар ночор, телбавор
Хайқиради:
— Қайдасан, баҳор?

Чинни-ҳарир кўрпани ёлиб
Тўнглаб ётар сарховузда сув.
Тушларида баргаклар тақиб
Юзин силар мажнунтол-сулув-
Муз остида чашмаи зилол
Хайқиради:
— Қайдасан, баҳор?

Увишганми отлар туёги,
Маърамайди эчкилар, қўйлар.
Кумуш қишининг кумуш байроғин
Бошлирига кўтарган уйлар-
Бекаловат, беором, бедор
Хайқиради:
— Қайдасан, баҳор?

Шамолдай уч, қайда бўлсанг ҳам,
Эриб битсин қорли тўзонлар.
Үнгирларда яшнасин кўклам,
Сумалакка тўлсин қозонлар-
Маст айласин юртни ифоринг
Келақолгин, дилбар-баҳорим!

Дош беролмай қарашибарынгга
Юм-юм йиглар шайдо буулутлар.
Ўзларини қоя-тошларга
Ўқдай урар ошиқ бургутлар.

Барчасига гувоҳман, бироқ,
Уннутмоққа етмайди кучим.
Мажнун жоним – ожиз шамчироқ
Ўз-ўзимдан оламан ўним.

Киприкларинг майли бўлсин дор,
Сиртмоқ бўлсин қаттол қарошинг.
Оёқларинг остида хор – зор
Чангга ботиб ётсин бу бошим.

Бир қатра жон қолса жонимда –
Жонгинангга нурдай кўнгайман.
Уйғонурман, бир кун қонингда –
Алвон лола бўлиб унгайман.

Нима қилай, шу бўлса қисмат,
Кўзларингда бор умид, аҳдим,
Дилбар хаёл, беадоқ ҳасрат –
Қизғалдоқдай гулларми баҳтим?!.

Софинч

Томогидан тарнов-дорларга
Сумалаклар осилган қатор.
Киприги муз чорчинорларга
Хазин, эзгин термулган ҳилол-
Кўзларида соғинчли савол
Хайқиради:
— Қайдасан, баҳор?

Хайриятки, йил-ўн икки ой
Қаҳратон қиши яккаш хукмрон,
Музликлардан қидирмадим жой,
Музликларда топмадим макон-
“Шукур” дея тақрор ва тақрор
Хайқираман:
— Қайдасан, баҳор?

Ердамисан, осмондамисан,
Кийдамисан, достондамисан,
Йўлдами ё макондамисан,
Жаннат отлик бўстондамисан-
Сенга интиқ ҷархи қажрафтор,
Кайлардасан,
Кайдасан, баҳор?

Рўмолча

Эски жомадоним титкилай туриб,
Тошдай қотиб қолдим бесўз, бемажол.
Хаёлни шамолдай кетди учирив,
Сўнгги эсдалигинг — ипак дастрўмол.

Рўмолча атрофи типларанг баргак,
Тўртта бурчагида тўртта атиргул.
Уртасида ханжар санчилган юрак
Ва... митти кўзлари жиқقا ёш булбул.

Орадан ўтса ҳам қанча баҳор, қиши,
Совғангга синчиклаб солмабман назар.
Не учун, не боис, йиглаётир қуш,
Не сабаб юракка санчилган ханжар?

Сенга аёнмиди севги қисмати,
Булар фолингмиди, кароматмиди?
Мехрми, сеҳрми, нафрат нусрати
Тақдирга масхара, маломатмиди?..

Қарасам... қўлларим кетмоқда титраб,
Олис-олисларда кезар хаёлим.
Сен боқиб турибсан сойга жовдираб,
Бошингда ҳилпирап шоҳи рўмолинг.

— Үқишига кирсангиз... албатта, кириңг,
Шаҳарда кўп эмиш чиройли қизлар.
Илтимос, илтимос қарамай туринг,
Илтимос, қарамай турсин юлдузлар.

Кўзларим юмаман мўъжиза кутиб,
Кўзларин юмишар миллиён юлдузлар.
Ипак рўмолчани қўлимга тутиб,
Чоласан, изингдан қувади излар.

Гўё оёқларим чимзорга ботган,
Чолиб-чополмайман, синган парвозим.
Бир парча тошдай муз бўғзимда қотган,
Ҳайқирай дейману чиқмас овозим.

Мен — Отелло эмас, сен — Дездемона,
Ғанимлик қилган йўқ бизга Яголар.
Мен ёш Мажнун эдим — ошиқ девона,
Сендеқ севмас балки Лайли — Лайлолар.

Аммо шаҳарлигин кўрсатди шаҳар,
Кишлоқ ҳам ўзини кўрсатди дарров.
Дилни мафтун қилди гўзал бир дилбар,
Сенинг қучоғингни тўлдириди куёв.

...Ипак дастрўмолни ўпаман аста,
Оҳиста эгилар паришон бошим.
Оғир ўйларимга гўё пайваста
Рўмолча юзига томар кўз ёшим.

Жажжи қизларимнинг шалоладай шўх,
Шодон кулгулари бузар хаёлим.
Фараҳбахш баҳтига қилгандаи қуллук,
Болаларни ўпиди, койир аёлим...



Зебо Мирзо

БОЯДИМДАР МАЖАХИРИН СОНУ
Назар Абдурасул

Ватан

Эҳтимол, ўлдирап бу куни кўрлар,
Томирингда олов қонинг бўламан.
Жонбахш қучогингга жимгина сингган
Бир ҳалол курбонинг бўламан.

Отамдай рози бўл,
Онамдай севгин,
Мен ҳам сеникиман, ўксик қизингман.
Бағрингда минг йиллик тошлар тўсигин
Ёриб чиқаётган бир илдизингман!

Ҳайқирамадим пасту баландда туриб
Аммо тола нурдек ўтаркан ёдим,
Кўкка олиб учар озод руҳимни
Қўксимни қиличдай кесган фарёдим!..

Яшайман энг сўнгсиз дардларинг билан,
Ҳеч ким юрагимга бўлолмас қози.
Ҳали мудраб ётган дунёларингни
Уйғотиб учади руҳим овози!

Мен кимман?
Ғамингга ғамдош бўлмасам,
Оғримасам ёруғ қийнокларингдан?
Бошига осмонни кўтарган тоғдек
Ўсиб чиқолмасам тупрокларингдан.

Узоқ-узоқларга қараб англадим:
Қайданман, қаёнман ва кимникиман?
Кўнглимники эдим ва бир кун билдим,
Ундан ҳам олдинроқ Раббимникиман.

Хўкм эт, шаҳидинг бўлмоғим учун
Жаннат боғларини ташлаб келурман.
Чорласанг, ортимдан бутун бир ҳалқни
Хисор тоғларидек бошлаб келурман.

Севмасанг ҳам қаттиқ севавераман,
Чидайман хорларнинг таъна тошига,
Шунчаки ўлмайман,
Шунча ишқ билан
Кўтариб ўлурман сени бошимга!

Бир оз кўнглимники бўлдим-ўксиган,
Раббимники эдим, шубҳасиз, бироқ,
Борим-йўғим билан сенини эдим,
Сенини бўлурман, эй она тупроқ!..

Эй менинг умримни барбод қилган ишқ,
Балки изингиздан хазондек ўтдим.
Вужудга оташлар туташган чокда,
Аланга лабларда жонимни тутдим.

Мен бир гул эдим-ку,
Сизга аталган,
Кўзингиз қаҳрида тиғлар отдингиз.
Мен-ку ўздан кечиб сизни топгандим,
Сиз мени йўқотиб,
нима топдингиз?

Оғринманг,
сизни деб оғриндим, синдим...
Йигладим,
Исмингиз айтиб йикилсан...
Тўкилмасмикансиз...
Кўрқаман энди,
Оёклар остига бир-бир тўкилсан...

Эй менинг умримни бунёд қилган ишқ!...

* * *

Юрагимда йиглаётган ким?
Оқиб кирап маъюс товуши...
Кўзларимни кесиб юборар
Куриётган гулларнинг туши...
Сени жуда аччиқ йиглатдим.
Лаънат тошин отдинг тонггача...
Ёпилмади осмон эшиги,
Юриб чиқдим...
Ўздан тонганча!
Нима қилай,
Ерга сигмасам,
Имконингга сигмасам, нетай?..
Деразалар ортидан энди
Адашган тун руҳидай ўттай?
Мен саркашни қандай ёндиридинг?
Ўчиролмай

Ўзим саргардон,
Севиб — ўлдинг,
Севмай — ўлдиридинг,
Яна мендан сўрайсанми жон?
Ўчид кетгим келар ёдингдан,
Пайдо бўлмоқ учун қаршиングда.
Нигоҳимиз учрашармиди
Яна бир бор
Кўнгил аршингда?
Сен кимларга очасан дилни,
Дунёларни ёлиб юзимга?
О, мен телба қандай ишондим
Қайтасан деб яна ўзимга?
Юрагингда йиглаётган ким?
У — менмасми,
Менинг ёлғизим?..

* * *

Нима эди нигоҳингдаги?
Бунча кутдим,
Бунчалар шошдим?
Ишқ нурими ё тун сояси?
Гул эдими деб адашдим...

Самолардан тушиб келгандим...
Гул умримни нур каби тўшаб.
Айт,
Осмоний қанотим билан
Кетмадимми риёга ўхшаб?

Отгим келди қанотларимни
Юлдузларни сочиб бошингдан.
Малак эдим ва ёки шарпа,
Аёл бўлгим келди қошингда!

Бузиб кўхна чарх дарвозасин
Билгим келди таъқиқ ғамини.
Качонлардир жаннат олмасин
Лабларингда қолган таъмини!

Кўзларингда бир сир бор эди,
Мен шу сирнинг асири эдим.
Балки само салтанатининг
Узи билмас бир сир эдим.

Асраганинг менга тиғмиди,
Юрагимга кетмоқда ботиб?
Кўзларингни бир кўргим келди,
Тошлар узра йиқилаётуб...
Нима эди нигоҳингдаги?..

Бошимдан мұхаббат нурларини соч,
Қонимда сезайин аланга күчин.
Оллоқ бизни берган ёруғ дунёга
Севилмоклик учун,
Севмоқлик учун...

Бармоғим учида — осмон эшигин
Очиб
күрсатаман мұқаддас қўкни!
Агар ишонмаса,
ҳамма ўқисин:
«Бизнинг ёрлигимиз Худонинг хукми!»

Мен-балки Ҳаввоман,
Сен — Одам Ато,
Жаннат боғларидан тушганим ҳақдир.
Бизнинг дийдоримиз — энг буюк ато,
Бизнинг дийдоримиз — илоҳий тақдир...

Сир ошкор этганни севмайди Худо,
Сен дилга кулоқ тут,
ўйланмоқ нечун?
Ахир, иккимизга зор эди дунё
Севги нималигин билмоклик учун!..

Толмасимдан токи ўлимни
Куриб қолай биргина лаҳза.
Кетинг,
бунда менинг кўнглимни
Англар фақат учми-тўрт майса...
Бегонасиз менга бутунлай,
Бошим узра сачраб турманг, бас,

Айбингиздан ҳеч хабарим йўқ,
Холимни ҳам кўрсатгим келмас.
Кетинг,
ахир, кўймайсиз нега
Кўзингизда найзалар билан?
Кетинг..
бир пас йиглаб олайин
Сув бўйида майсалар билан...





Наби Жалолиддин

СИДРАТ ВА НИҚОБ

Умар Хайём

Роман¹

Иккинчи қисм
Биринчи боб

1

Султоннинг ажаб бир одати бор эди-кўнгилхушликка чоғланса ҳам ҳарб машварати янглиғ мажлис тузарди. Бу каби йигинлар, айниқса, ҳукмдорнинг хос кишилари, надимларига алоҳида тааллуқли эди. Сарой сари чорланган аъёнлар бирон жиiddий кенгаш бўлмоғига хезланниб, ҳар не сўроққа жавоб ва ечим топмокқа ҳозир келардилар. Улар ҳузури муборакка кириб, султон Маликшоҳнинг қошида Жаъфаракни кўрдилару олампаноҳ дилхушликни ихтиёр этганлигини англалилар ва кўпчиликларининг лабларида ним табассум зоҳир бўлди. Аҳли хос ўз мавқеларига биноан султоннинг икки ёнига тизилдилар. Унинг ўнг ёнида ҳар доимгилик вазири аъзам Низом ул Мулк, амирул фузало Умар Хайём ва бошқалар, сўл ёнида эса муҳтасиб Бадрий, Муҳаммад Такаш, Қазваний ва амирлар амири Арслон Тош бошлиқ амирлар турардилар. Куйироқда бўлса машшоқлар, ҳофизу қасидагўйлар жам эдилар. Султон мулоийим жилмайиш ила аъёнлар таъзимига майл билдириди ва бу билан барчага эътиборли эканлигини англатди. Филҳакиқат, айни дамда, султоннинг юз-кўзидан нур ёғилар, лабидан учайтган ҳар бир сўзда мутойибага майиллик сезиларди. Унинг либоси-бошидаги тоҷдан фарқли ўлароқ дур қадалган салла, юпқа оч яшил қабо, учи қайрилма этиги ҳам кайфиятига бисёр монанд эди. У жамоматта имкон қадар хуш сўзламоққа уринарди.

Султоннинг бу кунги майлини аллақачон пайқаган унинг қизиқчиси Жаъфарак Чучукка, айниқса, Худо берди. Паканагина, жиккак бу

¹Давоми. Боши ўтган сонда.

одам жуда сўзамол эдикি, гап келганда, ўзгалар тугул султоннинг ўзини ҳам аяб ўтирасди ва ҳеч ким унга эътироz билдиrmоққа жазм этолмасди. Албатта, олампаноҳдан ҳайиқардилар, балки Жаъфарак Чучкнинг қисмати султоннинг илкида эканлигини яхши англардилар. Бу аччиқ забон қизиқчи ҳам ўз мақомини тузук билармиди ёхуд аслан шундайин мардона журъат соҳибимиди, атрофдагиларга игна санчишини қўймасди. Унинг "сайдлари" асосан уламою амалдорлар бўлардилар. У бирорни ҳеч аяб ўтирасди. Чамаси, уни онаси шунақа сертикон бир махлуқ этиб дунёга келтирган кўринади. Эҳе-е, унга тиш қайраганлар қанча. Айниқса, унинг сўз пайконига вазири аъзам кўп бор рўбарў келарди. Бироқ вазир унга аччиқ қилишга бир жиҳати султондан ҳайиқар, қолаверса, ўз ожизлигини атрофдагиларга на-мойиш этмоқни ҳам истамасди. Чучук нишонга урганда зоҳирان енгил кулиб қўя қолар, аммо ичини нимадир бирварақай шилиб юборган-дек туюларди. Шунинг учун Низом ул Мулк Жаъфарак гап бошлаганида зириллаб туради. Султон наздида эса қизиқчисининг вазири аъзамга айтаётган гаплари шунчаки мутойиба эди, холос, унга парво қилмоқлик тузук бўлмасди. Устига устак дунёни зир титраттан султон Маликшоҳ ҳам оддий инсон эди. У ҳам оддий бандалар каби гоҳо тушкунликка тушарди, хаёлга бериларди ёки арзимаган нарса учун кимнидир ёмон қўриб, унинг мағлублиги, камчилигини пайқатанда хузурлангандек туюларди. Низом ул Мулкнинг машҳурлиги, эл аро бообрўлиги ва ҳатто, ўзини бош вазир соясида қолиб кетаётгандек ҳис қилиши баъзан султонни изтиробга солар, бу ожизона файрлигиги Жаъфаракнинг вазири аъзамга нисбатан масхараларини таъкиқ этмаганлигига гоҳо сездирив ҳам қўярди. Қисқаси, Жаъфарак чучук султоннинг вазири аъзамдан пинҳона қасос олмоғи учун ўзигагина аён воситаси эди.

Жаъфарак Чучук кенг чалвор ва яланғоч танасига қизил нимча кийиб олган. Боши тақир қирилган ва кўзлари думалоқ, катта-катта бўлгани боис ҳам кулгили, ҳам бироз қўрқинчли кўринарди. У бирдан сакраб турди-да, "Шултон шакбоз!" (яъни, "сакбоз"-итбоз демоқчи) дея ҳайқирди чучук тил ила. Барча султонга бирор қаради-ю, унинг жилмайиб турганини қўриб, бараварига қаҳқаҳа урдилар. (Аслида, Жаъфарак анои эмасди- у ўзининг чучук тиллилигини рўкач қилиб, султонни "шакбоз", яъни, шак келтирувчи ҳам демоқчи бўларди.)

— Мен-да унинг кўппагиман, — деди Жаъфарак, энди "тўрт оёқлаб" тилини осилтирганча ҳакилларкан.

Тақи барча хандон отди.

— Вале, унинг ўжга (ўзга) шадоқатлийоқ шаки бой...

Аъёнлар гап ким томонга оғаётганилигини англаёлмай, жим қолдилар.

Қизиқчи энди кетини ўйнатиб, қийқирганча сакрай бошлади.

Сўнг думалоқ кўзларини ола-кула қилиб бироз жим тургач, бирорга сир айтаётгандай кафтини оғзига олиб бориб, деди. — У ўлгудай тўп (кўп) туғади- ўн иттига шакбаччалайиям бой. Вав, вав, вав... — У ҳар тарафга ирғишламоққа тущди.

Жамоат гап вазири аъзам ҳақида кетаётганилигини фаҳмлади, бироқ барчалари султонга эргашиб қаттиқ-қаттиқ кулавердилар. Баъзилари соҳиб девонга зимдан назар ташлаб қўярдилар.

Низом ул Мулк зил кетган, юзига қон уриб, базўр нафас оларди. У аламдан титраётган бўлса-да, сездирмасликка уринар ва безиллаб турарди. Бу чучук деганлари аксар ҳолларда сўзини қақшатқич тарзда поёнига етказарди. У ана шундан қўрқмоқда эди. Бу гал ҳам шундай бўлди... Жаъфаракнинг сўнгги гапидан вазири аъзам адойи тамом бўлди. Султон бошлиқ аъёнларнинг ҳаммалари қаҳ-қаҳ отиб кулар-канлар, Низом ул Мулк гўё кулаёттандек юзини тириштиргани билан ич-ичидан бир ингроқ келиб, ҳиқ-ҳиқ қиласди, холос. Аламдан кўзлари

ёшланиб кетганди.

Жамоат Жаъфаракнинг қиликларидан, сўзларидан узоқ кулди, бу то султон кулгидан тўхтаб, илкини кутариб, жим бўлишга ишорат этгунча давом қилди.

— Маълумингиз бўлғайким, биз асад ойининг адоги ёхуд сунбуланинг ибтидосида шикорға чиқмоқликни ихтиёр қилдук. Шул боисдан, амирул сайдарга (овчилар амири) ва жамики сайдарларга бу шоҳона шикорға ҳозирлик кўрмоқни амр этурмиз.

Бу хабарни эшилтан аҳли аъён бараварига мамнунлик кайфиятини намойиш этдилар.

— Амирул фузало, хос надимимиз Умар Хайём жаноблари шикорда бизга ҳамроҳ бўлғайлар. — Султон ним табассум ила шоирга боқаркан, билинар-билинмас бош силкиди.

Хайём аввалига султоннинг ниятини тушунмагандай бир лаҳза ҳайрон турди-да, сўнг шошиб таъзим қилди.

Бу олий эҳтиромдан қарши тарафда турган Қазванийнинг қўзлари олайиб, косасидан чиқиб кетаёэди...

Ихтиёри олий барчага аён этилгач, яна кўнгилхушлик авж олди...

2

Ўшанда Хайём ҳузури муборақдан чиққач, вазири аъзам билан учрашмоқ ниятидан қайтди, чунки Жаъфаракнинг вазири аъзамга қилган қўпол ҳазилидан сўнг унга рўбарў келмоқ уни масхара этмоқ ила баробар эди. Соҳиби девон ҳозир танҳо қолмоғи лозим эди. Вужудидаги алам оташини босиб, тин олмоғи жоизлиги шоир учун маъкул кўринарди.

Аслида, Хайём султоннинг амридан шодланмади. Шикорга кетса, расадхонадаги ишлар тўхтаб қолиши ва айниқса, хомаю давотидан йироқ тушмоги уни хомуш этди. Бироқ тождорнинг ҳукми вожиб эди.

У эртасига корфармони чақириб, Шокир Талхни олиб келишни буюди. Шокир Талх деганлари Хайёмга аввалидан эшлиги бўлган этиқдўз эди. У билан Исфаҳонга янги келган кезлари мана шу корфармо боис танишган эди. Шоир пошнали пойабзal киёлмасди, кийса-да, оёғи толиқар ва ҳатто, кўпроқ юриб қўйса, оғришга тушарди. Шул важдан ҳамиша пошинасиз ясси тагчармли оёқ кийими кийишга уринарди. Бу унинг наздида, жуда қулагай туялар, уни кийса, қадамини енгил оларди. Ўшанда корфармо Шокир этиқдўзниң бошкентдаги энг олди аҳли хунарлардан бири эканлигини айтгач, Хайём уни дарҳол ҳузурига чорлади. Чорлашдан олдин этиқдўзниң исмига нега энди Талх лақаби қўшиб айтилишини сўраб ҳам олди. Чунки Шокир каби гўзал исм ортидан бундайин сифат бергувчи ғализ сўзниң ишлатилиши уни чиндан ҳайрон қолдирганди ва шунинг учун бу лақабнинг тарихига қизикиши ихтиёrsиз равища ортди.

— Шокир этиқдўз жудаям тўғри сўз, — деди корфармо шоирнинг сўроғига жавоб бериб. — Гапини хаспўшлаб ўтирмай, шартта айтади-кўяди. Сўзини бисёр намакоблаб сўзлар ва шул боис, Талх дерлар уни.

Кейин Шокир Талх ила бир неча бор гаплашгач, англадики, у чиндан ҳам талх забонли экан. Ўзи асли тоза кўнгилли этиқдўз ҳар қандай фикрини дағалроқ йўсинганда ифода этмоққа одатланганди. Бу фататина тўғри сўзлиқдан дейилса, хато бўларди, аниқроғи, бу унинг илму урфон борасида ғофил ва тарбияси нотўқис эканлигидан ҳам далолат эди. Талх тамсили унинг сурату сийратига ростдан ҳам мос тушганди.

Хайём Шокир Талхнинг келишидан завқланди. Йўғон-йўғон бармоқларига монанд думалоқ қоп-қора юзи, оғоч бутоги каби катта бурни

шоирнинг завқини қўзғаб, табассумга ҳамроҳ этди.

— Ҳазратим чорлаган эканлар, — деди Шокир Талх салом-алиқдан сўнг ўз одатича шошиб.

— Аввало, муродимиз сизни кўрмоқ эди... — дея гап бошлади шоир сўзларни ҳижжалаб, кулимсираганча. — Оз фурсат бўлса-да сухбатингизни...

Талх дағал овозда бидиллади:

— Оёғимга пойабзал даркор бўлиб қолди, дея қолинг, тақсир!

Хайём этиқдўзнинг эркалигини кўтарарди ва бундан ўзи ҳузурлашарди.

— Бунча ошикурсиз, оғойи Шокир! — деди кулиб у туркий лаҳжада. — Сиз тиккан этиклар ҳам худди сухбатингиз каби биз учун қимматлидур, бироқ ул бир баҳона, холос. Аслида, сухбатингизга муштоқмиз, Талх.

— Ҳазратим муболага этдилар. Илло, бизнинг сухбат нима-ю тегирмон тошининг товуши нима? Шундоғ бўлгач, баҳузур хизматни айтаверсинлар, жаноб.

Хайём юрак-юракдан қаҳ-қаҳ отиб қулди:

— Сўзланг, Талх, сўзланг. Талх отингиз араз этиб, қочиб қолмасин тағин!..

Кулишдилар.

Шоир муддаога кўчиб, султон ҳазратлари ила шикорга ҳозирланаттганлигини ва дашту саҳрова узоқ-узоқ юрмоқ учун мос келгувчи этик буюрмоқчи эканлигини айти.

— Кўп юрганда оёғим толиқмаса, бас. Пишикроқ чармдан бўлса... Бу юмуш борасида сиздан ўтадурғони йўқтур.

Шокир Талх тақи бир бора шоир оёғининг қолипу ўлчамларини олиб, кетмоққа шайланди.

— Пошна борасида унутмасинлар, Талх, — дея эслатди шоир унинг ортидан.

— Пошнангиз менинг бўйнимда-ку, ҳазратим, қандоқ унутай, — деди этиқдўз сўзига қўш маъно юклаб.

Хайём кула-кула қолди.

Ўша кунлари вазири аъзам Низом ул Мулк ила учрашмоқ, валинешъматининг ақвол-руҳиясидан боҳабар бўлиб, ҳол сўрмоқ шоирнинг бирламчи муддаоси эди. Ҳар тугул ўшанда соҳиб девоннинг кўнглига озор етди, бу дард устига чипқон бўлиб, ғанимлар тантана қилдилар, ошкора музafferлик нашидасини сурдилар. Хайём айни мана шу озорларни вазири аъзамнинг қалбидан қувмоқ истарди. Бироқ, ҳадеганда, у билан учрашмоқ насиб этавермади.

Хайём отларга ишқибоз эди ва шикор туфайли тақи отларга ошно бўлмогидан қувонарди. У султоннинг отхонасига ва турфа жонзотлар боқилгувчи томошахонасига кирмоқ учун ижозати олийга мушарраф бўлган эди. У ҳам бўлса, султон Маликшоҳ шаҳриёри аъзамнинг саҳоватлари туфайли насиб этганди. Шунинг учун шикорга ҳозирлик баҳона султоннинг отхона ва томошахонаси сари ошиқди. Хайём тузуккина синчи (отнинг ақволи, соғлигини ўрганувчи одам) эди ҳамда у ердаги синчи-ю сайис (отбоқар)ларни жуда яхши танирди, улар ҳам ғалат феъли шоирга кўнишиб кеттандилар, шунингдек, унинг отпарастлигини ҳам жуда яхши билардилар ва ҳурматлар эдилар.

Султон Маликшоҳ турфа жонзотларни хуш кўради. Тўғри, шикорга чиққанда ҳеч бир маҳлукни аяб ўтирамай, бирваракай тиллайверарди, лекин тирик жониворларнинг томошасидан ҳам ўзини тиёлмас, аксинча, гоҳо уларнинг ҳаракатларини кузатиб, завқланар, ҳузурланар эди. Унинг хос ҳайвонотхона бунёд этганлиги ва у ерга тез-тез кириб турмоги ҳам ана ўша феълидан эди. Ҳайвонотхона-томушахонада жонзотларнинг жамики турлари мавжуд эди: бўри, палант, шер,

қоплон, тулки, оху, жайрон ва ҳакозолар, қушлару паррандалардан лочин, кабутар, қумри, тұти, саъва, товусу дуррож (тустовук)лар сақланарди. Султон сайдгар лочин ва саклар тайёрламоққа алохида эътибор бериб, саъй этарди. У отларнинг фаҳму фаросатидан қанчалик завқланиб, шиддатидан нечөғлик күч олса, лочинларнинг жасур сурати-ю мардона феълларидан шунчалар вужудига куввату шижаат тұлиб борарди. У ўзини лочинга ўшшатарди ва лочиндай тутмоққа интиларди. Ҳар бир лочинга айрича эътибор берар, гүё ўз боласини эркала-ётгандек меҳр ила сийларди. Лочин парвозини кўрганда унинг кўзла-ри чақнаб, олов сочаётган монанд кўринар, елкалари шишиб, бўйин томирлари бўртиб кетарди. Бу маҳал мисоли икки ҳукмдор-қушлар шоҳи или башар султони баҳс бойлашиб, бир-бирларидан завқланан-ётгандек туюларди.

Хайём от зотларининг турлари каби лочинлар ҳақида ҳам кўп нарса билар ва бу жонзотларнинг қадим тарихларидан тузуккина бохабар эди. Аслида, султоннинг шоирни ўзига надим этиб тайниламоғига ушбу жиҳатлар ҳам қисман боис бўлган эди. Шунда султон сайисхонада Хайём ила отларни томоша қилиб, ҳордиқ олмокда эди. У тинмай ўз отларини таърифу тавсиф этарди, қайси от қаердан келтирилганлиги ҳақида сўзларди. Султон бошқа бир жойда ёхуд даврада бунчалар очилмаслиги, сўзамол бўлмаслиги аниқ эди. Уни бу хуш кайфиятга солган нарса отларга бўлган мислу қиёссиз меҳри эди. Шунда шоир сухбат асносида мақбул бир фурсатни топиб, ҳукмдорнинг ижозати или унга ғазалик Сабук Тегиннинг ўғли султон Маҳмуд ва унинг Аёз отлиғ ғуломи тарихини сўзлаб берди:

— Кунлардан бир куни қўшни мамлакат ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавийга элчи йўллаб, унга кўп бебаҳо тортиқлар ила бир от ҳам жўнатади. Элчини султон Маҳмуд саройида иззат-икром ила кутиб оладилар, дабдабали қабул маросими уюштирадилар. Маросимдан сўнг султон тухфа қилинган отни кўрмоқ учун боради. От барчага маъқул келади, лекин султон сарой отбоқарларидан: "Отни кўрмаган ҳеч кимса қолдими?" деда сўрайди. Сайислар бошлиғи: "Султоним, отбоқарларнинг ҳаммалари, ҳатто муҳожир от билгичлар ҳам кўришди ва бу отта қойил қолиши", дейди. Шунда бир четда турган отбоқарлардан бири: "Аёз кўргани йўқ", деганида, султон: "У ҳам келиб кўрсинг", деда амр этади. Сайислар бошлиғи эса "Олампаноҳ, Аёз яқинда келган қулингиз, у ҳеч нарсани билмайди, отларнинг тагини тозалаб юради, холос", деб, орага сўз қўшади. Султон бўлса ғазаб ила ўз амрини қайтаради.

Аёзни чақириб келадилар. У султонга таъзим қилгач, бир четда қўлковуштириб туради. Султон эса унга буюради:

— Ушбу отни яхшилаб кўр ва қандай от эканлигини бизга айт!

Аёз ўйлаб туриб, дейди:

— Олампаноҳ, камина ғуломингиз, оддий отбоқардурмен. Синчиллик қилмоққа ожиздурмен. Агар ҳазрати олийлари истасалар, амрлари вожибки, билмоққа саъй этгум. Аммо ундан аввал отнинг дарёга тушиб чиқшини кўрсам-да, сўнг бир фикр айтсам.

Султон Аёзни талабига рози бўлиб, отни дарёга олиб боришлари-ни буюради. Аёзни талаби отбоқарлар бошлиғи ва бошқа батзи кимсаларга ҳам ёқмагани аниқ эди. Бирор "Султоннинг амри вожиб", деб отни дарёга олиб бордилар ва сувга туштирдилар. Сув отнинг белигача кўмгач, у бироз сув ичди. Шундан сўнг Аёз отни дарёдан олиб чиқди, шу билан бирга унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турди. От соҳилга чиққач, "Энди бўлди, кетдик", деб сарой сари йўл олди. Барча ҳайратда: "Бу кул нимани билдийкин?" деда ажабланардилар. Бош сайис Аёзни олдига келиб, секин "Нимани билдинг, Аёз?" деб сўраганди, Аёз: "Билганимни сўраган одамга айтамен", деди. У султонга рўбарў бўлиб, таъзим қилгач, деди:

— Олампаноҳ, сизга инъом этилган от зотли кўринаదур, қадам ташлашлари, юриши, сувга ботирлик ила тушиши, чиқиши ҳайратомуз, шоҳдарга арзигулик от. Лекин фикри ожизимча, бу от ёшлигида сигир сути ила боқилган чиқар, чунки ҳаракатлари отларга хос бўлса ҳам баъзи қилиқларида қорамолларда бўладиган аломатлар сезидики, бу ҳол мени ўйлантириб қўйди. Балки мен хато қилаётгандирмен, унда бир қошиқ қонимдан кечмөнгизни ўтинамен.

Султон отбоқарлар бошлиғидан: "Сен нима дейсан?" деб сўради. У эса ҳеч нарса деёлмаслигини билдириб, бошини эгди.

Сўнг султон элчи ила учрашди. Суҳбат асносида гапни от мавзусига бурди. Элчи от ҳақида батафсил сўзлаб берди:

— Бу от подшоҳ йилқисидаги энг зотли биянинг боласи бўлиб, унинг ёшлигида тасодиф туфайли бия ҳалок бўлган, тойча эса зотли сигир сути ила боқилган. — дея гапини тутатди элчи.

Султон от сигир сути ила боқилганига қаноат ҳосил қилгач, Аёзни ҳузурига чорлади:

— Бу сирни қандай англадинг? — дея сўради ундан.

Аёз таъзим-тавозе ила деди:

— Эй улуг султон, ҳар ҳодисага диққату иштиёқ ила қарашиб ва уни кузатиш, кўрган-билганинни тафаккур қилмоқдан инсон билими, тажрибаси ортади. "Ҳаётда содир бўладиган яхши-ю ёмон ҳар ҳодисани кузатиб боришга ўрган ва шунга одатлан", дер эди падари бузрукворим. Мен ёшлигимдан кексаларни ҳурмат қиласар, кекса билим соҳибларининг сўзларига қулоқ солар ва айтганларини уқиб олар эдим. Кексалардан эшитганларим ва ўзимнинг ёшлигидан кузатганларимдан фаҳмладимки, қорамоллар сувдан чиққанларида орқа оёқларини галма-гал ортига силкитадилар. Бу ила орқа оёқларидан ўсган юнглардаги сувларни туширадилар. Лекин отларда бундай ҳол учрамайди. Келтирилган тулпор дарёга ҳайиқмай, сесканмай тушди. Аммо сувдан чиқиб, орқа оёқларини силкитди.

Султон Маҳмуд Аёзниң жавобларидан мамнун бўлибди ва уни ўша заҳоти мироҳур¹ этиб тайинлабди.

— Бундан аён бўладики,-дея гапини тутатди Хайём от тарбиясида, унинг зотини тоза сақламоқда ҳар бир нарса эътиборга олинмоғи лозим экан.

Филҳақиқат, отларни билмоқ борасида султон ила шоир бир-бirlаридан қолишимасдилар. Балки шул боис ҳам сувбат қизигандан қизирди. Хайём ўзининг Аёз ҳақидағи ривоятини тутатгач, ундан илҳом олган султон ҳам тақи отлар таърифига тушиб кетди. Чиндан ҳам гўдаклигига дейқ от миниб, шамшир тутган, яъники, ҳарб илмини пухта эгаллаган бу туркий хукмдор барча қавмдошлари каби отлар хусусида кўп нарса биларди. Қадим туркий шоҳ Афросиёб айтган экан: "Эрга от андоғим, кўкка ой". Агар от бўлмаса, ҳарбийларга жасур одамлар деган ном нолойик бўлур эди. Кўп саркардалар отга минмоқни фалак бўйнига минмоқдан афзалроқ билганилар. Зоро уни "Қутлуғ қадам" деб бежиз айтмаганлар. Ҳа, бу гапни турклар айтган, султон ҳам бу таърифга ишонади. Султон Маликшоҳ, шунингдек, Расулиллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг от ҳақида айтган ҳадисини ҳам яхши биларди. "Хайр йилқининг пешонасига ёзилган", дейди Пайғамбар алайҳиссалом. Айниқса, араб отлари бемислдир...

— Мана бу форслар алуս деб атайдургон от — дея гапида давом этганди султон ўшанда. — Айтадиларки, у гўё осмонда учади, жуда зийрак ва бошқа отларнинг дупурини узоқлардан эшитади. У жуда қаноатли, аммо совуққа чидамсиз. Бундай от эгаси бўлмоқ баҳт, бироқ бу жонивор анчайин нозикдур. Мен бунда хўп чопганмен, шоири замон.

Хайём ним табассум ила султоннинг гапини давом эттириб кетди:

¹Мироҳур — отбоқарлар амири

— Устод Аристотилуснинг ёзишича, отларнинг тури жуда кўп. Ул зотнинг эътирофича, қушлар рангидағи, хусусан, оқ от яхши ва эътиборга лойик. Унинг соҳиби жангда доимо зафар қозонади. Бундай отни подшоҳлар минса ярашади.

Шоирнинг гали султонга жуда ёқиб тушди. Чунки у оқ отни хушлар ва бир неча хил зотли оқ отлари бор эдики, ҳар жабҳада уларни минар ҳамда бундан фахру ифтихор этиб, ҳузурланарди.

Ўшанда уларнинг бу ёқимли суҳбати узоқ чўзилганди ва охирида султон Хайёмни "Отлар хусусидаги билимларингиз ила "Тулпорнома" отлиғ рисола битсангиз бўлур эркан", дей лутф этиб, сийлаганди. Мана, энди сайисхонада шикори хосга ҳозирлик кўриб турибди. Бу шикордан, албатта, яхши, тоза ва хуш ҳаводан симириб, сиҳатини баракарор этиб қайтади. Факат хомаю давотдан айру тушмоқ...

Шикорга, таринки, шоҳона шикорга ҳозирлик узоқ давом этарди. Аввало, учқур отларнинг туёқлари янгитдан тақаланиб, ювиб, мойланар, ёллари ҳафсала ила тароқланиб, хинолар суртиларди. Бу нимарса от узра ўлтирган чавандозни шиҷоатлантирап, зотли аргумоқнинг майин, хино тусли ёллари учиши унга журъат ва улуғворлик баҳш этарди. Шунинг каби бу амаллар шикори хоснинг зийнати, унинг суратига берилгувчи оролари эди.

Бир ёнда уста сайдгарлар ов қурол-аслаҳаларини созлайдилар, ҳозирлайдилар. Найза ва пайконларнинг синонларини (типларини) чархлаб, садоқларга жойладилар. Бошқа ғуломлар арабаларга озиқ-овқат, идиш-аёқлару чодирларни, кўрпа-тўшакларни ортадилар. Кўплаб мешлардаги сувларни асосан туяларнинг ва баъзи отларнинг устига юклашар, қолган керакли буюмларни ҳам шу тариқа саранжомлашарди. Йкки нортуяга аморий (кажава, түя устида ўлтиришга мўлжалланган маҳсус ўриндиқ) ҳам ўрнатилган бўлиб, бу султон ҳазратлари учун эди. Мабодо, сафар чори от устида толиқсалар, аморийда ҳордик олишлари мумкин эди.

Шикори хосга шундайин алоҳида тадорик жоиз эди. Сарой ҳовлиси, ташқиси бир неча кунлаб шовқин оғушида бўларди. Айниқса, овчи саклар занжирларга боғлаб олиб чиқилганда, уларнинг басма-бас ҳуришлари оламни тутиб кетарди. Зотдор, шикори хос учун ўргатилган бу катта-кичик, турфа ранг итларнинг овозидан, наинки, одамнинг, оламнинг ҳам қулоги батанг бўларди. Яхшики, уларнинг "тилини" билгувчи сакбозлар бор, акси бўлса, бу мағзи не кўйга тушардилар. Оллоҳга аён.

Бир неча сайдгар лочинлар эса, султоннинг ва аҳли шикорнинг ҳам фахру ифтихори эдилар. Бу мағурур, мардона қушларда улуғлик, киборлик рамзи мужассам эди. Улар ҳам гоҳо юракларга ваҳм соглувчи сас ила ҳайқириб қўядилар...

3

Сунбуланинг бошида шикорга отландилар.

Ундан аввал Хайём вазири аъзамнинг ҳузурида бўлиб, бироз сухбат қурди, валинеъматининг кўнглини олишга уринди. Сидқидидан қилинган муомала, самимият киши қалбига, шуурига таъсир қиласдан қолмайди. У кўнгилларни кўтаради, одамнинг ўзига бўлган ишончини оширади. Вазири аъзамда ҳам шундай бўлди, ўз жигарбанду аржумандидай бўлиб қолган шоирнинг самимий сўзлари, хайриҳоҳ чехраси зимистон кўнглини ёритиб юборди. У ўша онда яна бир карра амин бўлдики, бу даҳри дуннинг омонлиги эзгулик, самимият ва чин дўстликнинг мавжудлигига боғлиқ экан. Ҳар ҳолда, илму маърифат бокий экан, зеро, Хайёмни унга ёвуқ туттан ҳам илму маърифат ва эзгуликка эшлик эди.

— Яхши олиму шоирдан уста сайдгар чиқмаслиги аник, — деганди ўшанда Низом ул Мулк шоир ила хайрлаша туриб. — Бироқ яхши шоирдан яхши ҳамроҳ чиқади. Олампаноҳ ила мулоқотда ул зотни эҳтиётлаганинг каби ўзингни ҳам сақлагин. — Бу унинг оталарча насиҳати эди. У ҳукмдорлар қуёш янглиғ бўлишилгини тақи бир карра эслатганди...

Шикорнинг аввали бошкентга яқин водийда, унга туташиб кетган тоғлар устида кечди. Ёллари ўсиқ, арабий оқ отда викор ва ҳайбат ила чопган сulton Маликшоҳ, ниҳоят, суюкли тулпоридан тушиб, пиёда юрмоққа бошлади. Водийнинг елкасига оёқ қўйган тоғ салжуқий сultonга ҳам жалолатли¹ кўринар, унинг юксаклиги қаерда интиҳо топмоғини тасаввур этмоқ мушкул эди. Бу ерда атроф жавониб² тоғдан иборат эди. Тоғ ёнбағридаги катта-кичик қорақўнғир тусли, гоҳо оқиши харсанг тошларга суюниб турфа оғочлар ўсган. Бу оғочлар баъзи жойларда фуж-фуж бўлиб ўстанидан яхлит ёнвоқзор, тоғолчазор ва мевалари майда-майда ёввойи олмазорларга айланиб кетган. Ундан юқорида эса зарангзорлар ястанган. Бу оғочзорлар остида ўсгувчи гиёҳлар ҳам турфа хил-буғдойиқ, қўзиқулоқ, наъматак, ёввойи олча, қорақанд³ каби ўтларнинг бир неча хиллари мавжуд. Айниқса, бу янглиғ гиёҳлар тоғ устидаги яловларда мўл-кўл. Бу каби набототнинг бисёргилиги турфа жонзотларнинг ҳаёт кечирмоги учун ҳам жуда қулайдир. Унда тулки, бўри, сиртлон, гоҳо эса айиқ ва йўлбарслар ҳам эмин-эркин яшайдилар. Тоғнинг юқорисида бўлса, жадий (тоғ такаси), кийик, тоғ қўйи, қор қоплони каби жонзотлар кўп. Тоғда яшовчи қушларнинг тури беҳисоб, уларни таниш, ажратиш анча мушкул.

Сайдгарларнинг бир қисми ва сакбозлар итларини олиб, тоғнинг юқорисига чиқиб кетдилар. Улар баландга чиқиб, бир қанча муддат жим туришар, тоғ устини сукунат қоплаб, жамики жонзотлар хотиржам бўлгач, ваҳимали сас бергувчи бургуларни чалишиб, итлар ила шовқин-сурон солишиб, қўйига энардилар. Бу саъйлари ила тоғдаги борки ҳайвонотни сайёдлар томон ҳайдардилар. Тоғнинг бошланишида сulton бошлиқ ҳар хил яроғлар тутган сайдгарлар туришар ва улар қимиirlаган нарсаки бор жонталош этардилар. Сайдгарлар асосан сultonнинг кўнгилхушлиги учун хизмат қилишар, ўлжалар қисматини ҳам аксаран унга топширишарди. Сultonнинг атрофида анчамунча даррандани (йиртқични) ҳам енга олишга қодир алп қомат сайдгар-қўриқчилари ҳамиша шай турардилар. Шикор маҳали сultonнинг жони азизини омонда сақламоқ уларнинг зиммасида эди.

Сulton Маликшоҳ ўлжани танлаб ўтирасди. Жон ташвишида ўзини ҳар ёнга уриб, яширинишга уринаётган жониворларнинг барини бирваракай гоҳ камон, гоҳ палаҳмон ва ёки найза ила шикастлайверарди. Ёнидаги бир неча яроғбардорлари ҳориса ҳорирдики, сulton асло ҳоримасди. Кишининг этини сескантиргувчи бир қиёғага кириб, турфа маҳлуқотни ўлдираверарди. Айни дамда у қатлгоҳ узра қилич яланғочлаб, маҳкумни кутаёттган жаллодга ўхшарди. У уста мерган эди, отган ўқлари нишонга бехато тегарди... Кўп ўтмай ҳаммаёқ ҳайвон жасадларига тўлиб кетди. Уларнинг ҳаммасини ҳам йифишириб олмасдилар. Баъзи қимматбаҳо мўйнали жониворларни тўплаб, терисини шилиб олмасалар агар, аксарияти ўша жойнинг ўзида қолиб кетарди. Сulton учун шикорда ўлдириш завқи муҳим эди.

Ҳайём бу "қатлгоҳ"га умуман яқинлапмади, баъзан чодирда қолса, гоҳида тескари томондаги тоғ ёнбағирларида кезинди. Тўйиб-тўйиб тоғ ҳавосини ва унга чулғаб май симирди, майсазорларга бурканиб, осмонга термулди, қадрдан маъвони кузатди. Гоҳо эса маастона шеър битди:

¹Жалолатли — улуг'вор

²Жавониб — томонлар

³Қорақанд — зирк

*Ул азал сайёди кўйиб дона, дом
Уз овига кўйди одам дея ном.
Оlamda не яхши-ёмонлик бўлса,
Ўзи қилиб, тўнкар одамга мудом.*

Ўша сархуш кечаларда кўк балдоги ойга термулиб, ўртанди, эҳти-
рослари жунбушга келиб, ой юзида Марямнинг жамоли акс этиб, шу-
урида таки шеър айланди:

*Ё Оллоҳ, ул гўзал ойни яратиб,
Сочи сунбулидан анбар таратиб,
Унга қарамагил, дея буюрсанг,
Зулм-ку, гил шавқин ўзинг кўзғатиб.*

Шоирнинг жон талвасасида типирчилаётган жониворларни кўрмоқда
на ҳоли, на тоқати бор эди. У ўлимга сира-сира кўнига олмасди. Оллоҳ
ўзи яратган инсон ишқида барпо этган бу оламда тўйиб-тўйиб яшаш-
ни, барчанинг яшашини истарди. Хайёмнинг ҳамиша ўзгалардан пин-
ҳон тутишга уринган сири-бу унинг жуда-жуда ҳаётпастлиги эди. У
ҳаётни севарди ва шунинг учун, ўлимнинг улуғлигини хис эттани ҳолда,
унга тоқат қилолмасди.

Тоғдаги ов икки ҳафтага яқин давом этди.

Дашту биёбондаги шикор ўзгача бўларди. Бу ерда сайдгарлар кўпроқ
от устида ов қиласидилар. Султон ҳам оқ тулпорига миниб, ўлжанинг
ортидан қувар ва болалигидан ҳадисини олганидай, отни чоптира бо-
риб, жон қайғусида югураётган жониворга қаратса ёйдан ўқ узарди.
Сайд қулагач, таки бошқа жониворнинг ортидан қува кетарди.

Ёзида¹ оқ саксовуллар мўл эди. Уларнинг бўйи гоҳо етти-саккиз
газгача етарди. Бундан ташқари, йирик юлғунлар, шувоқ ва шўраклар
ҳам кўп бўлиб, қалин бутазорларни бунёд этганники, бу ҳайвонлар-
нинг жон сақламоги учун ўнгай эди. Бу ерларда овбоп жониворлардан
оҳу, кийик, тулки, шағол, қуён ва шер каби даррандалар ҳам кўп
учарди. Даштдаги шикор сайдгар учун чинакам синов ҳам эди. Унда
отнинг устида ёй ота олмоқ маҳорати или ботирлик ҳам бўлмоғи лозим
эди. Чунки от устида чопиб бораётган овчининг рўбарўсидан баногоҳ
бирон йиртқич чиқиб қолиши ва от ҳуркиб, суворийсини ерга қулат-
моғи мумкин эди. Сайдгарнинг ёзиғида бўлса, шер ёки бошқа дарран-
да уни ғажиб ташлаши ҳам турган гап. Султон Маликшоҳнинг падари
бузруквори султон Алп Арслон даврида бўлган шикорларнинг бирида
шундай бўлганди. Унда Маликшоҳ ўшгина болакай эди, ҳавас ила ота-
сининг ортидан югуриб юрарди. Кичкина ёйидан ўзича ўқлар ҳам
отарди. Ўшанда кўплаб ярадор жониворларнинг жон беришини кўрган
эрса-да, қонга беланган одамнинг бундай тарзда жон талашмоғини
ҳеч ҳам кузатмаганди. Буталар ортидан туйқусдан чиқиб келган шер
бечора сайдгарнинг бўғзини ғажиб ташлаганди... Бу мудҳиш манзара
уни ҳали-ҳамон тарқ этмайди Жангу жадалларда неча-неча одамнинг
ёстиғини қуритган, ададсиз жониворларни хокга қорган султон Ма-
ликшоҳнинг ёдига ўша воқеа тушиши ҳамоно юраги зириллаб кетади.
Чунки бу унинг ўлим ҳақидаги илк болалик тасаввuri эди. Ўлим де-
гандада унинг кўз олдига ўша бўғзи ғажилиб, қонга беланган сайдгар
келарди.

Султон ёзи шикорида лочинларига ҳам эрк берди. Улар ҳам қуш-
бонларнинг илкидан шиддат или осмонга кўтарилиб, ўлжа излай бош-
ладилар. Лочин подшоҳлар шикорининг улфатидир, у или қувонади-
лар, уни севадилар. Лочиннинг хулқи ўзининг нозиклиги ва покизали-

¹ Ёзида — даштда

ги ила тождорларнинг хуқига ўхшайди. У гўштхўр паррандаларнинг подшоҳидир. Шул боис лочин бошқа одамларга қараганда подшоҳларга кўпроқ ярашади. Лочинда бошқа жониворларда бўлмаган жалолат мавжуд. Подшоҳлар уни томоша қилишнинг яхши аломатлари бор деб билишади. Султон Маликшоҳ ҳам шундай деб билар ва айни дамда, қушбонлар илкидан кўкка парвоз этаётган лочинларга узоқ-узоқ завқ ила тикилмоқда эди.

Асли лочинларга ишқибоз бўлган Хайём ҳам ҳозир султоннинг ёнида зди ва у ҳам лочинлар парвозини кузатарди. Шоир қушлар шоҳи ҳақида кўп нарса билар ва унинг билишидан султон ҳам боҳабар эди. У лочин ҳақидаги ривоятларни билишдан ташқари, унинг ҳаракатлрига қараб турли башоратлар қилишга ҳам қодир эди...

Ана, лочинлардан бири тўргайни тутиб, ваҳшат ила қийқириб қайтди. Шоир сесканиб тушди, лочиннинг бундайин ҳаракати яқин орада бўлгувчи ёмонликдан далолат берарди. Қуш учиб келиб султоннинг илкига қўнди.

— Шоирлар шоҳи шоҳнинг шоҳ қуши ҳақида не дейди? — дея султон илкидаги лочинни юқори кўтариб, кўз-кўз қилди.

— Султонимнинг лочини беназир. — Хайём от устида ўлтирган султонга яқинлашиб, ўнг илкини қуш томон узаттанча давом этди. — Унинг пайлари қаттиқ, болдири йўғон, ўзи юмaloқ ва миқти, қомати келишган, туси сарғиш. Демакки, бағоят соғлом ва овга бисёр ҳарисдир¹. Чин тождорларга муносиб лочин экан.

Шоирнинг гапларидан султон яйраб кетди:

— Сизнинг ҳар хусусда илмингиз бекиёс эканлиғига тақи бир карпа амин бўлдим, — деди ва шоҳона илтифот кўрсатди. — Бу кунги оқшомни биз ила ўтказғайсиз, шоири замон.

Хайём енгил таъзим қилди.

Шоир султоннинг кўнглига йўл топа олганди. Чунки унинг лочинга бемисл меҳри борлигини жуда яхши биларди. Эсида, мана шундай шоҳона ширкорларнинг бирида ажаб таассуротли воқеа кечган эди. Ўшанда султон илкига лочинни қўндириб, сув ичаётган қушбонини кўриб қолди. Уни юз дарра уриб жазолашни буюрди ва деди:

— Бу не ҳол?! Лочин бу қушлар шоҳи, подшоҳлар илкидаги энг азиз ва мұхтарам жонзор. Не бўлдики, сен бундай одобсизлик қиласен? Подшоҳлар эъзозлаган нарса илкингда-ю, сен фаҳмсиз сув ичмоқдасен!

Күшбон таҳдика ичра деди:

— Худовандо умрингизни узун қилсин, султоним, агар ташна бўлсаму илкимда лочин бўлса, не қилай?

— Бу ишга лаёқатли одамга бер.-деганди ўшанда султон бироз юмшаб. — У лочинни ушлаб турсин, сен сувингни ичавер.

Султоннинг чодири қошида ваъдага биноан тузилган шоҳона зиёфатдан сархуш алпозда қайтган шоир ўз чодирига киргиси келмай, ташқарига ўлтиреди. Доимгидай яна осмонга тикилди. Гўё уни ҳамиша осмон ўзига чорлаб турадигандек, кўк сари талпиниб яшарди. Чўлнинг тунги осмони янада бўлакча бўларкан-кенг, бепоён, тип-тиниқ. Худди меҳрибон бир кишингнинг кўзларига ўхшайди. Жимиirlаб нигоҳингта санчилгудай бўлаётган ложувард юлдузлар эса ўша кўзлардан отилган меҳрга чулғонган учқунлар янглиғ. Бунчалар ҳам ярқирамаса бу юлдузлар?! Уларнинг партави жоним риштасига пайваңд. Ана, ой қошида Ноҳид юлдузи порлайди. Буёқда эса сурати чўмич монанд Дубби Акбар юлдузлари, бир ёнда Ҳулқари ахгар. Бу бепоён коинотни яратган Зотга ҳамдлар бўлсин! Бу сонсиз юлдузларнинг адоги бормикин? Уларнинг инсон кўзи илғай олмайдиганлари қанчайкин? Бир кун келиб башар қавми қадами, унинг шуури ана ўша чексиз маъволарга

¹Ҳарисдир — ўчдир

етиб борармикин? Тақи чексизлик! Тақи устоз Уқлидуснинг ўша икки ёндош чизиқлари, ҳеч қачон кесишмайдиган ҳадлар. Наҳотки ҳеч қачон кесишмасалар? Худди эзгулик ва ёвузлик каби. Демак, уларни бир-бирларига яқинлаштирмоқ, ўрталики топмоқ учун орадаги холис меъёрни топа билмоқ лозим экан-да. Ана ўшанда эзгулик ва ёвузлик ма-жозан бўлса-да қовушадилар. Қовушганлари билан улардан нё бино бўларди? Билмайсен, ё Абул Фатҳ Умар, билмайсен! Лекин оралиқнинг ҳосил бўлмоғи аниқ. Ҳамма нарсада оралиқни топа билмоқ лозим, уни топа билмоқ эса улуғлик нишонасиdir. Ҳамма нарсада меъёр, яъни, энг холис оралиқ топилар экан, мавжуд парда, балки файб пардасидир, кўтарилади ва кўп асрор ошкор бўлади. Бироқ бунга эришмоқ мушкул. Нафс бандаси бўлган одамзот барибир бир томонга оғиб кетади... Яхши фикр. Албатта ёзиб қўймоғи керак... Улуғ муаллим Аристотилуснинг эгри ва тўғри ҳадлар ҳақидаги фикрига уйқаш фикр бўлади. Яъни, у эгри чизиқни ахмоқ, тўғри чизиқни эса оқишу доно кишиларга ўхшатади. Тўғри чизиқлар бир-бирларига ҳамиша текис ёпишадилар, эгри чизиқлар эса ҳеч қачон мос тушмайдилар. Яъни оқиул кишилар бир-бирларини осон тушуниб, тил топиша оладилар, ахмоқлар эса... Устоз топиб айтган. Яна ўша оралиқ!.. Ҳайёмнинг ми-яси чирсиллаб кетгандай туюлди. Ҳаёlinи чалғитиши ниятида юзини кафтлари или кескин ишқалаб, яна ойга тикиди. Май оташидан қизи-ган вужудида ёқимли жимиirlash уйғонди. Ой юзида тақи Марям на-мойн бўлди. Ҳозир не или машғул экан у гўзали?! Шоирнинг тани қизиб, ўрнидан турди-да, эгнидаги ширдоғини (иссиқдан сақланиш учун кийиладиган кийим) ва Шокир Талх тикиб берган таги яssi ўнғай этигини ечди. Ширдоғини тахлади ва сўл ёнига ёнбошлаб, унга боши-ни қўйди. Кўзларини юмаркан, ҳаёli гўзал Марямнинг васлига илк бора етишган онларга учди.

Расадхона қасабасидаги тоғнинг бағрида катта бир булоқ бор эди. Унинг ёқасида улкан ёнгоқлар ўсган бўлиб, уларнинг остидаги хар-санг тошлар текис ва силлиқ сояда салқинлаб ўлтириш учун жуда ўнғай эди. Булоқ суви бағоят тиниқ ва тоза, таъми totли эди, киши-нинг ичган сари ичгиси келар, бошқа сувлар каби қоринни шишир-масди. Бир сафар Марямнинг майли или ўша булоқ бўйига бордилар. Силлиқ харсантош устига ёнма-ён ўлтирилар. Қиз илкини тиззала-ри узра қовуштириб, уларнинг устига оппоқ ёногини босиб, булоқ су-вининг хиромига тикиди. Анчагача бир сўз демади. Ҳайём ҳам унга халал бермоқни истамади. Ниҳоят қиз бошини кўтариб, оёқларидаги гулдор хипчачувакларини ечди, ҳовучини тўлатиб сув олиб, юзига босди. Биллурдайин сув томчилари юзида сирпандилар. Шоир унга маҳдиё бўлиб тикилиб турарди. Вужудида ҳузурбахш ва шунингдек, ўртагув-чи бир ҳис кезина бошлаганди. У ана шу ўртаниши асносида ютоққан-дай ютинди.

— Қанчалар соҳибжамолсен, Марям! — деди у қиздан кўзларини узолмай.

Қиз унга қиёлаб, жон олғувчи нигоҳ ташлади. Ўсиқ қайрилма пай-конлар бир неча бор силкиндилар.

— Чинингизми? — сўради у ёқимли эркалик или.

Бу пайт шоирнинг нигоҳи унинг узун кўйлаги остидан чиқиб турган оппоқ оёқларига тушди. Айниқса, товоналари гўзал эди- қизфиш-са-риқ, кўнгилга эҳтирос ўтини солгувчи.

— Сени жуда-жуда яхши кўриб кетмоқдамен, Марям! — деди шоир овози титраб.

— Эндинами? — дея қиз тақи-да олов қалади.

— Азаддан!

— Мен ҳам айтайнми? — деди қиз энди араз қилгандай боқиб.

Ҳайём ўзини тутиб туролмади, унинг елкасидан оҳиста ушлаб, ўзи-

га тортди. У қизни илк учрашувдаёқ севиб қолган, бироқ отасининг ҳурматидан андишаси ортиб, ўзга нигоҳ ила боқмоқдан тийиларди. Ҳозир эса ишқ ўти солган түгёнини жиловлай олмади.

Қиз ҳам қаршилик қилмади. Шоирнинг бағрига суқилгани сари бетакрор ҳузур оғушида қолмоқда эди.

— Жоним! — деди шоир титраб.

Қизнинг бошидаги силлиқ рўмоли сирғалиб, тушиб кетди. Мушк¹-нинг бўйига чулғанган тим қора соchlари тўлғониб, ёйилдилар.

Шоир ним пушти лабларга лабларини босди. Улар бекиёс totли здилар, худди манов булоқнинг сувидек тоза ва мусаффо. Икки ошиқ дил бир-бирларига чирмашдилар...

Чодир ёнида ухлаб қолган шоир ҳансира, тўлғонарди. У сўл ёнига ёнбошлаб, юрагини кучганча ширин туш кўрмоқда эди..

Шикорнинг ёзидағиси ҳам икки ҳафта давом этмоқда эди. Султон ҳали шикордан зерикмаганди. Бу сафар пешинга яқин саксовул ва шувоқлар чирмашган қумли дарага кириб қолдилар. Атроф жавониб қумтепалардан иборат. Тўрт бурчагига найзалар ўрнатилиб, сояблар тутилган аробалар ўлжаларга тўлғанди, бироқ ҳукмдор овни тўхтатай демасди. Бир маҳал икки сайдгар тепалик ортидан икки шербаччани кўтариб келиб қолдилар. Шербаччаларнинг кўзлари эндигина очилган бўлса-да, тинмай ириллардилар, бироқ бақувват сайдгарларнинг чайир илкидан қутула олмасдилар. Шернинг баччаси ҳам шер бўлгани боис бу бандиликка дош беролмасдилар. Уларни султоннинг истагига биноан қафасга солдилар. Ҳукмдор шербаччаларни сарой ҳайвонотхонасига элтмоқни ният қилганди.

Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, сайдгарлар шербаччаларни олиб келган ёқдаги тепаликда наъра тортган она шер пайдо бўлди. У шиддатли тарзда ўқирап ва одамлар томонга талпинарди. Аҳли шикор дарров сергак тортиб, яроғландилар. Ёлариға пайконларини жойлаб, зих²ларини таранг тортиб, шай турдилар.

Султоннинг юзида тантанавор бир маъно барқ уриб, кулади.

— Мана энди жанг қизийдурғон кўринадур!..

Она шер қўйига тушиб кела бошлади. Сайдгарлар султоннинг амри ила уни ўққа тутдилар. У ёй ўқларига чап берар, гоҳ олдинга, гоҳ орқага сакраб, ирилларди, одамларга ҳамла қилишига пайконлар бўро ни монелик қиласди. Бу ҳол анчагача давом этди. Сайдгарлар шернинг аҳволидан завқланиб, қийқирадилар. Ахийри шер бундан зериқдими ёхуд саълари нафсиз эканлигини тушундими, ерга думалаб, бошини ҳар ёнга уриб, ўқира бошлади. Барча уни масхара қилгандай баттар қийқирмоққа тушдилар. Бирдан шер тинчиб қолди-да, бир пас қимир этмай ётди.

Ҳаммалари ҳайрат ила сукутта толдилар. “Ўлиб қолдими, нима бало?” дей ўйлардилар улар. Кўп ўтмай, она шер ўрнидан турди, хотиржам қиёфада одамларга тикилди. Сўнг оҳиста бир неча қадам ортига тисланди-да, шиддат ила олдинга ташланди. Ҳали одамлар ўзларини ўнглаб олмасларидан уларга яқинлашди ва шаҳд ила шундайин бир сакрадики, мисоли учайтгандек келиб, ўлжалар ортилган аробанинг бурчагидаги соябон тортилган найза тифига кўксини урди. Тиф фирчиллаб кўксига чуқур-чуқур ботди. Уни кузатиб турган одамлар увиллаб юбордилар. Шер бир-икки типирчилади-да, нолакор сасда чўзиб бир инграгач, жон берди. Нарироқдаги қафасда турган шербаччалар кетмакет ирилладилар.

Барча бир лаҳза жим қолди. Ҳамманинг қалбини ҳайрат ва ачиниш хисси эгаллади. Бу, айниқса, Хайёмга қаттиқ таъсир қилди, у ёқасини тутиб, “Субҳоноллоҳ!” деб юборди.

¹Мушк охунинг узоқ югуриши натижасида унинг қораталогида ҳосил бўладиган қора хушбуй нарса. Сайдгарлар сарой учун охуларнинг танидати мушкларни ҳам йиққанлар.

²Зих — камон ип

³Итоби — газабкор

Жимликни Султоннинг овози бузди:

— Шерларга ачинмайдурлар, — деди у аста ва итобли³ тарзда хитоб этди. — Улардан ифтихор этурлар! — Аммо у шу гапини айтди-ю беихтиёр бир сўлиш олди. Шу-шу кечгача ожизлана борди. Оқшомда иситмаси чиқиб, ётиб қолди.

Хайём унинг ширдоғини ечиб, ёзи офтобидан қорайиб, озғинашган юзидағи совуқ терларни артди.

— Менга не бўлди, шоир? — сўради у титраркан.

— Шикорни тұхтатинг, олампаноҳ, — деди Хайём ялинчоқ оҳангда. — Кўнгилхушлик учун жониворларнинг қонини тўкмоқдикни бас қиласайлик. Руҳиятингизга шикаст етмиш, султоним!

— Ҳа, ўзим ҳам сезиб турибмен!.. — Султон энтиқди. — Тонгда саройга қайтмоқликка фармон беринг, шоир. Шаҳарга қайтишимиз ҳамоно Адам Шайх ҳазратларининг хонақосига, муридларига хайру эҳсонлар қиласу.

— Султонимнинг ниятлари ўзларига йўлдош бўлғай, — дея унинг сўзини маъқуллади Хайём.

Эртасига эрталаб Исфаҳон сари йўл олдилар. Султоннинг аморийда ўтироққа ҳам ҳоли келмагач, аробага ётқиздилар. Умар Хайём уни муолажа қилмоққа тушди.

Бу шикорда ўн минг бошдан зиёд жонзотларга қирон келтирилди. Шу-шу халқ орасида "Султон Маликшоҳ, минорат ал қорун", яъни, "Султон Маликшоҳ шохлардан минора тиклади", деган нақл тарқалди.

Иккинчи боб

1

Исфаҳонда ва умуман, салжуқий султонлар ҳукмронлик қилаёттан бутун мамлакат худудида турли дин ва мазҳабларга мансуб авом бақамти умргузаронлик қиласардилар. Салжуқий ҳукмдорлар исломпарвар бўлғанлари ҳолда, ўзга динга мансуб қавмларга ҳам бағрикенглик или муносабат кўрсатардилар. Улардаги мана шу фазилат кўпчиликка манзур бўлар ва забт этилган ўлкалардан Исфаҳонга ҳамда мамлакатнинг бошқа кентларига олиб келинган шоиру фузалолар, хунарманалар бу ер халқи илиа тез қовушар, урфу одатларига ҳам тез кўнишиб кетардилар. Бироқ бу улкан ва қудратли давлат сиёсатининг бундайин мақомга етишмоғи осон кечмаган, унга анчайин курашлар или эришилган. Мамлакат ичра бу янглия тартиб ўрнатилишида вазири аъзам Низом ул Мулк ҳазратларининг хизматлари бекиёс бўлган. Кекса вазир ёзган, шунингдек, аллақачон халқ ичра шуҳрат топиб, зиё тараатайтган "Сиёсатнома" отлиғ рисолани мутолаа эттан киши бунга янада амин бўлғай. Зотан бу донишмандликка йўғрилган рисолада тождорларга ва умуман давлатни идора этмоқ или машғул кишиларга кўпу хўп панду насиҳатлар борки, уларни қулоққа олиб, амал қилмоқ оқиллар ишидир. Аслан ҳам бу китоб салжуқий шаҳзодаларни тарбия этмоқ ва уларнинг амаллари илиа барпо қилинган буюқ ҳамда қудратли мамлакатни сақлаб қолмоқ орзузида битилган эди. Фозилу дониш вазир ҳукмдорларга неники айтмоқни ихтиёр эттан бўлса, ўша гап ёхуд унга муқобил ривоят ва ҳикоят мазкур рисоладан жой олганди.

Низом ул Мулк суннийларнинг шофеъий мазҳабига мансуб эди. Султон Маликшоҳнинг амакиси, салжуқийлар салтанатининг асосчиси Мухаммад Тўғрулбек ўлгудай ҳанафийпараст ва бу борада бисёр мутаассиб эди. У бутун умри мобайнинда шофеъийларни қатл этиб, қувғин қилиб яшади. Вале, соғ суннийлар давлатини барпо этмоққа қурбу имкони етмади.

Бу ғайирик ва адоват түйгүси султон Алп Арслонда ҳам мавжуд зди. У шофеъийларни күвгин қылмаса-да, уларни очиқдан-очиқ ёмон күрарди. Уларга зиён-захмат етказмаслигининг боиси эса Низом ул Мулқдай оқылу доно вазири борлиги ва унинг шофеъийлар мазҳабига мансублигидан зди. Лекин у бундан пинҳона афсус-надомат чекарди. Гоҳо кайфияти бузилган пайтларда бу надомати тилига ҳам чиқиб кетарди:

— Менинг вазирим шофеъий бўлмаса қанийди! Афсус!.. — дерди итоб ила.

У салтанатни куч ила идора этарди. Ўзининг эътиқодига, яъниким ҳанафий мазҳабига жуда содик ва муҳаббатли зди. Шофеъий бўлган вазири аъзам унинг худди мана шу садоқату муҳаббатидан хавфсираб яшарди.

Ёш султон Маликшоҳ даврида Низом ул Мулк ўз орзусига етди-ҳанафий ва шофеъий мазҳаблари расман тенг дея эътироф этилди ҳамда улар ўртасидаги низолар бирмунча барҳам топди. Мамлакатнинг жамики жойларида шофеъийларга нисбатан ғайри муносабатлар йўқ бўлди. Гўёки мусулмон дунёси осмонида оқиллик қўёши балқиб, жумла жаҳон муросаю мадора зиёсига йўғрилди. Бир сўз ила ифода этилса, салжуқийлар ва демакки, вазири аъзам орзусидаги мустаҳкам салтанат барпо этилди. Давлат идорасига аҳли диннинг таъсири кучайди. Низом ул Мулк жорий эттан Низомияда (кўплаб фанлар ўқитиладиган ва давлат томонидан таъминланадиган ўқув маскани) ва диний идораларда мутакаллимлар (Исломни анъанавий ва турғун ҳолда тушунувчи диний оқим) кўпайди. Сўфийлар алоҳида ҳурмату эътиборга эга бўлдилар, Исфаҳон сўфийларининг пири комили Адам Шайхнинг нуфузи ортди. Ҳонақоҳлар, муллавачча-ю ҳофизи Куръонлар учун мамлакат ҳазинасидан мўл-кўл олтину кумушлар тортиқ этиларди. Султон бошлиқ кўплаб амалдорлар шофеъийларнинг марҳум имомлари руҳига иззат-ҳурмат кўрсатмоқни одат қилдилар.

Вазири аъзам шулар билангина чекланиб ёки кифояланиб қолмасди. У мамлакатдаги ўз таъсирини, нуфузини мустаҳкамлаб борарди. Бу борада, айниқса, унинг ўзи жорий эттан Низомиялар жуда-жуда ўнгай зди. Улардаги вазир томонидан тайинланган мударрислар ва жомеъ масжидларининг имомлари Қуръони карим ҳамда ҳадиси шарифларга ўйғун тарзда унинг йўриқларини илгари сурардилар. Раиятнинг шуурига машҳур ва донишманд соҳиби девоннинг фикру насиҳатларини сингдирмоққа уринардилар. Филҳақиқат, бу уринишлар зое кетмаётганди, Низом ул Мулкнинг мавзеи салжуқийлар салтанати аро мустаҳкамланиб борарди.

Бироқ бани башар барибир бандалигича қоларди, яъни, у минбаъд ўзаро низоларсиз, келишмовчилкларсиз яшолмасди. Вазири аъзамнинг ҳоҳиши ва саъии ила мамлакатда шофеъийларга қарши таъқиблар тутатилгандек кўринарди, лекин улар ўртасидаги бу муросаю мадоралар фақатгина бошкент Исфаҳонда ва тақи баъзи вилоятларда сезиларли зди, холос. Бунга аксил ўлароқ, кўплаб вилоятларда ва айниқса, Ислом оламининг марказига айланган Боғоддода улар орасидаги низолар мудом давом этарди. Бироқ бу курашлар асосан авом ўртасида пинҳона тарзда олиб бориларди. Аслида, бу низолар ҳеч қачон барҳам топмаслигини вазири аъзам ва бошқа мулоҳазакор кишилар ҳам жуда яхши тушунардилар.

Шундай қилиб, буюк салтанат бир қадар осойишта ҳаёт кечирмоқда зди...

Салжуқийлар давлатида кўпчиликка ноаён бўлган ва султон Маликшоҳ ҳамда вазири аъзамгина сезиб турган бир хавф қувват йифмоқда зди. Бу хавфнинг асосида ҳанафийларни ва на шофеъийларни тан олмаган, уларнинг ҳар иккисига ҳам бирдек тиш қайраган исмои-

лийлар турардилар. Уларни бир сўз ила таррорийлар (ўгри, қароқчи, тажовузкорлар) деб ҳам аташ мумкин. Зеро, бу аҳли таррор бутун дунё бўйлаб ёйилиб, куч йиға бошлагандилар. Салжуқий салтанатда эса улар асосан Қазвинга, Исфаҳон ва Ислом халифаси-ю шайхулислом хукмрон бўлган Бөғоддода кўпчилик здилар. Уларнинг саноғи кун сайин ортиб борарди. Бу ҳакда бутун салтанат бўйлаб изигиган хуфиялар кунда-кун ора янги-янги хабарлар олиб келардилар. Таррористларнинг пешвоси вазири аъзамга жуда яхши маълум бўлган Ҳасан Саббоҳ, эди ва у олампаноҳнинг уларга қарши бир режа ихтиёр эттанидан ҳам боҳабар эди. Шунга қарамай, таррористлар вазири аъзамнинг ўз танасидаги энг хавфсираган оғриқли аъзосидек эди, гўё.

Бу ўй-фикрлар вазири аъзамни бир лаҳза бўлсин тарк этмас, нафакат шуурини, балки қалбини ҳам кемириб борарди. Кейинги кунларда унинг кўнглига гулгула солгувчи таки бир воқеа рўй берди-султон Маликшоҳ ҳазратлари шикордан хасталаниб, бунинг устига кишини хушламайдиган бўлиб, тунд алпозда қайтди. Олампаноҳнинг руҳиятидаги бу дарзнинг шикор маҳали рўй берган шер воқеаси таъсирида пайдо бўлганлигидан боҳабар эди. Бироқ хасталик чекиниб, оёққа турган бўлса-да, у ҳали бирон марта вазири аъзамни ҳузурига чорламади. Бу нарса вазирни турли гумону иштиоҳларга рўбарў этмоқда эди.

Соҳиб девоннинг шундоқ ҳам, яъни, шунча ташвишу хавфларсиз ҳам хотиржам яшаси мумкин эмасди. Чунки унинг ош аёқига оғу солган, аниқроғи, оғу солдирган ғанимлари ҳаёт здилар. Ибн Баҳманёр зинданда сирли тарзда ўлим топгани билан унинг ҳамтовоқлари, раҳнамолари тирик юрадилар. Бироқ вазири аъзам уларнинг кимлар эканлигини билмасди, билолмасди. Гоҳо танҳо қолиб, ўйга ботганда, сон-саноқсиз қўллар унинг гирибонидан олаёттандек туюлар ва хаёлан мислсиз куч топиб, улардан омон қоларди. Шундай вақтлари атрофида пайт пойлаб, писиб ётган беҳисоб ғанимлари борлигини ҳисқиларди, пайқарди...

2

Султоннинг дили хуфтон эди. Дунёнинг салкам ярмини зир титратган тождор ҳозир забун бир аҳволда ўтиради. Унинг бу кўнгилхиралиги шикорнинг сўнгига бошланган эрса-да, саройда рўй берган охириги ҳодиса аввалига ғазаб тулпорига миндириди. Лекин ўтган бир неча кун мобайнида ғазаби сўниб, бағрини ўқинч, алам эгаллади, ҳар нимарсага ҳафсаласиз аҳволга келди. Ундаги сўнган ўша ғазаб шоҳона бўлгани сингари, айни дамдаги ўқинчу алами бир жиҳати оддийгина инсоний бўлса-да, аслида, бу туйғулари ҳам шоҳона эди. У ҳатто шоҳларга ҳам дунё бебақо эканлигини англаб, ҳар қанча ҳиммату саховат кўрсатмасин, барибир одамий хиёнатдан, шундоққина биқинидаги ханжарлар тифидан омонда қолмаслигини англаб турарди. Бу нарсани англаш жуда эски, бироқ ҳар бир одам ўзича эришадиган шоҳона кашфиёт эди. Шунингдек, бу кашфиёт ҳамиша боягидек алам ила ниҳояланади...

Султон қарс уриб, ҳожиби даргоҳ (сарой нозири, қабул маросимларининг мутасаддиси)ни чақирди.

Ҳожиби даргоҳ кириб, таъзим ила хизматта шай тургач, буюорди:

— Аввалан муҳтасибни, сўнгра вазири аъзамни чорла!

Хизматчи чиқиб кеттач, нохуш ўйлар уни тағин ишғол эта бошлади: «Менга не бўлди? Бунчалар дилзадалик нечун? Ҳа, бир қизиқчи ўлса ўлибди, вазирзода хиёнат қиласа қилибди? Нима, шунга ҳам ота гўри-қозихонами? Ё хиёнатга энди рўбарў келишимми? Ахир, бу Одам Атодан қолган шўриш-ку! Шунга шунчалар алам тортмок дурустми?

Ахир, у султон, буюк салжүқийлар салтанатининг ҳукмдори! Бу янглиғ ақволга тушмоқ султонга ярашиқлими? Йўқ, асло!..»

Аслида, гап вазири аъзамда ҳам, қизиқчисида ҳам ва бошқада ҳам эмасди. Унинг ақвони руҳияси ўша шикорда рўй берган она шер воқеасидан сўнг бутунлай ўзгарганди. Лекин ўзида кечётган бу айру ҳолатни ўзи тузук-қуруқ англамасди. Ваҳоланки, шикордан қайтгач, бир ойча хасталаниб ётди. Табиблар муолажа этдилар, нафаси ўткир дуогўйга бир неча бор дам солдирдилар, сўфиийлар хонақосига, бева-бечораларга хайру эҳсонлар қилдилар, аммо жисми сиҳат топса-да, руҳи, қалби оромга эришмади. Мудом шу ақвол.

Ҳақиқатда эса салжүқлар давлатининг сарҳадлари кенгайгандан-кенгайиб борар, унинг чегаралари магрибда Ҳазар ва Марварид денигизига, шимолда Кофқоз ва Қора денигиз соҳилларига, жанубда эса Форс кўрфази ҳамда Ажаму Шом саҳроларигача етганди. Византия ва Миср фотимиийлари ҳам унга қарам эдилар. Булар жуда катта ҳудудларни ўз ичига оларди ва мана шу улкан ҳамда бемисл ҳудуд Буюк салжүқийлар давлатини ташкил қиласди. Энди султон Машриқ томонга кўз тикмокда эди. Унинг ўйида қорахонийлар давлати бўлмиш Мовароуннахр сари юриш режаси ҳам бор эди, бироқ буни ҳали ҳеч кимсага ошкор этмаганди.

Ҳожиби даргоҳ кириб, муҳтасиб Сайиид Муҳаммад Бадрий келганигини маълум қиласди. Султоннинг ишорати ила кўп ўтмай ҳузури муборакда муҳтасиб пайдо бўлди. У олампаноҳга таъзим қилиб, унинг ишораси ила таҳтнинг сўл ёнидаги ўриндикқа ўлтириди.

Султон илки остидаги Низом ул Мулк битган ва ўзига тухфа этган "Сиёсатнома" китобини олиб, Бадрийга узатди. Сўнг:

— Шариатда хиёнатга жазо борму, муҳтарам Бадрий жаноблари? — деди паст, ўйчан овозда.

Кекса муҳтасиб шошиб қолди. У табиатан жуда ҳуркак эди ва ҳозир ҳам жони кўзига кўриниб кетди. Шўрлик бировга, бирон гапга қарши чиқмоқликни умумун хушламас ва истамасди ҳам. Ҳозир кўзларини жовдиратиб, сукутда қолмоғи ҳам айни дамда мақбул сўзни излаёттанидан эди.

— Нечун индамайсиз? — Султон бу сўроғини жавобсиз қолдириш мумкин бўлган маънода айтди.

— Агар олампаноҳ...

Таъзим ила кириб келган ҳожиби даргоҳ муҳтасибининг гапини бўлди ва вазири аъзам келганигини маълум қиласди.

Низом ул Мулк ҳузури муборакка кириб, бош эгиб салом берди ва султоннинг ишорати ила унинг ўнг ёнбошидаги курсига ўлтириди. У хиёл саросимали кўринар, ҳатто боя таъзим қилаётганида ноқулайроқ саъй этди чоғи, салласининг пеши елкасидан сирғалиб тушиб кетди. Кекса вазир буни ўтиргач пайқади ва осилиб қолган печини шошиб ўнг елкасига ташлади. Унинг бу безовталиги султон ҳазратларининг ўзгариб қолганлиги ва уни шу кунгача бирон марта йўқлатмай, багонгоҳ ҳузурига чорлаб қолганлигидан эди.

Султон вазирга ўғрилиб, мийигида кулади ва деди:

— Вазири аъзамнинг сиҳатлари дурустми?

Вазир шуурида бу сўроққа турли маънолар бераркан, таъзим қиласди.

— Шукур, олампаноҳ, султонимнинг сояйи давлатларида ҳамиша омондамиз.

— Биз улур бир донишмандлик китобидаги ҳикматни сиз ила баҳам кўрмоқни ихтиёр этдик.-деди султон муҳтасибга "ўқинг" маъносида ишорат қиласкан, ҳали белгилаб ва унга тайинлаб қўйгани саҳифани очишига буюриб.

Вазири аъзам ўз китобини таниди ва бир нохушликни сезиб, ичи-

дан зил кетди.

Озғин, рангпар мұхтасибнинг нафақат илки, ҳатто сийрак соқоли-
гача титрарди. У ўшандайин титроқ овозда китобни ўқий бошлади:

— Ҳусрави Парвезднинг вазири Баҳром Чўбин ила муносабати бош-
да яхши эди, уни кўп ҳурмат қилди. Усиз ҳатто таом емас, бирон пиё-
ла гулоб ҳам ичмас эди. Шикорда ҳам, саройда ҳам улар ҳамиша бир-
га бўлишарди. Кунлардан бир куни Ҳирот ила Сарахснинг омиллари
подшога ҳар биттаси бир харвордан зарур ва қимматбаҳо юк ортил-
ган уч юз бош түя олиб келдилар. Ҳусрави Парвезд буларнинг ҳамма-
сини Баҳром Чўбинга берди.

Эртаси куни Ҳусрави Парвездга нохуш хабар келтирдилар-Баҳром
Чўбин гуломини қип-яланғоч қилиб қаттиқ савалабди. Подшо дарға-
заб бўлди ва Баҳром Чўбинни дарҳол чақиртириб келди, сўнг қурчи-
бошига: "Қурхонадан беш юз шамшир олиб чиқ!" деб буюрди. Қилич
олиб чиқилгач, Чўбинга қараб мурожаат қилди:

— Қани, Баҳром, қиличлар ичидан яхшиларини танла!

Баҳром юз эллик қилични саралаб олди.

Шундан кейин подшо яна деди:

— Шу қиличлардан ўнта яхшисини танла!

Баҳром танлаб, четта териб қўйди.

Подшо яна буюрди:

— Энди шу ўн қилич ичидан кескир иккитасини танла!

Баҳром энг яхши ва кескир икки қилични танлаб олиб, подшонинг
олдига қўйди.

— Энди, — деди подшо ҳар иккала қилични бир қинга жойлаштири.

Баҳром Чўбин ҳайрон бўлди, сўнг деди:

— Аъло ҳазрат! Ахир, икки қилич бир қинга сифмайди-ку?

Подшо деди:

— Ундаи тақдирда бир мамлакатта икки ҳукмдор сирадими?..»

Бадрий ўқишини тўхтатиб, китобни аста ёпаркан, султонга қараб
мўлтиради.

Вазири аъзам бошидаёқ ўқилаётган ҳикоятни эслаган ва султон нима
демоқчи эканлигини фаҳмлаган эди. Бироқ, ҳукмдор не боис, бу ҳико-
ятни ўқитаётганлигини англолмай ҳайрон эди.

Султон бўлса, ҳикоят тутагач ҳам манглайнини тутиб, ўнг ёнбошига
сунянганча анча сукутга толди. Нихоят вазирга маъноли тикилди-да:

— Ана шундоқ!.. — деди юмшоқ зарда ила.

Вазир "айбим не" дегандек лол турарди.

— Сизга ижозат! — деди бир маҳал султон вазирга ўлганнинг ус-
тига тепган янгли.

Низом ул Мулк забун бир аҳволда хаёллари чалкашиб, эшикка
равона бўлди. У чиндан-да, яқиндагина рўй берган даҳшатли воқеа-
дан бехабар эди...

Султон хасталиқдан сўнг оёққа тургач, кўнгил жиралигини ёзмоқни
истаб қолди. Бир хаёли Ҳайёмни чорламоқчи бўлди. Лекин шоир унинг
муолажаси ила бандлиги боис, кунда-кун оша шу ерда эканлигини
ўйлаб, дили янгиликни тусади ва суюкли қизиқчиси Жаъфарак Чу-
чукни чорлади. Аҳли сарой буюк бир саросимада қолдилар, чунки
қизиқчи аллақачон уқбога рихлат қилган, бу совуқ ҳабарни бемор-
лиқдан энди-энди халос бўлаётган султон ҳазратларига етказолмай
неча кундирки хизматчиларнинг ҳоли танг эди. Ана энди тождор ўз
қизиқчинини йўқлаб қолди-ю... Ҳар тугул энди шум ҳабарни аъло
ҳазратга етказмоқ ўнғайроқ. Етказдилар ҳам...

Жаъфарак Чучук сарой аъёнлари хузурида вазири аъзамни роса
масхара қылгач, вазир бу оғир юкни минг азоб ила ичига ютиб кўявер-
ган эди. Бироқ, бу гап устомон кимсаларнинг чакуви ила вазирнинг
тўнғич ўғли, Чучук айтмоқчи, ўн икки "сакбачча"нинг бири бўлмиш

Балх ҳокими Жамол ул Мулкнинг қулоғига етиб боргач, у ўзини қўярга жой тополмай қолди. Итобга келиб, аламдан ва ўч иштиёқида тишлари гичирлади. Жамол ул Мулкнинг феълида саркашлик¹ ва кибру ҳаво устуворроқ эди. Ушбу важдан сulton Маликшоҳни унча хушламас, бу борада отасининг насиҳатларига ҳам унчалик қулоқ соловермасди. Ҳали сulton Алл Арслон ҳаётлигидаёқ отаси унга ёш шаҳзода Муҳаммад Жалолиддинга, яъни, Маликшоҳга вазирлик мансабини тавсия этганида, у "Шу гўдакка вазирлик қиласманми!" дебарад қилганди. Ундаги ўша муносабат ва фикр сақланиб қолганди. Шунинг учун Жамол ул Мулк баттол масхарабознинг адабини бериб қўйиш ниятида эртасигаёқ дорулсалтанат сари йўлга чиқди. Исфаҳонга етиб келгач, Жаъфаракни тутди ва аввал, унинг тилини кесиб, қонга белади. Сўнг, бўғизлаб ташлади. Бу ҳақда на отасига ва на бошқа бирорвга бир сўз айтмай Балхга қайтиб кетди...

Унинг бу қилмиши сultonнинг юзига оёқ қўймоқлик ва ҳатто, уни очиқ-ошкора писанд қилмаслик илиа баробар эди. У гўё Маликшоҳни курашга даъват этарди. Сulton ҳам бу даъватга "лаббайка" дебарад жавоб берди ва вазири аъзамни бу мудҳиш қилмишдан боягидек киноя илиа воқиф этгач, тунда Балх сари ҳуфия киши юборди. Ҳуфия Балхга етиб бориб, Жамол ул Мулкни пинҳона бўғиб ўлдирди ва икки ойдан сўнг бошкентга оғир хасталиқдан қазо қилди, деган хабар олиб келди.

3

Вазири аъзам сulton ҳузуридан чиққач, авбош ўғлининг қилмишини эшитиб, таҳликада юрган кунларда аъёнларни саройга чорлади. Сulton Маликшоҳ ҳарбий машваратни ихтиёр этган эди. У машварат чоги қораҳонийлар ҳукмронлиги остида бўлмиш Мовароуннаҳрга лашкар тортмоқчи эканлигини ошкор этди. Бу хабарни эшитган сарой аъёнла, и, сипоҳсолар² олампаноҳни муборакбод этиб, олқишиладилар. Қалби таҳлика-ю андишада бўлган Низом ул Мулк эса, зоҳирлан олқишиларга ҳайриҳоҳ турса-да, ёнидаги Умар Хайёмга зимдан маъноли қараб қўйди. Чунки...

Акаси сulton Тўғрулбекдан сўнг салжуқийлар таҳтига ўлтирган сulton Алл Арслон унинг Боғдод ҳалифасининг аралашуви боис амалга оширолмаган ниятини рўёбга чиқаришга аҳд қилди. Тўғрулбек замонида қораҳонийлар ҳукмдори Тамғачон унинг тажовузларидан ҳалифага арз қилган ва ҳалифа ҳар икки тоҷдорни муросага солган эди. Бу даврга келиб, Боғдод ҳалифалиги инқизорзга юз тутган, ҳалифанинг ҳам, шайхулисломнинг ҳам мудом омонлиги Исломнинг ҳурматидан эди, холос. Аслида, бутун шарқий оламга салжуқийлар ҳукмронлик қила бошлагандилар.

Шундай қилиб, ҳижрий 450 (милодий 1071) йилнинг бошида сulton Алл Арслон қарийб икки юз минглик қўшин илиа Мовароуннаҳр сари юриш бошлади. Бу юрт ҳалқининг азалий ҳалоскори, ҳимоячиси бўлмиш қўҳна Жайҳун соҳилларига етиб, бир муддат нафас ростлаш баҳонасида дарё узра кўприклар курдиришга тушди. Кунларнинг бирида салжуқий сипоҳийлар шубҳали бир кимсани тутиб келтирдилар. Ошкор бўлишича, бу кимса қораҳонийлар салтанатининг дарвоза шаҳри бўлмиш Термиз қалъасининг қутволи экан. У сultonга муҳим бир сирни айтмоқчи эканлигини билдиригач, уни сulton Алл Арслонга рўбарў қилдилар. Юсуф отлиғ кимса ғанимнинг жонфидо ҳуфияси бўлиб чиқди- у сultonга ёвуқ келгани ҳамоно унинг кўксига ҳанжар урди ва ўзи ҳам соқчилар илкида тилка-пора бўлди. Сulton қаттиқ яралангани сабабли қўшинни орқага қайтарди ва Исфаҳонга етиб келгач, омонатини топширди. Таҳт ворислигини ўғли Жалолид-

¹Саркашлик — қайсарлик

²Сипоҳсолар — лашкарбoshi

дин Маликшоҳга ҳамда унга раҳнамоликни суюкли вазири Низом ул Мулкга васият қилди.

Ҳали қони қайноқ бўлган ёш султон тез орада падари бузруквори-нинг хунини талаб қилмоқни ихтиёр этиб, келаси йили кўкламдаёқ Бухоро сари юришга ҳозирлик кўра бошлиди. Бироқ Бухоро қозикалони Абу Тоҳир вазири аъзам Низом ул Мулкга мактуб ила киши йўллаб, бу юришни тўхтатишилигини ўтинди. Эвазига божу хирожлар мидорини зиёда этмоқликини ваъда қилди. Қозикалон мўлжални тўғри олганди. Чунки вазири аъзам султонга мурожаат этиб, Мовароуннаҳр юришини тўхтатишиликка эришди. Унда султон Маликшоҳ ҳали ёш, вазири аъзамнинг йўлига юргувчи, кўп юмушларда унга итоат этгувчи ва шу ила ота васиятини бажараётганлигидан шодланувчи губорсиз йигитча эди. Энди эса у улрайтан, ўз фикрида қаттиқ тургувчи саркаш ҳукмдорга айланган ва шон-шавкати Низом ул Мулк заковатининг кўлласида қолаётганлигини тушуниб етганди. Қолаверса, зурриёди қилган авбошлиқ вазири аъзамга бўлган ишончига ҳам путур етказганди. Энди бу урушга қорахонийлар наслидан бўлмиш малика Туркон Хотун ҳам монелик қиломаслиги аниқ эди. Бундан ташқари, қозикалон Абу Тоҳир оламдан ўтган, Бухорода авомга нисбатан жабрзулм кучайиб, унинг аввалги ҳукмдори Шамс ул Мулкнинг ўғли Аҳмадхон султонга итоатсизлик қила бошлиганди. Вазири аъзам ҳам, Хайём ҳам бу нарсалардан боҳабар эдилар ва айни дамда, Мовароуннаҳр салтанатининг олдинги куч-кудрати қолмаганлигини ҳам яхши билардилар. Аҳмадхон ҳали фўр, қалта ўйлагувчи йигитча эди. Аммо, Хайём бир замонлар дунёга илкини чўзган қорахонийлар сулоласининг шоншавкатини, ақлу закосини яхши биларди...

Султон кўкламда бошланажак Мовароуннаҳр юришига тадорик кўриш ҳакида фармон бергач, машварат якун топди.

Қазвиний ҳузури муборакдан чиқаркан, муҳтасиб Бадрийни эртага шаҳзода Такаш ҳазратлари ҳузурида бўлажак, унинг ўзи айтмоқчи, "муҳим сұхбат"га таклиф этди.

4

Эртаси куни Қазвиний шаҳзода Муҳаммад Такашнинг саройига кириб келганида у ўз қасрининг томида эди. Шаҳзоданинг феъли-ю одатларидан анчагина боҳабар бўлган амирул шуаро тўғри қаср томи сари йўналди.

Такаш болалиқдан кабутарбоз эди. Қасрининг томи устига бир неча ҳавозалар ўрнатилган бўлиб, уларда ҳамиша турфа хил кабутарлар тизилиб турар, бир қисми эса осмони фалакда чарх уради. Унинг юздан зиёд кабутарлари бор эди. Ҳозир ҳам осмонда бир гала кабутарлар учиб юрар, юмшоқ оромкурсида пар болишларга суюниб, ёнбошлаб кузнинг илиқ ва ёқимли офтобига тобланиб ўтирган шаҳзода Такаш улардан кўзини узолмас, гоҳ қарс уриб, гоҳ қийқириб, хуркитар, чиройлироқ рақс этмоққа ундарди. Айни дамда, у дунёдаги жамики нарсаларни бирин-кетин кашф этиб, ҳайратга тушаётган маъсум гўдак монанд эдики, қанотли гўзал жониворларнинг ҳаракатларидан завқу шавқда тўлиб, сакраб юборгудай бўларди...

Султондан бир ёшгагина кичик бўлган Такаш унинг она бошқа иниси эди. У озгин, новча бўлиб, кўзлари чинакам сахройиларга хос қисик, бурни катта, ёноқлари бўртган, то табассум қилмагунча кишини ўзидан нари суриб тургувчи киёфали инсон эди.

Қазвиний хушомадга уйғун таъзим ила унга яқинлашди. Шаҳзоданинг кабутарлар парвозидан сирам кўз олгиси йўқ эди. Шунинг учун аввалига шоирни хушламайроқ кутиб олди ва сўнг кечаги келишувлари ёдига туцди шекилли, зўраки мулозамат кўрсатди.

— Ажаб тоза кўнглингиз бор-да, шаҳзодам, — деди Қазвиний Ташаш кўрсатган ўриндиқقا ўлтиаркан, хушомадгўйларча бидиллаб. — Дўстларингиз парвозидан ҳамиша шодланасиз. — Унинг пачоқ башараси Такашнинг чўзиқ юзи қаршисида аянчли даражада кичик кўриниб, амомасининг остида қолиб кеттандек туюларди.

Қазвинийнинг тагдор гали шаҳзодага матькул тушиб, хиёл жилмайди.

— Муҳтасиб кўринмайдилар, шоир? — дея сўради у Қазвинийга бир йўла ўтрилиб.

— У юраксиз така соқолдин не наф, шаҳзодам? Барибир бирон корга ярамайдур!

Хизматкор илиқ гулоб келтирди.

Ичдилар.

— Жаъфарак чучук туфайли сultonимиз баттол вазиридан юз ўтиридилар. Ўзини қўярга жой тополмай юрадур... — Қазвиний Жаъфарак Чучукнинг вазири аъзам ҳақидаги пайровига ишора қилиб, хиринглади. — Аслида, раҳматли Ибн Баҳманёр солган оғудан ўлиб кета қолгани дуруст эди.

Такашнинг юзи тақи ёқимсиз аҳволга келди.

— Ҳа, Ибн Баҳманёр мардона турди. Аммо, барибир, зинданбонга ақча бериб, азобини енгиллаштирмаганимизда охиригача бардош қиломасди. Бизни ҳам оёғимиздан тортарди. — Такаш бироз жим тургач, қўшиб қўйди. — Минбаъд бу юраксизликдан эмасдурки, ҳали истиқболимизда буюк ишлар турибдур. Аларни рўёбга чиқармоғимиз учун ҳам биз яшамоғимиз даркор.

— Тўғри айтасиз, шаҳзодам. Султонлик асли сизга ярашиқди. — Қазвиний овозини пасайтириб, ҳеч ким йўқлигини билса ҳам у ён-бу ёнига қараб олди. — Энди анови худосиз майпарастни даф қилсан, муродимиз икки ҳисса ҳосил бўлғай.

— Ҳа, у мажусийпараст ҳам сultonнинг ишончига кириб олди. — Такаш бир тўхталди. — Биз ана шу ишонч чирогини сўндиromoғимиз лозим.

Қазвиний дарров гапни илиб кетди:

— Унинг душмани — ўз шеърлари. Улар шеър эмас, лаъиннинг найранглари. Тағин у бу шеърларини, - у маъноли жилмайди, -маликамизга ўқиб, кўнгилхушлик қиласадур. Султонимизга етказсан кифоя, шаҳзодам!

Такаш жим қолиб, бармоғидаги забаржад кўзли узугини бошқа илкининг узун бармоқлари ила ўйнаб, унга тикилди.

Шоирлар амири пайтдан фойдаланиб, яна хушомад отига қамчи босди:

— Бу бармоқларга сultonнинг муҳрли узуги ярашадур, шаҳзодам!

Такаш ялт этиб унга қаради-да, мамнун жилмайди ва деди:

— Султонимиз кўклиамда Мовароуннаҳр устига қўшин тортмоқликларини айтдиларми?..

Қазвиний унга савол назари ила тикиларкан: «Шундай», деди сенингина.

Такаш уни яқинроқ келишга ундади ва пичирлаб муҳим бир режасини тушунтира бошлади...

Учинчи боб

шоир ишдан бош күтариб, у томон қарагач, кирмоққа ижозат сўради. Хайёмнинг ўйчан нигоҳи унда бўлгани ҳолда хаёли ёзаёттан асари ила банд эди. Шунинг учун остоноада турган Микоилнинг муддаосини англаёлмай бир муддат унга сўзсиз тикилиб қолди. Ниҳоят шуурида қатланган фикрлар бир ёнга сурилиб, рўбарўсидаги кишининг нимадир демоқчи эканлигини илғади. Илғади-ю вужудида ожиз бир итоб ўйғонганини кўзлари ошкор этди ва Микоилга "кел" деди хушламайги на. Унинг феълида қўрслик, ҳатто ҳақгўйлик ортидан вужудга келгувчи хиёл дилозорлик мавжуд эди ва айниқса, уни суюкли машғулотидан чалғитсалар, илҳомига дарз солсалар тоқат қилолмасди. Микоил хожасининг бу феълини ҳар тутул яхши биларди. Айни дамдаги ҳаралтлари эса чорасизлик туфайли пайдо бўлган шошқалоқликнинг маҳсули эдик, бу суюкли соҳибига бирор эркаланиш ҳиссига ҳам қоришиб кетганди.

Хайём унга қовоқ уйганча "ўтири" дегандай ишора қилди.

— Не муддаоинг бор? — деди сўради шоир, у рўбарўсига ўтиргач, ер остидан.

Микоил хожасининг хушламаганлигидан эсанкираб, каловланиб қолди:

— Афу эттайсиз, хожам... Мен...

— Оғзингта талқон солғанмисен, нечук бунча чайналасен?! — Хайём хизматкорини дадилликка ундаdi.

— Аввал ҳам бир ўтингчимни айтиб эрдим, хожам...

Эслади - у севгилиси Лайли ҳақида гапирганди. Агар маликадан рухсат олиб берса, Хайёмнинг оқ фотиҳаси ила унга уйланмоқчи эканлигини айтганди. Нечук унинг бу ўтингчини фаромуш қилдийкин? Ҳа, бир-икки бор маликага рўбарў келганида тилининг учига ҳам келганди, бироқ Туркон Хотундан қарздор бўлишлик ҳисси устун келиб, тилига боғич солганди. Кейин эса унугибди. Қолаверса, у ҳукмдорлар ила мулоқотда бўлавериб пишиб кетган, уларнинг ҳузурида сўз айтганда хушёрлик лозимлигини жуда яхши тушуниб қолган эди. Бу борада етти ўлчаб, бир кестган маъқул. Бу дунё, саройлар унинг қалб аталмиш ҳур салтанати эмаски, истаган сўзини айтиб, истаган фалса-фасини, фикрини тўкиб солса. Йўқ, уларнинг салтанати унинг қалб мамлакати ҳоқонига бўйин эгмайди. Уларнинг ўз қонун-қоидалари, тошу торозулари ва ҳатто ўз шариатлари бор. Шул андишалар боис унинг илтимоси хаёлидан фаромуш бўлибди.

— Ёдимда, — деди ҳануз тўнг овозда сўзлаётган Хайём. — Фурсат келганда айтурмен маликамизга. Нечук бунча ошиқурсен?

Микоил хижолат тортиб, бош эгди ва ҳазин бир овозда деди:

— Ошиқмоқдигим боиси, Лайли бисёр азиятда қолмиш, хожам. Малика саройидаги можаролардин...

— Бас! — Хайём Микоилнинг гапини кескин бўлди. — Ҳасратинг икки дастурхондин ошаркан-ку, эй айиқбоз. Сенга ижозат, борақол!

Микоил итоаткорона бош эгиб, ўрнидан турди ва эшик томон йўналди.

Хайёмнинг бағрини нимадир тирнагандай бўлди. Ҳозир у ўзининг фикр оламидан қайтиб, шуури дунёвий ташвишлар қуршовига тушмоқда эди. Бунчалар дилозорлик нечун? Наҳотки бир ширин сўзга ярамаса?!

Микоил остона ҳатлаётганда уни тўхтатди:

— Менга қара, Микоил.

Йигит тўхтаб, ортига ўтрилди.

— Полвонинг ўзга бир овозда ўқирадурон бўлиб қолмадими? Ҳатто кўзлари ҳам бежо боқадур? — Хайём кулди. — Ёки у ҳам соҳиби каби ишқ дардига мубталоми?

Микоил жилмайди.

— Мен сезганим йўқ, хожам.

— Эътибор қилчи, балки сезарсен...

У чиқиб кетди. Хайём унинг кўнгил хиралигини бироз ёрита олганидан таскинланиб, ижодга қайтмоқ илинжида қоғоз узра ўтирилди. Бироқ энди ижод завқи сўнганди, бошидаги фикрлар тирқираб кетганди. Шунинг учун ҳафсаласи пир бўлиб, яна Микоилни эслади. Филҳақиқат, унинг айғи ўзга бир атворга келмиш. Уни кўриб, бир пайлар айиқлар ҳақида эшиттан гапи ёдига тушди. Айтишларича, тутқун айиқлар умр интиҳосида ўз соҳибини ҳалок этармиш. Буни билгандар айтиб эрди. Полвоннинг феълидаги ўзгаришни пайқаб, гоҳо Микоилнинг тақдиридан хиёл хавотирга тушиб юргувчи эди. Мана энди ўша хавотирни аңдак ошкор этган бўлди.

Дарвоқе, вазири аъзам эртага Низомияга таклиф этиби - талабаларга ваъз айтиб, сабоқ бериши лозим эмиш. Бечора ўғлининг қилмишидан андишага, тақдиридан қўрқувга тушганлиги рост. Кексайганида бу кўргилик унга оғирлик қиласи аниқ. Авбош бола-я! Наҳот подшоҳга ҳамма қилсанг? Ахир, у ҳукмдор, сўзи тутул, бир киприк қоқмоғи сени чилпарчин қиласи мумкин. Бунинг устига подшоҳнинг хешу яқинларингга итобичи? Буларни ўйламоқ учун ақл даркор, бола! Падарингни не аҳволга солдинг-а? Энди шўрлик талабалар ила мулоқот қилиб овумоқчи, шекилли. Ҳа, вазири аъзам талабаларга сабоқ бермоқни, ваъз айтмоқликни хуш кўрарди. Шул боис, у Низомияга кўп келарди. Хайём эса унинг акси-табиатан камгап бўлганлигидан ҳар турфа жамоатлардан ўзини олиб қочар, илми толибларга ваъз айтмоқни ҳам ёқтирамасди. Эҳтимол, у мадраса талабалари барибир мени тушунмайдилар, дея бегонасирамиди ёки уларнинг тилини топиб, дилига йўл сололмаслигидан хавфсирамиди, не бўлганда ҳам у мадраса остонасига кам қадам қўярди. Унинг феъли шундай эди. Йўқ, аслида ундейин ҳам эмасди, мабодо қулфи дили очилса, рўбарўсидаги кишиларнинг кўзлари унинг сухбатини англаётган янглиғ ташна боқаёттанликларини пайқаса, чунонам сўзлардики, ўзини унутиб қўярди. Айниқса, унинг ўзигагина хос бўлган мастона бир илоҳий жазба ҳолатида шеър ўқиганида буткул бошқа одамга айланарди. Минг афсуски, уни ўқиб тинглагувчилар ва англагувчилар озчилик эдилар.

Канизак Пармуда оҳиста қадамлар ила кириб, илкидаги кўрага¹ ва сопол пиёлани хонтахтанинг бир бурчагига қўйди. Унда Хайёмнинг ўзи тайёрлаб берган гиёҳлар дамламаси бор эди. Шоир ундан иссиқиссиқ ичмоқдикни хуш кўрарди. Бундан жуда яхши боҳабар бўлган канизак унинг кўнглини олмоқ истагида эди. Бироқ Хайём ҳозир хаёлларидан айру тушмоқни истамасди, шунинг учун канизакнинг бемавруд кириб келиши дилида ғашлик уйғотди. Зимдан унга боқаркан, ҳамиша гўзал кўринган ва аслида, ҳам соҳибжамол бўлган Пармуда кўз ўнгига бадкиёфали бир кимсага менгзади. Бунча хунук бўлмаса-я бу канизак? Аввал кўзим қаёқдайди? Фаҳму фаросати ҳам ҳамин қадар, акси бўлса, айни хаёл уммонига ғарқ бўлганида кириб келармиди? Бас! Бирон гулюзни топиб, уйланганим бўлсин. Балки шунда бул каби хаёлкушлардин йироқ тушурмен... Мана шу ноҳуш ва шунингдек, унинг учун гайришуурий бўлган ўйлар асносида кўз ўнгига Марямнинг гўзал сиймоси вужудга келди. Пармуда ва хонадаги нимқоронгулик ундан узоклашди, қалбига ойдинлик инди. Марям жуда гўзал эди ва таралаётган нурга қоришиб кетгандай кўринарди. Ҳозир у ҳам ана ўша нурга сингиб борарди...

Пармуда шоирнинг юзидағи маънони англаёлмай, индамай қайтиб чиқиб кетди.

Марям ҳозир не қилаётir экан? Тез-тез хасталангувчи отасининг кўнглини овламоқ ила бандмикин? Ё бу каби у ҳам хаёл оғушидами-

¹Кўрага — май идими

кин?.. Булоқ бошидаги онларни эслармикин?!. Хайёмнинг вужуди оташлана бошлади. Унинг танаси оппоқ, қаҳрабо янглиғ эди. Сочи, қошу киприклари тим қора, гүё қора тусли аланга ловуллаётганга ўхшарди. Лаблари пушти, силлиқ, улардан булоқ сувининг ҳиди келади. Лабининг ўнг кунжида лабларига уйғун ҳолда ҳамиша титраб тургувчи холи бор. Ох, бу хол остидаги қимтилган маъводан димоққа урилгувчи хушбўй таъм! Жонни нисор этса арзир ул бўйга!..

Кимдир томоқ қирди.

Хайём олис-олислардан қайтгандаи бўлди. Қаршисида хиёл буқчайганча турган Риндоний кирмоққа ижозат сўрамоқда эди. Тақи унинг манглайи тирищи, бағридан бемисл бир наъра отилмоққа шайланди.

— Оромингизни буздим, чоги, хожам? — деди кулранг тусга кирган соққол-мўйлабидан май ҳиди анқиган Риндоний андак хижолат тортиб.

Хайём ошкора зарда ила деди:

— Оромимни эмас, беоромлиғимни буздингиз, эй Ринд.

Кекса фаррош не қиларини билмай, мулзам бўлиб қолди.

Шоирнинг эса баттар зардаси қайнарди:

— Менга ғайри кенгаш тузганимисизларки, бу кеч асло ўз ҳолимга қўймагайсизлар?

Риндоний таъзим ила тезроқ жуфтакни ростламоққа шайланди.

Хайём садоқатли ва айни, шунингдек, дарвеш кўнгилли кишинини ранжитиб қўйиши мумкинлигини дарҳол фаҳмлади, фаҳмлади-ю қон томирлари узра барқ урган бир нимарса лаҳзадаёқ бутун вужудини кезиниб, шуурига санчилди.

— Не юмушингиз бор эди, эй Ринд? — деди осто надан ғойиб бўла-ёзган фаррошни тўхтатиб.

У ортига қайрилди ва шоирнинг нигоҳидаги қайтишни сезиб, хиёл жилмайди:

— Тўфон тиндими, хожам?

Хайём аввалига унинг сўзини англамади ва бирдан паришон кўзла-рида табассум порлади.

— Иншооллоҳ, тинди. — деди ва Риндонийни ўтиришга ундали. — Муддаони айтинг, тақсир.

— Хўп бўлади, хожам. — Фаррош бирров тараффудланиб олди-да, сўзида давом этди. — Расадхонамизнинг таббохи анчадан бери хасталаниб юриб эди, хабарингиз бор. Бу кун буткул ҳолдан тойиб, ётиб қолибди. Ахволи анча мушкул, хожам. Шул важдан, ошпазликни ўзим звлаб турсаммикин, деб келиб эдим. Сизнинг ижозатингиз ила, албатта.

Хайём бироз жим турди-да, деди:

— Ижозат. Эрта оқшом чоги таббоҳ ҳолидин хабар олғаймиз. Бечора қизи Райҳона йўқолганидан сўнг ўнгланолмади. Шул айрилиқ дарди йиқади шекилли уни. — Унинг нигоҳида тақи паришонлик зухур эта бошлади.

Буни пайқаган Риндоний сұхбат поёнига етганини фаҳмлади-да, бир ишорат ила ижозат сўраб, чиқиб кетди.

Хайёмнинг тафаккур бўстонида фикр гиёҳи унмоқда эди. У ўзининг бошидан шу сўнгти соатларда ўтказган кечмишларини ўйлаб, тафтиш қиласи ва ўзича улуғ бир кашифиёт ясади: демакки, одам боласининг эрки, кўнгил ҳурлигига қанчалар даҳл қилинса, у шунчалар зулмкор бўлар экан. Демак, инсон туйғуларини ҳадлашга саъй этмоқ ёвузликдир. Ё, Оллоҳ! Унинг ўзи шу ўтган қисқа фурсат мобайнида ўз эрки, кўнгил майлиниг ҳурлиги дея неча дилга озор бермади, ахир!..

У илкига хомани олиб, олдидағи қоғознинг бир четига ёзиб қўйди: "Буткул ҳур бўлмоқлик ёвузликка аксил буюк исёндир".

Низом ул Мулк жорий этган Низомия мадрасаларида сабоқлар жуда эркин тарзда бериларди. Илму фанга султон ҳазратларининг ҳам, вазири аъзамнинг ҳам хайрихоҳликлари борлиги боис ушбу илм масканларида инсон тафаккурининг дурлари "бу Исломий, бу ноисломий", дея ажратиласди. Шу сабабли ҳам толиби илмлар Пайғамбар алайҳиссаломнинг: "Ҳатто Чиндан бўлса ҳам бориб илм ўрганинг", деган ҳадиси шарифини ўз сулукларига чароғ қилиб олмищдилар. Вазири аъзамнинг муродига биноан давлат маҳкамаларида ҳам ишлашлари кўзда тутилган бу талабалар ҳукм сурган ўшал эминлик боис ҳур фикрларга соҳиб эдилар. Бироқ султон ва вазири аъзамнинг амрлари илиа хуфиялар ҳамма жойларда изгиб, пайғаганки шубҳали гапсўзларни саройга етказиб турадилар. Бундан Хайём ҳам жуда яхши боҳабар эди.

Вазири аъзам ўткир воиз эди ва толиби илмлар шунинг учун ҳам уни хуш кўрардилар. Аввало, у олий мартабали амалдор бўлганлиги, ҳамки ваъзлари таъсирли ҳамда чуқур билимга асосланганлиги боис ва ниҳоят, баъзи толиблар эса унинг назарига тушмоқ илинжида сабоқларни қолдирмасликка уринардилар. Вазир сабоқ бермоқдикни ёқтирас, ёш-ёш йигитчаларнинг чақноқ нигоҳлари, илмга ташналиклари унинг завқини келтиради. Қалбига маҳзунлик чўкиб, андуҳ босса, жисму жонига дунё тор келса, мадрасага ошиқарди. Толиблар илиа мулоқот ва узоқ вақт берилиб қилинган ваъзхонлиқдан сўнг енгил тортарди, кўнгли ёришарди. Мадраса сабоқлари унинг дил дардига малҳаму шифо янглиғ эди.

Бу кун Низомияга вазири аъзам или амирул фузало Умар Хайём ҳам келганигидан хабар топган толиби илмлар икки карра хушнуд бўлдилар. Мадрасада камнамо бўлган шоирнинг ташрифи, бу ердаги ҳурлик боис ёшлик сурурига эш парвозпеша ва олис юлдузларга кўз тиккан баъзи дарёдил толиби илмлар учун, айниқса, қувончли эди. Улар шоир ва олим Умар Хайёмнинг бетакрор ҳамда илҳомбахш фикрларини тинглашга ошиқардилар.

Сабоқ маҳали вазири аъзам ҳам иштирок этмоқни ихтиёр қилди. Балки у, айни дамда, безовта бўлган қалбига ҳаловат, дил ярасига малҳам истаб шундай қилдими ёхуд Хайёмнинг сўзларини тинглагиси келдими, ноаён. Дарсхонага Хайём илиа кирди-ю бир четта ўтиб, толиб мисол ўлтириб олди.

Хайём жуда равон ва оддий тилда эҳтиросли сўзларди. Гоҳо ўз сўзига берилиб кетганидан чакка томирлари бўртиб, овози баландлаб кетарди. Лекин ҳеч вақт дудукланиб ёки гапини йўқотиб қўймасди, сўз, фикр тилидан, шууридан дарёдай оқиб келарди.

У сўзини Мутлақият¹ ва инсон, уларни англаш, уларнинг ўзаро ҳамда ташқи олам или муносабатлари хусусида гапирмоқдан бошлади. Ҳар бир фикрини файласуфона мушоҳада қиларкан, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар илиа далиллари. Ниҳоят, табиат ҳақидаги фалсафий фикрларини нужум илми илиа уйғун этиб, кавокибу² сайёralар ва умуман коинот, унинг тузилиши борасида сўзлади. Узоқ гапирди. Сабоқ бениҳоя таъсирчан ва қизиқарли бўлганлиги туфайли толиблар орасида бирон бора безовталиқ ёхуд зерикиш сезилмади. Барчалари жон қулоғи илиа тингладилар. Ҳатто вазири аъзам ҳам киприк қоқмай, ҳайратини яширолмай қулоқ тутди... Хайём гапиришдан тўхтади. Ана энди дарсхонада жонланиш пайдо бўлди ва толиблар савол бермоқ учун изн сўрадилар. Илк савол шоир ҳеч шубҳаланмай кутган мазмунда бўлди. Уни озгин, рангпар юзли, аммо кўзлари чақнаб тургувчи йигит берди:

¹Мутлақият — Олмоҳ
²Кавокибу — юлдузу

— Юлдузлар чиндан ҳам инсон тақдирига дахл қиладиларми, ҳазрат?

Одатда бундайин мазмундаги сүроққа жавоб қилган кишилар күпда улғ мушкулотларга рўбарў бўлардилар. Чунки илми нужум тили или гапирилса, жавоб, албатта, Исломга, шариатта зиддай туюларди. Салжуқийлар салтанатида қанчалар ҳурфикр қадр топмасин, дили сиёҳ, ғаюр кўнгил фаламис кимсалар ҳам мавжуд эдилар ва улар ўз мақсадлари йўлида ҳар нега ҳозири қодир турардилар.

Хайём тўғри сўз ва айниқса, илм бобида ҳамиша адолатпеша ҳамда фикр айтмоқликда ботир юракли эди.

— Сиз, мулло йигит, қайси оят ва ҳадисларни назарда тутиб, ушбу савонни берәётгандигинизни сезиб турибмен. Бу савон бани башар дунёга келганидан бўён берилади ва ҳар ким ҳар хил жавоб айтади. Бу борада Фиръавну Хомонлар ҳам, мубоду¹ шомонлар ҳам, шоҳлару гадолар ҳам бош қотиргандар. Вале, аниқ ва пухта жавоб мудом йўқ. Бироқ улуг ҳакиму фузалолар юлдузлар ила сұхбат қуриб, кўп асрордин вөқиф бўлғонлар. Ҳудди шул каби бу хусусда бизнинг ҳам ўз қарашларимиз бор. Яъни, одам танасидаги юрак нима учун хизмат қилади? Конни совутиб, айлантириб бермоқ учун, шундайми? Юлдузлар эса, “йўлчиларга йўл кўрсатмоқ ва осмонга безак учун яратилган”. Шу гапга қаноат ҳосил қилмоқ мумкинми, ахир? Танҳо буюк зот шунчалар бемисл хилқатларни наҳотки шунинг учунгина яратган бўлса? Йўқ, бу Оллоҳнинг зотини, сифатларини камситмоқ эмасми? Ахир, қалб ҳам бор -у Тангрининг назаргоҳи. У қаерда жойлашган? Албатта, шуур ва юрак оралиғида. Ҳамма сир ана ўша оралиқда яширинган.

Тасаввур этинг, заминимиз бутун фалак - кавокибу сайёralар, кўзимиз илғагану илғамаган оламлар ичра буғдой донича келгувчи бир вужуд. Фалак айланаркан, унга уйғун тарзда замин ҳам чарх уради. Демак, бир-бирига ҳамришта эканми? Инсон шуури заминга нисбатан жимитдек бир нарса. Лекин у ўз қаърига жумла фалакни сиғдира олади. Эҳтимол, Оллоҳ таборака таоло фалакнинг кичик суратини инсон шуурига жо этгандир? Балки шунинг учун у ҳамиша ўз аслига-Эгасига талпиниб турар!.. Айни дамда, Хайёмнинг нигоҳида фалак акси пайдо бўлаёттандек эди. — Ва эҳтимолки, бизларни ўз шууримиз идора этгани каби Оллоҳ номай аъмолимиз ҳаритасини фалак қаърида пинҳон этгандир? Фалак қаърида эса юлдузлар жилва қиладир. Ҳак, фалак ва инсон бир бутун, яхлит ва шунингдек, айрудир...

Аксар толибларнинг кўзлари қуёшдай порлаб, ҳайрат оғушида шоирга тикилар ва унинг фикрлари қанотида юксак-юксакларда парвоз этардилар.

Хайём фикрлар уммонаидан чиқай демасди:

— Ҳозир қай бирингиз рух ҳақида сўрайсиз-бу, шубҳасиз?

Толиблар аро енгил кулгу кўтарили.

— Юлдузлар ва фалак, инсон ва рух ҳақидағи савонлар ҳамиша бақамти келурлар. Балки бу савонларнинг түғилмоғига азимушашын Куръондаги: “Эй Мұҳаммад, сиздан рух ҳақида сўрайдилар, айтинг, рух парвардигори олам амридандур” ояти каримаси боис бўлгандир. Ҳақ гап-бизлар рух ҳақида ниҳоятда кам билимга эгамиз, зеро, рух Оллоҳнинг сиридир. Қолаверса, ҳатто Пайғамбар алайҳиссаломга ҳам бундан ортиқ сўзламасликка амр этилган. Бироқ ақди ожизимиз имконида бу борада мушоҳада этморимиз ҳам зарурийдир.

Маълумингизким, инсон жисми унинг қазосидан сўнг хоки туробга айланади. Аммо рухчи? Оллоҳ уни қаерга йўллайди? Сукрот, Афлоту-ну Пифагорусларнинг фикрича, инсон рухи аввалда хиёл ноқис бўлур ва шул боис, ул тандан бул танга ўтиб, саргардон кезади. Бу ҳол то улар комиллик мақомига етгунларича давом этади ва комиликка эриш-

¹Мубоду — зардаётшилларнинг бош руҳонийси

гач, жисм, яъниким, тан ила робитани узадилар. Инсоннинг руҳи ҳайвонот, наботот ва ҳатто, санг туробга ҳам ўтмоғу мумкин. Бу бениҳоят ибтидоий фикр, бироқ унда ҳақиқатдан улуш ҳам мавжуд. Ҳа, Оллоҳ инсон руҳини унинг қазосидан сўнг ўз даргоҳига олади ва комиллик мақомига (номай аъмолига) боқиб, коинотнинг қайси кунжига йўллашни ҳал этади. Буни авом тилида осмон қаватлари деб аташ ҳам мумкин. Комил руҳлар то қиёматга довур осмоннинг маълум қаватида ҳаловватда яшайдилар. Бошқалари эса, даражотига монанд макон топадилар. Уларни ҳайвону гиёҳлар, санг кесаклар ичра ҳам учратмоқ мумкин. Илло, пок руҳлар пок маъволарда қўним топур, нопоклари эса... Бу нарса ибтидоий фикрларда руҳнинг тандан танга кўчмоғига нисбат берилган.

Азали мухтасар сўзлашга ўрганган Хайём айни дамда сўзининг чўзилиб кетиши ҳақида мутлақо ўйламас, қуйилиб келаётган қатма-қат фикрларидан завқланиб, илҳом оғушига шўнғиб борарди.

— Ибтидо ва Интиҳо хусусида не дейсиз, устоз? — дея савол берди бир толиб.

— Ибтидо ва Интиҳони англамоқ учун мангулик не эканлигини ақл мезонига солмоқ лозим. Бани башар пайдо бўлгунча беадад вақт дарёси оқиб ўтмиш. Ҳар бир одам қазосидан сўнг тақи қанча ҳадсиз вақт оқиб ўттай. Уч ўлчамли бизнинг маъвода жами инсониятнинг ҳаёти мангулик қошида бир лаҳза, холос. Бироқ инсон бир лаҳзада бутун мангуликни ҳис этиши, англаши мумкин. Ибтидо ва Интиҳони инсон англаган ана ўша лаҳза боғлаб туради. Қолгани жуда чексиз-чегарасиз, кўзу шуур илғамас.

Мен ақл баркамоллиги нуқтаи назаридан қараганимда, сўздан мўътабарроқ ва каломдан буюкроқ ҳеч нарсани топмадим. Чунки ундан афзалроқ бирор нарса бўлганда эди, Ҳақ таоло Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассалламга ўша нарса ила мурожаат қилган бўларди. Илло, ҳамма нарса сўздан иборат. — Хайём ўз кашфиётидан завқланди ва дилида уни эҳтирос ила қайтариб қўйди: “Оlamda энг буюк ва мўътабар нарса сўздир”.

Вазири аъзам рўбарўсида оламнинг турфа синоатларидан ваъз айтатёттан оташнафас шоирга, тағинки ўзи меҳр қўйган шогирди қавмидаги саркаш олимга маҳдиё бўлиб тикилиб қолганди. У Хайёмнинг сурату сийратидан уфуриб турган ҳурлик нафасидан масрур эди ва унга бениҳоя ҳавас қиласди. Султоннинг қилган муомаласидан мудом дилхун юрган соҳиб девон ўз фарзандининг тақдири учун қайғуриб толиқканди ва бир таскину андармонлик илинжида Хайёмнинг сұхбатини орзулаганди. Ҳар тугул одам тафтини одам кўтарур, деган гап бор. Агар ўз хонасига қамалиб олиб, минг бир ўйлар гирдобида қолса, кекса юрагига зил келмоғи аниқ. Фам-андух кишини ақлу шууридан мосуво қилмоғи ҳам ҳеч гап эмас. Устига устак дилни ваҳм оғати ишғол этур. Аслида-ку бирон ташвиш борасида узоқ қайғуриш унинг феъли-авторига мухолиф эди, яъни, яратувчига таваккул қилмоқни биларди. Бироқ банда барибир банда экан-да, балки ўз жони унинг кўзига илланмас, vale, белидан бўлғоннинг қисмати жигарини пора қилавераркан. Вазири аъзам ана шу ўйу хаёллардан йироқ тушмоқ истади ва айни дамда ўз муддаосига етишганди, яъни, у Хайёмнинг түғёни оламига ҳавасу хайриҳоҳлик илил кириб бормоқда эди.

Абул Фатҳ Умар эса эса ҳануз сўзларди, илм ишқи ҳақида эҳтирос ила гапираварди:

— Илмда фидолик лозим, акси бўлса, киши нўноқ бир мухлисга айланажак. Илм олмоқ-бу умидворлик, вуслати¹ насия бўлган ошиқлик. Агар илмга бутун вужуд, қалб ва шуурнинг гавҳари баҳшида этилмаса, беадад саъӣ пучдир. Эсланг, азиз илм ошнолари: яманлик Увайс

¹ Вуслати — висоли

Қароний Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи вассалламни кўрмаган эдилар. Бироқ ҳар нафаси ул зотнинг ишқи или йўғрилган эди. Мабодо васлига ошиқса, уйда кекса ва кўзи ожиз волидаси борки, тарки хона этса, суннатга хилоф бўлур. У куну тунларни бедор ўтказди, мужгонлари бир-бирларининг васлини соғиндилар. Ашклари либосларини нам этди. Ҳазрати Увайс фақат ва фақат Пайғамбар алайҳиссаломни соғиниб яшадилар. Ниҳоят у улуғ ажрга, буюк бир мақомга эришди. Ҳотамул анбиё ҳам гайб кучи или ул зот ҳақида билардилар ва асҳобга айтардиларки: "Ямандин бир Оллоҳ ошиғининг иси кела-дур", деб. Уқбога рихлатлари арафасида эса Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Алини, (Оллоҳ улардан рози бўлғай) ҳузурига чорлаб, мураққаъларини (кийимларини) бердилар-да: "Увайсга айтинг, ушбуни кийинда, умматимни дуо қиласин", дедилар. — Хайёмнинг вужуди ёниб, овози хириллаб, кўзлари ёшларга тўлмоқда эди. — Улар муборак мураққаъни элтдилар!.. Воҳки, аҳли уммат, айтинг, бундин ортуқ эҳтиром, сазоворлик бўлурми?! Увайс не-не улуғлар орзулаб етолмаган кутлуг висолга эришмадиларми?.. Ва Пайғамбар алайҳиссалом охиратда Увайсга берилажак улуғ ажрлар ҳақида ҳам башорат этдилар...

Баъзи талабаларнинг кўзларида ёш айланди. Ҳатто, асли кўнгли тўлиб турганмиди ёхуд чиндан-да шоирнинг сўзларидан мутаассир бўлдими, вазири аъзамнинг кўзлари ҳам ёшга тўлди.

Хайём эса ҳозир ўзини таниёлмасди...

Шоирнинг вазири аъзам или мулокоти мударрисхонада давом этди.

Аввало, Хайём валинеъматининг сўлғин ва забун аҳволини кўриб ўқинди:

— Аҳволингиз дурустми, ҳазрати олийлари? — дея сўради фарзандларча ғамхўрлик или.

Низом ул Мулк ҳам буни пайқади ва мутаассир бўлди.

— Шукур!.. Расадхонада аҳвол нечук? Даргоҳи олийдин бирон кўнгилсизлик етмадими?

— Йўқ, устоз. Барча юмушларимиз ўз хайлида бормоқда.

Шоирнинг "устоз" дейиши ҳам вазири аъзамга жуда-жуда хуш ёқди, чунки у сўнгти кунларда тобора кўнгилчану таъсирчан бўлиб бормоқда эди.

— Энди мен или камроқ мулокотда бўлмоқлик пайида бўлғил. — У шоирнинг юзида пайдо бўлаёттан ранжиш аломатини сезиб, изоҳ берди. — Ранжида бўлмоғинг ўринисиз. Илло, бу иккимиз учун ҳам ва ҳатто расадхона учун ҳам нафлидир. Султонимиз авбош фарзанд туфайли менга нисбатан ғазабдалар. Бу ғанимларимиз учун айни фурсатдир ва улар тезкор саъй этажаклар. Илоҳи, сенга шикаст етмасин! — Вазири аъзам жим қоларкан, юзида ўйчанлик зуҳур этди. — Менинг хавфим Қазваний ва валиаҳд Такашдин. Алардин воқиф ва эҳтиёт бўлғайсен. Энди сенга зиён етказмоққа бошлигайлар.

Хайём вазири аъзамнинг сўзларини тингларкан, шикорда рўй берган лочин воқеаси кўз ўнгида намоён бўлди. Ўшанда сultonнинг лочинларидан бири ўлжани тутиб, ваҳшат или қийқирганича ортига қайтган эди. Бу салтанатда таназзул, кўшинда ғалаён бўлмоғидан далолат эди. Наҳотки шу қиёслар ва инсон ёхуд салтанат тақдирининг бир маҳлук ҳаракатларига боғлиқлиги рост бўлса? Наҳотки шундайин улуг салтанатдин ҳам файз юз буриб, унга зиён етса ва ёки сultonу вазири аъзамнинг азалдин эшу ёвуқдигидин-да баракот кетса? Ё алҳазарки, шуҳрати мағрибу машриққа ёйилмиш вазири аъзам Низом ул Мулкдайин донишманд зот мана бу каби забун аҳволга тушса-я! Ахир, у қандайин соҳиби ирода, викорли ва ҳатто гоҳида кибру ҳаволи илки дароз (узун) киши эмасмиди? Энди эса тождорнинг биргина ишоратидан сўнгра мунғайиб қолибди. Аслида ҳам унга оғир эди, зеро у ўз жонидан кўра кўпроқ фарзандининг қисматини ўйлаб ёнмоқда эди.

— Ёмонларнинг ёмонлиги Оллоҳ таолонинг синовидир, ҳазратим, — деди Хайём таскин оҳангизда. — Алардин ҳимоят этгувчи ҳам унинг ўзиидир. — Шоир бу гапни айтишга айтди-ю шуурида галдаги осиёна фикр барқ урди: ёмонликни ўзи йўлласа-да, тақи ўзи ундан ҳимоят этса. Агар ўтрусида¹ дилхун валинеъмати бўлмаганида ҳозир ушбу мазмунда рубойй айтмоғи тайин эди.

— Малика ва шаҳзодалар ила мулоқотда ҳам хушёр бўлғил, — деди вазири аъзам кўзлари мудом ўйчан боқаркан.

Хайём энди Микоилнинг ўтигинчии эслади-бу хавфу хатар ва ҳатто, ваҳима ичра малика Туркон Хотунга бир сўз айтмоқ ҳам душвор.

Аларнинг сұхбати бундин ортиқ мавзуда қовушмади ва шу асно хўшлашдилар.

Орадан икки кун ўтиб, фарзанд доғи адо қилган расадхона соҳиби матбаҳи ҳам оламдан ўтди. Хайём пешво аҳли расадхона уни бир мўминга муносиб иззат-икром ила қабрга топширдилар ва аза очиб, худойи бағишладилар.

Бу ёқда Қазвийнинг Муҳаммад Такашга айтган гапи тўғри чиқди -орадан икки ой ўтиб, султон Маликшоҳ вазири аъзамга қўшилиб, унинг ўғли учун аза очди.

Тўртинчи боб

1

Хайём вазири аъзам ила кечган ўшал сұхбатдан сўнг расадхонани қарийб тарқ этмай қўйди. Ҳатто ижоду юлдузлардан-да кўнгли совугандай бўлиб, бағридаги шеър ишқи ҳам сўнаёди. Кўп фурсатни ўз ошёнасида танҳоликда, сажжода узра ўтказмоқликни одат қилди. Айниқса, тунларини ибодатда бедор ўтказиб, ҳамиша зикруллоҳ ила машғул бўларди. Унинг дил майли шундайин эврилганди-ўзи ҳам ҳайратда эдики, илки майга ёвуқ келмасди. Унинг бу кечмиши қошида шеъру май соғинчи ва ҳатто ёр соғинчи ҳам ҳечу абас эди.

Ўзидаги бу ўзгариш туфайлими ёхуд аввалдан мақсади бормиди, канизак Пармудани ҳам ўзидан йироқлаштириди. Онаси ила синглиси отасининг қабрини ғарип ҳолда ташлаб, Нишопурдан Исфаҳонга келмоқликни исташмагач, аларга тақи ақча йўллаб, канизакни шаҳардаги уйига кўчирди. Уй кимсасиз қолаётганилигини баҳона қилди.

У Микоилга ҳам Лайли ила дийдорлашмоқни таъзиқ этди, аммо санттарошга бу амрининг боисини ошкор қилмади. Шўрлик йигит иложизиз бир ахволда бўйин эгмоққа мажбур бўлди.

Бироқ Хайём гоҳ-гоҳида ўз ҳоҳиш-иродасига аксил тарзда малика Туркон Хотун саройига қатнар, маликанинг ҳоҳишига биноан шаҳзода Маҳмуднинг тарбияси ила банд эди. Шундай кунларда истасаистамаса Туркон Хотун ила рўбарў келар ва унинг юҳо кўзларига бардош бермоққа мажбур бўларди. Малика вужудидаги шайтон тилларидан яралмиш олов комида ундан шеър ўтинар ва гоҳо ана шу ўтичлари асносида ўзи шоирнинг ўғлиғ сатрларидан ўкий бошларди. Хайём унинг муддаосини англаб турса-да, ўзини бекатида ғалаёну фириб бошлаган шайтону жинлар домидан омон чиқмоқлик учун ҳам ибодатга шўнғигандай туюларди...

Шаҳзода Маҳмуд чечак дардига йўлиқди. Мана икки ҳафтадирки Хайём унинг муолажаси ила машғул. Ҳар куни малика қасрига қатнайди.

Бу йилги қиши қаттиқ келди. Ҳатто замину деворлар яхлади, чунки изғирин шамол йўллар ва деворлар юзига сўйкалиб эсади. Унинг таъсирида баданлар зирқирайди... Хайём иссиқ, кийиниб, малика сарой-

¹Утрусида — қаршисида

ига жўнади. Шаҳзоданинг сиҳати анча дуруст бўлиб қолганди. Шул боис шоир унинг ҳолидан боҳабар бўлибоқ маликанинг кўзига кўринмай зудлиқда ортига қайтмоқчи бўлди. У гоҳо ҳайрон бўларди- султону шаҳзода ва маликаларнинг саройларида табиблар беҳисоб ҳамда уларнинг ораларида ўликни тирилтиromoқдин ўзга барча юмушларга қодирлари ҳам бор эди. Лекин негадир соҳиби саройларнинг кўплари Хайёмга майл қиласдиларки, у ўз наздида, риёзатчи олим, закий мунахжим ва саркаш шоирлиги қолиб, табибга айланиб бораётганга ўхшарди. Ҳа, у Ибн Синони суюяди, унинг "Ал Қонун"ини ёд биларди, Ар Розийни мутолаа этмоқлиқдан толмасди, бироқ табибликни касб қилиб олмоқликни истамасди. Ҳозирги уринишлари эса тоҷдорларнинг ихтиёри туфайли эди.

Хайём муддаосига етолмади-шахзода Маҳмуд ҳузуридан чиқай деб турганида Туркон Хотун канизак юбориб, уни ўз ҳузурига чорлади. Шоир ихтиёrsиз равища бу амрга бўйин эгмоққа мажбур бўлди. У хосхонага кириб борганида малика кенг оромкурсида ястанганча ял-ял ёниб ўлтиради. Унинг юзидағи ажиб қизиллик ҳар не марднинг юрагига гулу солгулик эди. Хона анча илиқ эди ва шунга қарамай, чамаси, малика май нўш айлаган эдики, унинг юзидағи қизиллик, кўзи-даги сузиклик боиси ҳам айни шу эди. Қолаверса, майи хосда совукни кесмоқлик сифати ҳам бор.

Туркон Хотун шоирни ўрнидан туриб қарши олди ва ўзига яқин турган курсига таклиф этди.

— Шаҳзодамизнинг сиҳатлари нечук? — Сўради у ва унинг сўз оҳангиди: "Билиб қўй, шаҳзода таҳтнинг ягона меросхўридир", деган жizzакилиқдан пайдо бўлгувчи маъно ҳам бор эди.

— Иншоolloҳ, шаҳзода соғайиб қолдилар. — Хайём шундай дея шаҳзоданинг муолажаси энди қандай давом этиши хусусида мухтасар сўзлаб ўтди.

Малика ўғлининг аҳволидан жуда яхши огоҳ, бу гаплари эса шунчаки сұхбат аввалининг одатий жимжималари эди. Аслида, унинг муддаоси ўзга эдики, ҳар учрашувдаги сабый ўшал сари йўналарди.

Туркон Хотун жодули нигоҳини шоирга қаттиқ қадади-да, ўтлиғ жилмайди.

— Бизларни назмингизни тингламоққа муносиб кўрмаётурсиз, мухтарам шоир, — деди у Хайёмнинг яширинишга чоғланган кўзларини таъқиб этиб. — Бизнинг таъби назмимизга шубҳа қиласангиз ҳам шеърларингизга ошиқлигимиз чиндор.

Шоир енгил таъзим қилди-да, ҳукмдорлар хуш кўргувчи сохта хушиомадга ўтди:

— Йўқ, аксинча, шеърларимнинг сизнинг эътиборингизга муносиб эмаслиги рост, маликам.

Мовароуннаҳр маликаси мамнун ва кибрли қиёфада бош силкиди.

— Жанобимизни йўқламоқдин муродимиз шулки, рубоийларингизни уста бир хаттот илкида китобот этсак. Бу кўплаб мужлисларингиз каби биз учун ҳам айни муддао бўлур эди.

Хайём бу ҳақда сира ўйлаб кўрмаган эди ва унинг шеърга ошнолиги ҳам кўнгли, аниқроги, ўзи учун эди. У тўртгина сатрдан иборат рубоийларини қалби тутёнга келганда, имл заҳматидан толиқиб, ўзга машғулот истаганда ва ёки дили озурда бўлганида саҳифалар четига ёзib кўярди, холос. Уларни китобот этмоқ тутул бирор ўқимоги хусусида ҳам мутлақо ҳаёл қиласди.

— Мен бу ҳақда асло ўйламагандим. Қолаверса, назмим китоботга арзирли ададда эмас. — деди у маликани ранжитишдан сақланишга уриниб.

Туркон Хотун кетишга ижозат бергач, шоир хосхонадан ўйчан қиёфада чиқаркан, бўсағада канизак Лайлига рўбарў келди. У ғамгин

ва ҳатто илтижоли нигоҳ ташлади, сүнг овозсиз таъзим қилди-ю ёғлиғини кўзлари сари тортиб, шошила-шошила нари кетди. Хайёмнинг кўнгли ғалати бўлиб, кўксининг бир чети ачишиди. Бу кун менинг куним эрмас кўринадур, дея ўйлади қасрдан чиқишига чоғланиб, фақат озори диллар таъқиб этадур мени! Яхшики, Микоилни расадхонада қолдирибман, акс ҳолда... Воҳ, юлдузлар айни кунларда бизлардин юз буриб, ўзга буржаларни кўзлайдур чоғи. Сүнг дарров ўзига танбех берди: бир хаста дилга кўмак илкингни узатолмасанг ҳам мунажжимлик қиласурсан-а, эй чодирдўзнинг ўғли! Кўнглинг зимиston эса, юлдузларда не айб?! Ёруғликни Оллоҳдин тила!.. У аламли бир жилмайиб қўяркан, қаср эшигидан кириб келаётган Қазванийга кўзи тушди. Ҳали ўзининг маҳзун хаёлларидан айрилиб ултурмай, амирул шуаронинг ёқимсиз овози қулогига, пачоқ юзи нигоҳига ботди.

— Ассалому алайкум, о, фозиллар амири! — дея илкини кўксига қўйган Қазваний сохта табассум ила таъзим этди.

Кўришдилар.

— Шаҳзодамизниң аҳволи нечук? — Асли касби гўнг титкилаш бўлган маҳлук нажасга беланган бирон емиш қидиради ва топса, унинг ҳидидан киши гул бўйларидан сармаст бўлгани янглиғ сархушланади. Қазваний ҳам ҳозир айни шу кўйда эди.

Хайём хаёллар оғушидан мудом чиқолмас ва боя ўзи эътироф этгани руҳий бедорлик шуурини ҳамон тарк этмаганди. Кўз олдида хира парда пайдо бўлиб, қорамтири додлар ёхуд шарпаларми, ғимирларди. Айни дамда унинг ўйлари воқелик ила қоришиб кетгандек эди. Шунинг учун Қазванийнинг сўргини тўла англамаса-да, шаҳзоданинг номи тилга олиниши ҳамоноқ бошидаги унга боғлиқ фикрлари лисонига кўчди.

— Иншооллоҳ, шаҳзодамиз согайиб қолдилар. Фақат...

Қазваний хушёр тортиб, қулоқларини динг қилди:

— Хўш-хўш?..

Хайём эса шунда ҳам сергак тортмади.

— Фақат шаҳзоданинг кўзларида бир нимарса борки, киши кўнглига ваҳм солодур...

Нажасхўр маҳлук ўз муродига етди, "хушбўй" таомини топди...

Қазваний кўкрагини кериб, ғоз турди, кўзлари ёвузона чақнади.

— Ҳа энди, ул зот сultonнинг зурриёди-да. Авомдин бир нимаси ортиқ бўлмоқлиги аниқ. Лекин... — Қазваний овозини насиҳатомуз оҳанг-га йўғирди. — Лекин сиздек одамнинг сultonзода ҳақида бундайин сўзларни айтуб юрмоғи...

Хайём зил кетди. У шунча илми, қобилияти ила ҳам руҳий такомилга етмаганди. Шу куннинг ўзида кетма-кет рўй берган руҳий зарбалар уни шошириб, толиқтириб қўйганди ва у шунинг учун ҳам руҳ мезонининг посангисини фаромуш айлади. Бошидаги ўйларининг тилига кўчгани дил кўзининг ўша онларда сўқир қолғонидан эди. Акс ҳолда, боя кўз олдидағи хира парда ва қорамтири шарпаларни пайғаганидаёқ сергак тортмоғи лозим эди.

Қазваний қаср ичкарисига юрди. Хайём эса ундан чиқаркан, надоматнинг тирноқлари бағрини тимдалай бошлади. Бу сўзларни нечун айтди? Ахир, Қазванийнинг гаразли муддаоларини биларди-ку! Энди эса кеч, ёй пайкони отиди, унинг кимнингдир кўксини пора этмоғи аниқ. Агар ўша кўкрак соҳиби сulton бўлиб чиқса, не кўргилик! Тождорларнинг феълини Абул Фатҳ Умар яхши биларди. Чунки у қорахонийлар саройида хизмат қилган. Ўша Шамс ул Мулк даргоҳида хизмат қилиб юрган кезлари кишини мутаассир этгувчи шунга тегишли бир воқеанинг гувоҳи бўлган эди. Дарвоҷе, бу воқеа рўй берган ўша куни ёш малика Зухра Хотунга илк бора рўбарў келганди... Хуллас, ўшанда кенжаша шаҳзодага сабоқ бергувчи фозиллардан бири кимга-

дир: "Шаҳзоданинг илки китоб тутмокқа қодир эмас, хаёли ҳамиша шамширу тулпорда туради", деган экан куюниб. Бу гап чақув орқали Шамс ул Мулкнинг қулоғига етибди. Газабга мингган хукмдор: "Сен китоб жинниси шаҳзодадан нуқсон қидиргувчи бўлдингми", дея муаллимни дарра урдириб, шаҳардан сазойи қилганди. Хайём буни кўриб, ёқа тутганди, ахир бу шаҳзоданинг тақдирига қайфурин мулоҳаза тарзида айтилган гап эди, холос!.. Энди бўлса...

Ҳозиргина Хайёмнинг забонидан учган пайкон сultonнинг ана ўша нозик ерини жароҳатлаши мумкин эди. Афсус чеккан Хайём ёйандоз тилини тишлади...

Бир куни Хайём сulton ҳузурида қандайдир базмда ўлтиради. Шул маҳал эпчиллик ва ёқимтойлик ила хизмат қилаётган амирзодалардан бирини хиёл кузатиб турди-да, завқланди. Ҳайратини яшиrolмай, сultonга изҳор этди.

Ўшанда сulton унга қарата шундай деди:

— Жўжанинг худди ўзи. Тухумдан чиқибоқ ҳеч қандай кўмаксиз донни чўқиши үргана олади, vale, ўз ошёнини топиб боролмайди. Кабутарнинг боласи эса, — сultonнинг кўзлари таънали чақнади, машқсиз донни чўқий олмайди. Бироқ Маккатуллоҳдан Боғоддога учёттан кабутарлар галасининг сардорига айланади!.. — Бу унинг сultonзодалар ҳақида айтган таърифи эди.

Хайём ҳозир ихтиёrsиз равишда сultonнинг ана ўша худбинона туйғусига даҳл қилганди..

Филҳакиқат, Қазваний ўша кеч Хайёмнинг сўзларига қўшиб-чатиб сultonга етказди.

2

Кўклам яқинлашиб, Бухоро фатҳига ҳозирликнинг сўнгти юмушлиари уҳдаланмоқда эди. Бироқ сultonнинг кайфиятида ва ёхуд феълида эврилиш мудом давом этар, яқинларининг пайқашларича, ҳадеганда аслига қайтай демасди. У ҳамон киши сўймас, хонанишин эди. Қораҳонийларнинг унинг устидан халифага ва яна шайхулисломга қилган арзлари қулоғига етиб келгани боис ҳам Мовароуннаҳр хукмдорига қаттиқ тиш қайраган ва токи уни мағлуб этиб, музafferлик нашидасини сурмагунча кўнглининг жойига тушмори душвор эди. Арз этсанг, сultonнинг ўзига арз эт эди, не балоки, халифа аталмиш номигагина қолган бир қисинидан паноҳ истарсен! Салжуқийларнинг шону шавкати қошида Боғод халифаси-ю унинг шайхулисломи не бўлти?! Агарки, Исломдек буюк ва муқаддас диннинг ҳурмати бўлмаса, аллақачон бу халифалиқдан ном-нишон қолмасди-я! Қолаверса, Бухорода авом томонидан норозилик галаёнлари кўтарилаётганлиги ҳам қулоққа чалиниб турарди. Халқ Шамс ул Мулкнинг ўғли, Бухоронинг ҳозирги хукмдори Аҳмадхонга қарши исён қиласади. Бу эса сulton Жалолиддин Маликшоҳни Бухоро юриши сари икки ҳисса илҳомлантиради.

Сulton кейинги ҳафталарда завжаю канизакларига унчалик майл билдирилмай қўйганди. Бу унинг қони совуганидан ёхуд ёшидан эрта қариганидан эмасди. У ҳали ҳам бақувват, эҳтирос олови бемисл бир йигит эди. Майлсизлиги эса қалбидаги совуш туфайли эдики, ҳамон ўша сўнгти ширкордан ортириб қайтган дилгирлиги давом этарди...

Бу кеч эса май ила ошно бўлди ва ширин сархушлик оғушида қонида олов уйғонди. Кўз олдида Бухоро гўзали Туркон Хотуннинг жодули нигоҳи намоён бўлди. Бу кўзлар уни ҳамиша сеҳрлаб, ғалат бир тушнуксиз туйғулар оғушига соладилар. Сulton маликанинг бағрига ҳар сафар гўё илк висол онларидағидек ютоқиб-ютоқиб, соғиниб-соғиниб, ўртаниб-ўртаниб ошиқади. Малика уни ҳар сафар бетакрор ва бемисл эҳтирос қўйнида эркалайди. У эса ҳар гал висол онла-

ри ниҳоялагач, бўлиб ўтган оромли кечмишларини бир бошдан эсламоққа саъй этар, аммо уларни бутунлай тикламоққа хотираси ожизлик қиласади. Чиндан ҳам маликанинг жодуси бормидики, тун бўйи мисслиз ҳузур-ҳаловатга ошно этарди тоңг отиши билан ўшал ором онлари унинг хотиридан кўтарилиб бораверарди. У мана шундан ҳайратга тушар ва яна маликанинг оғушига ошиқаверарди. Ҳудди шунингдек, маликага ёвуқ келганида гоҳо қалбини, дунёning ярмига соҳиблик қилаётган ёвқур ва забардаст салжуқийзоданинг юрагини вахм қамраб оларди. Шу ҳолини ўзи сира англоимас, шундай пайтлари юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлар, завжасининг кўзларига ҳадиксираб боқарди. Бироқ у бахш эттан ҳузурни бошқа ҳеч ким унга беролмасди ва буни у жуда яхши биларди.

Султон бу тунни Туркон Хотун билан ўтказмоқликни ихтиёр этди ва бу ҳақда маликага хабар берди. У май таъсиридан кўзлари сузилиб, тахтиравонда ўлтирас, занжилар ҳам унинг оромини бузмаслик учун оҳиста қадам ташлаганликлари боис бир маромда ёқимли тебраниб борарди. Шу пайт унинг кўз ўнгида Қазванийнинг ёқимсиз башараси пайдо бўлди ва унга қараб тиржайди. Султоннинг қулоқлари остида Хайёмнинг шаҳзода ҳақида айтган гаплари Қазванийнинг овозида янгради. Киши кўнглида вахм уйғотармиш?! Кейин эса маликанинг Хайём ила яқинлигини эслади-буни ҳам Қазваний шипшиди. Дунёни зир титраттан султоннинг дилида унинг ўзи ҳам тушуниб етмаган туйғурашк олови жунбушга келди. Лекин айни дамда уни Туркон Хотуннинг ўтли эктирослари соғинчи ўзига чорлайверди...

Малика Туркон Хотуннинг гўшангаси буткул шафақ рангида бўлиб, кўзларга олов ёқарди. Маликанинг юзи ва ярим яланоч танасининг тузи ҳам ўшал музaffer ранга уйқашиб кетганди. У учта туқсан бўлса ҳам дуркун эди. Султон унинг сирли нимарсасидир бор, дея ҳаёл қилас, шунинг учун ҳам уни ихтиёrsиз тарзда жуда қаттиқ севар, жуда-жуда қизғонар ва худди шу каби унинг қаршисида қўркув ҳамда таҳдикага дучор бўларди.

Малика ел менгиз¹ оҳиста сирғалиб, парку тўшакнинг четига келди-да, сархуш султоннинг илкидан тутиб, аста ўрнидан туаркан, хушбўй нафаси ила унинг бўйин ва юз-кўзларини ҳузурбахш сийпалаб ўтди. Не-не бокира моҳитобларни ўзининг жирканч ҳирси ила забуну хор эттан ҳукмдор адойи тамом бўлди. Ҳозир у Туркон Хотуннинг пойига мум янглиғ тўкилишга тайёр эди... Ҳукмдорнинг томоги кўйди, оғзи қуруқшаб, тамшанди. Зийрак малика малолсиз бир тезлиқда саъй этиб, муздек гулоб тутди. Султон уни ютоқиб симириди. Лабларидан аёқ узилиши ҳамоно малика ҳирс ила уларга лабларини босди. Энтика-энтика чирмашдилар. Шу асно тўшакка қулаб, думалай бошладилар...

Иккиси ҳам чалқанча ётишар, вужудларини бетакрор бир ҳузур аллаларди. Султоннинг лаблари билинар-билинмас қимиirlаб, мулоийим овозда деди:

— Шаҳзоданинг сиҳати дурустми, маликам?

Туркон Хотуннинг ҳозирги овози ҳам вужудга ўт қаларди.

— Шукур, султоним. Умар Хайём жанобларининг уринишлари ила тез сиҳат топдилар.

Ҳукмдорнинг қалбини ғашлик тирнаб ўтди. Бояги тушуниксиз рашк олови кўйдириди.

— Ҳа, Хайём деганлари қасрингиздан нари кетмай қолганмиш? Фалат назмбозлик ҳам қиласмиш?

Малика султоннинг кесатигидан Қазванийнинг кўланса исини сезди. У малика ҳузурига кириб, Хайёмга маломат қилмоқчи бўлганида, унинг гапини бўлиб: "Хайём бизнинг ҳифзи ҳимоямизда", дея мулзам қилганди. Демакки, у султонга ҳам арз эттан.

¹ Ментиз — каби

— Мен не қилсам, сизнинг суюкли ўғлингиз, — малика бу сўзга атайлаб ургу берди, -валиаҳд Махмуд ибн Маликшоҳнинг истиқболи учун қилгум. Маълумингизким, Умар Хайём сизнинг қутлуғ даргоҳингида қадр топган беназир олим ва шоирдир. Ўғлимиз ул зотдан сабоқ олса, унга ёвук юрса, фойдадан холи бўлмас, дея ўй қилурмен.

Султонга маликанинг овози ҳам, гаплари ҳам хуш ёқди. Хайём ким? У бор деса-бор, йўқ деса-йўқ бўлгувчи бир мусофир-да. Султон бўла туриб унга адоват тутса... Султон шаҳд бурилиб, икки илки или малика юзини тутиб, ўзига ўтириди ва кўзларига тикилди. Бироқ унинг нигоҳидан бир қават эти сидирилиб тушгандай бўлди-да, сир бой бермай, ожизроқ товущда сўради:

— Шаҳзоданинг... ўғлимизнинг нигоҳи киши кўнглига қўрқув соладурми?

Маликанинг ичида музafferият туйғусига чулғанган бир наъра уйғонди. Шу он: "Аҳволинг нечук, эй, саҳройи?!" дея қаҳ-қаҳ уриб юбошибига оз қолди. Унинг наздида, ҳозир султон бутунлай мағлуб бўлганди.

— Бу нечук савол, султоним?! — Малика эрининг серюнг кўксига лаб босди...

Олов янгитдан ёна бошлади...

3

Куёш ёрқинроқ нур сочиб, Исфаҳондаги азим дараҳтларнинг куртаклари лаб бура бошлаган онларда султон Маликшоҳ лак-лак лашкарини сўнгти бор кўздан кечириб, якуний фармонларини берди. У бирварақайига мағрибу машриқ сари қўшин тортмоққа аҳд қилди. Яъниким, Ҳасан Саббоҳ бошлиқ исмоилийларнинг қилмишлари ҳақидаги турли хабарлар султонни оташин этиб, шамшир тутмоққа чорламоқда эди. Бу нобакорлар ошёнсиз бир сак мисоли ҳар ерда изғирдилар. Ҳатто бошкенти азим ичра ҳам уларнинг шарпалари сезила бошлаганди. Айниқса, улар жойлашиб олган Аламит (яъни, "Бургут уяси") номли тоғ узра қад ростлаган қалъага ёвук бўлган Қазвин шаҳрида ул кўпракларнинг таъсирлари кучли эди. (Султон ҳам, вазири аъзам ҳам уларни сак, кўпрак деб атардилар.) Хабарларга қараганда, ҳатто Қазвин ҳокими ҳам уларнинг сўзидан чиқолмас эмиш. Ҳа, бу Ҳасан Саббоҳ деганлари жуда маккор. У мор мисол кулча бўлиб ётаверади, офтобда тобланиб, заҳар-օғусини йиғаверади ва бир кун, фурсати келгач, шундайин ҳамла қиладики, ҳар нечук жонзотни ҳалок этади. Султон буни жуда яхши англарди ва шунинг учун ул ётган ҳолида морни инида янчиб ташламоқни истарди. Бу истаги уни Аламит сари чоғроқ қўшин йўлламоққа ундаdi.

Мана, бу тонг Бухоро фатҳига шай турган икки юз минг кишилик лашкар олдидан, султонинг содиқ лашкарбошиларидан бири, амирлар амири Арслон Тош бошлиқ ўн минг кишилик сараланган қўшин Аламит сари йўл олди...

Султон давлат идорасини ҳар тутул вазири аъзам Низом ул Мулкка топшириди. Бомдод намози адогида султонга музafferият или қайтишиликни тиладилар, унинг шаънита узундан-узун ҳамду санолар айтилиб, фотиҳа ўқилди. Улкан аждаҳо янглиғ пишиллаб турган беадад қўшин аста қўзғолиб, тебрана-тебрана судрала бошлади. Лекин энди унинг ғала-ғовурга уйқаш гувиллаб-пишиллашини турли аслаҳа-ю ярголарнинг ва шунингдек, ароба-ю турфа хил ҳарб уловларининг шақир-шуқир, тарақа-туруқ товушлари босиб кетди-да, маълум муддат ўтгач, бу товушлар ҳам бир маромга тушиб қолди. Шундай қилиб, улкан аждаҳо-қўшин Бухоро сари йўл олди.

Филҳақиқат, бу лашкар икки юз минг ададда айтилгани билан, бир

қарашда, ҳисобсиздай туюларди. Унинг ўртасида турган киши на бошини, на охирини кўра оларди. Мабодо қиёсга эҳтиёж бўлса, саҳармардонда қўшин томошаси учун чиққан одам у ўтиб бўлгунча фурсатни шом этар ва ҳатто, намозларни қазо, емак нафсларини сазо айламофи ҳам мумкин эди. Шунингдек, қўшин қадамларидан қўпган чангубор мўллигидан тун бўйи нафас ололмай уйқуни-да кейинга қолдириши шубҳасиз эди.

Одатда лашкар карвон менгиз бир маромда юришини ҳисобга олиб, унинг бошига юк ортилган туяларни қўярдилар. Бу жониворлар на жадал ва на суст юрмай, меъёрни сақлай билганликларидан лашкар ҳам унга монанд тартибли одимларди. Ҳозир ҳам шундай қилдилартурли кўч-кўрон, ҳарб ашёлари ортилган қатор туялар олдинда лўкиллаб борарадилар.

Улардан кейин эса ёллари таралиб, хино ва мойлар сурилган, қадамлари ҳуриқоларнинг нозли юришларини ёдга солувчи гўзалдан-гўзал аробий ҳамда турк отларига минтан суворийлар жой олганлар. Уларнинг ҳарб лиbosлари деярли бир хил, дубулға ва совутлар ҳайбатидан йирик гавдалари тақи улканлашгандай кўринади. Ҳатто отларнинг бош ва яғриналарига ҳам совут кийдирилганди. Қалқонларини эгарнинг сўл ёнига, чўқморларини эса ўнг ёрига илганлар. Белларини сиққан пўлат камарларига шамшир осганлар. Уларнинг шамширлари асосан дамашқий, мисрий ва салмоний эдик, нисбатан қимматбаҳороқ бўлмиш ҳиндий ҳамда сулаймоний қиличлар эса сипоҳсолару лашкарбошлиарга насиб этганди. Суворийларнинг эгарларига ихчам мешкоблар ҳам илинган бўлиб, уларга сув тўлдирилганди. Шўрлик отлар чиник-қанликлари боис шунча юкни ҳам писанд қилмай илдам йўртадилар. Отлиқлар қадарини тик тутишиб, мардона қиёфада боришар, сафар эндигине бошлангани боисми, юзларида тетиклик ва бир қадар мамнунлик зоҳир эди. Баъзилари от устида лўкиллаб боришаркан, шунча шовқин-суронга қарамай ёнидаги ҳамроҳлари или ўзига хос сухбат ҳам қуриб қўярдилар.

Суворийлар ортидан қоядай-қоядай бўлишиб, улкан филлар келардилар. Улар ҳам ўзига хос "безаклар" или "безатилган" эдилар. Оёқларига пўлатдан ясалган қалин "ковушлар" кийдирилган ва бу нарса ҳар қандайин жонзот ёхуд тўсиқни эзиб, мажақлаб, вайрон этишга кўмак берарди. Устларига нақшинкор кигизлар тўшалган, икки ёнига ёй ва дароз найзалар осилган. Ҳар бирларига биттадан занжи филбонлар минган бўлиб, улар барчадан баланд турганликлариданми ёки кенг дала-даштлар ҳуригини туйиб, қадрдан ватандошлари бўлмиш филларга ошноликлариданми, хушнуд эдилар. Филлар галасининг адодида, улардан хиёл узилиб, султоннинг аморийси ўрнатилган, нақшинкор матолар или безатилган йирик фил ҳам келарди. Уни бир занжи етаклаб олган, бироқ устидаги аморий ҳозир бўш эди. Султон фидан орқароқда соқчилар ва хос навкарлар қуршовида ўзининг суюкли оти устида келарди.

Унинг оти оппоқ булатга қиёс эди. Оёқларини шу қадар енгил кўтариб-ташлар эдик, ҳудди парвоз этаётгандай кўринарди. Отнинг устидаги қуёшнинг баҳорий нурида жилвакор ялтираган тилла эгар ҳам тобланиб, кўзни қамаштиргудай эди. Султон калта яманий шамшир осган, унинг ҳам дастаси ва қини олтиндан эди. У от устида мағурур ва виқорли ўлтирас, отининг оёқлари узуналиги учунми ёхуд чиндан ҳам у шу қадар барваста эдими, атрофидагилардан анча баланд кўринарди. Эҳтимол ҳайбат, салобат, виқор уйғуналигидан шундайин ҳолат пайдо бўлар. Шунга қарамай, ҳукмдорнинг кўзлари ўйчан боқарди...

Султоннинг соқчилари-ю хос навкарларидан сўнг қатор сафга тизилган ёйандоз ва зарбдор найзабозлар келардилар. Ёйандозлар ёйларини қўлларида тутиб, елкаларига пайкон тўла садоқларини осиб

олганлар. Улар ҳам бошларига дубулға ва эгниларига жеба¹ кийганлар. Булаңнинг устларида юклари нисбатан енгил бўлганлиги боис шахдам қадам ташлайдилар, лекин нигоҳларидағи бир қараща пайқаш мушкул бўлган чуқур ўйчанлик олдиндаги қақшатқич жангларнинг мудҳиш манзараларини ёдга солаётгандек туюлади.

Зарбдор найзабозлар ҳам дубулға ва жеба кийган эдилар. Улар бир қўлларида узун найза, бир қўлларида қарийб бўйларига монанд келгувчи қалқон тутгандилар. Ёнларида эса калта чўқмор ва ёйсимон эгри ханжар. Булаңнинг қадам олишлари жуда оғир ва одимлари ҳам анча суст. Ёйандозларнинг нигоҳларидағи чуқур ўйчанлик, булаңнинг юз-кўзларига сингиб кетган мунг ва заҳмат акси қошида ҳеч нарса эмасдек кўринарди.

Ҳарбий карвоннинг кейинги қаторларидан ўқ-ёй, қурол-аслаҳа ва озиқ-овқатлар ортилган аробалар ўрин олганди. Улар билан ёнма-ён таббоҳлар ва бошқа турли хизматларга зиммали бўлган кишилар борардилар. Улардан кейинда эса манжанақлар ва уларнинг ўклари ҳамда қозону сақич, нафт² ортилган аробалар, ниҳоят сўнгидаги жанибатлар (эҳтиёт учун олиб юриладиган отлар) келардилар. Айни шу жойда қўшиннинг бир тумани (ўн минг киши) ниҳоясига етиб, янги туман бошланарди. Ҳозир бу ҳарбий карвонда йигирма тумандан ортиқ лашкар борарди. Беадад қўшиннинг кўчишидан кўкка ўрлаётган шовқин-сурон товуши узоқ-узоқлардан эшитилиб турарди.

Султон қулоқларни батанг қилгувчи шундай овозлар оғушида ҳам дунёдан узилган янглиғ ўз ўй-фикрлари ила банд эди. Буюк салтанатининг бошкенти бўлмиш муаззам Исфаҳондан узоқлашиб бораркан, юрагининг туб-тубидан нимадир узилиб қолаётгандек туюларди. Айни дамда дунёни зир титратган тождор барча каби Оллоҳнинг оддий бандасига айланаб борарди. Ҳали олдинда таки неча ҳафталаб йўл юрмоқ лозимлигини ва ўшал узундан-узун фурсатда яна кўп бор оғири енгил ўйлар гирдобига тушмогини билса ҳам ҳозирги ўйлари чўзилгандан чўзилаверардики, ўзи бунга монелик қилишни истамасди. Мана энди таки бир бора англомоқда-фарзандлари ва хотинларига, кейинги ойларда ораларига анча-мунча дилхиралик тушган бўлса-да, вазири аъзамга, дилкаш мусоҳиби², хиёл шубҳа-гумонга солган эрса-да, наздида, садоқатли надими Умар Хайём ҳамда кўплаб бошқаларга кўнишиб, ҳаттоқи суюниб қолган экан. Ҳали хайрлашаётганда фотиҳа бера туриб вазири аъзамнинг кўзларида ёш айланганини пайқади. Ҳа, унинг отасидек бўлиб қолгани рост. Султонни дарғазаб этган ўшал воқеотта ҳам аслида Низом ул Мулк боис эмас, фарзанди шаккоклик қилиб, гуноҳга қўл урди. Вазири аъзам унга бир умр садоқат ила хизмат қилиб келмоқда. Унинг кўзларидағи ёш недин нишона? Унинг қадрига етмаганлигидан ўкиниш аломатимиди? Ёхуд ўз фарзандини уруш сари узатаётган падарнинг кўз ёшларимиди? Эҳтимол унинг ҳам ҳалок бўлиши мумкинлигини ўйлаб, ийлагандир? Ахир, падари бузруквори улуғ султон Алл Арслон Жайхун бўйларида ажалга рўбарў келмаганимиди! Демак, бу ҳам ўлиб кетиши мумкин...

Султон Маликшоҳ қорахонийлар сулоласи ҳақида жуда яхши маълумотта эга эди: бу хусусда, аввало, Туркон Хотунга уйланганидан сўнг билган бўлса, кейинроқ Шамс ул Мулкнинг саройида бир неча муддат хизмат қилган Хайёмдан эшиттанди. Ҳа, у бу буюк туркий ҳукмдорлар сулоласини жуда яхши биларди.

Қорахонийлар наслининг асосчиси Абдулкарим Сутуқ Буғрохон (ҳижрий 320 йиллар) бўлган эди. У анча маърифатли ва зиёпеша инсон бўлиб, ўз қавмининг камол топмогини истаб Исломга кирганди. Буғрохон ва унинг авлодлари туркий урувларни бирлаштириш ҳамда юртни обод қилиш борасида кўпу хўп ишларни амалга оширадилар. У

¹Нефть — нефть

²Мусобиҳи — сухбатдоши

бир сафар Сайхун бўйларидан ортига қайтиб кетади. Боиси бу ёқда барқарор бўлган маданиятни енгиш анча мушкул эканлигини, айни дамда, бу юртта қўшин тортса, ҳадемай уларга қоришиб, сингиб кетиши мумкинлигини англаб етади. Чунки у қудратли туркий давлат ва маданиятни барпо этмоқчи эди. Шул сабабли ҳам анча тайёргарликдан сўнг бу юртга ҳужум қилди ва уни ишиш этиди. (Бухоро, Вобкент, Жарқўргон ва Ўзгандаги бир қатор бино-ёдгорликлар қорахонийлар ҳукмронлиги даврида бунёд этилган бўлиб, улар ўзига хос туркий меъморчиллик услубларига, жилоларига эгадир. Шунингдек, бу даврда Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Форобий каби буюк туркий алломалар ҳам етишиб чиққанлар.)

Дилхуш сұхбатларининг бирида Бухоро ва қорахоний сулола ҳақида гап кетганида, Хайём қаршисида буюк сulton ўлтирганлигини дилдилидан туйган ҳолда, бағоят эҳтиёткорлик или айтиб берган эди: унинг сўзига қараганда, Сутуқ Буғрохоннинг зурриёди бўлмиш Шамс ул Мулк ҳам дастлаб анчагина тадбирли, эл-улусга қайишгувчи ҳукмдор бўлган. Бир куни у Буғородаги барча фузало-ю шуаро, меъмору наққошларни саройда жам этиб, мажлис тузади. Шунда меъмор ва наққошларни имтиҳон эта туриб, ўз падарини эслайди. Отасининг бунёд этилаётган биноларнинг ҳатто нақшу бўёқларига ҳам эътибор берганлигини айтиб, энди бу ота мерос одат тақи давом этажагини таъкидлайди. Ўшанда Хайём хиёл табассум или деганди:

— Олампаноҳ, қарангки, ул қорахоний ҳукмдор туркий ва форсий наққошлиқ санъатини ажаб қиёс или таърифлаганди. Сўнгроқ ўзим ҳам эътибор қилдимки, филҳақиқат, форсий наққошларнинг нақшлари дона-дона унсурли, ёрқин рангли бўларкан. Туркий нақшлар эса нафис ва жимжимадор, бўёқлари эса кўзга уйғун кўринаркан.

Кейинчалик бу гапга сultonнинг ўзи ҳам иқрор бўлганди.

Бироқ Сутуқ Буғрохон тузган улуғ салтанат унинг наслидан бўлмиш Шамс ул Мулк даврида таназзулга юз тута бошлади, юртдан файз барака кетди. Сulton Маликшоҳ бу нарсалардан жуда яхши боҳабар эди ва барибири, ўзи каби туркий қавмдан бўлмиш қорахонийлар сулоласини дилида хурматларди. Бир томони, суюкли завжаси Туркон Хотун ҳам ана ўша уруғдан эди. Қорахонийларнинг соф туркийпараст бўлганликларига пинҳона ҳавас қиласди. Ва лекин бу кечмишларини сиртига чиқармасди.

Салжуқий қўшин икки ой деганда Жайхун бўйларига етиб келди. Сulton лашкарнинг асосий қисмига дам бериб, маҳсус усталарга дарё узра кўпприклар қурдира бошлади. Бўсағада қадим Термиз шахри турарди.

Бешинчи боб

1

Сulton бошлиқ қўшин Бухоро фатҳига кетгач, доруссалтанат анча ҳувиллаб қолди. Бозорларнинг гавжумлигидан, кўча-ю карвонсаройларнинг файзидан ҳам кўр кетди. Бунинг устига бошкент осмони узра кўз илғамас қора булат тўпланиб, бағрида бир мудҳиш шарпа изгий бошлади. Бироқ уни ўшал шарпага ошно бир неча кишидан ўзга бирор пайқамасдик, зеро, унинг кучу қудрати ҳам шунда эди.

Қўшин шаҳарни тарқ этгач, Муҳаммад Такаш ва Қазвиний мулоқотлари қуюқлашиб қолди. Шоирлар амири кунда-кун ора шаҳзоданинг қасрида ҳозир бўларди. Бу ёғи кунлар илиб, кўкламнинг адоги кўрина бошлаганлиги боис, улар кўпинча одатдагидек қаср томи устида сұхбат қуардилар. Чунки Такаш кабутарлар парвозига мудом

ошиқу беқарор эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди, Қазваний томга кўтарилиб бораркан, Такашнинг кабутарларга қаратади беўхшов қий-қиргани қулогига урилди.

— Овозинг ўчсин кабутарбоз, юракни ёрай дейдия баттол, — деда ғудраниб қўйди у ўзигина эшигадиган овозда. Бироқ Такаш кўриниши ҳамоно шоирлар амирининг башарасида табассум барқ урди.

— Ассалому алайкум, шаҳзодам! — деди у соҳиби хонадонга. — Ҳадемай кабутарларингиз янглиғ ўз парвозингиз ҳам мамлакат осмонини безагувсиdir. Илохи, ўшал кун жадал кела қолсин, эй буюк сultonзода!

Қазванийнинг күшомади кабутарлар рақсидан олинажак завқдан устун келиб, Мұхаммад Такаш мамнун қиёфада унга ўтрилди. Унинг ялтоқланиб, қўл қовуштириб туриши хуш ёқди-да, викорига виқор қўшилиб, баттар ҳаволанди.

— Хуш келибсиз шоири замон! — деди кўксини кериб, Қазванийни ўлтиришга чорларкан, ўзи ҳам ўлтириди ва шу аснода кўқдаги ҳур эшлирига илкис кўз ташлаб қўйди. У кабутарларни чиндан-да яхши кўрарди ва уларнинг аксари оппоқ тусда бўлганликлари боис, кўк тоқида ўмбалоқ ошарканлар, серҳаракат қанотлари тангабалиқ сингари ялт-юлт қиласи. Кабутарлар Такаш қалидаги бир парча оқлик здилар ва унинг феълида улуғворлик ёхуд эзгулик бўлса агар, у ана ўшал гўзал жониворларга меҳри туфайли эди.

— Фурсат етди чоги, шаҳзодам? — деди Қазваний шипшиган янглиғ овозини оҳисталаб.

Такаш чукур тин олди, юзида сезиларли хавотир зоҳир бўлди. Шу кўйи анчагача илкидаги забаржад узугини бармоқлари ила ўйнаб ўлтириди.

— Амирни тадбир ила тарафимизга оғдирмоқ лозим, — деди у, ниҳоят хаёлчан алпозда қоларкан.

— Тадбир тузилган, жанобим!

Такаш жим қолди. Ундан ҳадеганда садо чиқавермагач, яна Қазваний сўзламоққа тутинди.

— Сизнинг минглик қўшинингиз бор. Анови куффор вазирга итоат этгувчи ўшал амирни қўлга олсак...

Такашни ваҳм боса бошлагани унинг юз-кўзидан шундоққина билиниб туради.

— Амирнинг хонадонини тунда олғаймиз. Қарабисизки, ул илкимизда-да, чунки аҳли хонадони раҳнда¹ бўлғай. Вазирни эса зиндонга ташлаймиз.

— Эвлармикинмиз, шоир? — Сўради Такаш кўзлари ола-кула бўлиб. У тақи кабутарларига бокди. Уларнинг чарх уришларини бир муддат интиқ кузатаркан, ёнбошидаги идишдан ҳовучини тўлатиб дон олиб, кабутарлари ўрганган овозда ҳайқирди ва том тепасига сочиб юборди. Уларнинг иккиси пайкон мисоли тезлиқда ўзларини қуйига урдилар.

— Эвлаш ҳам гапми!.. Сизнинг сultonлик ҳайбатингиз ила тогларни-да бир ҳамлада йикурмиз, шаҳзодам. — Қазваний нишонни тўғри олди, ниҳоят Такашнинг кўзларида ҳам аста-секин ўт чақнай бошлади.

— Қани, тадбирингизни сўзланг. — деди у шоирлар амири томонга энгашиб...

Ниҳоят, келишилган кечаси хиёнаткор фитначилар оёққа қалқидилар. Шаҳзода ўз сарбозлари ила (малика ва шаҳзодаларнинг ўз қасрлари, молиявий идоралари бўлганидек, кичик-кичик қўшинлари ҳам бўйларди) аввало, эҳтиёт лашкарга бош этиб қолдирилган амир хонадонини босди. Унинг хотинлари ва фарзандларини раҳнга олгач, ўзи ҳамда лашкари бир қўғирчоқ менгиз қўйга тушди. Сўнг Такаш ҳар икки қўшинни бир неча қисмларга тақсимлаб, уларга ўзининг ишонч-

¹ Раҳнда — гаровда

ли кишиларини бош қилди. Уларнинг иккиси маликаларнинг қасрларни ишғол этиб, қаср аҳдини ҳибсга олдилар ва қасрдан ташқарига чиқмасликка амр қилдилар. Такашнинг ўзи бошлиқ бир қисм лашкар эса вазири аъзамнинг қасрини қамал қилиб, ўзини ҳибсга олдилар. Бу орада девон аҳлининг барчалари ҳам зудлик ила зинданбанд этилдилар. Соҳиб девон Низом ул Мулкнинг ўзи ҳам зинданнинг алоҳида хонасига ташланди. Шундай қилиб, бир кечанинг ўзида мавжуд ҳукумат фитначилар томонидан ағдарилиди. Нафақат сарой, балки бутун шаҳар аҳди ҳам гафлатда қолдилар. Саҳармарданда олам-жаҳонни туттган ноғораларнинг ваҳимали овози ҳаммани шоҳмайдон сари чорлади. Одамлар бомдод намозини шоша-пиша ўқишиб, не ҳодиса рўй берганлигини тезроқ билмоқ учун шахристон томон чопдилар.

Бу пайт Такашнинг қўшинлари шоҳмайдонни ҳалқа орасига олди. Унинг ўзи эса хос навкарлари ила супа устида эди ва викорли нигоҳини саросимада ғала-ғовур қилаётган авомга қадаганди. Ёнбошида кўзлари ола-кула бўлган, бу қировли кекса бошига не шўришлар ёғилишини билмай базўр нафас олаётган муҳтасиб Бадрий титраб турарди. Шоир Қазвений эса ўзига етгулик муғомбир ва устомон эдики, Такашнинг ғалабасига ҳали буткул ишонмаганлиги боис ўзини ғаним кўзлардан панароқда сақларди. Унинг тунги ҳодисотларнинг биронта-сида иштирок этмаганлигини ҳатто Такаш ҳам пайқамаганди.

— Сиз ким тарафиндасиз, муҳтасиб жаноблари? — деди Такаш Бадрийга боқиб. Бироқ ҳар қанча тиришмасин овози титраб кетди.

Бадрий саросимага тушди.

— Мен... мен... Сул... сиз!..

— У сизга асло эл бўлмағай, шаҳзодам. — дея шивирлади орқа томонда турган Қазвений.

— Нега дудуқланурсиз ҳезалак каби? — Такаш бу гапини Қазвенийнинг сўзидан дадилланиб айтди.

— Ур бу така соқолни!-дея ишора қилди Қазвений Такашнинг ёнида турган, янги ҳукуматда амирликни орзулаган ғилай кўзли, барзанги солорига¹.

Ғилай ҳам қонга ташна турган эканми, чўқмори ила Бадрийнинг бўйни ва орқа мияси аралаш бир урди "жик" этган сас чиқди-ю муҳтасиб ерга ағдарилиди ва лаҳзада жон таслим қилди. Мударра салласи анча нарига думалаб кетди. Бу нохос қатла кўзлари тушган атрофдаги кишилар кўркув ила орқаларига тисландилар.

— Жазоингни олдингми, така соқол? — дея ҳиринглаб қўйди Қазвений.

Такаш бундай бўлишини кутмаган ва ғилайнинг туйқус саъйидан ичида бир қалқиб тушган эса-да, бирорвга сездирмади, ўзини бепарво тутишга уринди. Майдон сари оқиб келаётган одамларга ғолибона тикилди. Бироқ унинг вужудида таки ўша эски фаҳм жунбушга кела бошлаганди. Бу не ҳол, дея ўйларди у бўғзидағи нимарса тепа-ю пастга жонсарак тарэда бориб- келаркан.. Наҳотки султондан шунчалар кўрқса? Ахир, у кўрқоқ эмасди-ку. уни бу кўйга солган наҳотки султоннинг ҳайбати бўлса? Ўзи йўқ одам кишини шунчалар кўркувга солса-я?.. Ё Оллоҳ, бу қиласишиларим не ила интиҳо топмоги фақаттина ўзинигта аён. Ўзинг нажот бер, Тангirim!.. Кабутарларим парвозига термулиб, кўнглим ҳаловатда ўлтирсам не қиларди-я?..

Иблиси лаъин йўриғида бу фитнага гўё бош бўлган Муҳаммад Такаш ўз аҳволини англаёлмай гаранг эди. Юрагида уйғонган ваҳм-бу ўз иймони эканлигини, бузук юмушга бош қўшганлиги боис беҳаловат бўлаётганлигини у асло тушунолмасди. Ваҳм-ҳар тугул тоза қалбдан жой олган иймоннинг ўз соҳибига исёни эди.

Бу пайт Шокир Талх ҳам майдондаги оломон ичра эди. У фаҳмла-

¹Солори — аскар бошлиғи

дики, хиёнаткорлар расадхона аҳдини фаромуш этмиш, акс ҳолда, аллақачон уларни ҳам бошмайдон сари қувиб келган бўлардилар. Талх ҳар томонга аланглай бошлади-шаҳардан чиқмоқ учун йўл ва бир ишончли ҳамроҳ изламоқса тутинди. Енверини кўздан кечираркан, ҳойнаҳой, барча дарвозалар ғаним илкида бўлса керак, дея хаёл қилди. Ниҳоят нигоҳи ила бир косиб биродарини топди-ю у томонга отилди... Иккиси узун расан¹ олишиб, расадхона тарафга чиқувчи дарвозага бордилар. Дарвоза берк эди, унинг олдида бир тўда хиёнатчи навкарлар турар эдилар. Шокир Талх оташин бўлди-ю гудранди:

— Бу тождорлар касрига дунёда ҳам маъни қолмади. Ини оғанинг яқосидин олса-я! Қиёмат яқин кўринадур... астағфуриллоҳ!

— Не деб гўлдирайсиз, Талх? — дея сўради унинг туришидан ҳайратланган ҳамроҳи.

— Қани, кетдук, дейман, — деди Шокирнинг зардаси қайнаб.

Улар девор ошмоқ учун қулай жойни излаб кезина бошладилар. Аллақачон шаҳарнинг тўс-тўполони чиқиб кетганди. Барчанинг юзу кўзида улуғ бир саросима, ҳаракатларида таҳлика зоҳир эди. Одамлар ниҳоятда шошиб, жонсарак алпозда у ёқдан-бу ёқда ўтиб борардилар ва шу жонсаракликларига уйғун тарзда тез-тез ҳамда мухтасар сўзлаб ҳам қўярдилар. Шу ўтган қисқа муддат мобайнида гўзал бошкентдан, қадим Исфаҳондан файзу ҳаловат ариб улгургандек эди. Ҳамма нарса гўё хира қора парда ортига ўтиб бораётгандек кўринарди. Йўл четларида борлиққа чирой бахш этган анвойи гулларнинг ранги энди униқандай, ўзининг жилвакор тусини йўқотгандек. Қатор қад ростлаган салидорларнинг ҳам яшил ранги қорайиб-сиёҳданиб борарди гўё. Ҳа, мусулмон дунёси ҳамиша тилдан қўймаган, тинмай Оллоҳдан тилаган файзу барака фақат ва фақат тинчлигу омонлик туфайли экан. Агар юртдан ҳаловат ариса, ҳамма нарсанинг бир зумда зеру забар бўлмоғи ҳеч гап эмас экан.

Шаҳарда ғала-ғовур, парокандалик ва эшу ғанимнинг ўзи билан ўзи овора бўлганлиги боис икки косибнинг девор оша шаҳарни тарк этганлитини бирон кимса пайқамай қолди.

2

Аҳли расадхона шаҳар ичкарисида бўлаётган шовқин-суронларни элас-элас эшитган эсалар-да, асли ҳодисотдан бехабар қолдилар. Бундайин шум явғо илм аҳдининг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаслиги аниқ, чунки улар салжуқий салтанатнинг ва айниқса, буюк сulton Маликшоҳнинг куч-қудратига, идора усулига шубҳа ила қарамоқлик хаёлидан йироқ эдилар. Илло, расадхона ва илму урфоннинг барқарорлиги ҳам сulton ҳазратларининг ҳиммату эътиборлари боисидандир. Буни илм аҳли жуда яхши англардилар ва бу борада Оллоҳга шукроналари беҳад эди.

Воқеани Шокир Талхдан эшитган Хайём зарурий тадбир илинжида ўйга ботди. Бошмайдон узра музafferият нашидасини суроётган эканлар, демак, вазири аъзаму аҳли девонни ҳибс этганлари аниқ. Мабодо қатл этиб улгурмаган бўлсалар, агар. Вазири аъзам итоатидаги қўшин қаерда қолдийкин? Наҳотки у ҳам хиёнаткорлар тарафига оғган бўлса? Соҳиби девон ҳазратлари омонмикинлар ишқилиб? Ёки хусумат ва ҳасад гирдобида қолган Такаш ва ... Хайём туйқус Талхга ўгрилиб, сўради:

— Супа узра амирул шуаро Қазвиний кўринмадими?

— Кўринмади чоғи, — деган Талх иккиланиб, ёнидаги ҳамроҳига савол назари ила қаради. Ундан ҳам тайинли жавоб ололмагач, — ҳа, у йўқ эрди, — деди қатъий.

Хайрият, дея ўйлади Хайём бироз енгил тортиб, яхшики бунга бош

¹Расан — чилир, арқон

күшмабди у бадкирдор. Тақи ким билур? Булар кўрмаганликларини айтдилар, холос... Дарвоқе, не тадбир қўлламоқ жоиз?..

— Микоил! -дея чорлади у ниҳоят у ён-бу ёнга аланглаб, айиқбозни қидираркан, юз-кўзида қатъият акс этиб.

— Лаббай, хожам. — деди унинг ўтрусида қўл қовуштирган Микоил.

— Энг учқур отни мингайсен ва султон ҳазратлари ҳузурига елгайсен. Хиёнаткорларнинг қилмишидан боҳабар этгайсен. — Сўнг ўз ишораси или келтирилган қорозга тезкор нома битди, унда бўлиб ўтган ҳодисотларни жуда муҳтасар баён этди ва номани Микоилга тутқазаркан деди, — Ушбуни султонимизнинг ўз қўлларига топширгайсен. Қани, Оллоҳ ёр бўлгай.

Микоил от сари чопиб бораркан, Риндонийга деди:

— Полвонни унутмагайсиз, оға!

Микоилнинг қораси қир ортига яшириңгач, фурсат ғанимат бўлганлиги, Хайёмнинг айни пайтида тадбир қўллаганлиги аёналашди. Чунки, ҳадемай шаҳар томонда бир тўда отлиқ сарбозлар кўриндилар.

Хайём ўз измида бўлган ҳамроҳларини ваҳима қилмасликка, таҳлиқага тушмасликка ундаркан, иродасини бўлгувси синовларга ва ҳатто, азоб-уқубатларга чоғларди. Анови яроғланган ҳайвонмижозларга аҳли расадхонани қарши қўймоқлиқдан маъни йўқ. Барибир уларнинг қўллари баланд келгай, чунки хома ва китоб туттан қўллар бировнинг жонига қасд қилмоқликка қодир эмас. Мабодо тўқнашув рўй берганида ҳам имм аҳдининг маглубияти аниқ. Уларнинг жонларини омонда сақламоқлик эса, аввало, Хайём қўллагувчи тадбирга монанд эди.

Филҳақиқат, юз чоғли суворийлар етиб келиб, расадхона атрофи-ни ўраб одилар...

Бу маҳал шаҳарнинг бош майдонига жам бўлган авомнинг рўбарўсида оёқларидағи титрокни сездирмасликка уриниб, ғоз турган Мұхаммад Такаш ўнг илкини кўтариб, ҳалойиқни жим бўлишга ундади. Унинг ишорасидан сўнг, ўтган кечада не воқеалар рўй берганлигини билмоққа интиқ бўлиб турган, бироқ ана ўша ноаёнлик ортидан тинмай сўзлаётганлиги боис шовқини шаҳарни бошига кўтарган одамлар тездагина тина қолдилар. Такаш бундай бўлишини кутмаганди, шуннинг учун шахристон узра ястанган сукунат уни тақи довдиратиб қўйди. Бир муддат сўзсиз турди-ю, сўнг орқасида турган Қазванийнинг “Бардам бўлинг, шаҳзодам!” деган рағбатидан дадилланиб, гапира бошлиди:

— Азиз фуқаро! Маълумингизким, кўҳна Исфаҳонда фисқу фужур ин қуриб, турфа жодугарлар, иймони заифлар кўпаймоқдалар. Улар султоннинг пинжига кириб, ҳатто салтанат бошига ҳам чиқиб олмоқдалар. Натижада нужумпарастлик авж олиб, куфру залолат илдиз отмоқда. Бу эса Ислом заифлашувига олиб келмоқда. Шундай экан... — Такаш оғир бир ютинди, ичида нимадир қалқиб кетди. — Шундай экан, улуғ падаримиздан мерос қолган мамлакат идорасини ўз илкимизга олмоқликка жазм этдик. Оллоҳ таолонинг иродаси или буюк Исломга кучу жаҳд бермоқлик шарафи сизу бизнинг елкамизга тушганлиги муборак бўлгай!

Бироқ у кутганидек олқишилар тараалмади. Не ҳол рўй бераётганлигини англаб етолмаётган ҳалойиқ караҳт турарди. Бу Такашни баттар эсанкиратиб қўйди.

— Сўзни муҳтасар қилгайсиз, шаҳзодам! — дея шипшиди орқадан Қазваний.

Ва лекин Такаш бошқа бирон сўз айтолмади, кўзлари олайганча авомга тикилиб, ютина-ютина тураверди. Буни пайқаган Қазваний қўйироқда турган жарчига маъноли ишорат этди. У супа устига чиқиб, баланд ва жарангдор овоз или аввалдан ёд этган сўзларини ҳайқириб айта кетди. Яъни, жарчи шаҳзода Мұхаммад Такаш ибн Алл Арслон

ўзини султон дея эълон этажагини, энди жамики давлат ишлари унинг амру иродаси или бўлишини, токи махсус ижозат бўлмагунча шаҳардан чиқмоқ, унга кирмоқ, тунда кўчада юрмоқ ва бошқа кўплаб нимарсалар ман этилганлигини тинимсиз такрорламоққа тушди.

Такаш ўзини анча ўнглаб олганлиги боис, викор или эндигина аъёнларига айланган бир неча кишиларни эргаштириб, шоҳсупани тарк этаётганларида майдон четида навкарлар қуршовига олинган Умар Хайём ва унинг шогирдлари Воситий ҳамда Исфаразий кўриндила. Уларни кўрди-ю Такашнинг турки ўзгарди. Бу ҳолатини англагунча бўлмай нажот излаб Қазванийга қаради. Шоирлар амири эса дарҳол филай солорга уларни тўғри зинданга олиб боришликни амр этди. Чунки бу нужумпарастларнинг, айниқса, Хайёмининг халқ ўртасида обрўси баланд эди. Улар зинданбанд этилганликларининг пинҳон тутилмоғи авом ўртасида вужудга келажак норизоликнинг олдини олмоғи тайин эди. Амирлик мансабидан сармаст бўла бошлаган филай солор валинеъматлари фармонини тезлиқда бажармоқликка ошиқди...

3

Вазири аъзам зинданнинг тор ва қоронги хонасида беҳаловат ўлтирап экан ҳалигина содир бўлган воқеаларни хотирасида қайта тикламоққа уринарди. Шууридаги ана шу ҳоҳиш асносида хавотирли нигоҳи хонанинг кичкинагина туйнугига интиқ тикилди. Тутилмоғи авом ўртасида вужудга келажак норизоликнинг олдини олмоғи тайин эди. Ҳали тонг отмади чоғи. У эгнидаги хонаки чакмонига бир кур қараб қўяркан, илки или бошидаги такясини пайпаслади-да, хиёнаткорлар тузукроқ кийиниб олмоққа ҳам имкон бермаганликларини эслади. Шу ўттан оз муддат ичида нималар рўй берди ўзи?..

Аслида, кекса вазир ёшли ўтиб қолганиданми ёхуд бошидаги тафаккур түрёнлари боисми, кам уйқу эди. Бироқ бу кеч не рафлат босдики, хуфтон намозини адо этибоқ кўзларини уйқу элитдию тўшакка ён берди. Иблис алайҳилаънанинг макрини қарангки, уйқунинг зўридан шаҳарда кечган шунча тўс-тўполонни ҳам сезмабди. Бўлмаса, у султон бошкентни тарк этгандан бўён гўё шаҳар дарвозасида қойим турган тунги посбон мисол ҳамиша сергак эди. Минг надоматким, бу кечка хушёрликни унуди, ғанимларнинг хуфия режалари ижобати учун имкон яратиб қўйди. У ўз хобгоҳида қачонлардан бери айро тушганимасст уйқу оғушида эди. Бир замон вазири аъзамнинг бошқа пайт бўлса бундайин юмушга асло журъат этолмаслиги аён, кичик хизматчиларидан бирори хобгоҳга дод сола кириб келди. Низом ул Мулк уйқудан уйрониб, ҳали ўзини ўнглаб олмасидан, не ҳодиса рўй бераётганлигини илғамасидан хонани шақир-шуқир, дупур-дупур товушлари босиб кетди. Чунки бир неча қуролланган сипоҳийлар хонага чопа кириб, уй ичра доира бино этдилар.

— Бу не адабсизлик? — дея ҳайқирди вазири аъзам ўрнидан сапчиб.

Охирида кириб келган солор унга мағур бокаркан, деди:

— Шаҳзода Мұхаммад Такаш ибн Алп Арслон жаноби олийларининг фармонларига биноан сиз банди этилдингиз!

Вазири аъзам ана шундагина пойтахтда хиёнат рўй берганлигини англади. Англади-ю акди калта бу сипоҳи-ю уларнинг солорига қайтиб бир сўз демади.

Не бўлганда ҳам вазири аъзамга азият етказмоққа бу авбошларнинг бирорталари журъат қилолмадилар. Бошкентда ҳарчанд қиёмат қўпиди, ҳар бир сак ўз соҳибидан юз ўтирмоққа ҳозир тургани билан буларни кекса Низом ул Мулкнинг салобати босдими ёхуд фармони олийни кутиб шундай қилдиларми, бирон-бир ножӯя саъй этмадилар.

Фақат зинданнинг алоҳида хонасига киритиб, эшик олдига бир эмас, икки эмас, тўрт сипоҳийни посбон этдилар. Зиндан хизматчилари туғул ҳатто зинданбонга ҳам ихтиёр бермадилар. Бу воқеотларни кўриб, кузаттан бир закий зот топилгудек бўлса, шаҳар узра ва унинг чекка-чеккаларида ҳам шавкатли сulton Маликшоҳнинг руҳи огоҳ турган-лигини фаҳмламоги мумкин эди.

Мана энди қоронғу зинданда ўлтирганча ўзи ўзидан нафратланмоқда. Умр шомида энди бу не ғафлат, не шармандалик бўлди? Сulton ҳазратлари унга инониб қолдирган бошкентни, тахтни бир зумда оёқ ости қилмоқликларига имкон берса-я! Шу пайтгача Исфаҳон ичра не ҳодисотлар рўй берди экан? Маликалар, шаҳзодалар омонмикинлар? Ишқилиб уларнинг қони тўклиласин! Амируллашкар қайларда қолдийкин? Ёки уни?.. Умар Хайёмчи?.. Улар ила қандай боғланса бўларкин? Кекса вазир зулмат ичра ноаёнлик оғушида караҳтланиб бораркан, огоҳ одам шоҳу дунёдан огоҳ бўлмаган шоҳ эса ожизу нотавон кимсага ўхшаб қолмогини яна бир бора англарди.

Ташқаридан одамларнинг шовқин-суронлари элас-элас эшитиларди. Шу пайт, эшик очилиб, рўбарўсида зинданбон пайдо бўлди. Унинг илкида анча уринган обдаста бор эди.

- Ассалому алайкум, ҳазрати олийлари! — деди у эгилиб.
- Вазири аъзам унга савол назари ила мағрур тикилиб турарди.
- Бомдодга таҳорат олсангиз деб...
- Сен кимсен? — Сўради вазири аъзам бироз ғазаб ила.
- Зинданбонмен.

Низом ул Мулк унинг сўз оҳангидан ортиқча гап лозим эмаслигини тушунди.

Зинданбон устамон одам эди. У сulton Маликшоҳнинг қудратини, мана бу банди вазири аъзамнинг эса ақли донишини фаҳмлаганлиги боис, салжуқий салтанатнинг инқизозига инонмас, мазкур тўс-тўполонлар вақтинча эканлигига ақли етиб турарди. Шундан таъма илинжида отни қамчиларди.

— Мендин Умар Хайёмга хабар бер. Қороз келтир, нома битиб берурмен, — деди вазири аъзам таҳорат оларкан.

- Мени қайта киритмоқлари душвор, — шипшиди зинданбон.

Эшик шақирлаб очилиб, бир сипоҳийнинг қораси кўринди.

— Нега имиллайсен, ҳой, зулмат соҳиби? — дея дағдага қилди у. — Тез бўл!

- Бир иложини топ, — деди шивирлаб вазири аъзам.

Бироқ зинданбон унинг олдига қайтиб кирмади (эҳтимол киритишмагандир). Умар Хайёмни ҳам банди эттаникларини кейинроқ эшитди. Бирон-бир тадбир қўлламоқликка қанча уримасин ҳаракатлари зое кетди. Вазири аъзам Оллоҳга таваккул қилмоқдиқдан ўзга чора ўйқлигини тушунди.

4

Муҳаммад Такаш нихоят сulton Маликшоҳ, саройига, яъниким мамлакатнинг энг нуфузли машварату кенгашлари ўтгувчи хосхона-тахт пойига кириб борди. У бу ерга кўп бор кирган ва айтмоқ жоизки, бу муҳташам қасрнинг ҳар бир устуни, қандилу даричасидан тортиб нақшларидағи турфа жилоларигача унга жуда яхши таниш эди. Авваллари кенгаш ёхуд бошқа бирон йигин баҳона ҳузури муборакка кирганида, қасрдаги ҳар бир нимарсага, айниқса, унинг ҳашамат ва улуғворлигига ҳавас ила тикилар, гоҳо буларнинг бари ўзиники бўлиши мумкинлигини ўйлаб, юраги орзиқиб кетар, бу орзиқиши ортидан кўнглида сultonга нисбатан кучли нафрату ҳасад вужудга келарди. Бироқ унда бу қасрга кирганида ва ҳаттоки, сultonнинг ўтлиғ қаҳрига

рўбарў келганида ҳам вужудида ҳозиргиdek титроқ, тушунксиз қўркув кезинмасди, шуурини ишрол этиб, ўз ҳоҳишига бўйсундирмасди. Айни дамда эса, буюк салжуқий салтанатнинг тиллодан ясалган улуғвор тахтига тикилиб тураркан, жисмида нимарсадир қуига томон оқа бошлиди, бўгинлари бўшашиб, суюклари толди, юраги остига тош қадалган мисол пастга осилаверди. Танидан мадор кетди, кўзлари намланган менгиз бўлса, оғзи қуруқшади. Вужудини титроққа соглан боягидан ҳам кўра кучлироқ қўркув пайдо бўлди. Оғир-оғир ютинаркан, ўртанди, дод деб юборгиси келди. Шундагина у ўзининг нақадар ожиз эканлигини, аслида, мамлакат тахти учун яралмаганлигини англади. Англаган сари хўрлиги келди, барига қўл силтаб, тоғу тошларга кетмоқни истади. Бироқ энди кеч эди, борликда карвон ортидан кўтарилиган гардигина қолганди. Энди ортга чекиниш мумкин эмасди...

Болалигига падари султон Алп Арслон уни хушламайдигандек туюлаверарди. Турли анжуманларга, айниқса, ҳарб илмига боис машқларда-чавандозлик ёхуд қиличбозлик каби сабоқларда султон отаси унга у қадар рўйхушлик бермас, ҳамиша бир ёшга катта бўлмиш ўғли Жалолиддин Маликшоҳга майл билдиради. Унинг ҳар бир ҳаракатларидан ва ҳатто нуқсонларидан ҳам завқланар, агар бирон борада қойил қолдирса борми, тинмай олқишлиарди. Унга сайин Жалолиддин кундан-кун ҳар соҳада моҳир бўлиб, жуссаси йириклишиб, тўлишиб, билакларига куч қуилиб борарди. У чинакам забардаст йигитга айланиб, улуғворлик касб этаверарди...

Такаш ила эса ундейин муносабатда бўлмасди, ҳаттоки қўпинча унга эътибор ҳам қилмасди. Буни Такаш ўзининг канизакдан туғилганлиги туфайли деб билар ва шул сабабли ҳам тобора эзилиб, писмиқлашиб борарди. Бола қалбига бу муомала қаттиқ таъсир этганлигиданми, падаридан ҳам, шаҳзодалар учун мажбурий бўлган ҳарб машқларидан ҳам узоқлашаверди. Нисбатан кучсиз ва журъатсизлиги ҳам шундан эдик, бирон юмушни қилишдан аввал узоқ иккиланиб, оқибатидан шубҳаланиб, ҳуркиб турарди. Бу феъли уни улғайгач ҳам тарқ этмади, айтмоқ жоизки, мудом таъқиб қиласди. У фақаттина кабутарлар даврасидагина ўзини эркину озод ва ҳаттоки журъатли сезарди. Эҳтимол бирон-бир инсоншуносми ёхуд қалбшуносми топилиб, Такашни тафтиш этса-ю ва унинг феълини тўла англаса, ҳар қандайин рақибни унга кабутарлари парвоз этганда рўбарў қиласмиди. Ушанда балки у мислisisиз паҳдавонга эврилиб, ҳар не ғанимни яксон этармиди. Унинг кабутарларга ошиқлигини билган одам бунга ишониши тайин эди.

Аввал айтилганидек, тахтга ўлтирмиш салжуқий ҳукмдорлар атрофидаги тожга даҳл қилиши мумкин барча даъвогар жигарларини бир четдан қатл этаверарди. Такаш ўзининг ҳамон тирик юрганлигига гоҳо ҳайрон бўлар, ишонмасди ҳам. Нега энди ораси султон Маликшоҳ унинг жонига қасд қилмади- у худди мана шуни тушунолмасди. Султон Маликшоҳ эса инисини нечун қатл этмаганлигини жуда яхши биларди, билганлиги учун ҳам ўйлаган режасининг интиҳосини кутибми ёки бошқа бир муроди борми, жон қасдини кечичтиради. Такаш, айниқса, болалигига бир умр қисиниб-қимтиниб, ўксиниб яшади. У ҳамиша Жалолиддинга ҳасад қиласди, бироқ журъатсизлиги боис ҳасаду нафратни ҳам эвлай олмасди, елкасини қисиб, эзилгани-эзилган эди. Ўз мағлубиятини омадсизликка йўйиб ва ҳатто жисмидаги түфма, нуқсон менгиз тушуниб, бош кўтармоқдан тийиларди. Бу отасига ёқмас, ораси эса унинг бундайин кечмишларидан ҳузурланарди. Ана ўша ҳузур (ёки унинг ҳуморими) султонни ҳануз тарқ этмас, ўз жигарининг мағлубиятидан, аламзадалигидан зафар нашидасини сурарди. Такаш унинг енгигиб, бўйинсундирлиб яшашдек инсоний туйғусига посанги вазифасини ўтарди. У инисидаги ҳасад ўтини яна ва яна алангалатиб, унинг

ожиз боқишиларидан, пинҳоний тўлронишларидан қалбида ҳузур туярди. Шунинг учун ҳам уни қатл этмасди.

Муҳаммад Такаш таҳтга ўлтиrolмади, оёқлари титраб, қуидаги курсига чўқди.

— Шаҳзодам! — деди Қазваний хушомадгўйларча таъзим қилиб. — Энди бу таҳт сизники! Уни муборак этинг!

— Кейин, — дея Такаш бошини эгди. — Толикдим... Амр этинг, танаввул ва май ҳозирласинлар.- У чиндан-да ҳоргин ва аянчли кўринар, тобора чўкиб бораёттганлигини ўзи ҳам сезар, ҳис қилар, шунинг учун чорасиздай туюларди.

У бундай бўлишини кутмаганди, таҳтга ўлтираману буюк салтанатни идора қилишга тушман, деб ўйлаганди. Лекин ундан бўлиб чиқмади, мана ўшал таҳт рўбарўсида турибди, икки қадам босса етади. Бироқ ана ўша икки қадамга ҳоли келмади. Энди ҳеч қачон бу таҳтга ўлтира олмаслигига унинг ақли етди, фақат буни тўла тан олишни истамагани каби бошқалар билиб қолишларини, сиридан воқиф бўлишларини ҳам хоҳламасди. Колаверса, мамлакатни идора этмоқни нимадан бошламоқ лозимлигини ҳам билмас, вазири аъзам тартиб берган давлат тизимининг сир-асрорларидан бехабар эди. Ўзи тан олмасада, салжуқийлар давлатида барқарор бўлган девонларнинг юмушларига-да ақли етмасди. Шул боис энди у ўз хатосининг аламини май захридан ола бошлади. Девоннинг бўйин эгмаган амалдорларини қаторасига зинданбанд этаверғанликларидан давлат ишлари ўлда-жўлда қолди. Шаҳар ҳаёти издан чиқди, ўғрилик, талончилик кўпайди. Султон Маликшоҳ тараф жон қайғусига тушган баъзи мансабдорлар, катта савдогарлар, пинҳона шаҳарни тарқ этмоққа тушдилар. Хуллас, кўхна Исфаҳон хиёнат ботқоғига ботиб, бошини зулмат қоплади.

Шоҳона дастурхон узра сархуш ўлтирганларида ўзини вазири аъзам даражасига кўтарган Қазваний Такашни Низом ул Мулк ва Хайёмни қатл этмоққа унади, ҳе йўқ, бе йўқ, қатла гижозат беришлигини ўтингди. Бу каби қистовлар кейинги кунларда ҳам мунтазам давом этди. Аммо Такаш қай аҳволда бўлмасин унинг бу ўтингини қатъият илиа рад этарди. У қалбининг бир буржида сақланган чимдимгина нур туфайли бу икки инсоннинг улуғ мақомини ҳис қиларди чори.

Филҳақиқат, Муҳаммад Такаш қылғиликни қилиб қўйгач, бу қилмишининг оқибатини ўйлаб, ваҳимага тушаверди. Маишатга ва айниқса, ичкилиқка ружу қўйди, кечалари уйқусини йўқотди. Эҳтимол чиндан ҳам султон Маликшоҳнинг Оллоҳ берган бирон хислати бормиди ёхуд бу таҳти олий афсуну амал илиа барқарормиди, ҳар қалай Такаш тож кийиб, ўшал таҳтга ўлтироққа журъат этолмасди.

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, шоирлик тўнини ёпинган маккор Қазваний бу телбамонанд, ўзи айтмоқчи, хезалакмижоз шаҳзодага илониб, хато қилганлигини тушуниб етди. Англаб етди-ю жон қайғусига тушшиб қолди...

Олтинчи боб

1

Султон Маликшоҳ Жайҳун узра кўприклар қуришни ниҳоялаб, Термиз фатҳини кўзлаб қадим дарё соҳилида ўлтирганида падари бузрукворининг қисматини тақи бир бора ёдига олди. У худди мана шу жойда, манов шаштли дарё гувоҳлигига Юсуф отлиғ қутволнинг тифига рўбарў келган эди. Унинг валиаҳди ҳам яна шул манзилда турибди. Эрта тонгдан Термиз сари юриш бошлайди. Маликшоҳ Термизни ҳам, Бухорони ва умуман бутун Мовароуннахрни ҳам ҳеч қандай малолатсиз қўлга киритмоғига ишонарди. Бироқ ҳозир унинг юрагини нечукдир маҳзунлик эгаллаб, башар бошида ҳамиша тиғ тутиб турган уруш,

киргиңбаротлардан совий бошлади. Шуурида ўз тақдирига нисбатан ожизона исөн вужудга келди. Мижжалари ачишиб, бағри ўртанди. Дүнёнинг катта бир қисмiga ҳукмрон бўлган салжуқий султон айни дамда дод солмоқни истарди. Лекин ҳозирги кўйини ўзи англамас, бу банданинг ўз сохибига, янада равшанроғи, ўз аслига интилиши эканлигини тушунолмасди. Шунингдек, бу ҳоли ўткинчи эди, ҳадемай кудратли ва виқорли султон Маликшоҳнинг ўз суратига қайтмоғи аниқ эди.

Тонг саҳарлаб Термиз сари юриш бошладилар. Мўр-малаҳ сингари адосиз қўшин бу қадим шаҳарни эгаллади. Орадан бир ҳафта ўтгач эса салжуқий лашкар Бухоро бўсағасида турарди. Аҳмадхонни тор-мор этиш, лашкарининг заифлигиданми ёхуд авомнинг унга қарши бўлганлигиданми, у қадар мушкул кечмади. Бухоро Маликшоҳ илкига ўтди. Аҳмадхонни тутиб, банди этиб, Исфаҳон сари йўллади. Бу ила малика Туркон Хотунга ўз меҳрини аён этмоқчи бўлдими ва ёки унинг насабини камситиб, пинҳона ҳузур топмоқчимиди- номаълум. Ҳар тутул сўнгти қорахонийзодага шафқат қилгани рост.

Ундан ўёри Шош, Сайрам, Андигону Ўзган каби йирик шаҳарлар ҳам, салжуқийлар ҳукмронлигига ўтди. Ниҳоят султон Маликшоҳ Қашқар сари кўз тикканида, унинг хонидан элчилар келди. Қашқар хони совға сифатида олам-жаҳон олтину кумуш ва аргумоқларни йўллаб, султон Маликшоҳга бож-хироҷ тўламоққа тайёр эканлигини, унинг номини хутбага қўшиб ўқитишларини маълум қилган эди. Маликшоҳнинг суврату исмини олтин тангаларга зарб этиб йўллади. Бундан султон бениҳоя шодланди ва Қашқарга юриш қилмасдан ортига қайтмоқликка жазм этди. Айни мана шу пайтда унинг ҳузурига Микоил этиб борди...

Султон ғазабнок бўлди ва ўша оннинг ўзидаёқ хос навкарларини отлантириб, бир қисм зарбдор қўшин тузди-да, бошкентга йўллади. Қўшин амирига Исфаҳонни зудлик билан эгаллаб, хиёнаткорларни бешафқатларча тор-мор этмоқликни амр этди. Сўзининг сўнгидаги соҳиб девон Низом ул Мулк ва амирул фузало Умар Хайёмни не тадбир или бўлса-да омонда сақламоқликни буюрди. Ушбу фармонни берди-ю донишманд устози Низом ул Мулк ва лутғи хўб надими шоир Умар Хайёмни дил-дилидан соғинганлигини ҳис этди. Бағри сим-сим ўртанди. Манов олис юртларда, чанг-тўзон ва дашту биёбонларни кезавериб, қон тўқавериб дағаллашган сарбозларнинг ҳайқириқлари, отлару филларнинг бўкиришлари, яроғлару аробалар, манжанақлар шақир-шукурни остида буюк бир соғинч ила англаники, ул икки улуғ зот нақадар ўзга сифатли инсонлар экан. Демакки, тўзону бақириқларга тўла бу дунёда, ул икки зиёпеша бириси тунда ой, бириси кунда қуёш янглиғ эканлар. Кўп илмлардан боҳабар бўлган султон илмнинг, ҳикмату зиёнинг маънисига мана энди тақи бир бора етди. Илму санъатга, олиму фузалоларга ҳомийлик қилмоқ- бу ҳали илмни англамоқ эмас экан. О, баттол Такаш! Сени ини демоқлиқдин ор этурмен. Ўшанда нечук сени ҳам қатл этмадим? Нечук бўғзингта чўр тиқмадим?! Бариги бир канизакдан бўлганлигинга бординг сен хиёнаткор. Ё алҳазар! Шундайин буюк салтанатнинг пойтахтини эгалламоқ шунчалар осон бўлса-я?! Вазири аъзам гафлатда қолмиш чоғи. Мен кимга ишондиму доруссалтанатда бунчалар оз қўшин қолдирдим? Асли айбдор мен, асли ғофил мен!.. Султон от узра Исфаҳон сари бораркан, тинмай ўзини ғазабларди. У салтанатни ёхуд таҳтни йўқотищдан ваҳмга тушмасди, улар учун қайғурмасди. Уни оташин этиб, аламга соглан хиёнат ва азиз кишиларининг қоронғу тақдирлари эди. Такаш ҳукмдорликни эвлай олмаслигини у яхши биларди ва пойтахтни ҳам, таҳтни ҳам тезлиқда қайтариб олмоғини сезиб турарди. Бироқ нобакор иниси ўшал

¹Хофийайнда — Шарқу Фарбда
²Роғидайн — Мессопотамия

онгача бирон мудхиш юмушни амалга ошириб қўймоги мумкин. Маликшоҳ шундан қўрқарди. О, хиёнат оловида жизгинак бўлгур Такаш, илкимга тушгайсен ҳали!..

Бу пайтга келиб салжуқлар салтанатининг сарҳадлари Ҳофиқайнада¹ бир ёни Шому Ажам, бир ёни Румою Византиядан Рофидаин² гача, буёни Қай¹, Чин² ўлкаларигача чўзилганди. Бу жуда ҳам улкан бир мамлакатни ташкил этарди. Султон Маликшоҳ ўзининг шуури-ю шамшири ва қувваи ҳофизаси или мана шу чексиз-чегарасиз салтанатни идора этарди. У ҳар қандай ғанимнинг кўзига тик бокишига, шамширига шамшир уришига қодир эди. Ба лекин шунча кучу құдрати или хиёнатнинг ҳийласи қошида ғофил қолди. Йўқ, Такаш бундайин кабир юмушга қодир эмас. Уни бирон-бир устомон йўлга солғанилиги, шубҳасиз. Ким бўлиши мумкин ўшал устомон? Ўзгалар ҳузурида отта дадил минолмайдиган, шамшир қай томонга осилишини билмайдиган кабутар жинниси тахтга даъвогарлик қила олармиди? Тахтга рўбарў келган тақдирда ҳам унга қай тарафдан ўлтиришни билмас. Ўзинг ожизларнинг ожизи бўлсангу!.. Ёхуд ғанимлар бош қўщдилармикин? У ёқда саквачча Ҳасан Саббоҳ қутурғандан-қутурмоқда. Арслон Тош не қилди экан? Аламит олиндимикин? Наҳотки иниси Такаш исмоилийлар домига тушган бўлса? Унда аҳвол жиддий бўлғувси!..

2

Маликшоҳ йўллаган хос лашкар Исфаҳонга сунбуланинг адогида етиб келди. Бу пайт Ҳасан Саббоҳ қўним топган Аламит қалъасини ишъол этиш учун кеттан амирлар амири Арслон Тош бошлиқ қўшин ҳам шаҳар бўсағасида туради. Сўнгроқ маълум бўлишича, бу қўшин Аламитни узоқ муддат қамал қилиб туришига қарамасдан, уни олишга мушарраф бўлолмабди, охир-оқибат амир Арслон Тош ихтиёри или ортига қайтиби. Ҳозир эса улар Исфаҳонда не воқеа рўй берганлигини, не тадбир қўллаш лозимлигини билолмай бошлари қотиб турар здилар. Машриқдан султоннинг хос қўшини етиб келгач, шаҳар остонасида ҳайбатли бир тўлқин пайдо бўлди. Бу тўлқиннинг ваҳимаси, турган гапки, шаҳар узра ҳам ёйилиб, Муҳаммад Такаш қулоғига-да етиб борди ва унинг юрагига фулғула солди. Султонликни орзулаб, хиёнатга қўл урган сархуш шаҳзода ўша заҳотиёқ адойи тамом бўлиб, жон қайғусига тушиб қолди.

— Оллоҳ!.. — дерди ўзини у томондан-бу томонга уриб. — Тамом бўлдим! Ҳонавайрон бўлдим!.. Шайтоннинг сўзига юриб... Ўз паноҳингда асра, ё Оллоҳ!..

Шаҳар аҳли ҳам оёққа қалқа бошлади. Раҳнга олинган амирнинг ихтиёrsиз бўйинсундирилган сарбозлари орасида ғалаён кўтарилиди. Шаҳар дарвозаси олдида ҳайқираётган султон қўшинининг ҳайбати уларга куч берди. Улар издан чиққан, тўс-тўполонга кўмилган шаҳар ҳаёти ичра аста-секин бир бошга ихтиёр берган ҳалоскор жамоага айлана бошладилар. Бир куннинг ўзида кўхна Исфаҳон султон Маликшоҳнинг номини улуғламоққа тушиди. Ҳатто Такашга ихтиёрили сипоҳийлар ҳам султон тарафига ўтмоқда здилар.

Устомон ва ҳийлагар Қазваний Такашдан аллақачоноқ ҳафсаласи пир бўлган эса-да, бирон мўъжиза рўй бериб, улуғ мартабаларга эришмоқлиқдан ҳам умидвор эди. Бироқ ҳозиргилик эврилишни кутмаганди. Энди бир чора қўлламаса бўлмас, акс ҳолда, ўлим шарпаси ёвуқ кўринадур. У узоқ ўйланиб ўлтирмади, бир пасгина хаёлчан турди-ю ишонч или ўрнидан кўзғолди. Зинданбонга бориб, унинг илкига катта ақча тутқазди. Умри бино бўлиб бунаقا мўл тилло тангаларни ушламаган зинданбоннинг кўзлари отилиб кетмоққа ҳозирландилар.

¹ Қай — Мўғалистон
² Чин — Хитой

— Ҳожам не истайдилар? — деди Қазвинийнинг қошида эгилиб.

— Бирон мушти оғир хизматчингни топиб, мени калтаклашга амр этурсен.

Зинданбоннинг кўз соққалари бу гапдан сўнг шу қадар ташқарига отилдиларки, ортидаги қизил томирлари ҳам кўриниб кетди.

— Ҳожам?!

— Амримни бажар, илло, бу сирдин кимса воқиф бўлса, бошинг кетадур.

Зинданбон оғир бир ютиниб, кафти ила бўйинни силаб қўйди-да, баланд овозда бирорни чорлади. Кўп ўтмай уларнинг қаршисида қоп-қора девқомат бир исқирт кимса пайдо бўлди. Энди Қазвиний шўрликнинг кўзлари қинидан чиқмоқча уриндилар. Лекин тақдирга тан бермоқдик ўзга чораси қолмади.

— Мана бу одамни ўз ошёнингта олиб кириб обдон дўппослайсен, токи... -зинданбон шундай деркан Қазвинийга синовчан нигоҳ ташлаб қўйди. — Токи ҳущдан оғтунча...

Исқирт дарранда менгиз бир ириллади-да, қоп-қора, ифлос илкини шоирнинг елкасига қўйиб, оддинга силтади. Қазвиний зинданбонга аянчли ва шунингдек, илтижоли нигоҳ ташлаб қўйиб, ўзи битган тақдир измига бўйинсунди...

Уша куни кечга томон хиёнатчиларга қарши бош кўтарганлар тартибсиз бир равища яроғ ила иш кўрган бўлсалар-да, энг аввало, ма-микалару уларнинг қасрларини ва шаҳзодаларни ҳимоятга олдилар. Такашнинг тарқоқ қўшинлари ила кўча жанглари бошланди. Ҳамма-ёқни қий-чув, бақир-чақиру оху фарёдлар тутиб кетди. Шаҳарнинг баъзи жойларида гуриллаган оловларнинг тиллари осмоннинг юзини яламоқдан бери бўлдилар. Ичкаридан берилган зарбга тоқат қилолмаган хиёнаткорларнинг шаҳар дарвозасида турган қўриқчилари аввали жон ташвишида, қолаверса, султоннинг тарафдорларидан ҳимояланмоқ илинжида ўз жойларини тарқ этишга мажбур бўлдилар. Шомдан сўнг шаҳар ташқарисида турган зарбдор қўшин ҳам бирваракай ҳужум бошлади. Жангнинг бошида ёқ девор устидаги ёйандоз ва "олов отувчилик" (сақични ёндириб отувчилик), жойларини ташлаб қочишга тушдилар. Натижада султон қўшинларининг шаҳарга кириши осонлашди. Шундан сўнг шаҳар узра қиёмат қўпди. Қасос ўтида ёпирилган беҳисоб қўшин хиёнаткор сипоҳийларни аёвсиз қира бошлади. Такашнинг тарафдорлари икки ўт орасида қолдилар, баъзилари куролларини ташлаб, тиз чўкиб, тавба қилмоқча тушдилар. Бироқ уларнинг илтижолари фармони олийдан куч олган лашкарга асло кор қилмас ва барчаларини бир-бир қиличдан ўтказарди...

Амир Арслон Тош бошлиқ қўшин султон ҳазратларининг фарзандлари ва завжаларининг ҳимоясини ўз назоратига олгач, аввало, ҳукмдорнинг иродасига биноан Низом ул Мулк ҳамда Умар Хайёмнинг, қолаверса, султоннинг бошқа тарафдорлари жонларини ҳам омонда сақламоқ ниятида зиндан сари йўл олдилар. У ердан соппа-соғ вазири аъзам, Хайём ва унинг шогирдларини ҳамда аъзойи бадани кўкариб, қонталаш бўлган, сўл илкининг суюги синган Қазвинийни чала ўлик ахволда озод қилдилар. Ниҳоят, зафар тантаналари янграб, шаҳар осмонини султон Маликшоҳ шаънига айтилган олқиши хитоблари тутди...

Шокир Талх ўшанда ўзининг ҳамрохи ила расадхонадан чиқиб, шаҳарга кириб олган бўлсалар-да, шу пайтгача таҳликада яшадилар. Бутун Исфаҳон аҳли сингари уларнинг ҳам касб-кору тирикчиликларидан путур кетди. Баъзи кунлари оч қолишиб, қоринларига тош бойлашга мажбур бўлдилар. Гўдакларнинг оху нолаларидан зада бўлсалар-да, Такашнинг бетаъсир ва очкўзу бешафқат навкарларидан жон сақлаш учун тишларини тишларига қўйдилар. Султоннинг тезроқ қай-

тмогини сўраб Оллоҳга илтижолар қилдилар. Мана энди музaffer қўшиининг наъралари ортидан тоңг саҳарда кўчага чиқдилар. Талх сulton шаънига айтилаётган ҳамду саноларга ўз феълига зид равища беихтиёр қўшиларкан, нигоҳи шаҳар кўчалари узра тентийди. Ҳозир шаҳарни мутлақо таниб бўлмасди: кўчалар ўликларга, турли қуроляроғу буюмларга тўлган. Қачонлардан бери фаррошлар илки тегиб, супуриб-сидирилмаганидан кўп жойларда ахлатлар кўриниар, бир сўз или таъриф этилса, бошкентни файзу фаришталар тарк этганди. Баъзи кулаган, куйиб қорайган деворлар кўзга хунук кўринса, у ер-бу ерда мудом ловуллаётган оловлар юракларга ваҳм соларди.

Шокир Талх ва унинг ҳамроҳи эҳтиётикор қадамлар ила бошмайдон сари ўтдилар. Ҳамма бало мана шу жойдан бошланганди, мана энди у қонга беланган ўликларга тўлиб ётибди. Ана, Такаш ўз хукмбардорлигини бошлаган супа-мунгайганча турибди. Ё Оллоҳ! Анов майит таниш кўринадурми? Ҳа-ҳа, бу, ахир, Такашнинг барзанги филай солори-ку! Унинг жаги қаттиқ зарбдан мажақданган, соғ кўзи олайганча очиқ қолган. Бечора мұхтасиб Бадрийнинг бошини у худди шу ерда, худди шундай мажақлаб ташлаганди. Қайтар дунё экан-да! Йўқ, итта ит ўлими деганлари шу!..

Майдоннинг зинданга элтувчи томонида бир тўп кишилар кўриндилар. Уларнинг одида Хайём, унинг шогирдлари Воситий ва Исфаزارий келардилар. Бошқалар каби шоирнинг ҳам юзи сўлғин, кўзи ичига боттан, соч-соқоли ўсиб, аянчли кўриниар, лекин мағрур ва бардам эди. У келаркан, ушбуни пичирларди:

Бу саройда Баҳром ичар эди жом,
Энди кийик, тулки олади ором.
Бир умр қулонлар овлар эди у,
Ўлимга қулондай овланди Баҳром...

3

Султон доруссалтанатта Исфаҳоннинг танин жунжиктирувчи изғиринлари кезина бошлаганда етиб келди. Хиёнаткорлар бартараф этилиб, шаҳар сulton кишилари илкига ўтгандан кейинги муддат ичида бошкент кўчалари, майдону бозорлари супуриб-сидирилди, вайрон бўлган бино-ю деворлар қайта тикланди. Ҳуллас, шаҳар хуснида кузга монанд куранг-қорамтири ранг ғолиб бўлса-да, унга файз қайта бошлади. Одамларнинг юз-кўзларида табассум, муомалаларида тақи аввалгидек мутойибалар пайдо бўлди. Бозорлар гавжумлашиб, расталарга барака кирди. Шаҳристондаги хунармандлар дўкону ҳужраларида яна ҳаёт нафаси уфуриб, турфа гап-сўзлар эшитила бошлади. Кўхна Исфаҳон баралла қучоқ ёзиб, ўз соҳибини кутиб олди. Қалъа деворлари узра карнай-сурнайу дўмбираш янгради.

Султон Маликшоҳ чопарлар орқали шаҳарнинг ўз илкига ўтганлигини эшиштан бўлса-да, пойтахт бўсағасига руҳсиз бир кайфиятда етиб келди. У ҳузурига пешвоз чиққан Низом ул Мулк ва суҳбати хуш надими Умар Хайём ила қучоқлашиб кўришгач, қалбида ажиб равшанлашув рўй берди. Ҳоргин ва сўлғин юзини тарк этганига неча кунлар бўлган табассум яна чехрасига қайтди. Чўлнинг самумларида қорайган юзига оппоқ тишлари маржон бўлди. У ўз инисидан кўрган хиёнат туфайли анча изтиробга тушиб, дарғазаб бўлган эди ва ана шу кечмишлари уни толиқтирганди. Бироқ энди англадики, ул толиқиши, яқин ва суйган кишиларининг соғинчи қошида ҳеч экан. Султон чиндан ҳам ўз яқинларини жуда-жуда соғинганди...

Маликшоҳ шунчалар ҳоригани билан эртаси куниёқ хиёнаткор Ташкини кўрмоқни, унинг башарасига бир бора разм солмоқни ихтиёр

этди. Ҳукмдорнинг амри вожиб-Такашни султоннинг кўпчилиқдан пинҳон бўлган кичик ҳордиқ хонасига келтиридилар. Унинг оёқ-қўллари озод эди, юзи-ю танасида зўрликнинг зарблар ёхуд қийноқларнинг ҳеч қандай акси кўринмасди. Чунки фармони олий бўлмай туриб султонзодаларга озор бермоққа жеч кимнинг ҳадди сифмасди. Лекин у баттар озиб кетган, шундай бўлса-да, аянчли кўринмас, нигоҳида аввалги кўркув, хавотир йўқ эди. У хотиржам ва мағрут турарди. Чамаси, бандилиқда ёттан кунларида, қилмишларини сарҳисоб этиб, ўзини хийла тутиб олганди. Эҳтимол аввалги мавҳум кечмишлар барҳам топиб, нима бўлгандა ҳам, эртанги тақдирни аёнлашгани унга куч бериб, кўнглига ҳаловат согандир.

У султонга таъзим қилмади, бошини мағрут тутиб тураверди. Бу ила рўбарўсида ўлтирган оғасига: "Мен ҳам сен каби султонзодамен", дегандек бўлди.

Султон Маликшоҳ қабоқлари осилган кўйи қимир этмай ўлтирас, нигоҳи Такашга қаттиқ қадалганди. У ғазабнок эди, бироқ овози босиқ чиқди:

— Не итлиғ қилдинғ, нобакор?! — Султоннинг ғазабда эканлигини унинг одатдагидек салжуқий-туркий талаффузда сўзлай бошлаганидан ҳам билмоқ мумкин эди. — Кавушинғга чўр тушиб эдимики, тек ўлтиромай, хиёнат кўчасига аяғ бостинғ!..

Такаш кўзларини олиб қочди.

— Хиёнаткорлигим рост, тонмасмен. Бироқ бу ҳодисалар кутилмаганда, менинг ихтиёrimдин айру бир ҳолатда жадаллашиб кетди. Билмай қолдим, султоним, шайтон йўлдан урди!..

— Хиёнаткорнинг жазоси не? — Сўради султон ерга қараган кўйи атрофидагилардан жавоб кутгандай бироз сукут сақлаб.

Бу савол-жавобга вазири аъзам, Хайём, Арслон Тош ва тақи бир амир гувоҳ эдилар. Лекин уларнинг биронтаси султоннинг сўроғига жавоб бериб, садо чиқармадилар. Султон боягидек босиқ овозда саволини яна қайтарди.

Мудом барча жим.

— Ўлимга ҳам тайёрмен! — деди ниҳоят Такаш хаста бир овозда.

— Ўлим сенга жазо эмас, тухфа бўлур, ит! Токи, сен бизнинг музаффар тақдиримизга воқиғ бўлиб, умр ўтқазғайсен.

Такашнинг нигоҳида ҳайрат ва хавотир акс этди.

— Кўзига мил тортилсин!.. — деди султон кескин ва ҳалиги амирга буюрди. -Сўнг зинданга ташлансан.

— Йў-ўқ!.. — Такаш оҳ уриб юборди. — Фақат бу эмас, султоним! Кабутарларим парвозини кўрмоқлиқдин маҳрум этманг мени!.. Яхшиси қатла эттиринг, оға!..

— Олиб чиқинғ!.. — деди султон юзини терс буриб.

Такашни судрадилар. У эса даҳшат ила ҳайқира бошлади:

— Илоҳи, рўшнолик кўрмагайсен, султон! Илоҳи, жувонмарг ўлғай-сен!..

Ҳамма бош эгиб, жим қолди. Хайём ҳам сўзсиз тураркан, бағрида ожиз бир ўртаниш ила вужудида титроқ уйғонди. Оллоҳнинг қўнгил аталмиш мұъжизасини қаранг-а! Шундайин хатокор ва ҳатто жоҳил банданинг қўнглида бир чимдим нурга жой бера олган Кариймнинг қудратига минг тасанно. Мана шу кимсаннинг қалбига кабутар ишқини ато этиб, бир ҳикмат яратмиш. Шоир шуларни ўйларкан, Такашга раҳми келиб кетди. Йўқ, ҳақиқати, унга эмас, унинг қўнглидаги бир чимдим ёруғ туйғуга ачинди. Ахир, дунёни шу янглиғ ёруғ туйғулар, эзгуликлар тутиб турмаяптими? Демакки, ўшал ёруғликнинг завол топмогига бу ҳам шерик экан-да? Во дариг! Айни дамда султон ҳазраталарига сўз айтмоқ арининг инига чўп сукмоқ ила баробардир... Хайём султонга бирон сўз айтмоққа ботинолмади. Айтса, вазири аъзам ай-

тарди. Ё тавба, сенинг шуурингда кечган ўйни вазири аъзам қаёқдан билсин, эҳтимол бу қаби фикрлар унинг хаёлига умуман келмагандир. Ҳа, шўрлик Такаш ҳийла ишлатмоқни, устомонлик қилмоқни ҳам эвлай олмади. Ҳар тутул унинг феълида мардлик, тўғрилик бор экан. Аммо Қазваний барчани доғда қолдирди. Кўнгли сезиб турибди -аслида, бечора Такашни хиёнатга ундалган ҳам ана ўша ғаламис чиқар. Бироқ ўзини сақдай билди, чорасиз қолгач, ҳийла ишлатди чоғи. Бирон кимса унинг ҳакида ёмон гап айтмади, унинг тўғрисида султонга чақув етмади. Хайёмнинг илкidan эса бундайин юмуш келмас, бироннинг устидан чақув қилмоқ унинг феълига ёт. Лекин барибир шоирлар амири ҳам бир кун келиб, албатта, фош бўлгувси.

Султон Аламит олинмаганиги ҳақидаги хабарни эшишиб ҳам анча дилгир бўлганди. У падари бузруквори султон Алл Арслонга ҳам садоқат ила хизмат қилган амири Арслон Тошга қаттиқ ишонарди. Шунинг учун ҳам бу хабардан аччиқланди. Арслон Тошдек паҳлавон бир неча ойлаб қамалда тутиб ҳам ишғол этолмаган экан, демак, бу Аламит деганлари жуда мустаҳкам қалъя бўлиб, унинг хожаси Ҳасан Саббоҳ бемисл бир соҳиби қудрат экан-да. Дарвоҷе, хуфияларнинг хабарларига қараганда, бу Ҳасан отлиғ таррор кунботар тарафдаги Ийсо алайҳиссалом қавмларига ҳам дахл қила бошлаганмиш. Ҳаттоки, баъзи соҳибларини қатл ҳам эттирганмиш. Ё Оллоҳ! Бу не балои оғат бўлди? Унинг нигоҳи анча қариган, бир неча ҳафталик бандилик туфайли озиб, ҳорғин турган Низом ул Мулк ва Хайёмда тўхтаб, кўнглида илиқдик пайдо бўлди. Кейинги кунларда султоннинг меҳри бу икки аъёнига нисбатан беихтиёр равишда ортгандан-ортиб борарди. У бу меҳр Оллоҳдан эканлигини энди-энди англай бошлади...

Ҳукмдор қолганларга ижозат бериб, вазири аъзам ва шоирнинг сухбатини ихтиёр этди...

Султон Маликшоҳ бир ҳафта ҳордиқ олгач, аркони давлатни саройга-машваратга чорлади. У ҳар сафаргидек, яқиндагина Такаш кўзтикиб, бир лаҳза ўтира олиш тугул ҳатто яқинлашмоққа журъат этолмаган улкан таҳтда аввалидан-да улуғвор қиёфада ўтириарди. Юзкўзида ўйчанлик ва шунингдек, ҳар не иродани маҳф этмоққа қодир жилдийлик, айтмоқ мумкинки, сирлилик зоҳир эди. Кўпчилик кўнишиб кетган "ёш султон" энди анча улғайган, сочи ва соқол-мўйлабига ҳам битта-иккита оқ оралаганди. У бир қадар тунд ва сўнин кўринса-да, кайфияти анча хуш, хаёли янги режалар ила банд эди. Султон яқингинада ўзгалар илкига ўтиб кетиши мумкин бўлган давлатни янги бир қурб ва шижаот ила идора этишга киришмоқда эди.

Қаршисида ўша тўс-тўполонлар туфайли хиёлгина сийраклашган аркони давлат қўл қовуштириб турибдилар. Уларнинг орасида муҳтасиб, Такаш ва бир неча кишилар йўқ, шўрликларнинг баъзилари хиёнат қурбони бўлган эсалар, баъзиларининг ўз хиёнатлари бошларига этди.

Бутун қиёфасида кексаликнинг барча сифатлари зухур эта бошлаган вазири аъзам ва ҳибсадалигида туғилган, пишиб етилган фикрларини қоғозга туширмоққа берилганлиги боис, ҳозир ҳам пинҳона тафаккур уммонида сузаётган Хайём султон ҳазратларига мамнун боқиб турадилар. Низом ул Мулкнинг вужудида ҳузурбахш бир ҳаловат событ эди. Бу ҳаловат киши кексайганида, айниқса, қадрли ва мужим эдик, анча муддат соҳиби тож эътиборидан четда қолиб, авом тилида айтганда, "ичиккан" вазири аъзам уни узоқ кутди. У султон ила бир умрга "юз кўрмас" бўлдим, дея хаёл қилганди ва шунинг учун ҳам қаттиқ изтиробда қолганди. Ҳамиша ҳукмдору ҳалқ назарида бўлиб келган одамнинг бирданига бу эътибордан айрилмоғи таърифсиз ва ҳатто, олий жазо эди. Низом ул Мулк бу жазога маълум фурсат мус-

таҳиқ этилган эса-да, энди ундан буткул халос бўлганди. Чунки султон унга яна хайриҳоҳдик назари ила бокмоқда эди.

Олампаноҳнинг сўл ёнида турган Қазваний эса бир қадар чўккан, ўзи ясаган аччиқ қисмат туфайли орттирган жароҳатлари тузалган бўлса-да, ранг-рўйи сўлғин ва заъфарон эди. Синган қўли таҳтакачланиб, мудом бўйнига осилган кўйи турарди. У бутун сурату сийрати ва ҳаракатлари ила ўзини кўп азияту жафо тортиган кимса қилиб кўрса-тишга уринарди. Қанийди ҳамма унинг кўргиликларини, азобларини сезса, ҳис қилса. Афсуски кўпларнинг нигоҳида маломат кўрадур. Ишқилиб унинг номини тилга олиб қолмасалар бўлгани. Шундоғам сўнгакларигача қалтираб, оёқда базўр турибди, мабодо исмини айтгудай бўлсалар борми, жони чиқиб кетиши тайин. Неча кунларки кўзлари уйқу билмайди, кўзларини юмди дегунча бир қора шарпа босиб кела-веради. Туну кун миясида нимадир гинғирлагани-гинғирлаган. Бу юрак курғур бунча тез урмаса!..

Султон салобатли, бироқ кутилмаганда бурунгиларга нисбатан му-лойим овозда сўз бошлади. У давлатнинг издан чиқсан ишларини тар-тибга солмоқ, шахарни обод қилмоқ, хиёнаткор мансабдорларнинг мол-мулкларини мусодара этмоқ ва уларнинг ўринларига муносиб ки-шиларни тайинламоқ хусусида гапирди. Кўкламдан бошлаб бошкент-да яна бир каттакон дорушшифо қуришга киришмоқ ҳақида фармон берди. Расадхона ва мадрасаларга берилагувчи ақчалар миқдорини ошириди. Бу фармонлар ҳар бора султон лафзидан учганда унинг ово-зига аъёнларнинг таҳсину олқишилари уланди. Ниҳоят ҳукмдор иқта-ларнинг тасарруфи хусусида ҳам сўз айтди:

— Эгасиз қолғон иқталарнинг ҳисобини олиб, соҳиблиларини ҳам ҳадга солмоқ жоиз. Зеро, — султон ним табассум ила вазири аъзамга ўгириди, -борки ерларни янгитдан ҳисоб-китоб этмоқ ҳам салтанат фойдасидин холи бўлмас.

Низом ул Мулк хиёл бош эгиб, таъзим қилди:

— Ҳақ гапни айтдингиз, олампаноҳ!

— Бу мушкулотдин ҳоли ўлароқ-сўзида давом этди султон, — уруг-лик хусусида ҳам бош қотирмоқ лозим. Боиси-хиёнаткорларнинг бир неча ойлик талон-тарожлари туфайли халқ уруглик донларидин-да маҳрум бўлган чиқар. Илло, ҳали замон кўклам кириб келади, эл-улус ўз ризқини заминга сочиб, Оллоҳ таоло инояти ила баракотлиг этмоғи керак. Шунинг учун бу юмушнинг ҳам тараддудини кўрсинаш. — У яна вазири аъзамга қараб кўйди. Шу гапдан сўнг Султон бироз ўйга толиб тургач, юзи янада жиҳдий тус олиб, сўзида давом этди. — Фала-мислар уяси Аламитни яксон этмоғимиз - у энди амир Арслон Тошга таънали кўз ташлади, — шарт ва унинг соҳиби, кўппаклар сардори Ҳасанни ҳам жазога мустаҳиқ эттаймиз. Бунга бизнинг куч-кудрати-миз етадир, бировлар шубҳа кўзи ила қарамасинлар. Бир содиқ ами-римизнинг-султон бу сўзга ўзга маъно бериб айтди, -тадбиру чора-сизлиги бизга мағлубият бўлмағай?!

Арслон Тош бош эгиб, қип-қизаррган кўйи сўзсиз қотди.

Озгина фурсатдан сўнг султоннинг чеҳраси қайта очилиб, Хайёмга қаради.

— Расадхонада не гаплар, эй соҳиби нужум?

— Бошкентдаги тўполонлар сабаб бироз сусайган илм амаллари қайтадан жадаллашмоқда, — деди Хайём сергак тортиб.

— Юлдузларнинг ҳисобига етай дедингизму? — дея мутойиба этган Султон билинар-билинмас жилмайди.

Бундан илҳомланган шоир ҳам шунга муносиб лутф этди:

— Коинот султонимиз салтанатининг сарҳадлари янглир чексизки, ундаги юлдузларнинг ҳисобига етиб бўлса. Илло, юлдузлари адади олам-паноҳнинг саховатлари менгиздир.

Султон бу гапдан эриб кетди-да, баралла кулиб юборди. Унга атёнлар ҳам эргашиб, офаринлар айтдилар.

Қазвиний Хайёмнинг музafferlik тантанасидек туолган гап-сўзлари-ю қиёфасидан баттар эзилиб борарди. Айни шунинг устига сultonнинг фармонбардор овози янгради:

— Надимимиз Умар Хайём жанобларига заррин хилъат инъом этилсун!

Қазвиний адойи тамом бўлди.

Барча шоирни шоҳона тухфа ила муборакбод этиб бўлгач, султон яна жиддий тус олди. Қошлари чимирилди.

— Кимлардир ўз хиёнатини пинҳон тутиб, омон қолғон бўлишлари мумкин. — Ҳукмдор Қазвинийга туйкус бир назар ташлаб қўйди. — Вале, омон қолғонликлари улар учун икки ҳисса жазо бўлғай. Чунки бир бора номақбулни еган кимса, яна қайта, албатта, еяжак!..

Ҳамма ўйчан бир қиёфада жим қолди.

Еттинчи боб

1

Хайём зиндоналигида расадхонани, юлдузларни ва айниқса, хомаю давотни жуда-жуда соғинган эди. Шул боис, қиши чилласининг узун кечаларини аксари илм ва ижод ила машғулликда ўтказарди. Айни кунларда риёзиётта оид муҳим бир рисоласини якунига етказмоқда эди. Ҳибсалигида шуурида ниҳоясига етган бу асар "Уқлидус китобига кириш мушкулотларига изоҳлар" деб аталарди. У ўзининг ғойибона устози Уқлидус ҳазратлари ила мудом хаёлан бирга эди, уни ўрганмоқдан толмасди. Бандилиқда ётган онларида ҳам у ҳақда, унинг буюк қашфиётлари борасида кўп ўйлади. Ўшанда олимнинг икки ёндош чизиклар ҳақидаги ҳеч қандай исботу далил талаб этмайдиган, бироқ Хайём бир умр ўзи учун қайта-қайта исботлаб келаётган бешинчи қоидаси уни тақи изтиробга солди. Бу фоний дунёнинг, инсон ҳаётининг бутун мазмун-моҳиятини ўзида жам этган бу қоида чинакам мўъжизанинг худди ўзгинаси эди. Икки ёндош чизиклар ҳеч қачон бирлашмайдилар, илло, эзгулик ва ёвузлик, зиё-ю жаҳолат ҳам айнан шундай. Лекин улар кўздан олислашиб боргани сайин бир нуқтада туташгандай туюлиши мумкин, ёвуклашиб борганда эса яна айро-айро қоладилар. Аслида, ҳам шу янглиг-бир қараща яхшилик ва ёмонлик қовушган каби кўрингани билан уларнинг бирикмоги ҳақиқатга буткул зиддир. Хайём хаёлан ёндош ҳадлар чизаверди, улар зиндоннинг у деворидан бу деворига урилавердилару асло туташмадилар. Шундан сўнг хаёлий ҳадлар деворларни ҳам тешиб ўтиб кетдилар ва мавҳум бир замоннинг мавҳум бир маконида туташгандай туолдилар. Балки ўша замон ва макон Тангрининг даргоҳидир? Хайём фаросат илмини (логикани), фалсафий фикрлашни сурди, бироқ бу илмларда хато кетиш мўллигини, айниқса, фаросат илмида чалғиши, "бир ёқларга йўл солиши" осон кечишини ҳам биларди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам аҳли шариат, уламолар файласуфларни сўймаслар. Рост, файласуфларда чукур кетиш бор. Аммо у файласуф эмас-ку! Балки шоир ҳам эмасдир? Йўқ, шоирлиги рост. Унда шоирлар чинакам файласуфлар эканлигига не дейди? Шариат аҳли файласуфларни гоҳида ҳатто куффор¹ га ҳам тенглайдилар. Астағфуриллоҳ! Ушанда банди шоирнинг хаёлида ушбу сатрлар дунёга келди:

Мени файласуф деб, ёв қилур хато,
Мен ундай эмасман, билади Хуго.

¹Куффор — кофир

*Шу қайғу уйшага келгач, ўзимни
Ким билсам, ўшандан камроқман, ҳатто.*

Во дариг, билмасмисанки, эй Иброҳим чодирдўзнинг ўғли Абул Фатх, бу бевафо дунё кимга вафо қилибди? Агар вафо қилган эса ҳам ўшал бевафоларга вафо қилмиш. Яна шеър...

*Эй чарх, гардишингдан эмасман хурсанг,
Озод эт, ярашмас менга ҳеч бул банд.
Нодон, ноаҳилга гар карам қилсанг,
Мен ҳам эмасмен-ку аҳли донишманг.*

Хайёмнинг кўнгли шу кунларда ҳам айни ўшандай кўйда эди. Яна уни май ишқи бедор этар. Аввалги зикр ила машгуллик, узлуксиз ибодат барҳам топиб, бағрида бемисл бир ўт ёнарди. Хонасига, расадхонага ва ҳатто оламга сирмай ўз қалбига кириб кетарди. Унинг хуру озод маъвосида сархуш кезар, ёзар ва ўшал хурликни, даҳлсизликни ўз ёзмишларига ихтиёrsиз равищда сингдириб ташларди. Жўнгина ва ҳатто дағалроқ туюлган тўрт сатрда башарнинг китобларида ёзib тутатилмаган ҳикматлар зухр этарди. Хайём ўзидан мосуво бўлиб, ижод уммонида ғарқ эди.

Чошгоҳга яқин тақи Марямнинг падари роҳиб Амадеусни қўргани кирди. У анчадан буён бетоб эди. Мана, ўшал таниш қоронғу хужра. Қиши эмасми, куннинг даричадан тушаётган ожиз нурлари хонанинг қоронғулигига урилиб, баттар кучсизланадилар. Ҳужранинг бу кўр тусига қиши чилласининг рутубатли узун кечалари ва унда кезинган ўлим шарпасинингми нуқси ҳам урганлигидан кишининг бошу елкалари оғирлашиб бораёттандек туюлади. Ўчоқда ёнаётган оловнинг акси қорайган шифтнинг болорларини ялайди ва яна қайсиdir қоронғуликларига урилгиси, уларни ёриттиси келади-ю ожиз қолади...

Роҳиб кўзлари юмук кўйи чалқанча ётиби. Елкалари тўлғона-тўлғона қийналиб нафас олади. Қуюқ соқол-мўйловлари зинди буткул оқарган, ёнбошдан гўё қор босган адирликларга ўхшаб кўринади. Катта бурни қир устидаги қоя янглиғ. Унинг қиёфаси шу қадар улуғвор. Ёнида ўлтирган Марямнинг илкида китоб, унга кўз қадаганча нималарнидир пиҷирлаб ўқииди (Баъзи ўқувчилар ахир хона қоронғу бўлса, қиз қандай қилиб китоб ўқиши мумкин, дея эътиroz этсалар ҳам ажабмас. Лекин ул замон кишиларининг кўзлари билан замондошларимизнинг кўзлари ўртасида катта фарқ мавжуд. У пайтларда кишилар анча-мунча қоронғулиқда ҳам бемалол китоб ўқиб, ёза олар эдилар. Бизнинг кўзларни эса сон-саноқсиз ёруғлик манбалари шу аҳволга солди.)

Хайёмнинг оҳиста томоқ қириб келганини қўрган Марям иртиб ўрнидан тураркан, бош эгиб, таъзим қилди.

— Хуш келгайсиз, устоз! Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом. Омоммисизлар?

Иккиси рўбарў ўлтиридилар.

Амадеус ҳамон уйқуда эди.

— Тузукми? — дея сўради Хайём беморга ишора қилиб, паст овозда.

— Шукур!.. — Қизнинг бўғзига йиги тикилди, гапининг давомини айттолмади.

Аслида, шоир ҳам бу сўроқни таомилга биноан беихтиёр берган эди. Чунки роҳибнинг дарди оғирлигини, бедаво эканлигини жуда яхши биларди. Ахир уни Хайёмнинг ўзи қолиб, вазири аъзамнинг ҳиммати илия яна не-не табиблар кўрмадилар. Бироқ илож топилмади, Амаде-

уснинг касали давосиз эди-ўпкаси қурий бошлаганди. Энди унинг қазосини кутиш қолганди, холос. Марям эса бундан бехабар эди, туну кун илтижо қилиб, падарининг соғаймоғини тиларди. Шўрлик қизнинг бу мусоғир юртда отасидан ўзга яқин кишиси йўқ эди. Ҳаттоки, Ватани ҳам ундан жуда-жуда олисда эди. Агар отаси қазо қилгудай бўлса, ҳайҳотдек оламда ҳувиллаб, кимсасиз қолиши тайин эди. Жуда нари борса, унинг учун Хайём яқин киши қавмида бўлиши мумкин, аммо у саркаш хаёлли, соҳир кўнгилли, дарвиш феълли бир шоир эди. Унинг кўнгил кўйидан хиёнатдан ўзга ҳамма нарсани кутмоқлик мумкин эди. Демакки, Марям бечора бир буюк айрилиқ олдида турганидан хабарсиз, хаста отаси учун дил-дилидан изтироб чекарди.

Шоир не қилиб бўлса-да, қизни ҷалғитмоқ зарурлигини пайқади. Пайқадиу гапни нимадан бошлашини билмай, тарафду дуланиб қолди.

— Не мутолаа этурсен, Биби? — дея сўради ниҳоят қизни эркалашга уриниб.

Марям ёшли кўзларини артиб, бежирим бурнини ёқимли бир тарзда аста тортиб қўяркан:

— Афлотунни ўқийдурмен, — деди тиззадаги китобни ёпиб.

— Қай тиљда?

— Юнонча.

— Офарин, Марям! Сен бизлардин ўзисен. Чунки Афлотунни ҳар киши ҳам тушуна олмас. Янаки унинг ўз тиљда. — Хайём бу сўзларни қизнинг асли юонон эканлигини унугиб, чин айтди.

Аммо Марям маҳзун бир тарзда жилмаяркан:

— Устоз муболага этадур. Бизнинг уриниш ул кишининг улувлиги қошида бир ҳавас эрур, — деди камтарилилк ила.

— Воҳ, Биби, сен хато айтурсен!

Шу пайт Хайём овозини баландлатиб юбордими, ухлаб ётган роҳиб кўзларини очди. Бироз шифтга термулиб ётгач, шуури тиниклашиб, ёнидаги кишиларни пайқади.

Хайём унга яқинлашди.

— Оллоҳ дардингизга шифо ато этсин, — деди самимий овозда.

— Раҳмат... — Роҳиб хириллаб, базўр сўзларди, — Қайноқ шарбат келтир меҳмонга, қизим!

Қиз ўрнидан туралётганди шоир уни қайтарди.

— Овора бўлма. — Сўнг тақи Амадеусга қайрилди. — Мен тайёрлаб берган дамламаларни ичаётисизми?

— Ҳа, ташаккур... — Роҳибининг нигоҳида туйкусдан ўйчанлик пайдо бўлди. — Бу кеч Ийсо алайҳиссаломни туш кўрибмен. — Шу гапни базўр айтди-ю, бирдан уни йўтал тутди. Бўғриқиб-бўғриқиб йўталади. Қизи унинг бошини кўтариб, совутилган гиёҳли дамлама ичирди. Йўтули босилгач, пича ҳансираф ётди.

Хайём ҳайрон эди: Роҳиб Ийсо пайғамбарнинг исмини ҳурмат ила исломий тарзда "Ийсо алайҳиссалом", деб айтди. Бу Хайёмга ва ёхуд барча мусулмонларга ҳурмат туфайли эдими ёки бошқа бирон боиси бормиди, шоирга ноаён.

Амадеус нафас ростлаб олгач, ниҳоят яна тилга кирди:

— Кенг бир биёбон эмиш. Бу биёбон эса хаста-ю кўр ва гунг, чўлофу моҳов, яна шу каби носор одамлар ила тўла эмиш, Ҳазрати Ийсо... — Шу номни айтиши билан Роҳибининг кўзи ёшланиб, бўғзига йиги тикилди. — Ул зот эса бир улкан тош устида туриб, беморларни бирин-кетин тузатиб, каромату мўъжиза кўрсатармиш. Мен ҳам ўша одамлар ичра эмишмен. Бир замон сурила-сурила Пайғамбар алайҳиссаломга рўбарў турибмен. Ул зот шул қадар гўзал, нурли эдилар. Кўзларим қамашиди. Узун соchlаридан гўё сув томчилаётгандек кўринарди. Шунда Ҳазрати Ийсо ўнг қўлинини елкам узра бир силтади-да,

ниманидир ичимдан сүфириб олди. Илкида куйгандек қоп-қора бўлган менинг ўпкам турарди. Мен оҳ уриб юбордим. Сўнг у киши ёқимли жилмайдилар-да: "Энди сен соғайдинг", дедилар... — Роҳибининг кўзлари жиққа ёшга тўлганди. — Кейин эса... — Тушининг давомини айтишни истамади, чунки қизи бошқача тушуниб, қайғута ботиши мумкин эди. У тусида отасини кўрди -оппоқ кийимда эмиш. Худди тириклик пайтдагидек чўпон таёгини тутиб, қўй боқиб юрганмиш. "Юр мен билан, — дебди у ўғлига, -тиник булоққа олиб бораман." Ҳа, падари чўпон эди ва тօғдаги барча булоқларни биларди. Азиз Ватани, олис Ватанидаги булоқларни. Роҳибининг лабларига тօғнинг муздек, тотли сувлари урилгандек бўлди. Чўзиб хўрсинди, бироқ тушининг давомини қизига ҳам, Хайёмга ҳам айтмади. Қазоси яқин кўринади...

— Кўп хосиятли туш кўрибсиз, ҳазрат, — деди Хайём унга далда беришга ҳаракат қилиб. — Илло, шифо топмоғингиз яқин.

Роҳибни яна йўтал тутди. Йўтала-йўтала толиқди, кўзларини юмиб, тин олди.

Хайём Марямга ишорат ила кетмоғини аён этиб, эшикка томон йўналди. Қиз уни кузатиб чиқди.

— Бир гап бўлса, мени чорламоқдин уялма, — деди қизга меҳрибонлик ила. — Дарвоқе, ўзинг ҳам таомланмоқни унутма.

— Хўп, — деди Марям ҳазин овозда.

— Мен Риндонийга айтамен, таом келтиргай.

— Овора бўлманг, ҳазратим, таомни ўзим ҳозирлаймен.

Хайём маҳзун бир кайфиятда ошёнасига қайтди.

2

Асрдан сўнг Хайёмнинг ҳузурига Риндоний кириб келди.

— Афу эттайсиз, ҳожам. Бу кун Микоил иккимиз дарёning гирдобли жойига дом солиб эдик. Хўп баракотлир балиғлар илинубдур. Ихтиёр этсангиз, бир балиғхўрлик қилсан?

Шоир Амадеус ва Марямга ачингани боис мудом дилгир эди. Риндонинг гапидан сўнг юзига табассум югурди.

— Балиғхўрликми ёҳуд майхўрликми, эй Ринд? — дея фаррошга мутойиба этди.

— Иккиси бир бўлса, тушу ҳушга ҳурлик келтиргай. Илло, хўрлик қиласак бўлди-да, ҳожам.

Риндонийнинг лутфи Хайёмга ёқиб тушди, қолаверса, кейинги кунларда майни мўл ичганлиги сабабли айни дамда томоги қақраб бораётганди.

— Хўп айтдингиз, Ринд. Қани, келтиринг ўшал мақтаганингизни!

Кекса фаррош: "Хўп бўлади, ҳожам" деди-да, чиқиб кетди.

Филҳақиқат, шоир кейинги кунларда кўп май иchar, айниқса, тунларни шу кўйда бедор ўтказарди. Намозлари кетма-кет қазо бўлар, сархуш ҳолатда бу гуноҳи учун қаттиқ эзилар, бўғзи куйиб, Оллоҳга овозсиз нола қиласарди. Баъзан эса тун бўйи зикруллоҳ ила банд бўларди. Шундай пайтларда ич-ичидан, қалбининг қаър-қаъридан истиффор отилиб, тавбалар қиласарди, энди қайтиб ичмасликка ўзига ўзи сўз бериб, узлуксиз ибодат этмоқни орзулади. Бироқ тонг отиб, чошгоҳ, гоҳо пешингача бардоши етар, ундан сўнг таки бағри сим-сим оқиб, сархушликка майл сезарди. Ичгач эса шуурига ажиб ўйлар, фикрлар урилиб, наэдида, бу моддий олам йўқдек, фақат ва факат тафаккур салтанатида яшаётган каби туюларди. Шундайин кечмишли кечаларда гоҳо шеърга зўр берар, бетакрор, куйдиргулик ва осийона сатрлар қуилиб келаверарди. Үнинг кўнглига, аслида, шу лозим эди, шундан ҳузурланарди. Кейин гоҳида ўзини ўзи янмоққа, маломат этмоққа ту-

шиб кетарди. Бошқаларни-ку қўйинг, илмпарат султонга ва ҳатто, суюкли кишиси вазири аъзамга таъзим қилиб, пой-патақ бўлганлиги-дан нафратланарди. Ўз аслига, яъники, сийратига монанд эмаслиги-дан, бу фоний дунёда озод-хур яшай олмаётганлигидан ўртанарди, ўкинарди. Мен-бу мен эмас, дерди у оҳ уриб, аслида, бу ёлғон дунёда лим-лим паймонага менгзаган суратим кезар. Ё, Оллоҳ! Наҳотки бу ёлғонларга, алдовларга, сурату сийратнинг номонандлигига кўниб яшамоқ менга қисмат бўлса?! Наҳот анов ожиз сабода оҳиста силкинаёт-ган япроқчалик ҳам қурбим, исёним бўлмаса! Ахир, мен сен танлаб, сийлаган хур ва шарафланган одам эмасманми?!!..

Балиқ жуда хушхўр пиширилиди. Бу Ринд деганлари бало- ухда- сидан чиқолмайдиган юмуши йўқ. Айниқса, бу каби пазандалик унинг қонида бор- асли аҳли Бухоронинг "илки тотлиғ" бўлишилигини Хайём жуда яхши билади. Бухорода, Шамс ул Мулк саройида хизматдалиги-да бунинг кўп бора гувоҳи бўлган. Муболага ила лутф этилса, бухоро- ликларнинг кафти кафтгиру чўмичда қабаради.

Бир неча пиёла майи ноб' ичиғач, иштаҳаларга барака кирди. Учов-лон-Хайём, Риндоний ва Микоил балиғхўрликка зўр бердилар. Дарё- нинг оқар сувида яшаган балиғларнинг гўшти ҳалиймдек, сермой, қил устихонлардин ҳоли эди. Шул боис ва мусаллас танларини қизитиб, ошқозонларига шашт берганлигидан то сўнгги луқмагача "талашиб- талашиб" едилар. Лекин иякларнинг тақиллашу шақиллаши узоққа чўзилмади, чунки мазали нарса ҳамиша оз, нари борса, озек туюли-ши тайин эди. Ортидан таки май симиридилар. Кучли май барчаларини сархуш этиб, дилларидан ихтиёр кетди. Риндоний белбогидан найини олиб лабларига лаб босди. Най туйқус мунглиғ-мунглиғ, ўтлиғ- ўтлиғ оҳ уриб юборди. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, бу оҳ, Хайёмнинг кўнглига кўчди. Риндоний дарёдил, дарвиш феълли киши эди, шул боис, унинг бағридаги тошқин кўй оғушига ҳам қўшилиб кетарди ва тинглагувчи юрагига бориб уриларди. Шоир ана шу тошган дарё тўлқинлари кўйнида суза бошлаганди. Уни соҳир наво сархуш этиб, оҳангга монанд тебранарди. Кўзлари юмилган бўлса-да, киприклари- нинг ости жизиллаб ачишмоққа тушганди. У Амадеуснинг тушидан мутаассир бўлганди... Ё Оллоҳ! Бунчалар қараминг кенг? Унинг не амали сенга хуш келиб, бу улуғ неъматингни ато этдинг? Сен қаёқдан билурсен, ғофил банда, инсон қалбини, унинг асрорини англамоқ осон бўлибдурми! Оллоҳ истаса, ҳар не бўлмори мумкин. Ё алҳазар! Ўзинг не ноқис аҳвоздасен, мусаллас ила булғонгансену иймон ҳақида баҳс этасен. Сенинг ул Роҳибдан не авло жойинг бор? Ҳа, сен ундан юз чандон, минг чандон хароброқсен! Во-оҳ, бу не синоат, Тангirim?! Ўзим ўзимда ўзимдан ўзгамен! Бу ҳолим фақат ўзинггга аён эмасми? На иложки, шул талҳ мени ҳурликка эш қиласа, сени вужуд-вужудим ила ҳис этмоқни осонлаштираса?!. Энди Хайём кўй оғушида учча бошлади. Бу ҳолати ўзига хуш ёқиб, парвози сўнгини кутмади-ю яна туш ҳақида эслади. Одамлар тушида парвоз этадилар. Ўзим ҳам неча бор учган- мен. Шундоққина куличингни ёзиб, югурга-югурга учеб кетаверасен. Олам пойингда қолади. Тўхта-тўхта, нега энди башар қавми тушида учча олади-ю ўнгида бундан маҳрум? Тушида учидими, демакки, хуши- да ҳам бунга қодир. Ёки рух парвоз этиб, жисм қолармикин? Унда руҳни моддалаштириш лозим экан-да. Ё тавба! Не деб алжираисен, эй ҷодирдўзнинг ўғли? Ахир, рух Оллоҳнинг сири, одамнинг олий жавҳа- ри бўлса-ю сен уни моддалаштироқ истасанг-а! Аммо, барибир, бани одамнинг бир кун келиб албатта парвоз этмоғи тайин... Хайём қайтиб заминга тушиди. Энди унинг кўкси ҳапқириб, кўнгли яна сим-сим оқа бошлади. Бу шеър соғинчи эди чоғи, шуурида бир ажиб фикрлар, уларни опичлаган сўзлар тажаллий эта бошлади.

¹Ноб – тоза мусаллас.

Риндоний буни пайқадими ёхуд ўзи толиқдими, най чалишни тұхтатиб, шоирға маңноли қаради. Хайёмга шу керак зди, у танқо қолмок-ликини истарди...

Риндоний ва Микоил дастурхонни йиғиштириб, чиқиб кетдилар.

Хайёмнинг ихтиёри мастилкнинг ҳурликка ошно эканлиги исботи учун оғиб борар, шуурида барқ урган ҳар бир фикр унинг фойдаласига хизмат этмоққа шайланарди. Ё алқазар! Бу не асрор? Ёхуд алайхи-лаънанинг макримикин? Бунчалар хуш ёқур дилга? Нечук йиғлагим келур? Бошида шеър айлана бошлади. Илкига хомани олиб, ҳалигина битаёттани риёзатга оид рисоласининг очық турган сахфаси ҳошия-сига ёзмоққа тушди:

*Май ичсам эгилиб қолади тиззам,
Үйласам гуноҳмас, сажда-ку бу ҳам.
Азалдан биларди буни Ҳақ ўзи,
Шаккоклик эмасми, агар ичмасам?*

Оғир бир ютинди-ю ёзғанларини овоз чиқарып ўқиб күрди. Кўнгли тўлмади-да, баттар эзилди. Юраги ҳамишадагидек тушунуксиз ўртанди. Не баломен-мен бало?! Неларни даъво қиулурмен? У пиёлани тўлатиб май симириди ва бир муддат нафас ютиб турди. Гўё шу ила ўзича "ин-софга келгандай" бўлди.

*Баъзилар хаёли майдо, ичкуда,
Баъзилар меҳробда, дили осуга.
Бекор киши йўқдир, барчага ташвиш,
Ёлғиз Ўзи уйғоқ, барча уйқуда.*

Яна такрор ўқиди. Энди қалбига ожиз бир ҳаловат эпкини урил-гандай бўлди. Бу кўйи ортидан аввал кўкси, сўнг бутун вужуди қизий бошлади. Даричага бокди-аллақачон тун зди. Ташқарига ошиқди. Кечки аёз турганлиги боис ҳаво совуқ зди ва шунинг учун расадхона ҳовлисида бирон кимса кўринмасди. Ҳаммаёқ жимжит. Фақат ўтихона тарафдан Полвоннинг гоҳо-гоҳо пишиллагани ва баъзан ириллагани эшлилиб қоларди. Йўқ, асло, бу сукунат ҳам ғанимат экан, ҳадемай тоғ томондан эсиб, расадхона деворларига урилиб, чийиллаган шамоллар овози ҳам қулоққа чалинди. Ҳатто қаердадир оч бўри увлади.

Хайёмнинг тани ловулларди, шунинг учун унга қишининг совуқ ҳавоси ҳам хуш ёқди. Ана шу ҳузур оғушида сўл томонга ўтирилди. Ҳозир у ғалат бир ҳолатда зди- сархуш бўлиб сархуш эмас, ҳушёр бўлиб ҳушёр. Гўё муаллақ бир маъвода турарди-ю ҳамма нарсани кўра оларди. Туш билан ҳуш аро зди гўё. Қалби жуда-жуда сезгин, шуури бағоят таиниқлашганди.

Иккинчи қаватдаги йўлак адодидан расадхона минораси сари чиқи-ларди. У айлана пиллапоялар узра минорага кўтарила бошлади. Қадамлари шу қадар енгил здики, гўё учайтгандек туюларди, наздида. Мана, ниҳоят миноранинг юқорисига-мезанага чиқди. Миноранинг икки тарафида кунгурадор даричалари борлигидан бу жой анча изри-рингир зди. Аммо сархуш ва шунингдек, вужудида мислсиз бир олов уйғонган шоир совуқни у қадар писанд этмасди. Рўбарўсидаги тоғ қорайиб, улкан девнинг елкалари менгиз кўринади. Осмон жуда ҳам тиниқ, тўлин ой киши кўнглига ойдинлик солар даражада осмонни нурларга чулғар, юлдузлар эса гўё қиши аёзида совуқ қотган янглиғ қалтирай-қалтирай жимиirlайдилар. У мана шу манзарани жуда-жуда ҳуш кўради. Осмонни, юлдузларни соғинади, осмоннинг ошиғи у. Ҳозир шундоққина осмоннинг бағрига бошини қўйиб турганга ўхшайди. Юл-

дузлар эса дона-дона бўлиб, кўзларига тўкилаётгандек. Ана, ой устида Ноҳид юлдузи порлайди. Манови ерда эса Дубби Акбар юлдузлари жойлашган. Сомон йўли унга туташиб кетган, унинг остидаги Ҳулкар чўғ мисоли милтирайди. Ана, Зуҳал, Муштарий! Унинг вужудида ажиди, бироқ тушунуксиз эврилиш рўй бермоқда эди. У бутун коинотни ҳис этарди, гўё. Юлдузлар бир-бир унинг кўксига бош сукиб, ўзлари ҳақида ҳисоб берардилар. У ҳар бир юлдузни танирди, уларнинг қайси бурж остида қай тариқа жойлашганликларини ҳам биларди. О, фалак қозони, сени тўнтариб қўйган зотга беҳисоб ҳамду санолар бўлсин! Бу милтираб, жонимга ўт солган юлдузларнинг, сайёralарнинг ҳар бирига қадар неча минг йиллик масофа мавжуд экан? Уларнинг манов нурлари "йўлга чиққанига" қанча йиллар бўлди экан? Ҳа, бир қутлуғ кун келиб, рақамлар тилга киргайлар ва борки нимарсаларнинг ҳисобкитобини сўзлаб бергайлар. Рақамлар Оллоҳнинг мўъжизаси, улар воқифу қодир бўлмаган нимарсанинг ўзи йўқ. Эҳтимол юлдузларнинг нуридан, яъники, нурдан, манов шамолнинг овозидан ҳам тез юрувчи маркаблар кашф этилиб, башар фарзанди коинот сайрига, сайёralар сайрига чиқмоққа сазовор бўлар? Шундай бўлиши муқаррар, чунки олий неъмат бўлмиш шуур, тафаккур кўп нимарсаларга қодир. Қанийди ўшал кунни кўролсам! У юлдузларга интиқ-интиқ термулиб, бўғзи куя-куя ютинди. Бағри сим-сим эриб, хаёлида яна шеър айланди.

Бу бепоён осмон ҳолидан осон
Хабар тонги фақат икки тур инсон:
Ё яхши-ёмондан хабардор олим,
Ё ўзин билмас маст, ақли паришон.

Зина томондан қадам товушлари эшитиди. Шеъри лабларида қотиб, ортига ўгрилди. Ким бўлди у? Қадамлар соҳиби узоқ куттирмади - ўтрусида Марям пайдо бўлди.

— Ассалому алайкум, устоз! — деди у бош эгиб.

Хайём ул томон талпинди:

— Кел, Биби, кел!.. — У бир таскинили васлага муштоқ эди, шул боис, ичидан олов отилгандай бўлди.

— Юлдузлар ила сухбатингизга ҳалал бермадимми?

— Асло, Биби! Аксинча, юлдузлар энди заминга, сенинг пойингга тушадилар.

— Устоз муболага этдилар. -Маряннинг форс тилида бироз талаффуз ила сўзлаши ҳам киши кўнглига эрка бир ҳузур баҳш этарди. — Бунинг устига мен устознинг тафаккур маркабида коинотни сайр этмоқ орзусидамен.

Хайём қизнинг лутфидан мутаассир бўлиб завқланди ва унинг илкidan тутди. Қўллари чўрдек иссиқ эди. Шоирники эса аёзда узоқ турганидан муздек бўлиб қолганди. Шунинг учун бу иссиқ-совуқлик иккалаларига ҳам хуш ёқди.

— Отангнинг аҳволи дурустми? — сўради Хайём меҳрибон овозда.

— Шукр, яхши. Ухлаб қолди. Мен эса димиқдим, бироз ҳаво олай деб, ташқарига чиқдим. Қарасам хонангизда йўқсиз. Ҳойнаҳой юлдузлар ила сухбат қураётган бўлсалар керак, дея бу ёққа чиқдим. Янглишмабмен... — Қиз охирги сўзини жуда ҳазин товушда айтди.

Шоир уни бағрига олди.

— Отамдан айрилиб қолищдан жуда-жуда қўрқмоқдамен! — деди Марям нафаслари шоирнинг бўйнига урилиб.

— Қўрқма. Ҳудо хоҳласа, падаринг ҳали узоқ яшайди. — Хайём бу гапни айтишга айтди-ю, унга ўзи ҳам ишонмаётганлигини ҳис этди.

Бечора қизнинг отасидан бошқа кими ҳам бор! Мабодо, у қазо қилса, Марям бу ёргу оламда на Ватансиз, на бир жигарсиз танҳо қолади!.. Хайём қизга жуда-жуда ачиниб кетди.

— Йиғлама, Биби! — деди юзини силаб, лабларидан оҳиста ўпаркан. Унинг лаблари бағоят хушбўй эди, бутун вужудидан танга ўт солгувчи ҳузурбахш ифор уфурарди.

Шоир уни қаттиқроқ қучди...

3

Уни тонгта яқин Риндоний уйғотди.

— Роҳиб оғирлашиб қолибди, сизни чорлаётган эмиш, — деди у хавотирили овозда.

Хайём тезлиқда таҳорат олиб, кекса Роҳибнинг ҳужраси томон ошиқди.

Амадеус хириллаб базўр нафас олар, кўкси нафас олишига ҳамоҳанг тарзда силтаниб-силтаниб қўярди. Марям эса унинг ёнида унсиз йиғлаб ўтириарди.

Хайёмнинг кирганини кўриб, Роҳибнинг нигоҳида хиёл қувонч зоҳир бўлди.

— Тузукмисиз, ҳазратим? — дея сўради шоир уни "ҳазрат" сўзи или улуғлашга саъй этиб. — Анча бардам кўринадурсиз?!

— Бу сўзлар ортиқча, — деди Роҳиб хирқироқ овозда. — Яхшиси, менинг сўзларимни тинглангиз, шоир.

Хайём унга яқинроқ борди.

— Кулогим сизда.

— Мен Ватандин айро тушдим. Бу кўргилик ҳеч кимсаннинг бошига тушмасин, илоҳи! Энди... — У бир пас нафас ростлаб олди. — Энди эса ёлғиз қизимни танҳо ташлаб кетаётурмен.

— Тақсир!.. — Хайём уни бу эзгин хаёллардан чалғитмоқчи бўлди.

Маряннинг йигиси авжланди.

— Ўтинамен, сўзларимни бўлманг. Куним биттанлиги аён кўрина-дур... Илло, қизимни сизга, сизни эса Худога топширдим! — Уни йўтал тутиди.

Шоир унинг умри интиҳога еттанлигини сезди.

Роҳиб маҳзун турган қизига интиқ термулди. Сўнг нималарнидир пичирлаб, бир силтанди-да, кўзларини юмди...

Хайём "Оллоҳ!" деб юборди титроқ ичида.

Амадеуснинг ўлими ва унинг буюк иймон соҳиби бўла туриб, бирорвга сездирмагани Хайёмга қаттиқ таъсир қилди. У бир гал султон или шикорга чиқиб, оташпаратлар мубоди'га рўбарў келган эди. Мубод или суҳбат қурганида ҳам худди бугунгидек мутаассир бўлганди.

Ушанда, даштда ов қилар здилар. Сайдгарлар ўлжа кўйида, бошқалар эса ўз юмушлари или андармон бўлган пайтда жонзотлар қони исидан кўнгли алланечук бўлган шоирнинг хаёлини анча наридаги дўнглик тўшида не биландир машғул кўринган одам тортди. У бирон хуш суҳбат истадими ёждуд ҳар нарсага қизиқувчанлиги тутдими, ўша одам томон юрди. Унга ёвуқлашавергач билдики- у янтоқ ва саксовул, яъни, ўтин тераётган экан. Нотаниш кимса у то ёнига келиб, салом бермагунча ҳам парво қилмай, ўз юмушидан бош кўтартмади. Саломни эшитиб, қаддини ростлади ва жуда ҳам мулоим табассум или боқиб, алик олди. Унинг озғин юзида сўлғинликка уйқаш нурлилик зоҳир эди. Эгнида узун бўз қабо, ўсиқ сочли бошига оқ кулоҳ кийганди.

Унинг ҳаракатлари бағоят оҳиста, улардан узоқ йиллар мобайнида кўницилган ҳафсала сезилиб турарди. Сира шошилмас, унга боқиб, ҳозир бажараётгани бу юмуш, албатта, бажарилиши муқаррар ва агар бажарилмай қолса ҳам ҳеч нарса ўзгармаслигига бўлган ишончни пай-

¹Мубод — руҳонийси

қаш мумкин эди. Хайём уни яқындан кўрибоқ зардуштий оташпарат эканлигини фаҳмлади.

— Тангри ёрлақаб нечук бул жазирамада кезурсиз? — дея сўради у қуёш тафти илохий неъмат эканлигига ишорат этиб.

— Шикорда здик... — деган шоир сўзини не деб давом эттиришни билмай дудукланиб қолди.

— Шикор яхши нарса, — деди Мубод Хайёмнинг юзидағи азият ва малол нишонасини сезиб. Шунингдек, унинг ўз оламидан қочмоқни истаётганини ҳам англади чофи. — Балки бизнинг маконда андак ҳордик олурсиз? — деди у ўтинларини елкаларкан.

Шоир кўмак бермоқча уринганди, кўнмади.

Дўнгликнинг ортида-анча нарида кўринишидан ташландик бир харобат макон бор экан. Хайём яқин келиб билдики, бу куниш¹ бўлиб, ташқариси мунчалар вайронга кўрингани билан ичи ниҳоятда озода ва сўлим эди. У ердаги ҳамма нарса ўз ўрнида, тош ва лойдан ясалган ўриндиқлар ҳам тартибли тарзда ўрнатилган. Асосий хонанинг тўрига-мехробга қуёш сурати чизилган, унинг остида мойчироқ, милтиллаб ёниб турибди. Гўё ҳар тарафдан таърифсиз ҳаловат ва сокинлик нафаси уфуриб турганга ўхшайди. Кунишнинг бундайин кўриниши дарвишлар аҳволини Хайёмнинг ёдига солди. Таши вайронга-ю чок-чок, ичи нурга чулғанган. Бу чин ошиқлар мақоми.

Мубод Хайёмни сўл томонидаги чоғроқ хонага бошлади. У ерда турли-туман идиш-аёқлар, суюқлигу турфа маъданлар ва тақи бир канча нимарсалар тизиб кўйилганди. Кўйидаги ўчоқда оловнинг ожиз тилий йилтирайди. Бироқ хона кишини сархуш этар даражада салқин эди.

Оташпарат хумчадаги қизғиши суюқликдан қуийиб, шоирга узатди. Бу янтоқ қайнатмаси бўлиб, бағоят чанқоқ босди ичимлик эди. Хайём жуда ташна бўлганди, шунинг учун ичимлики бир кўтаришда сипкорди. Тани бироз ором олгач, атрофдаги нарсаларга қизиқувчанлик или назар ташлади.

— Жаноблари алкимё ила машғуллик қилурлар чофи? — Сўради сўнг турли тошларга ишора қилиб.

— Узлари ҳам боҳабарлар, шекилли? — Саволга савол қилди Мубод.

Хайём камтарона жилмайди:

— Бизники бир ҳавас, ўқиганларимдан англашилган ожиз бир фикр, холос.

— Алкимёни ўқиб ўрганиб бўлмас, у кўнгил ишидир.

Бу икки одам аста-секин сухбатга киришиб борар эканлар, айттан сўзлари бир-бирларига малол келмаёттанилигини пайқамоқда эдиларки, бу сухбатга авж бериб, самимиятни устувор этмоқда эди.

— Кўнгил?.. — Хайём бу сўзни беихтиёр айтиб юборган бўлса-да, унинг замирида савол аломати мужассам эди. — Ахир, кўнгил модда эмас-ку? Алкимё эса моддалар уйғунлашувига асосланган чофи? — Шоир ўз саволини вужудидаги шиддатли эврилиш асносида айтаркан, бу ила исломий сўфийлик таълимотидаги ўзича англаган кўнгил тушунчасини назарда тутганди.

Мубоднинг нигоҳидан Хайёмнинг айни дамдаги ҳолати унга хуш ёқаёттанилигини пайқаш мумкин эди.

— Одам ўз кўзи ила оламни кўрар экан, олам унинг нигоҳида акс этади. Яъни, олам ҳам одамда ўзини кўради. Бу курраи заминда ҳамма нарса бир-бирига таъсир этади ва шунингдек, ҳар бир нарсанинг алоҳида ўз моҳияти бор. Ана ўша моҳиятни англаган киши кўп мўъжизаларга гувоҳ бўлади. Алкимё ҳам нарсаларнинг моҳиятини англамоқдир. Моҳиятни англамоқ ва туймоқ эса кўнгил ишидир.-дея сўзини

¹ Куниш — оташпаратларнинг ибодатхонаси

тутатди Мубод.

Хайём унинг гапларидан нималарнидир тушунгандаи бўлар, бироқ булар камдай туюларди.

— Хўш-хўш!.. — деб юборди у беихтиёр.

Мубод ёқимли жилмайди.

— Нарсанинг моҳиятини англаш ва унга таъсир этиш мумкин. Масалан, англаш орқали сувни куйдирувчи оташга, оловни эса сувга айлантириш мумкин. Ахир, алкимёда ҳам жездан ёхуд мисдан олтин олинади-ку.

— Бу сеҳр-ку?..

— Ҳа, сеҳр, бироқ у борлиқдан ажралмаган сеҳр. Одам оламга, табиатга яқинлашиб, у ила үйғунашиб боргани сари юксалаверади. Чунки жамики нарсаларнинг -набототу ҳайвонотнинг ўз олами бор. Бу оламлар бутун бир коинотни бунёд этади.

Бу нима, дея ўйларди кўзлари чақнаган Хайём, моддий олам ила руҳий оламнинг чегарасими? Сўфийлар ва бошқа шу каби руҳият кишилари зикру тақво ҳамда парҳезкорлик ила оламни, Яратганинг англашга, унга яқинлашишга уринадилар. Ҳатто нарсаларга таъсир этиб, мўъжизалар кўрсата оладилар. Улар руҳий олам ва китобларда айтилишича, жинлар таъсирида бунга эришадилар. Мановилар эса моддий оламни руҳий олам ила ҳамришта этадилар. Ё, Оллоҳ!... Хайёмнинг боши ғовлаб кетди. Демак, коинотдаги ҳамма нарса бир-бира га боғлиқ ва улар бир режа асосида Ҳаққоният томонидан идора этилади. Тақдир деганлари шу-да, ундан ҳеч ким қочиб кутиолмайди. Ё тавба! Ахир, булар ўзи билган гаплар-ку! Мубод бошқа нимарсалар хусусида сўзлади чоғи. Йўқ, шулар ҳақида гапирди, илло мўъжизалар, улуғликлар бағоят жўн кўринмоги ҳам ҳақ гап.

Хайём мана шу сұхбатдан кейин оламга- ҳайвоноту наботот, тошу туфроғга ўзга кўз ила қарай бошлиди. Уларнинг тилларини тушуниб, яъни, борлиқнинг тилини, бутун коинотнинг лисони умумиясини англамоққа жаҳд этмоққа тушди.

Саккизинчи боб

1

Роҳиб — Амадеуснинг қазоси Абул Фатҳ Умар ибн Иброҳимни қаттиқ мутаассир этди. Демак, башар Оллоҳни англамоги учун макон, замон, миллату забон фарқсиз экан. Ҳаққониятни барча ўз билганича, қувваи ҳофизаси етганича идрок этаркан. Бирор кўз ила, бирор ақл, бошқаси эса қалб ила англаркан. Уларнинг тасаввурлари, ўшал тасаввурларидағи Илоҳнинг сурату сийрати ҳам турфа экан. Демакки, сувратга боқиб баҳо бермоқдик хатолик сари юзлантиргомоги аён. Аслила ҳам Роҳиб ёмон одам эмасди, унда пок инсонларга нисбат бергувчи фазилатларнинг барчаси мавжуд эди.

Ҳалиги мажусий Мубод эса ҳаққониятни, мутлақ Зотни ўзича кашф этиби. Унинг динида Яратувчини буюк олов-қуёшга нисбат берилади ва оламдаги ҳар бир нимарса бир-бири ила узвий боғлиқ дейилади. Мубод мутлақ Зотнинг аслини эмас, унинг ижодини ўрганиб, тафтиш этиб, унга яқинлашибди ва мўъжизаларга қодир бўлибди. Ислом эса, Ҳаққониятнинг аслини танитади. Аммо, Унинг асли ҳам, ижоди ҳам Унинг ўзидир. Бундан келиб чиқадики, борар йўллар турфа, бироқ манзил бирдир. Ахир, бу ҳам тирик жон, Оллоҳнинг маҳлуқи, дея жониворларни сўймасдан, ихтиёrsиз равишда мўминликнинг ҳалиймлик, шафқатлилик сифатини намоён этаётган мажусий ила Оллоҳга

зикр айтаётган мусулмоннинг мақоми бир эмасми? Боиси иккиси ҳам мутлақ Зотни эсга олмаяптими? Биз мадҳ этган чин инсонликнинг ҳадди борми ўзи?!

Биз кўриб турган, англаётган, ҳис этаётган барча нимарсалар аввал ҳам ёки азалдан бор эди. Мутлақ Зотнинг хоҳиш-иродасисиз бир хас ўрнидан жилмагай. Илло, бизларнинг ҳам ҳар биримиз аввалдан бор эдик (руҳимиз мавжуд эди). Мутлақ Зот бизни (руҳимизни) ўзининг қай бир маъвосида сақдагандир. Энди эса жисм ато этиб, заминга йўллади. Бу Унинг ижоди асрорини кашф этган мажусий Мубоднинг кибратул аҳмарни¹ топиб, ҳар не маъдандан олтин ола билишига қиёс эмасми? Зеро инсон боласи соҳирлик ила жисмга таъсир эта олганда, борлиқ Эгасининг кучу қудратига таърифу тавсиф етарикин?.. Хайёмнинг ўйлари чувалгандан-чувалди. Кибратул аҳмар!.. Амадеус алкимёдан бохабар эди. Эҳтимол, у ҳам кибратул аҳмарни инкишоф эта олганмиди? Балки у борлиқдаги жамики нимарсаларнинг моҳиятини англаб етгандир ва шунинг учун ҳам иймон йўлини туттандар? Моҳият.. Унда иймон моҳияти не?..

Хайём тақво уммонига фарқ бўлди. Шу асно у азал ва абад ҳикматини англаб, Оллоҳнинг ёзиги- тақдирнинг ҳақ эканлигига қайта-қайта иймон келтириб борарди.

*Сабаб саҳросига кимки саргардон,
Ишларин унингсиз юритар Яздан.
Бу кун бир баҳона ўртага ташлаб,
Эрта бажо бўлур тақдирни осмон.*

2

Кўклам кирди. Қирлар яшилланиб, бойчечакларнинг тили чиқди...

Ўзлуксиз тақво, парҳезкорлик ва айрилиқ соглан изтироб боис юзи сўлғин тус олиб, анча озган Хайёмнинг наздида, бир сиким бўлиб қолган кунларга тақи барака кирди. Ҳатто рутубатли қиши тунларида гўё қартайиб, мунглиғ-мунглиғ бўлиб қолгандай туюлган, аслида, ўтлиғ ҳистайғулар ҳам кўнгилларни аста-секин ҳузурбахш жимиirlата бошлидилар. Бу, айниқса, шоирнинг бағрига яна янги соғинчларни солмоққа тушди. Бу соғинчлар номсиз ва таърифсиз эдилар. Хайём ихтиёрсиз тарзда ўртанарди, тушунксиз бир кўйда тўлғонарди.

Ўша кунларнинг бирида уни вазири аъзам йўқлаб қолди. Хайём соҳиби девоннинг ҳузурига ошиқаркан, хос либосларини киймоқни ҳам унуди. У безовта қалбига дўсти, дилкаш устози Низом ул Мулк ҳузурида бирон таскин топмоқ илинжида эди. Зеро одам тафтини одам олар, дейдилар. Эҳтимол суюкли қишиси ила сұхбат қуриб, бир нави ҳаловат топар.

Вазири аъзам Хайёмнинг акси ўлароқ, анча тўлишганди. Нуроний юзи аввалидек ёқимли тус олиб, бу фоний дунёнинг барча кўргуликларини кўриб улгурган кўзлари тақи мулоим ва хотиржам боқарди. Фитначилар фош этилиб, сultonнинг оқу қорани англиши ва унга ишонч ила қарай бошлагани кекса вазирнинг яна ўз ҳолига қайтмоғига боис бўлганди. У шоирнинг аҳволидан мутаассир бўлди. Роҳиб Амадеуснинг ўлими туфайли шунчалар куйишини, паришон ҳолга келишини ўйламаганди.

Аслида, Хайёмнинг бу кўйга тушмоғига фақатгина Амадеуснинг ўлими сабаб эмасди. Унинг ўлими азали оромсиз қалбли шоирнинг ўзи ҳам мудом англаб етолмаётган, кун-бакун вужудига ўт солиб, ёндиргувчи туйғуларни, ўйларни уйютиб юборганди. Бу кечмиши жуда азобли,

¹Аҳмарни — ҳикмат тошини

шунингдек, бағоят ёқимли ва ҳузурбахш эди. У ҳаловатсиз изтироб пинжида тұлғонарды, бирок бу тұлғониш қалбига хуш ёқарды ҳам. Унинг ахволи шундай-ҳам ойдек равшан, ҳам ҳар не шуурга-да ту-шунуксиз эди. У буюк бир муҳаббатни, буюк бир ишқни соғинарди өгі.

— Бунчалар мутаассирлик, күймоқлик бўлмас, шоир, — деди вазири аъзам ўз одатика ўқтам овозда салом-алиқдан сўнг.

— Бу кўйимни ўзим ҳам англаёлмасмен, ҳазратим. Яхшиси, сўрмангиз!.. — Хайём бу сўзни оҳиста, лекин қатъий айтди ва шу билан гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди.

Вазири аъзам хиёл хижолат тортди: унинг ботинига нечук сўқила-дур? Ўзи шоири шўрлик шундоқ ҳам ич-этини еб юрган бўлса. Шу-нинг учун гап пайровини давлат юмушларига бурди.

— Олампаноҳ ила маслаҳат қилиб, расадхонани янада кенгайти-моқни лозим топдик.

— Хўш-хўш?.. — деда сергак тортди бир қўзғолиб олган Хайём.

— Расадхонанинг сўл ёнига мадрасамонанд ҳужралар, таҳсилко-налар барпо этсак, не дејорсен?

— Айни муддао бўларди, ҳазратим! Илло толиби илмлар уларнинг сабоқлари учун расадхонамиз торлик қилиб қолмиш эди. Илоҳи, сул-тонимизнинг умрлари узун бўлғай!

— Барча юмушлар учун етарли маблағ ажратилади. Уларни оқило-на сарф этиб, ишларни маромга солмоқ сенинг измингладур.

— Бош устига, жаноби олийлари, — деда хиёл таъзим қилди шоир. — Чиллаи зимистонда қонларимиз тўнглаб, сўнгакларимиз қақшагани рост. Бу каби улкан ишлар биз учун айни муддаодир. — Нечуқдир шоирнинг юзига қизиллик юргургандай бўлди.

Бирозгина авжсиз сұхбатдан сўнгра вазири аъзам Хайёмга шатранж сурмоқликни таклиф этди. У рози бўлгач, Низом ул Мулк мутойиба этди:

— Илло, чин жаҳд ила ўйнагайсен. Зеро, мен офтоби олам султони-миз эмасменки, мағлуб қилмоққа журъят этолмасанг.

Енгил кулишдилар.

Аслида, ундей эмасди, Хайём султон ила ҳам эмин-эркин шатранж сурарди. Бу борада шаҳриёр ҳам муносиб ва одил рақиб эди. Иккиси ҳам гали келганида ютардилар, ютқазардилар. Вазири аъзамнинг ҳозирги беозор ҳазили бўлса, шоирнинг хаёлини чалғитмоқ учун эди.

Шатранж ўйини узоқ давом этмади. Шоирнинг кайфиятсизлиги унинг мағлуб бўлмоғига олиб келди-ю ўйинни тўхтатдилар. Вазири аъзамга маъноли бир қараб қўйған Хайём кетмоққа изн сўради. Кекса вазир паришонҳол шоирга ижозат ишоратини қиларкан, муҳим бир гапни эслади:

— Сенга бир ҳабарни етказмоқчи эдим, Умар! — деди вазири аъзам унинг кўзларига боқиб

Хайём "не ҳабар экан", дегандек савол назари ила боқди.

Боғоддан шайхулисломнинг ёрлиги ила Абу Ҳомид Газзолий отлиғ илоҳиёт олимни ташриф буормиши. Эртага ҳузури муборақда бўлғувси.

Хайём ҳам, вазири аъзам ҳам Ислом оламида порлаган Газзолий отлиғ янги юлдуз ҳақида эшиттан эдилар. Унинг фавқулодда истеъоди, қувваи ҳофизасининг бекиёслиги, охират илмида беназирлиги ху-сусидаги гаплар Исфаҳонга ҳам келиб турарди. Шоир бу гапларга у қадар эътибор қилмаганди. Айни дамда эса вазири аъзам нега энди ғалатироқ оҳангда ва яна тағин бу гапни айнан унга гапираётгандилиги тушунолмай турарди. Соҳиби девон не муддаони кўзлайдур? Ахир, бирорвига ҳасаду адоват қилмоқлик унинг феълига ёт эканлигини била-ди-ку!..

— Менинг сўзимни ўзга маънода тушунмагайсен, — деди вазири аъзам унинг нигоҳидаги маънони англаб. — Фақат сени хабардор этмоқдикни истадим, вассалом. Эртага ҳузури муборақда ҳозир бўлгайсен.

Хайрлашдилар.

Хайём вазири аъзамнинг қасридан чиқиб бораркан, унинг нима де-моқчи эканлигини фаҳмлгандай бўлди. Ҳа, у дунёга теран ақл кўзи ила боқарди, қалбида мислсиз түғён ва ҳатто, исён борлигини ҳам яширмасди. Унинг учун илмнинг миллати ва ёки ирқи йўқ эди. У илм олмоқ истагида мажусий ёхуд будпарастта ҳам шогирд тушмоғи мумкин, чунки табойи¹ илмларини диний илмдан айро тушуна оларди. Эҳтимол валинеъмати Низом ул Мулк унинг феълидаги ана шу жиҳатларни билганилиги боис, уни ўзича диний билимларнинг соҳиби Фаззолийга аксил қўймоқчи бўлгандир? Агар шундай бўлса, демак, вазири аъзам хатокордир. Илло, Оллоҳ висолига элтувчи йўллар турфа эканлигини у жуда яхши билади. Қолаверса, ҳар яхшининг бир ёмони, ҳар ёмоннинг бир яхшиси бўлади. Балки Хайём бир умр соғиниб яшаётган инсон шудир...

Султон ҳашаматли таҳтда одатдагидек виқор ила ўлтирибди. Кайфи хуш чоғи, лабу кўзларида ним табассум. Икки ёнида эса бизга таниш аркони давлат қатор тизилишиб, қўл қовуштириб турибдилар. Барчалари бир нимарсанни интиқ кутмоқдалар. Ойнаванд даричалардан оқиб кираётган жилвакор офтоб партави² билур қандилларга урилиб, султон таҳтининг тилло нақшларига, тожининг олмос кўзига, аъёнларнинг турфа хил узукларига, либосларининг ёрқин тусли кашталарига ва ниҳоят уларнинг сўнник ва чақноқ, қисиқ ҳамда катта кўзларига сочилиб, жимиirlаб қўярди.

Бир замон сарой мулозимининг тантанавор овози янгради:

— Уламои киром Абу Хомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Фаззолий жаноблари ташриф буюмишлар.

Унинг овози нақшинкор устунлар ва саройнинг баланд шифтларида акс садо бериб улгурмай, боргоҳ³нинг очиқ турган узун эшигиostonasiда йигирма беш ёшлардаги кўркам йигит пайдо бўлди. Йигитнинг бошида ихчам оппоқ салла бўлиб, эгнига эронийларга хос калтароқ-тиззасидан келадиган гуллик чопон кийганди. Қош-кўзлари қаламда чизилгандай текис ва сийрак соқолининг тим қоралиги боис, шундоқ ҳам нур таратаётгандек тюолгувчи оқ, бироқ сўлғин юзи янада оппоқ кўринарди. Салласининг остидан чиқиб турган тим қора сочлари қулоқларини ярмигача ёпган. У ўрта бўйли бўлиб, узун киприклари пойида қоп-қора кўрингувчи бир қалам учи қалинлигидаги гардиш орасидаги чўғдайин чақнаб турган кўзлари кишига кулиб боқади.

Йигит султоннинг рўбарўсида тўхтади, ўнг илкини кўксига қўйиб, бошини хиёл эгди-да, олий наасбли кишилар каби мағруона таъзим қилди ва вазири аъзам томонга букилганча бораётган мулозимни нигоҳи ила кузатиб қолди. Мулозим илкидаги ёрлиқни икки қўллаб тутиб, вазири аъзамга узатди. Бу Боғод ва аслида, бутун мусулмон дунёси шайхулисломининг Муҳаммад Фаззолий ҳақида Маликшоҳга битган номаси, янада тўғрироғи, ишонч ёрлиғи эди.

Номани вазири аъзам Низом ул Мулк очиб, султоннинг ижозат ишорасидан сўнг овоз чиқариб ўқиди. Султон унинг мазмунидан аввалданоқ боҳабар бўлса-да, ҳозир ўзини эндиғина эшитаётгандек тутарди. У Фаззолийга қараб билинап-билинмас бош силкиди-да, хиёл кулимсиради.

Вазири аъзам эса султоннинг боқишилари маъносини сўз ила ифо-

¹Табойи — табиат

²Партави — шульба

³Боргоҳ — султон қабулхонаси

далади:

— Хуш келибсиз, эй Ислом осмонининг порлаётган юлдузи, дин илмининг буюк истиқболи!.. — дея у кўз қири или ўнг ёнида турган Умар Хайёмга қараб қўйди. — Шайхулислом ҳазратларининг сизга бўлган ишонч ва ихлослари шарофати или мамлакатимиз доруссалтани шахри азим Исфаҳон янада нурафшон бўлрай, иншооллоҳ!

Сарой аҳди вазири аъзамга ҳамоҳанг тарзда Фаззолийни олқишиладилар. У аввал султон, сўнг эса соҳиби девонга таъзим қилди.

Вазири аъзам оҳиста, шунингдек, маъноли тарзда бир бора томоқ қириб қўйди-да, деди:

— Номи бутун Хурсону Мовароуннаҳрга ёйилган улуг шоир ва олим Умар Хайём жаноблари ҳам сизни муштоқлик или кутмишлар.

— У Фаззолийга боқиши аввалида яна бир бор кўз қири или Хайёмга қараб қўйди. Унинг бу хайриҳоҳона назарини пайқаган аламзода Қазванийнинг ранги бўзариг кетди. Аммо ўз ажволини султон ва вазири аъзамдан пинҳон тутиш мақсадида лабларини икки ёнга тортиб, тишларини намойиш этдики, бу или ўзини табассум қилаётгандек кўрсатмоқча уринди.

Хайём бўйдор ва савлатли эди. Қалин қошлари, ияқдор узунчоқ юзига ярашган дағал қўнғир-кулранг соқол-мўйлаби уни тағинда салобатли кўрсатарди. Елкасига тушган ўсиқ соchlари ихчам салласи остидан тўлқинланиб чиқиб турарди. Эгнидаги хирқасимон узун жун чакмон уни бағоят жуссали кўрсатади. У буюк олим, файласуф ва борингки, тоза қўнғилли шоир бўлгани билан, шунингдек, оддий банда ҳам эди. Унинг ҳам вужудида гоҳо шайтоний истаклар ёхуд туйғулар хуруж қилиб қоларди. Шундайин онларда иложи борича шайтонга хай беришга уринарди. Ҳозир ҳар қанча саъй этмасин, вазири аъзамнинг анови муштдек йигитчани мақташи унинг ичиди ҳасаднинг уйғонишига сабаб бўлди. Ихтиёrsиз тарзда қовоқлари осилиб кетди.

Хайём сўзлаётган соҳиби девоннинг қарашини бу сафар ҳам сезди ва унинг сўзлари ниҳоялаши асносида Фаззолийга қаради. У эса вазири аъзамнинг гапларига жавобанми, унга тикилиб турарди. Асли шахри Тусдан бўлмиш бу йигитнинг нигоҳи ҳамон табассумли эди ва унинг қарогларига чўккан қорачўлари гўё оқ аланга бериб ёнаётганга ўшшарди. У энди ўтрусидағи шоирга бироз ҳавас, бу учрашувдан миннатдорлик ва шу каби самимий хайриҳоҳлик или бокди. Аммо кечак Низом ул Мулқдан Фаззолийнинг келганини эшитган ва унинг ташрифи расадхона ишларига ҳалақит беришини гумон қилаётган шоир бу қарашдан ўзгача маъно илрамоқда эди. Эҳтимол шунинг учун ҳам Умар ибн Иброрҳим рўбарўсидаги ўзидан ўн ёш чамасида кичик йигитча, миш-мислардан эшитиб улугурганидек, илоҳиёт илмида фавқулодда истеъдодга эга бўлган нақирион олимул муслиминга хиёл писандиззлик или тикиларди. Унинг нигоҳи худи қарогларининг туб-тубига чўкиб кетгандай қалин қошларининг остида қорайиб қўринарди ва бу қўриниш бир қарашда гўё нафрат нишонасидек тулолса-да, аслида, ундан эмасди. У ёш меҳмоннинг сўзларини тинглаб, унинг ўзини тутиши ва юз-кўзи-даги самимиятни англаб, шу ўтган бир кечак ичиди қалбидан пайдо бўлган шубҳаю гумонлардан аста-секин тозариг борарди. Ахир, у олим-ку, уммул Китобни ёд билган, тафсир этган, Оллоҳнинг ошиғи бўлган кишидан ёмонлик чиқадими? Ёшлиқ қусурлари бўлса бордир. Ҳали одам или бир бора сўзлашмай фикр этмоқ-бу айни хатолиг сари юз тутмоқ эмасми? Бунча бадгумон ва ҳуркак бўлмасанг, эй чодирдўз-нинг ўғли? Ахир, бу заиф, ҳақиқатни қўйиб, ўз тинчини ўлагувчи кимсаларнинг сифати эмасми? Булар Хайёмнинг шуурида кечаетган фикрлари эди, унинг қарашидан заса, қани бу ўзингга бино қўйишила-

ринг қачонгача давом этаркин, деган маънони уқиши мумкин. Фаззолий ҳам айнан шу маънони уқмоқда эди. Лабларидағи табассуми има эса шоирга ўйларингиз хато, демоқчи бўлар ва унга самимий бир туйгуларни илинарди.

Бу уларнинг илк учрашуви эди.

3

Абу Ҳомид Мұхийиддин Мұхаммад ибн Мұхаммад ат Тусий ал Фаззолий қадим Тус шахрида туғилган эди. У Хайёмдан ўн ёш кичик бўлиб, шоъфей мазҳабидан эди. Ҳорсон ва хусусан, унинг кўҳна шаҳарлари азалдан илм-маърифат ўчоғи бўлиб келарди. Бу Абу Ҳомидга ҳам ҳали болалигидаёт ўз таъсирини кўрсатди. Илк сабоқни Тусда беназир устози Ар Родгонийдан олди. Азимушашъян Қуръонни ҳам шу ерда хатм қилди, мураттъаб қори бўлди. Сўнгра Нишопурга келиб, сўфий олим Ал Жувайниндан таълим олди. Шу ерда Қуръон тафсири ва ҳадис илми, фикҳ ила машғул бўлди. Туну кун тинимсиз китоб мутолаа қилди, Исломнинг тараққийи хусусида бош қотирди. Унинг қувваи ҳофизаси жуда кучли, ақли ва фикри жуда тиниқ эди. Ҳар не нарсани бир кўришаёт эслаб қола оларди, жилд-жилд китобларни ёд биларди. Соҳиб каромат устози Жувайнин ҳазратларининг тўрт юз нафардан зиёд шогирдлари бор эди. У мана шунча зиё талаблар ичра юпунгина кийинган, оддийгина ҳунарманднинг фарзанди бўлмиш Абу Ҳомидга алоҳида эътибор ва ҳавас ила боқарди. Эҳтимол ўшанда суюкли шогирдининг буюк истиқболини кўра олганмиди бу қалби бедор зот. Устози Абу Ҳомид ҳақида сўзлаб: "У-қаъри ҳазинага тўла уммон", дея таъриф берганди. Филҳақиқат, Ал Жувайнин янгишмаганди-Фаззолий ўз ақлу заковати ила оламга довру сола бошлади. Бофдода келгач, бир неча рисолалар битди ва шу орқали кўп улур зотларнинг назарига тушди. Дин инъоми Оллоҳ таборака таолодан, асоси Пайғамбар алайҳиссаломдан бўлгани билан унинг ривожи хос бандарнинг ақл-идроқи ва саъйлари туфайли эди. Буни ҳалифа-ю шайхулислом ва ҳатто саҳройи сulton Маликшоҳ ҳам яхши билардилар.

Фаззолийга Оллоҳ берганди: у айни дамда Ислом дунёсида барқарор бўлган қарашлар, фикрларни ўрганарди ва ўз навбатида бириңсирин уларни инкор этиб бораради. Фаззолий атрофга, мусулмонлар ҳаётига синчков боқаркан, улардан ўз бўйи анча баландлаб бораётганлигини пайқарди ва шайтоний кибру ҳавони даф қилмоқ учун истиғфор айтарди. Лекин барча нимарсаларни инкор этмоқ ила ҳақиқатга этиб бўлмасди, икрор ҳам лозим эди. Буни у яхши биларди ва шунинг учун ҳам ҳозирда мавжуд бўлган тоифаларнинг борлиқ ҳамда динга муносабатларини тафтиш этарди. Айни кунда бутун мусулмон дунёси икки оқимга бўлинарди-суннийлар ва шиалар. Бу икки оқим эса яна бир неча мазҳабларга ажраларди. Абу Ҳомидни мана шу нимарса изтиробга соларди. Яъни, Ислом оламининг бир неча тоифаларга бўлиниб, сочилиб кетганлигидан азобланарди. Унинг ўзи шофеъий мазҳабига мансуб эди. Салжуқийлар салтанати фуқаролари эса асосан ҳанафий мазҳабига эътиқод қиласдилар. Шофеъийлар, таъбир жоиз бўлса, уларнинг энг асосий рақиблари эдилар. Бундан ўзга тақи ботинийлар, яъники, исмоилийларнинг тарафдорлари ҳам тобора кўпаймоқда эди. Буларнинг тутуми ҳавфли эдики, улар Ҳасан Саббоҳ отлиғ кимсанинг таррорлари эдилар.

Сulton Маликшоҳ ҳанафий эди. Бироқ шофеъийларга ҳам ҳурмат билан қарабарди. Фаззолий бундан боҳабарлиги боис салжуқийлар салтанатининг бошкенти Исфаҳонга ҳавф-хатарни гумон этмай кириб келди. Шу каби у сultonнинг ҳанафийлик мазҳабининг асосчиси Имоми

Атзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитнинг Богдоддаги қабри узра мақбара кўтариб, унинг ёнида ҳанафийлар учун улкан мадраса қурдирганлигини ҳам яхши биларди. Бу бағри кенг, сода кўнгилли туркий қавм ҳурмат-иззатга чиндан-да муносиб эди.

Ислом айни дамда аста-секин пароканда бўлиб борарди. Рисолат давридан¹ сўнг хотамул анбиё келтирган охирги ҳақ диннинг муҳташам биноси дарз кета бошлади. Тобора сўниб бораётган салафлар ҳақида бош қотирмоқ ёхуд уларга эргашмоқ ҳам муқаллидларга хосдир. Улар бир ойна кабидурларки, аллақачон дарз кетган. Озгина дахл этмоқ ила чилпарчин бўлғувси. Илло, дарзни чегаламоқ ёхуд синикларни бир-бирига ёпиштирмоққа уринмоқ натижасиз юмуш. Яхшиси, ўша синикларни тўплаб, оловда тобламоқ ва бутунлай янги ҳамда мустаҳкам ойна ясамоқ лозимдур. Авомга ишончли янгилик керак. Фаззалий шулар ҳақида ўйларди, дин ислоҳи ҳақида бош қотирарди. Ҳали буёқда мутазаллийлар, файласуфлар, сўфиylар ҳам бор. Уларни ҳам аслият сари йўналтиրмоқ лозим.

Абу Ҳомид сўфиylарга анча хайриҳоҳ, эди, ўзи ҳам ибодатни баракотли этмоқда уларга майл билдирарди. Наздида, сўфиylик йўли энг тўғри йўлдек кўринарди. Гўё унда таъма, соҳтакорлик камроқ эди. Зикру тақво ила парҳез тутиб, синиб бораверасан, Оллоҳга ёвуқлашаверасан. Дилингда Оллоҳнинг ризолигидан ўзга таъма бўлса, ўлиб бораверади. Албатта, тасаввуфда ҳам бир неча тариқатлар ва уларнинг машойихларининг ўзаро обрў-ю мартаба талошлари бор. Ё Оллоҳ! Ҳатокорлиғдин ўзинг асрагайсен. Банда ҳамиша гуноҳлидир, бироқ имкон қадар ундан сақланиш ва дини Ислом учун хизматга сидқидидан бел боғламоқ лозим. Зеро, сен биттан битикларнинг қай томонидан боқмасинлар, Исломнинг ёруғ юзи кўринисин. Ҳазрати пайгамбар салаллоҳу алайҳи васалламнинг васиятлари ҳам шундай эмасмиди!

Эҳҳе-е, бу оламда не-не китоблар битилмади. Барчалари ҳақиқат ва Исломга садоқат даъво қиласидилар. Лекин уларнинг ичида куфру залолат, сехру жодуга элтгувчилари ҳам мўл. Илло, бани башар, жумлаи одам дину диёнатга ўз шуури, идроки етганича муносабат билдирур. Гоҳо тўртта ҳадисни ёд олмаган, бир оятни тафсир этолмайдиган кимсалар ҳам китоб битмоққа тутинаidlар, хаёлларига келган фикрларига ҳикмат тўнини кийдирмоқчи бўладилар. Шундай қилиб, ўшал чаламуллонинг китоби қайсиdir бир нодоннинг илкига тушади-ю, у ўзгалардан ақллироқ кўриниш илинжида уни ҳақиқат дея талқин этади. Қарабсизки, кимнингдир алжираши ортидан бирон тариқат ва ёхуд ҳатто шариат яралиб турибди-да. Аслида эса, ул сўзлар шайтон ва жинларнинг васвасасидан ўзга нимарса эмасди.

Абу Ҳомид Богдод мадрасасида мударрислик қиларкан, ҳатто толиби илмларга сабоқ бериш ва айниқса, бедор тунларда шариатдаги ана ўшал нотўқисликларни тўқис этмоқ, парокандаликини жамламоқ хусусида ўйларди. Шу ниятда бир рисола битмоқни ихтиёр этди. Эндиғина илк саҳифаларини битаётгани бу китоб "Иҳёу улумиддин" ("Диний илмларни тирилтириш") деб аталади. Шу рисоласида ҳалиги янглир сўроқларга жавоблар бўлғувси, иншооллоҳ! Мазкур асарни битмоққа астойдил киришаётганда янги бир ният оромини бузди. Бу файласуфлар илмининг туб моҳиятига етмоқ орзуси эди. Чунки динга қувват бермоқни истаган одам, албатта, файласуфларнинг фикрлари ила юзма-юз келмоғи муқаррар эди. У бухоролик машҳур табиб ва риёзатчи Ибн Синонинг фалсафий асарларидан боҳабар эди. Унинг Исфаҳон расадхонасида бир муддат ишлаганлигини ва у ерда илм ила машғул бўлғанлигини яхши биларди. Айниқса, табибининг фалсафий қарашлари уни қизиқтирадар ва унинг фикрларига инкорлар кашф этарди. Қолаверса, айни кунда ҳам Исфаҳонда файласуфлар бисёр эди-

¹Рисолат давридан — Пайгамбар алайҳиссалом давридан

лар. Уларнинг бошида Умар Хайём турар эҳтимол!.. У шу ниятда шайхулисломга арз этди ва Исфаҳон сари йўл олди. Янаки, вазири аъзам Низом ул Мулк ҳазратлари ила ҳам авваддан танишлиги бор эди. Вазири аъзам уни бир-икки бор Исфаҳон Низомиясига таклиф қилганди. Мана, вақти-соати энди етибди.

Фаззолий ҳузури муборақда мадрасада истиқомат қилмоқлик нияти борлигини аён этди. Уз ҳоҳишига биноан Низомиянинг каттароқ ҳужраларидан бири унинг ихтиёрига берилди.

Тўққизинчи боб

1

Хайём бу кеча бомдодга яқин туш кўрди. Ажаб туш, даҳшатли туш: қаёқданdir жулдуруларга бурканиб, белидаги чилвирга мусаллас аёқини осиб олган қоп-қора Mastona кампир пайдо бўлибди-ю унга қараб роса қаҳ-қаҳ урибди. Сўнг анграйиб турган Хайёмнинг илкидан Қуръонни тортиб олибди-да, олдидаги ғойибдан бино бўлган оловнинг ёнига чўнқайиб, Каломуллоҳни бурдалаб ёқа бошлабди. Шоир даҳшат ичра оҳ уриб, китобни тортиб олмоқ учун унинг илкига ёпишибди. Аммо, ҳарчанд саъй этмасин кучи етмабди...

У ваҳм оғушида уйғонди. Қайта-қайта истиғфор айтди. Таҳорат олиб келгач, бомдод намозидан сўнгра яна икки ракат намоз ўқиб, тавба қилди. Бироқ бу туш кўз ўнгидан ҳадеганда нари кетмасди. У тез-тез туш кўргувчи эди. Гоҳо тушлари неларданdir башоратлар ҳам қиласди. Шул боис кейин-кейин тушларига эътибор берадиган бўлди. Тъъбир китобларини мутолаа қилиб, гоҳо тушларидан маънолар ахтаришга тушди. Чиндан ҳам у маъноли, башоратли тушлар кўрар ва бу мўъжизадан пинҳона ҳайратланарди ҳам. Шундай пайлари инсон тафаккури ва руҳонияти кўп нимарсаларга қодир эканлигига тақи бир карра амин бўларди.

Хайём ерга боққан кўйи мадраса қурилиши томон ўтди. У ҳамон кўрган туши таъсирида эди. Mastona кампирни, унинг илкидаги Қуръонни, оловни қайта-қайта ўйлайверарди. Наздида, бу туш мудҳиш бир воқеанинг башоратидек туюлаверарди.

Шу пайт Хайёмнинг кўзи обкашлик қилаётган Юсуф Риндонийга тушди. Садақани унингдек софдил одамга бергани дуруст. У ҳамёнини ковлаб, битта кумуш танга олди-да, Риндонийни чорлади:

— Аё, Ринд, буён келгайсиз!

Эрталабданоқ сархуш бўлиб олган майпараст фаррош шоирнинг қошига дарров етиб келди.

— Субҳи содикда дуоингизни олгим келди, — деди Хайём кафтига тангани жойлаб.

Ринд унинг кўзларига ўткир бир назар солди-да, деди:

— Хожам, бир ажаб туш кўрибдилар, чоги?.. Омин яхшиликка бўлсин. — У илкини юзига тортиб, ўз юмушига кетди.

Хайём бироз енгил тортгандай бўлди. Ҳаёлчан нигоҳи ила сангтарошларнинг ҳаракатларини кузатди, бироқ уларнинг тақир-туқирлари қарийб қулогига кирмасди. Ҳеч қанча вақт ўтмай рўбарўсида-курилаётган мадрасанинг нариги четида корфармо пайдо бўлди. У шоирга бир пас тикилиб турди-да, ўнгта томон юра бошлади. Лекин Хайём айни пайтда ҳеч кимса ила сўзлашмоқни истамасди, шунданми, нажот излагандай у ён-бу ёнига аланглади. Шу асно расадхона дарвозасидан чиқиб, нариги ёқса қайрилаётган Марямга нигоҳи тушди. Хурсанд бўлгандай бир қалқди-ю унинг ортидан юрди. Корфармо эса ярим

йўлда тўхтаб, ўзга ишга машғул бўлди. Хайём бораркан, дилидан ўтказди-хозир бу олам ташвишлари дилимга сигмайдур...

Марям булоқ сари кўтаришларди. У ортидан келаётан Хайёмни анчагача пайқамади, то булоққа етгунча бирон марта қайрилиб қарамади. Ниҳоят, булоқ бошидаги сайҳонликка қадам қўя туриб, яқинлашиб қолган шоирга кўзи тушди. Унинг нигоҳига ҳайрат нишонаси тўлди-устоз нечук иш пайти бу ерларда юрибди?..

Қиз тавозе ила салом берди.

— Ваалайкум... — деди Хайём тез юрганлигидан бироз ҳансираф.

— Шундайин сулув қизни ёлғизлатиб қўйгим келмади. — У ҳазил қилмоққа уринди, бироқ, кўзларидаги маҳзун ўйчаник ҳазилининг шаштини анчагина сусайтириб юборди.

Буни қиз ҳам сезди. Булоқ бўйидаги ўзларига таниш ва қадрдан жойга ўтириарканлар, Марям журъатсизларча сўради:

— Дилгир кўринадурсиз, устоз?

— Ҳайронмен. Дунёнинг favғоларидан толиқдим, шекилли. — Аммо, фалат туш кўрганлигини айтмади.

Булоқ боши бағоят сўлим эди. Унинг таровати офтоб тифларидан яраланган танларга гўё малҳам янглиғ суркалади.

Марям ҳам ҳамон мунглиғ эди, жудолик алами уни ҳали тарк этмаганди. Хайём унга боқаркан, кўнглидан ўтган фикрдан ичиди хижолат тортиди. У Марямга энди аввалгидек завқ ва эҳтирос ила боқмасди. Унинг васли бағрига ўшал ҳузурбахш ва шу каби, илҳомбахш оловни энди солмасди. Ё Оллоҳ! Бу не ҳол? Наҳотки бул муҳаббатдин ҳам маҳруммен? Маҳрумиятлар қачон интиҳо топгай, Тангirim? У Марямга ачинаётганлигини, юрагидаги ўтли ишқ ўрнини энди шафқат туйфуси эгаллаётганлигини пайқади-ю ўзидан баттар уялиб кетди.

Қиз ҳам бурунгидек дуркун эмасди, кўзларидаги бағирларни куйдиргувчи олов ҳам сўнаёзганди. У аввалгидек гўзал эди, лекин шоир вужудига куч, эҳтирос ва қалбига илҳом солган алланимадир уни тарк эттанди. Чунки Хайём унинг ҳузурида боягидек ўртанимасди.

Улар анчагача тип-тиник булоқ сувига сўзсиз тикилиб ўтиридилар. Бир замон кўзларининг қораҷўвлари кенгайлан шоир сувнинг жилвасига термулиб чарчадими ёки чиндан ҳам қизга гапиргиси келдими, оҳиста деди:

— Аҳволинг нечук, Биби?

Марям унга ўтрилди. Кўзлар тўқнашдилар. Ё Раб! Қиз бечоранинг кўзлари жиққа ёш эди. Улар оқ учқунлар сачраттган каби ёнардилар.

Хайём туйкус бу кеча кўрган ва мудом давом этаётган дилхиралигига боис бўлган тушини эслади. Тушингта таъбир излабмидинг, эй, шоири девона? Балки... Ё Оллоҳим, наҳотки?!.. Олов!.. Ёшли кўзлар!.. Эҳтимол бу ўз отashi ила ҳатто Қуръонни ёндиригувчи Ишқни башорат қилур? Мен бандай беҳаловатни ўзим хаёл ҳам қила олмагувчи улуғ бир Ишқ кутаётган бўлса не тонг! Хайёмнинг бутун вужуди жимирилаб кетди. У тушининг мана шу таъбирига ишона бошлади ва ишонгани сари қалби тушуниксиз соҳир туйғуларга йўғрилиб борди. Ўшал туйғулар оғушида эриркан, яна Фаззолийнинг мағлур қиёфаси ёдига тушди. Тушди-ю унга ҳаваси кела бошлади. Унинг саркаш феъли бор эди - бирорвнинг ўзига бўлган муносабатининг маъносини ойдинлаштиргумча тинчимасди. Ўшал одамга ёмонлик қила олиш унинг илкидан келмаса-да, токи, ўзи у ҳақда бир қарорга келмагунча бадгумонликдан қутила олмасди. Аммо ҳозир тарки одат қилиб, Фаззолийнинг мақсадини яхши англаб етмаган бўлса-да, унга ҳаваси келиб кетди. Ўзи ўшгина йигиту салобатидан шоҳлар лол қолур. Ҳа, бу улуғлиқдан нишона. Устози Ибн Сино қандайин жасур ва адолатпеша эди. Улуғ олим Берунийчи, илм дея, ҳақиқат дея, ўлимга ҳам тик боқа олмадими. Ўзичи

ўзи?!. Қанчалар жасур, мард зди. Жаннатмакон падари унинг тўғри сўзлигини ўйлаб, келгуси тақдиридан хавотирга тушарди. Чунки тўғри сўзлиги бироз дағалликка қоришиб, унинг феълида хиёл дилозорликни пайдо қиласди. Эндиҳи? Наҳотки у итоатгўй, ҳақиқатни ёнлаб ўтгувчи оддий бир банди бандага айланиб қолган бўлса? Фаззолийнинг нигоҳида эса нур ва кишиларни итоатга солгувчи бир куч бор. Айни дамда Хайём ўзини бўйинсунувчан, қўрқоқ ва журъатсиз кимса каби ҳис қилиб, ўзидан нафратлана бошлади. Наздида, султон ва вазири аъзам уни ана ўша итоатгўйлиги туфайли ёмон кўриб, Фаззолийни улуглай бошлагандек туюлдилар. Бу оддий бир инсоний ожизлик, ҳасаднинг қисқа хуружи зди.

Хайём ўзидан баттарроқ нафратланди. Бироқ у ўзининг бу ҳолати ва боягидек ачинган монанд бокувчи нигоҳи ёнида ўлтирган Марямни ранжитаётганлигини, унинг озор тўла кўнглига янам озор солаётганлигини пайқамасди...

2

Абу Ҳомид Фаззолийнинг улуг орзуларидан бири, худди Хайём каби, Исфаҳоннинг қадим ва беназир кутубхонасини кўрмоқ ҳамда у ердаги етти иқлимдан келтирилган тафаккур меваларидан термоқлик зди. Султоннинг ижозатини олгач, у ҳам бу орзусига мушарраф бўлди, кўплаб кунларини ва ҳатто, тунларини ҳам мана шу ирфон бўстонида ўтказа бошлади...

...Фаззолий бу кун эрталабдан Низомияда толибларга сабоқ бермоқ ила машғул бўлди. Исфаҳон толиблари ҳам ўз замонасиининг фарзандлари здилар. Зеро, улар Умар Хайёмдек олим ва шоир ҳамда вазири аъзам Низом ул Мулк каби донишманд зотлар таъсирида илм излардилар. Улар баҳсу мунозараларда журъатли ва савол қилишда ийманиб ўлти rmsdилар. Чунки ҳур фикру аъмолли закий шоир Хайёмнинг руҳий таъсири бутун бошкент бўйлаб тараалган зди. Шунинг учун улар илоҳиёт илмининг етук олими, шайхулисломдек зотнинг эътиборига тушган шариат мардининг сабогига ҳам қизиқиши, ҳам иштибоҳ ва ҳатто, баъзилари ундан бир хатар кутаётгандек муносабатда бўлардилар.

Хона сув қўйгандек жимжит. Абу Ҳомид Фаззолий толиби илмларга сабоқ бермоқда. Сабоқ поёнлаб бораётгани боис воиз толиблардан тушган саволга жавоб қайтарарди:

— Барча хатокорлиглар ибоҳат, яъни, йўл қўйишилик туфайли бино бўлғувси. Сиз айтган зотлар жоҳидурларки, бас, мавжудот аҳволини нужум ва табиатта ҳавола қилурлар. Ва, айтурларки, одам, ҳайвонот, балки ҳамма мавжудот ўзича пайдо бўлғондир. Тақи абадий бўлғувси, дейдилар. Бу тоифанинг мисоли шундай кишига ўхшарким, хушкат китобни кўриб айтурким, бу хат ўзича битилгандур. Табиийн ва мунахжимнинг қисмати охир-оқибат шақоватга¹ гирифтордир.

Фаззолийнинг гаплари баъзи талабаларга ўзгачароқ таъсир этди, шекилли, бир қўзғолишиб, бир-бирларига маъноли қараб қўйдилар. Бунинг боиси аён-улар гоҳо эса-да Хайёмдан сабоқ олишган ва унинг фикрларидан ҳамда расадхонада жумла коинотни ўрганиш борасида олиб борилаётган юмушлардан ҳар тугул боҳбар здилар. Умуман Исфаҳон илм олами, бу ердаги олимларнинг дунёвий илмларга муносабати ўзгача зди. Уларнинг фикр мезонларида ҳурлик устувор зди.

Бироқ Фаззолий бағоят таъсирили ва чиройли сўзларди, фикрлари ишончли асос ила безангандек зди.

¹Шақоват—баҳтсизлик.

²Ҳар — эшак

³Гов — сигир

— Иккинчи бир гурұқ борким, охиратни инкор этурлар. Айтурлар-ким, одам ҳайвонот ва наботтотта үхшашдур, вактики қазо қылса, но-буд бўлур, унга савоб ва азоб бўлмас, деб ўйлайдилар. Бас, бу жоҳил-лар ўзларини хар¹, гов² ва гиёҳ қаторида билгайлар. Рух ҳақиқати одамий эканлигини билмаслар, уни танимаслар. Илло, рух абадийдур-ким, ҳаргиз ўлмас.

Орқароқда ўлтирган қайсиdir толиб савол ташлади:

— Ҳайвонотда рух бўлмасми?

Воиз ҳали сўзини тутатмаган бўлса-да, одобсиз толибнинг сўроғини малол олмади ва унинг бу тезкорлиги ғўрлик ҳамда қизиқувидан деб билди. Сокин овозини мутлақо ўзгартиргаган ҳолда саволга жавоб бермоққа тушди:

— Ҳа, ҳайвонотда рух бўлур. Вале, руҳи ҳайвоний руҳи одамийдан он қадар тафовутлидир. Чунончи, руҳи ҳайвоний бу дунё учун ва унинг тириклиги учундир. У тубандир. Бироқ ҳайвонотда дил бўлмас. Руҳи одамийнинг қуввати дил иладир. Чунончи, руҳи одамий абадийдур, руҳи ҳайвоний эса ўлмак бирга ғойиб бўлур.

Барча жим қолди. Савол бергувчи жавобдан қаноат ҳосил қилди чори, бошини эгиб, аввалдагилар ортига беркинди.

Яна кимдир савол қилди:

— Мунажжим, яъники, жумла табииюнларнинг ғалатлиги хатокор-лиги не ила ошкор бўлур?

Фаззолий гўзал қироат ила сурай "Аъроф"дан бир оят ўқиди ва изоҳлади:

— "Офтоб ва ой ва ситоралар Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг амрига тобеъ ва мусаххардурлар." Мусаххар деб ани айтurmизки, у бирор-нинг фармони ила иш қилгай. Бас, нужум ўзича бир иш қилолмас, балки фаришталар фармонича иш қилур. Чунончи, пайнинг амали ат-роф бадани ҳаракат қилдурмоқдадир. Яъники, кавокиб'охирги мар-табадаги чокарлардан²дур. Илло, котиб илқидаги қалам кабидур.

Уларнинг бир гуруҳи сўқирларга менгиздур. Бир кун, уларнингфил етаклаган фолбинга дуч келибдилар. Жам бўлишиб, филни қўллари или силаб, танимоқни, англамоқни хоҳиш қилибдурлар. Баъзиси фил-нинг қулогини ва баъзиси оёғини ва баъзиси дандонини³ пайпаслаб-дурлар-да, филдан хабар бермоқ бўлидурлар. Бири филнинг оёғини силаб, устун янглиғ нимарса экан дебди. Дандонини ушлагани эса фил пичноққа ўхшаш нимарса экан, дейбди. Қулогини силағувчи филни ги-ламга ўхшатибдур. Бу тоифалар ҳаммалари рост айтмишлар ва ҳам хато қилмишлар. Чунки улар филнинг ҳамма аъзосини билишиликни гумон қилурлар, бироқ баъзи аъзосидан хабардор, ўзгасидан бехабар-дурлар. Шу каби мунажжим ва табиийунлар ҳам Ҳазрати Ҳақ субҳо-наҳу ва таолонинг чокарларидан баъзисини таниб, унинг ғолиб ва улуғ-ворлигидан таажжуб қилиб, "подшоҳ ушбудир", деб айтурлар. Улар бу мўъжизакор хилқатлар тақи кимнингдир изну фармонида эканли-гини англамаслар. Мана, уларнинг ғалатлиги ва ожизлиги. — Фаззолий берилиб сўзларди ва шул боис, толиққанлигини тан олмоқни иста-масди. Асли бу кунги дарс ўзгача бўлди-унинг ҳузурида толибларнинг кўзлари ёна бошлади. Бу яхшилиқдан дарак. У яна узоқ ғапирди ва саволларга астойдил жавоб қайтарди. Сабоқни эса ушбу сўзлар ила якунлади:

— Хусусан, илми қалом ва фаросат илмини эҳтиёжидан ташқари талаб қилиб, фикҳ илми или ҳожатдан ортиқча машғул бўлган киши-ларга насиҳат қилмоқдик оғир кечади. — Воиз бу ила илми толиблар-ни тақи бир бора шариат ва илохиёт илмлари сари даъват этарди...

¹Кавокиб — юлдуз

²Чокар — хизматкор

³Дандон — тиш.

Намози асрни ўз ҳужрасида адо этган Фаззолий кўнгил иштиёқи ила расадхона томон йўл олди. Шаҳар дарвозасидан чиқиб, шаҳар деворлари остидан ковланган чукур ҳандақ устидаги кўприқдан ўтиб бораркан, не-не жанг жадалларни кўрган кўҳна Исфахон ҳақидаги ўй шуурига урилди. Во дарис! Башар қисмати ваҳшату қувончларга, зулмату зиёга бунчалар қоришиқ бўлмаса? Эҳтимол мана бу ҳандақ бағрида қон дарё каби оққандир. Рўбарўда эса, дунёвий илмлар қўрғони, коинотта нарвон қўймоқ истаган расадхона қад тутиб турибди. У расадхонанинг қир ортига яширинган паҳдавоннинг дубулғаси янглиғ кўринаётган гумбазларига, Бўйра қишлоғини қуршаган виқорли оғочларга ва уларнинг ортида осмонга елка тутган улкан қояларга боқиб, ўзиҳа ҳикматлар яратди. Ҳа, юксаклигу тубанлик, эзгулигу ёвузлик, разолатуadolat ҳамиша ёнма-ён. Бунга мана шу ҳандақ, инсон қони или суборилган анови гиёҳлар, улуғвор гумбазлару ҳайбатли қоялар гувоҳ...

Фаззолий расадхона дарвозасидан кириб борганида Микоил саҳнининг ўртасида Полвоннинг юнгини тарамоқ ила банд эди. У бу баҳайбат маҳлукнинг ҳаракатларидан, суратидаги мардоналиқдан завқланиб жилмайди. Кириб келган меҳмонни аллақачон таниб улгурган Микоил қаддини ростлаб, унга салом берди. Меҳмон эса мудом табассум ила саломга алик оларкан, Полвоннинг қилиқларини кузатиб, хиёл туриб қолди. Бу унинг расадхонага илк бора қадам қўйиши эди.

— Аҳли илм юқоридалар, тақсир, — деди унинг қай тарафга юрмоқни билмаётганини сезган Микоил.

Фаззолий Микоил кўрсатган томондан юқорига кўтарилди. Устурлоб ўрнатилган хосхонада Воситий, Исфазарий ва яна бошқа бир неча ёш олимлар жам бўлгандилар. Улар хонтахта устидаги қоғозларга боқиб, неларнидир ҳал этмоқ ила овора эдилар. Риндоний ҳам уларнинг теварагида уймалашиб юарди.

Фаззолийнинг саломига алик олдилар-да, ўлтирмоқ учун таклиф этдилар.

— Ҳазратим, нечук бақодин фанога қайтиш қилибдилар? — деди Исфазарийнинг шумлиги тутиб.

Меҳмон бул нужумпараст олимнинг сўзидағи маънони англаб, кулди:

— Юлдузлар уларга ғалат маъно бераётганиларингиздан арз этдилар, шул боис...

Унинг гапи енгил кулгуга сабаб бўлди.

— Ташрифингиздан бошимиз осмонга етди, жаноб, — деди Воситий илкини қўксига қўйиб.

— Қуллук, — таъзим қилди Фаззолий, — Умар Хайём жаноблари кўринмайдилар?

— Намози асрни жамоат ила ўқидилару ҳужраларига қайтдилар. — деб жавоб қилди Риндоний.

Фаззолий хонтахта устидаги чизмаларга қаради. Унда заминнинг сурати, яъниким, қуруқлик ва сувлик харитаси йўғон-йўғон ҳад ила акс эттирилганди.

— Бу заминимиз сувратими? — Сўради Фаззолий чизмаларга чукуроқ тикилиб.

— Ҳа, — деди Воситий қисқа қилиб.

— Қаёқдан билдингиз, ҳазратим? Ахир, эски китобларда ер наҳанг ва ҳўқиз устида турди, дейиларди-ку, — деб бидиллади Исфазарий.

Воситий унга қараб қовоқ уйиб қўйди.

Аммо Фаззолий унинг бу беодоблигига пинак бузмай, кулди-ю тақи ўз сўроғига қайтди:

— Недин билурсиз буни? Ёки бу ҳам юлдузлар башоратими? — У

ўзининг гапи ҳам кинояга ўхшаб кетганлигига ичида афсусланди.

— Йўқ, — деди Воситий хотиржамлик или жавоб бераркан. — Буларнинг бари имми ҳандаса ва алжабр асосида ҳисоб-китоб қилинган. Илло, уларни тўласича айнан ҳам деб бўлмас.

Фаззолий жавобдан қониқиши ҳосил қилди, шекилли, қайтиб савол бермади. Бироқ қалбидағи ва умуман вужудидаги ҳаловатга, сокинликка нимарсадир ҳалал бераётганлигини сеза бошлаганди. Шул боис бу ҳолатни қалб кўзи или тафтиш қилмоққа тушди. Филҳақиқат, бу имм кошонаси бўлмиш расадхонада кўз илғамас, қулоқ эшитмас бир галаён, балки исён мавжуд эди. Уни фақатгина ўйғоқ қалб или кўрмок, ҳис қилмоқ мумкиндири. Эҳтимол Хайёмнинг таъсириими, ҳар тутул бу ерда, ундаги одамларда, ҳаттоқи одамларнинг сукутида ҳам жазава, галаён бордек эди. Фаззолий буни сезиб турарди, бироқ уларнинг ўзлари пайқамасдилар.

— Коинотни, нужумни шу или кузатурмисизлар? — деди у болаларча қизиқувчанлик или устурлобни кўрсатиб.

— Шундай. Шу ва шу каби тақи бир асбоб-судс или кузатурмиз. — Жавоб қилди яна Воситий.

— Юмушингиз бағоят қизиқарли экан.

— Бизнинг юмушларнинг қизигини устоз Хайёмдан кўурурсиз ҳали,

— деди Исфазарий кулгу ясамоққа уриниб.

Фаззолий ўзи тенги бу йигитнинг кўп сўзлагувчи эканлигидан озор топгандай бўлди-ю, лекин ёнидагиларга сездирмади.

— Ҳа, устозингиз ҳақида кўп эшитганмен — деди у ёруғ бир ният или ўйчан қиёфада.

— Ҳазратим, май ва хожамизнинг унга ошнолиги ҳақида ўйладилар, чоги? — деда гап қўшди сархуш Ринд.

Фаззолий бугун анча толиқкан бўлса-да, руҳан тетик эди.

— Асло. Бу нарса хаёлимга ҳам келмаганди, — деди у Риндонийнинг сўроғидан ҳайрон бўлиб.

— Ҳозир хаёл қиммаган бўлсангиз, бир кун, албатта, хаёл қилурсиз. Шунинг учун айтиб қўймоқчиманки, хожамиз гўдак мисолидир. Гўдакни билурсиз, агар қорни очса ёки онасини кўргиси келса, ўзини ҳам фаромуш айлаб, йиглайдур. Шу қадар берилиб йиглайдики, онаси тутул бошқа одамнинг ҳам дийдаси юмшайдур. Хайём ҳазратлари ҳам сархуш бўлганида ана шундайин бўзлайди. Ўзини унугиб, Оллоҳга сингиб кетгиси келади. Бунинг нимаси айб?! Ростлик чоғида бундай бўлмайди.

Ё тавба, деда ўйларди Фаззолий, булар барчаси бир бўлиб, кимдан кимни ҳимоя қиласурлар? Мендан Хайёмни, Исломдан дунёвий илмлариними? Ахир, бу борада бир сўз айтмадим-ку! Бу недин? Биз ҳақимизда тўқилган маломатлардан, илмдаги, диндаги бидъатлардан, хурофотлардан эмасми? Бунчалик ҳадиксираш ва бадгумонлик кўнгил қаролиғидан ҳам дарақдур балки? Ё Оллоҳ, ҳар неки илмни излаган кишида ёмонлик бўлмаслигини наҳотки булар билмасалар?..

— Ассалому алайкум! Хуш келибсиз меҳмони азиз! — Эшик томондан жилмайган кўйи Хайём кўринди.

Саломдаги самимият ва табассумдан Фаззолийнинг кўнглига ёруғлик инди.

Юзларга фотиҳа тортидилар.

— Хайриятки жаноблари биз ғарибларни ҳам йўқламоққа жазм этибдилар. — Хайём меҳмонга тоза бир нигоҳ или юзланиб, сўзларди.

— Кутлуғ қадамларига бағоят муштоқ эдик.

— Қуллуқ, тақсир, — деди Фаззолий ҳам кўнгли анча кўтарилиб.

Меҳмон бироз олдидағи қорозларга тикилиб ўтириди-да, мулоҳаза-кор овозда сўзлай бошлади:

— Баъзи ўзларини Исломнинг дўстлари деб билгувчи кишилар ҳар неки илмни, айниқса, дунёвий илмларни инкор этмоқ ила дину шариятта қувват бермоқ мумкин, деб ўйладилар. Бу фаҳмсизлиқдан ўзга нарса эмасдур. Илло, риёзиёт, ҳандаса каби илмларни рад этмоқ ила динга кўмак берурмен, деб ўйлагувчи кишилар беҳад жинояткорударлар.

Даврадагиларнинг барчалари сергак тортиб, бир-бир кўз уриштириб олдилар. Турган гапки, бу сўзлар, айниқса, Хайёмга ёқиб тушди

— Жаноблари рост айтадурлар. Бироқ унда баъзи дин пешволарининг дин ила дунёвий илмларни қарама-қарши қўймоқликларидан маъно не? — дея сўради у ўз феълига зид равиша юмшоқлик ила.

Фаззолийнинг овозига салобат кирди:

— Бу диндор ниқобидаги динсизлар ишидур. Лекин баъзи заиф иймонли ва адашган олимлар, яъни, табииюнчилар ҳам борки, ўз ақлларига бино қўйишиб, яратувчилик даъво қиласидилар. Аслида, илм Оллоҳга эмас, инсонлар учун лозимдур. — Унинг кўзлари тобора чакнаб, ёниб борарди. — Қаранг, олам, коинот қанчалар мукаммал яратилган. Дунёвий илмларнинг соҳиблари ана шу мукаммаликни ўрганиб, унинг ҳажми, вазни, тезлиги ва бошқа ўлчовларининг аллақачонлар (азалдан) аниқ бўлмиш мукаммал ҳисоб-китобини ўзлари, яъники, аҳли башар учун исботлайдилар, холос. Оллоҳ Субҳонаҳу ва таолога эса бу эски кашфиётнинг яна бир бора зътироф этилмоғининг минбаъд зарурияти йўқдур.

Хайём рўбарўсида ўлтирган ёш олимнинг беназир ақл-заковатига ичидан тан бермоқда эди. Бироқ инсоний худбинлик унинг тилга чиқарилишига монелик қиласиди. Бунинг устига шоир ундан ҳозиргидай холис ва асосли фикрларнинг чиқмоғини кутмаган эди.

— Унда қай йўлни тутмоқ лозим? — дея сўради у "сиз не дейсиз" қабилида.

Мудом барча жим эди ва ҳаммалари бу икки улуғ олимнинг суҳбати не ила яқун топмоғини кутардилар.

— Олимлиқда хатар бор, — дея сўз бошлади Фаззолий энди овозини хиёл пасайтириб. — Изидан одамлар эргашадиган олимнинг гуноҳкор бўлмоғи осон. Жумладан, унинг ипақдан либос кийиши, олтин згарли уловга миниши, инкор этиш лозим бўлган ўринларда ҳам сultonларни маъкуллаши, дилозорлик қилиши, беҳуда баҳсга чорлаб, кимнидир таҳқирлашни қасд этиши, фақат дунёвий манфаат талабида илм ила машғул бўлиши гуноҳи сағирани гуноҳи кабирага айлантиргувчиdir. Негаки, ушбу гуноҳларни қилаётган олимга одамлар эргашади...

Бу гаплар шоирни зериктира бошлади. Шул боис меҳмон гапини тутатар-тутатмас, сўзга тушди:

— Бу гапларингиз хўп маъкулдири, жаноб! Бироқ сўзларимни оғир олмаслигинизни ўтинамен, шундайин гапларни кўп сўзлагувчи шарият пешволарининг ўзлари айни ўша гуноҳларни кўп қилгувчилар эмасмилар? — Хайём бир пас тўхталиб олди. — Пайғамбар алайҳиссалом саййидимиэнинг ҳаётлари ва суннатлари ҳақида кўп китоблар ёзилмиш. Айниқса, Ҳазрати Бухорийнинг "Саҳиҳ"и барчаларимизга ибрат оиласидур. Ёхуд Термизийнинг "Шамойили Муҳаммадия" китобини олинг. Уларда Мустафо алайҳиссалом нақадар содда, оддий, туғроғ қадар (хокисор) тасвирланадур. Ул зоти табаррукнинг сифатларини тасаввур этиб, ҳатто устимиздаги мана бу кийимлар ҳам ортиқча туюлиб, оғирлик қилиб қолади. Бизнинг устунларимиз-шариат пешволаричи?! Бунинг буткул акси эмасми? Улар шоҳона кийина дурлар, ноз-неъматга кўмиладурлар, инъом илинжида ёлғон фатво берадурлар. Ахир, улар эмасми, дини Исломни, Пайғамбар алайҳисса-

ломни халқдан узоқлаштирган?! Энди улар ўз нафслари етоваида саййидул анбиёning покиза шариатига янги-янги ҳадлар торта бошладилар. Шундоғ экан, юз ёхуд минг йилдан сўнг шариатнинг аҳволи не бўлур? Динни, шариатни билганлар юҳога, мансабдорга айланмасму?!

Фаззолий шоирнинг қалбидаги улут исённи, оловни ҳис этиб турарди. Аслида, унинг ўзида ҳам ўта ўт мавжуд здики, бироқ бу оловга бир ўзан тополмай ҳалак эди. У Хайёмдаги исённинг ва ҳатто, разабнинг асли эзгулик эканлигини яхши биларди. Шул боис, унинг ҳақ сўзларига сохта эътиroz билдиromoқдан тийилиб, мавзуни бошқа ёқقا бурди...

Ўнинчи боб

1

Хайёмнинг вужудида кечаеттан ғалаёнлар тобора авж оларди. Роҳиб Амадеуснинг ўлимидан қаттиқ мутаассир бўлиши ва кейинги кунларда кўнглида Марямга нисбатан ўзга ихтиёрнинг вужудга келиши, умуман жону жаҳонида кечаеттан тўлғонишлар уни бағоят бехаловат этиб қўйганди. Қалби бир янгиликни, ҳузурбажш ҳаловатни истарди. Худди шу кечмишлари асносида Фаззолийнинг сұхбатига ошно бўлди ва унинг ҳузурида вужудида кечаеттан ғалаёнлар тинаётганини, ҳеч курса, суст олаётганилигини сезди. Чиндан-да, бу йигитга сўлим бир ҳаловат ошно эди. Унинг ўз сұхбатдошини эҳтиётлаб сўзлаши, ўзгларни тинглай билиши ва фикрларини аниқ, равон ифодалashi шоирга таъсир қилди. Ўзининг хиёл дағал феълига аксил ўлароқ янги ошносининг феъли унга ёқиб туҳди ва у ҳатто, айни дамда эришаётгани ҳаловатдан мосуво бўлмоқликни ҳам истамасди.

Ўшанда Фаззолий расадхона хосхонасининг даричаси оша оқиши самога боқаркан, Хайёмга деди:

— Мана шу қисмлари бир хил кўринища бўлган само бағридан унинг қутбий қисмини аниқлаб берингчи, эй фалакиёт илмининг сultonи.

Хайём бу баҳсли мавзудан эҳтиётланиб, узоқ ва батафсил гапира бошлади ҳамда бунда ҳаракат қандайдир табақаланмогини тушунтиromoқка уринди. Батафсил сўзламоқ шоирнинг феълига хос эди ва шул боис ҳам узоқ гапирди. Оқибат фурсат этиб, намози асрга чорловчи аzon эшитиди. Фаззолий Хайёмнинг гапини адабли ишорат ила тўхтатди-да, арабий лисонда деди:

— “Ҳақиқат келди, ботил кетди!...”

Бу кеч улар шом намозини ҳам расадхонада бирга адо этдилар. Фаззолий рўзадор бўлганлиги боис кечки танаввулдан бош тортди-ю, vale, озгина сув ва бир бурда нон илиа ифторлик қилиб олди. Сўнгра унинг ихтиёри илиа устурлобда юлдузларни томоша қилдилар, сайёralар, буржлар ҳақида сўзлашдилар. Фаззолий осмон илмидан тузуккина боҳабар эдики, бу Хайём учун айни муддао бўлди.

— Қаранг, кундуз чароги хуршиди олам² энг кичик юлдуз ҳисобланади. Агарки, энг митти юлдузнинг ҳарорати шунчалар бўлса, коинотни тўлдириган сон-саноқсиз улкан юлдузларнинг бағридаги оташи қанчалар экан? Бир кун келиб башар фарзанди самоларни кезмоққа қодир бўлармикин? — Хайём осмонга интиқ тикилди.

— Бу ҳам бўлса, Оллоҳ таборака таолонинг құдрати бекиёс эканлигидан далолат. Мана шунча улкан оловли сайёralарни бир жойга жамлаб, бизнинг нигоҳимизга ошкор этиб қўйганлигининг ўзи буюк

¹“Ал-Исрө” сураси, 81-оят.

²Олам — күёш

мўъжиза. Субҳоноллоҳ! Бунча кўп юлдузларни бағрига сингдирган коинот қанчалар чексиз. Ахир, улар бир-бирларига заррача халал бермайдилар. Биргина қуёшнинг ҳарорати ёз ойлари бизларни не аҳволга солади. Мабодо ўшал юлдузларнинг биронтаси заминимизга ёвук келиб қолса борми!.. Худонинг ўзи арасаси! Ҳа, мажусийлар бежиз қуёшга, оловга сажда қилмайдилар, зеро, улар бу мўъжизалардан лол бўлиб, ақларини йўқотмишлар ва бунинг ортидан ўшал оловнинг яратувчисини, соҳибини унутмишлар.

Хайём учун ёқимили сухбатта тақи чўй ташланди.

— Мен сизнинг фикрларингизни инкор этмоққа ожизмен. Бироқ ўшал адашганлар кўп улуғ мўъжизаларни кашф этмишлар. Жанобларига маълумки, алкимё ва унинг натижасида кашф этилган кибратул аҳмар (ҳикмат тоши) ҳам мажусийлар тафаккури маҳсулидир, — деди у энди анча босиқдик ила.

— Ҳа, алкимёдин боҳабармен. Улар моддалар аралашувидан олтин бино этурлар. Кибратул аҳмар эса ҳар не моддага чоғиширилса уни олtingа айлантирур. Ҳаққи рост, бу бағоят гўзал мўъжизадур. Бироқ у ақлнинг сеҳру жодуга уйқаш бир маҳсулидир. Исломда эса дил кимёси мавжуд. Унинг соҳиблари коинотни кеза оладилар, фариштага менгзаб, ҳарки нарсанинг моҳиятини, лисонини англай бошлайдилар.

— Бу икки кимё қовушса-чи? — дея сўради Хайём кескин бир тарзда.

Фаззолий сўзсиз қолди. Ҳамсухбатининг сўроғига фикран жавоб излади.

Хайём уни бу кўйга тушириб, гўё мот қилганидан хурсанд бўлмасди, у ўзини тўлғоққа солиб келаётган жумбоққа тафаккури кенг сухбатдошидан жавоб олмоққа умид қилганди. Лекин Фаззолийнинг ўйга толганини кўриб, саволи яна жавобсиз қолмогини англади. Албатта, бунинг каби ул ҳам бир банда. Банда эса ўз номи ила банда, яъни, банди. Унинг шуури ҳадли, ихтиёри тушовлиғ. Шундай бўлгач, ундан ортиқча нарсани талаб этмоқ айни чоғда хатокорликқа юз тутмоқ ила баробардур.

Филҳақиқат, Фаззолий ўй ила банд эди: чиндан-да, икки кимёни бир этса не ҳол рўй бергай? Дил кимёсини англамоқ учун иймонли бўлмоқ шарт. Демакки, алкимёдан воқиф бўлмиш мажусий дил кимёсидан боҳабар бўлмоғи мумкин эмас. Унда соҳиби иймон алкимёни ўрганмоғи мумкин экан-да. Албатта, бунга қодир, бироқ у бу каби юмушларга ихтиёр этмас.

Бундан хуласаки, икки кимё бирлашса, чуқур кетилади. Чуқур кетмоқ эса... Ё Оллоҳ!.. Аслида, соҳиби диллар икки кимёни ҳам Тангри ишқи ила кўнгулда кашф этмоққа имконлиғдурлар-а!.. Фаззолий ўй сураркан, ёнидан шоирнинг паст, vale, қироатли овози эшлилди:

— Мени айлагилар, дунёда мавжуд,
Ҳаётга топганим ҳайрат, тарағудуг.
Бу йўлни ўтдиму тушунолмагим,
Келмагу кетмакдин не экан мақсуг?

Фаззолий ўйчан кўзларини Хайёмга тиқди ва бироз жим турди. Сўнг

— Синовдур мақсуд, — деди секингина.

У ёш эди, аммо иймон ҳаловатини туйиб ултурганди ва шунинг учун ҳам ҳар бир ҳаракати, сўзи майин, сокин эди.

— Исфаҳон қадим ва обод шаҳар, — деди Фаззолий озгина фурсат ўтгач, яна тилга кириб. — Бирон куни шаҳарни томоша қилсангиз бағоят хурсанд бўлурдим. Ҳар ҳолда сиз бу кўхна шаҳарни яхши билурсиз.

— Баш устига, — деди Хайём самимий боқиб. — Ихтиёр этган кунингиз мен ҳозир бўлурмен.

— Ташаккур! Шу бир-икки кун ичида сизга киши юбориб, хабар берурмен...

Хайёмнинг ҳаётида яна бир эврилиш рўй бермоқда эди. Унинг сўнагетган туйғудари тагин уйғона ва умрига қачонлардаги каби маъно кира бошлади. У ўтган шу бир неча кунлар ичида Фаззолий ҳақида янгилиш фикрда бўлганилигини фаҳмлади. Барча фикрларига, дин, илм борасидаги сўзу битикларининг барчасига ҳам қўшилмаса-да, уни закий сұхбатдош, турфа билимларнинг донишманд соҳиби ва айниқса, хулқу одоби расо зот сифатида ўз қалбига жо этди. Бир-икки бор сұхбат қургач, ихтиёrsиз тарзда тақи унинг сұхбатини соринадиган бўлди. Девонаи саркаш қўнгли бир ошно топди гўё. Билмас кишиларга уларнинг баҳслари оқ ва қора рангларга қиёс бўлгулик тарзда туюлиши мумкин эди. Бироқ улар сұхбатлари авж олгани сарин бир-бирларини тобора кашф этиб, борардилар. Хайём рўбарўсидаги гўзал сурату сийратли йигитга боқаркан, авом ва ҳаттоки, аҳли шариату унинг пешволари билган Фаззолий-бу ҳали асиш Фаззолий эмаслигини ҳис этарди. Унинг суратида ниқоб, сийратида мўл асрор мужассам эди. Аслини олганда, Хайёмнинг ўзи ҳам шундай эмасми, ахир, тунлари тўлонган, тушунксиз ўтларда жизғанак бўлиб, ўрганганд, бир шеър кўйида оламга симмаган, тоҳо илоҳий хилқатлар куршовида қолган Хайёмни ким ҳам билибди?!.. Билмас, билолмас. Эҳтимолки, Тангри таоло Фаззолий тимсолида шоирнинг юзига оина тутмоқдадир? Балки бунинг аксиdir. Сирлар, сирлар, сирлар!.. Бу дунёning асли пардалиғ эмасми, яъники, банда тўрт ён парда аросинда. Бу парданинг кўтарилимоги учун он қадар жиҳду жаҳд лозим. У Фаззолийда ана ўша жаҳдни тутмоқда эди...

Шаҳар томошасини Низомияга туташ шахристондан бошладилар. Минораси узоқ-узоқлардан кўриниб тургувчи жомеъ масжиди, донри оламга кетган кутубхона, сulton саройи ва малика-ю шаҳзодаларнинг қасрларини жам этган баш майдон ортда қолди. Фаззолий буларни кўриб улгурган эди. Мана улар шоҳмайдондан бошлангувчи кўчага чиқдилар. Тош ётқизилган йўлнинг икки четидаги қаторасига кетган турфа дўконларнинг олдидаги оғочлар-сапидор ва сарвлар ям-яшил тусга кирган. Уларнинг остидаги четига тош терилган ариқчанинг суви лим-лим оқиб, нозик фаросат ила текис экилган ҳар турли гулларга ҳаёт бахш этаёттандай. Исфаҳонни бежиз "шахри сабз" ("яшил шахар") деб атамасдилар, зеро, унда дараҳту мевалар, гулу сув бағоят мўл эди. Шаҳарнинг бу сифати айни кунларда тағин-да, яққол намоён бўлмоқда эди.

Фаззолий шаҳарнинг гўзал сувратига маҳлиё бўлиб борарди.

— Шаҳар бағоят озода экан, — деди у Хайёмга бир қараб олгач, атрофга интиқ тикилиб. Фаррошларнинг сидқидил меҳнатлари кўриниб турибдур.

— Тўғри англабсиз. — Унинг галини тасдиқ этди шоир. — Султонимиз ва айниқса, вазири аъзам ҳазратлари бошкентнинг озодалигига алоҳида эътибор қиласдилар. Шул боис ҳам фаррошларга яхши ҳақ тўлайдилар.

— Офарин! Султон ҳазратларининг ҳам, вазири аъзамнинг ҳам умрлари узоқ бўлгай!

Улар оҳиста қадамлар ила ёнма-ён борардилар. Фаззолий ҳар бир нарсани назаридан қочирмасликка ҳаракат қилас, мавриди келса ёхуд

эҳтиёж туғилса Хайёмни сўроқда тутарди. Йўлдан ўтаётгандар, четда турганларнинг аксарияти уларни, тўғрироғи, шоирни таниб, астойдил салом беришар, иккиси эса сухбат или андармон бўлганларни боис, кўпроқ бош силкиб алик олардилар-да, ўтиб кетардилар.

— Бухоролик Абу Али ҳам бу кўчаларда кезган чиқар? — деда савол қилган бўлди Фаззолий.

— Ҳа. Бир муддат Исфаҳонда ҳам жон сақлаган, — деди Хайём унинг саволдан муддаосини англашга уриниб.

Фаззолий ўйчан қиёфада деди:

- Ул зот табиат илмлари бобида беназир олим ва улуг ҳаким эди.
- Қуръону суннат илмларини ҳам мукаммал эгаллагандилар.
- Сизга устоз қавмида чоги?

— Шундоғ, жаноб! Ул зоти муборак илк тошини қўйган расадхонада илм этаётганимдан ифтихор қилурмен. Риёзиёт, ҳандаса, фалакиёт ва табобат илмлари борасинда, айтганингиздай, шогирд мақомидадурмен, — деди Хайём овозини хиёл кўтариб.

— Унда Абу Алиниңг руҳнинг кўчиб юриши ва банданинг тақдири дахлсиз эканлиги ҳақидаги фикрларига ҳам қўшиларсиз?

— Яъни?

— Унинг фикрича, киши руҳи ҳеч қачон йўқ бўлмайди, у қазо қилгач ёки инсон, ё ҳайвон ва ёхуд оғочми, гиёҳми танига жо бўлади. Бу то рўзи маҳшаргача давом этаверади.

Энди банданинг тақдири хусусига келсак, ҳакими ҳозиқнинг баёнича, ибтидо бор, интиҳо бор ва у Ҳақ таолодан, бироқ ўргада, яъниким, бу фоний дунёда инсон тақдири мутлақо дахлсиздир. У не қилса, ўзи қиласидики, илло, охиратда шунга муносиб ажр олади.

Улар сұхбатга бениҳоя берилиб кетганларни боис, энди салом бергувчиларга бош силкимоқни ҳам унутмоқда эдилар.

— Сўзларингиздан англадимки, устознинг рисолаларини астойдил ўрганибсиз, Лекин ул зотнинг руҳнинг кўчиб юриши ҳақидаги фикрлари хусусида сўзлашга охиизмен. Чунки битикларида ҳали бу янглиғ фикрни учратмадим.

Банданинг тақдири дахлсизлиги борасидаги фикрларига мен ҳам қўшиламен. Сиздайнин донишманд шариатпеша қошида бул сўзларим ғалат туюлар. Лекин сұхбатимиз дўстона бир тарзда эрканлиги важидин узр или ўз қарашларимни баён этай. — Хайём бироз жим тургач, ўйларини жамлаб олди шекилли, сўзида давом этди. — “Саҳиҳ”да шундайин ҳадис бор: — У ҳадисни чиройли қироат или арабийда айтмоқда тушди. — “Абдуллоҳ (ибн Масъуд)ривоят қиласидилар: “Ҳар қайсингизнинг вужудингиз онангиз қорнида қирқ кунда таркиб топгай, сўнг яна шунча кунда лахта қонга ва яна шунча кунда бир парча этта айлангай. Кейин Оллоҳ таоло (онангиз қорнига) бир фариштани юбориб, унга тўрт сўзни, яъни, қандай ишлар қилмогингизни, ризқингизни, умрингизни ва баҳтсиз ёким баҳтли эканлигингизни ёзигб қўймоқни амр қилгай. Сўнг жисмингизга руҳ пудалгай. Сизлардан қайсингиздир ўзи бирлан жаннат ўртасида бир тирсак масофа қолгунча амали солиҳлар қилиб юргайди, пировардида (онаси қорнида битилган) тақдири унга пешвоз чиқиб, жаннат аҳлига мансуб иш қилгай. — Хайём томоқ қириб, тўхталиб олди. — Олмоҳнинг тақдири, ёзиги ҳақ. Бу шубҳадин холи. Илло, инсон Оллоҳ таборака таолонинг қудрату муҳаббати маҳсулидир. Вале, ҳадиснинг иккинчи қисми кишида иштибоҳ уйғотади. Яъники, банданинг жан-

натий ва ёхуд дўзахийлиги аввалдан белгилаб қўйилган экан, унда имтиҳон қўлмоқдин не маъно? Бунинг устига Ҳақнингadolati қайда қолади? Менинг фикри ожизимча ҳам инсоннинг бу фоний дунёдаги тақдири даҳлсиздир. — Хайём Ал Бухорийнинг "Саҳиҳ"идан мазкур ҳадисни эсларкан, шуурида бундан анча йиллар муқаддам илк бор Самарқандга келиб Имом Бухорийнинг мозорини зиёрат қилганидаги хотиралар айланди. Ўшанда улуғ муҳадиснинг қабри устида ўзи учун тушуниксиз, бироқ ҳузурли илоҳий жазба ҳолига тушганди. Ўн икки кун ўшал мозористонда тоат-ибодат ила машғул бўлиб, савобини имом ҳазратларининг руҳига баҳшида этганди. Мозор бошида қалбида туғилган ушбу сатрларни тақрор ва тақрор ўқиганди:

*Бандаликдан оғсим, пайқадим, Тангрим,
Юздан гуноҳларни артмадим, Тангрим.
Лек шафқат кутурмен, чунки умримда
Танҳони жуфт дея айтмадим, Тангрим.*

Фаззолий шоирнинг куюнчаклик ила айтган сўзларидан мутаассир бўлиб, хийлагина сукутда қолди. Аммо тан беришга ёхуд индамай қўя қолишга худбинлик ҳисси йўл бермадими, босиқ овозда гапира кетди:

— Биласизки, мударрис қай бир толиби илм, яъни, ўз шогирдининг неларга қобиллигини ва ёки ожиз жиҳатларини жуда яхши билади. Лекин мавриди келганда толибини, албатта, имтиҳон қўлмоқдикни ҳам унутмайди. Бу унинг бурчидур. Оллоҳ таборака таолонинг бандага муносабатини авом тилида мана шу ҳодисотга қиёс қилгулик.

Хайём мийифида заҳарханда янглиғ кулди-да, ўз одатиша кескин тарзда деди:

— Бу энди сўзамоллик, холос, жаноб! Аслида, бул сўроғимга жавоб йўқ.

Бу маҳал шаҳарнинг обод ва саришта бош кўчаси ниҳоялаб, иккига айрилди. Сўл ёқдаги муюлишга тикилганча тўхтаб қолган Хайёмни кўриб Фаззолий ҳам қадамини секинлатди. Муюлишнинг сўл тарафида баланд оқ бино бўлиб, у катта бир тужжорнинг уйи эканлигини Хайём яхши биларди. Йўлнинг нариги бетидаги чоғроқ, бироқ нақшинкор дарвозаси устига ихчам айвонча қурилган ҳовли эса унинг учун анчагина қадрдан эди. Қачонки бу томонларга йўли тушса ёхуд тоҳо атайлаб мана шу дарвозани қоралаб келганида унга узоқ-узоқ тикилиб қоларди. Чунки бу муюлиш, анови дарвоза ва унинг деворлари Нишопурдаги ота ўйига жуда-жуда ўхшарди. Шунинг учун уни кўриб, олис болалиги, Нишопур кўчалари ва айниқса, раҳматли падари, уни мудом кутаётган волидаси-ю, синглиси ҳақидаги хотираларнинг бағрига ғарқ бўларди. Соғинч ва яқинларига нисбатан айборлик ҳисси қалбини эзиб, қийноққа соларди. Ҳозир ҳам айни шу кўйга тушди.

— Манов дарвоза, бу муюлиш Нишопурдаги ўйимизга жудаям ўхшайди, — деди у овози титраб.

Фаззолий ундаги эврилишни, изтиробни, оқи қизғиши кўзларининг йилтираганини сезди. Унинг акси ўлароқ бунинг кўзлари оқи бағоят оппоқ бўлиб, қароқларидан оқ алсанга чиқаётганга ўхшарди. Маҳзун турган шоир унинг нигоҳидан бир бор мутаассир бўлиб, таажжубга тушди-да, тезлиқда ўз дардини унтишиб, ҳамроҳини ўнг ёққа бошлиди. Кейинги кунларда унинг ўнгу сўли айқаш-уйқаш бўлиб бормоқда эди. Авваллари ўзидағи сўл ёки соғ ёққа оғишини шууран яқдол сезиб турарди. Энди эса гўё унга барибирдек-қай тарафга қайрилса ҳам маъно изламайди ва бунинг хато ёки ўздан кетиш эканлигини ҳам ҳис этади. Аммо қарийб парво қилмайди. Ҳозир эса беихтиёр ўнгта бурилди.

Бу кўча шаҳарнинг энг катта бозорига элтарди. Унгача энг катта карвонсарой ҳам шу ерга жойлашганди. Карвонсаройнинг одди анча кенг бўлиб, унда оту туялар, хачири арабалар тизилиб турар, уларнинг атрофида гимирлаётган одамларнинг бақир-чақир ва сўзлашув овозлари бу жониворларнинг турфа товушларига қўшилиб, қулоқни батангга келтиради. Абу Ҳомид карвон ила шаҳарга келган куни мана шу карвонсаройга қўнганди ва бир неча кун давомида уни тузукина кўриб улгирганди. Шул боисми ва ёки шовқин-суронга тоқат қилолмадими, Хайёмни ҳам илдамроқ юрмоққа ундан, у ердан тезликда ўтиб кетдилар. Карвонсаройдан сўнг йўл ёқасида хунармандаларнинг қатор дўйконлари жойлашганди. Ҳалиги овозлар анча ортда қолиб, қулоқлари тингач, яна аста одимлай бошлидилар.

Ғаззолий дўйконлари олдида ўтирволиб, алланималарни тикаётган ёхуд ямаётган косибларнинг ҳаракатларига ажаб бир орзиқиши ила тикилиб бораради.

— Менинг падари бузрукворим ҳам косиблиқдан боҳабар эдилар. Бул ҳунарни бениҳоя қадр этардилар.

Хайём эндиғина бир сўз демоқчи бўлувди ҳамки, рўбарўсида уларга орқа қилиб ўлтирганча, олдидаги икки кишига қизиқ гапларни гапираётган косибнинг овози иккаловларининг ҳам хаёлларини бўлди. Дарвоҷе, бу Талхнинг дўйони-ку, деган ўй урилди шоирнинг бошига ва гапиргувчи, айнан, Шокир Талхнинг ўзи эканлигини ҳам пайқади. Талх эса уларни кўрмас, тиззасидаги эски маҳсига тинмай бигиз урар, икки сухбатдошининг қулоқларига бўлса сўз бигизини санчарди:

— Бу аҳли мунахжим деганлари ўзларига бағоят бино қўймишлар. Бир ривоят эшишиб эдим...

Икки олим тўхтадилар.. Ихтиёрсиз равиша Талхнинг сўзларига қулоқ тутарканлар, унинг гапларини эшиштан Ғаззолий Хайёмга бир қур қараб, жилмайиб қўйди. Унга жавобан шоир ҳам самимий табассум қилди. Косибнинг икки сухбатдоши Хайёмни таниб, ўринларидан кўзгалмоқчи бўлувдилар, у "жим" дея ишорат этди.

Улардан бехабар Талх эса авом тилидан эшиштан ривоятини сўзламоққа бошлиди:

— Бир куни Ҳазрати Али карамаллоҳу важҳаҳу Богдод шаҳрининг расталари оралаб кетатурган эканлар. Шунда бир мунахжимни кўрудуларки, илми нужумни кўп яхши билурмен, деб муболагалар қилиб, мақтаниб ўлтирубдур. Ҳазрати Али келиб, аниг илкидан тутиб айтдиларки: "Эй, биродар, сиз мундор илми нужумга моҳир экансиз, осмоннинг табойиъларини ва ер юзи иқлиmlарининг ҳаммасини яхши билур экансиз. Шул каби нархнинг арzonу қиммат бўлморини ҳам билур экансиз ва ўзингиз мунахжимларнинг раиси экансиз. -Талх сўзини ҳамроҳлари жимгина эшиштаганликларидан илҳомланиб тобора авжланар ва овозига ҳам салобат кириб бораради. Шунингдек, у илкидаги юмушини-да уннутмас, бармоқлари бигизга тин бермасди. -Бас, мени сизга сўрор этмоққа ҳожатим бордур. Эмди сиз бу жойда бир лаҳза таваққуф қилиб туринг ва мен бориб таом келтирайун. Иккимиз ҳамтабақ бўлуб, хўрак қилайлук. Андин сўнгра сиздин мақсадимни сўрармен ва сизнинг фазлингизни бул одамларга билдируб машҳур қилайн", дея бир коса сут ила икки адад нон келтиридилар. Косани ўртага қўйуб, ноннинг бирини ўзлари олиб, иккинчисини ўшал мунахжимга бериб, дедилар: "Нонни косага тўғраб солинг." Ва ўзлари ҳам нонни тўғрадилар, сўнгра илки ила косани ковлаб, нонни аралаштиридилар. Андин сўнгра айтдиларки: "Эй биродар, бу нонни емоқда ҳам илмингизни ишлатинг." Мунахжим сўради: " Бул нонга илмимни қай тариқа ишлатайин?" Ҳазрати Али айтдиларки: " Ушбу косага ўзингиз тўғраган нонларни топиб олинг ва мен тўғраган нонни адаштириб

олиб еманг." Мунажжим эса: "Ҳар иккимизнинг тўғраган нонларимиз бир-бирига аралашиб кетди. Эмди ани қандоғ топиб олурмен?" деб эрди, Ҳазрати Али айтдилар: "Эй, ёлғончи ва ноинсоф, ўзингни олдингда турган косанинг ичидан ўз илкинг ила тўғраб солгон нонингни топиб ололмассану осмоннинг устидаги юлдузларни қандоғ танурсен?! Оллоҳ таолонинг ҳикматини ва имми ғайбни қандоғ қилурсен?!" Шунда мунажжим: "Сиз ўзингиз тўғраган нонни топиб олурсизми?" дея сўроғ этди. Ҳазрати Али айтдиларки: "Мен ҳам билмасмен ва мендан ўзга кишилар ҳам билмаслар, магар Оллоҳ таоло билур". Ул юфил банда дедики: "Унда кўрсат ўшал кароматингни, токи имми нужумни қўйиб, имми ғайбга кўнгул боғлай!" Бундин мутаассир бўлғон Ҳазрати Али қўлларини дуга очиб, муножот қилдилар: "Худоё! Мен Алиниг қулим деганинг рост бўлса, Исломнинг ҳурматидин ушбу осийға қудратингни кўрсатиб, анинг тўғраган нонини менинг тўғраган нонимдан ажрат ва халойиқ олдида мени хижолатдан чиқаргил!" Шунда Оллоҳ таолонинг қудрати ила косадаги сут қайнаб, мунажжимнинг тўғраган нонини косадан чиқариб ташладики, унга сут ҳам юқмаган, қуруғ эди. Ул вақтда нечалаб кишилар бу мўъжизани томоша қилиб, таажжубда здилар. Андин сўнгра Ҳазрати Али косани кўтаруб, ўзи тўғраган нон ила халойиқни сийлади. Ҳаммани тўйғуздилар, бироқ косадаги нон асло қамаймади. — Шокир Талх юмушдан кўл узиб, қаддини ростлаб, гердайди-да, рўбарўсидаги кишиларга "қалай, болладимми, калтафаҳмлар, сўз айтмоқ мана мундоғ бўлур", дегандек бокди. Улар эса оғизларининг таноби қочиб, тиржайиб турардилар. Чунки ортидаги Фаззолий ва Хайём ростманасига кулар здиларки, Фаззолий гоҳо "уқдингизми" дея Хайёмни мутойибали тергаб қўярди. Ана шунда Талх улуғ меҳмонларни пайқаб қолиб, шитоб ўрнидан қўпди.

— Ассалому алайкум, муҳтарам зотлар, — деди хиёл эсанкираганча бидиллаб, лекин илки кир бўлганлиги боис сўрашмоқ учун узатмади.

— Мунажжимларга мана шунча маломатингиз бор экан-да, ё Талх!
— дея заҳарханда қилди Хайём.

Талх бироз қизарди, аммо ўзини йўқотмади. Чиройли мулозамат ила меҳмонларни дўконига таклиф этди.

Хайёмда андак жizzакилик мавжуд эди, лекин ҳозир бу жizzакилиги Фаззолийга ожизлик бўлиб кўринмаслиги учун ўзининг ҳалиги гапидан кейин ростмона самимий ҳазилга ўтди:

— Агар Пайғамбар алайҳиссаломнинг косиблар ҳақида айтган ҳадиси шарифи бўлмаганда эди, бояги гапингиз учун сизни тутиб, имми нужумга ўқитган бўлур эдик.

Енгил кулку ила дўкон ичига кирдилар. Бундан мурод озгина салқинламоқ эди.

Юзларига фотиҳа тортидилар.

Хона тор, бироқ бағоят саришта -ҳамма нарса ўз ўрнида эди. Унда чарм, турфа мой, енимларнинг ҳиди уфуриб турарди. Бу ҳол азали камтарин бўлган икки олимга асло азият етказмади.

Талх қўлларини ювиб, аёқда яхна шарбат келтириди:

— Қани, марҳамат қилсингар!-деди у пиёлаларга шарбат қуйиб узатаркан. — Бизнинг вайрони ҳам обод ва нурафшон бўладурғон кун бор экан, Оллоҳга шукр!

Фаззолий рўздор эди ва шул боис шарбатни рад этди. Хайём унинг ҳамиша рўза тутмолини эслаб, ҳам ироди-ю эътиқодига лол қолди, ҳам хижолат бўлиб шарбат ичмоқдан тийилмоққа саъй этди, бироқ ташналил қўймади.

— Сиз юмушингизни қилаверинг, — деди Хайём ташқарига ишорат этиб. — Шукрки, бизнинг оёқларимиз бут. Бироз салқинламоқ истадик.

— Хўп бўлади, тақсир. Лекин бу ҳаракатларим боиси бояги сўзларим заҳридин қалбингизда бино бўлғувчи кемтикни тўлдирмоқдир, холос.

Кулишдилар. Шу билан орадаги хижолатпазлик барҳам топди.

— Аслида, косибнинг ҳалиги ҳикоятида ҳам маъни бор, —дея гап бошлади энди Фаззолий. — Аҳли нужумнинг баъзилари гоҳо ақларига бино қўядилар.

Хайём бу каби маломатларни, ҳалқ орасида кезинган шундайин турфа гап-сўзларни орқаваротдан кўп эшитарди. Шул боисдан ҳозир дарров қизишиб кетмади:

— Сиз Қуръонни биздинда хўп билгувчисиз. Демакки, ундаги "Буржлар" ("Буруж") дея аталувчи сурадан ва унинг "Буржлар эгаси бўлмиш осмонга қасам", деган илк оятидан бохабарсиз. Ўн икки буржни Оллоҳ таолонинг ўзи яратган ва ақли расо бўлган бирон кимса унга эгалик қиломас. Лекин ана ўшал маъволарнинг буюк соҳиби у ерга бандаларининг тақдир китобларини, яъники ёзиқларини пин-ҳон этган бўлса, не ажаб. Аҳли нужум эса ўшал асрорни, бани башарнинг тақдир китобини ўқимоққа саъй этадур, холос. Бунинг нимаси айб, жаноб?

— Ахир, Қуръон юлдузларга қараб фол очмоқни, инсон тақдирини башпорат қилмоқни ман этади-ку!

— Қуръон эмас, — деди энди Хайём ўз одатича кескин, — суннат, тўрироғи, шариат уни таъқиқ этади. Эҳтимол бандаларнинг чуқур кетиб, ҷалғишларидан сақланиш учун шундай қилингандир. Билмадим, бу борада бир нима демоқдин ожизмен.

Фаззолий беихтиёр шоирнинг илкидаги шарбатта боқиб, бироз ўйчан кўйда ўлтириди.

— Унда Қуръони каримдаги мана бу оята не дейсиз? "Биз кечча ва кундузни (ўзимизнинг қудрати илоҳияларимизни кўрсатиб турадиган) икки белги-аломат қилиб қўйдик. (Ҳеч нарса) кўринмас қоронгуликни кечанинг аломати қилдик. Кундуз аломатини эса, парвардигорингиздан фазлу марҳамат (яъни ризқу рўз) исташларингиз учун ҳамда йиллар саноғини ва ҳисоб-китобни билишларингиз учун ёруғлик қилиб қўйдик..." Бу илоҳий сўзлардан бундин ўзгача маъно чиқармоқ мумкинми?

— Сиз ўз ўзингизни инкор этаётисиз. Ахир, Оллоҳ таборака таоло бу ояти каримада ҳам бизларни билишга, ҳисоб-китобга даъват қилаётис-ку!

Фаззолий жим қолди. Унинг туришидан бирон маънони уқиши мушкул эди.

Бу икки олимнинг сұхбати эди. Улар илму ҳикмат асосида сұхбат қуар эканлар, бир-бирларидан ғалатлик қидирмасдилар ёхуд бир-бировларини мот қилмоққа ҳам уринмасдилар. Зеро, ёлғиз ҳақиқатни излардилар. Ўз кўнгилларидаги түғёнга билмоқ ва англамоқ ҳисси ила таскин топмоқ истардилар. Шунинг учун улар сұхбат асносида бир-бирларидан ранжимоқни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Вужудларидаги илоҳий ишқ уларни тобора яқинлаштириб бормоқда эдики, буни ўзлари ҳам ҳозирча сезмасдилар. Таъбир жоиз бўлса, Абу Ҳомид Фаззолийнинг вужудида ўзи тан олмаган Хайём, Абул Фатҳ Үмарнинг вужудида эса ўзи кашф этмоқни истамаган Фаззолий яшарди. Яъни, улар жисмларига бир хил илоҳий ишқ оташи тушган икки хил одам эдилар.

Хайёмнинг кўнглида ҳузурбахш бир эврилиш кечмоқда эдики, бу унга жуда-жуда хуш ёқарди.

— Мансури Ҳаллож илоҳий ишқда маст бўлгани янглиғ ҳам сұхбатнингиздан мастдурмен. Мисоли "Анал Ҳақ" лаззатини тотадурмен. —

деди у сұхбатта чүр ташламоқ умидида. — Даироқе, Ҳалложнинг мақомида у бир кеча-кундузда ўқиган минг ракат намоз, тұғрироғи, сұз (Анал Ҳақ) муҳимми ёхуд унинг рухий ҳолатими?

Савол нозик зди. Газзолий наздида, бу хатокорлиғдай туюлди.

— Албатта, намоз, сұз муҳим, — деди у қатый бир тарзда¹.

Хайём тақи ёнди:

— Мансури Ҳаллож бир кеча-кундузда минг ракат намоз ўқиган-лигини айтдым. Ҳар бир ракат учун эса алоҳида гусл қылган эканлар. Ҳаттоқи юлқалашиб кеттанидан устидаги ҳирқасининг вазни ҳам қолмаган экан. Агар жисмга эътибор этилса, ўшал минг ракат намознинг ўзини ўкиш имконсизdir. Демакки, бунинг учун рухий тайёрлиғ ва мақоми хос даркор. Хулоса шулки, бунда ҳалложнинг ахволи (мақоми) муҳим эмасми?

Газзолий босиқлик ила, vale маңнодор жилмайды:

— Үнда жаноблари айтсиналарчи, "Анал Ҳақ" хитоби унинг жисмидан учдими ёхуд руҳиданми?

— Албатта, руҳидан-да! — Хайём сұхбатта авжлироқ киришди. — Ҳаллож тинимсиз ибодат ва зикруллоқ ила нурга эврилиб, илохий тажаллийга қоришиб кеттап зди. Үнда жисм қолмаганди. Фоғилю жоҳиллар эрса, йўқ жисмни қатл этдилар. Ҳаллож буни сезмади ҳам ҳатто. Бу бағоят юксак мақомдур!... — Шоирнинг нигоҳида туйқус ўйчанлик зоҳир бўлиб, юзида изтироб балқди. Ё соҳиби Файб, бу кимнинг, сўзлари дея хаёл қиласди у, ким айтди мен учун бегона бўлмиш бул янглиғ фикрларни? Мен-кўплар ва айниқса, ақди шариат наздида, майпараст бўлмиш саркаш шоир, банданинг бандилик мақомини қалбан инкор эттубчи осийлик номига сазовор нужумпараст зот наҳотки шу сўзларни айттан бўлсан? Қайдин учди бу фикр пайконлари?

Газзолий шоирнинг сўзларини тасдиқ ҳам, инкор ҳам этмади. Аслида, ихтиёрсиз равишда унинг қалбида, вужудида ҳам ўзгача бир галаёнлар уйғона бошлаганди. Шунинг учун ва ёхуд ўз кечмишини англай олмагани боисми, ҳамроҳини бу ерни тарқ этмоқликка унди.

Улар Талх ила қуюқ хўшлашиб, ўз ўйларида давом этдилар. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, Газзолий титроқ овозда савол этди:

— Исфаҳон муттакоси² Адам Шайх ҳазратларининг ҳонақоҳлари қай тарафда?

Иккалаларининг нигоҳлари бандоғоҳ тўқнашдилар: воажаб, айни дамда Хайёмнинг хаёлидан ҳам Шайх ҳазратлари ўтиб турганди.

— Шаҳар адогида, — деди шоир кун ботиш тарафга илки ила ишорат этиб.

Шу бўйи қайтиб сұхбатлари қовушмади, иккалалари ҳам хаёлга чулғаниб, намози асрографа шаҳарни кездилар...

Ўн биринчи боб

1

Хайём оромини йўқотди. Авваллари вужудида уйғонган тушуниксиз кечмишларни май тафти, мусиқий ноласи ва ёки шеър мавжи ила

¹Мұхтарам ўкувчига шуни айттиб қўймокчимизки, тарихий китобларнинг гувоҳлик беришича, "Хужжатул Ислом, буюк имом, шайх Абу Ҳомиқ Газзолий ҳазратлари ёшник Йилларида Куръон ва суннатни қаттиқ туттан ҳамда шарият аддомларига қаттиқ берилган зот бўлганлар. У кишида ҳали кўнгил макоми шаклланмаган, тасаввуф илмидан боҳабар бўлсалар-да, ҳали унга ихлас қўймаган, яъни, бенитибоҳ (оғоҳ бўлмаган) здилар. У пайтлари ҳазратимиз, дозирги замон тили билан айттанды, Ислом назариётчиси здилар. Юқоридаги жавоби зот умрининг ёшлиқ Йилларига тўтир келди. Умрининг иккинчи ярми ва айниқса, охирида у киши дунёвий нарсалардан воз кечиб, факат тоат-ибодат ва ижод ила машрул бўлганлар ҳамда улув макомларга заришганлар.

² Умар Хайём зса, бу пайтада ўз рухий ҳолатини тўла англаб етмаган бўлса-да, кўнгил макоми Газзолий ҳазратлариникидан хийла юқори зди. Аммо буни уларнинг ўзлари сезмасдилар. Сездиргувчи зотнинг пешини ҳали тутмагандилар.

2 Муттакоси — сунячиги, мададкори

босиб, қалбидағи олов-оташга малжам топа оларди. Энди эса на май, на күй ва на назм ақволига кор қылмаётір. Илмдан, юлдузлардан ва уларга эш давралардан күнгли совуди. Илгари шундайин ақволга тушса, ичидан бир нимарса сирғалиб чиқарди-ю беадад май сипқорарди, мусиқа оғушида тебраниб, фарёд ура шеър үқири. Бу күн үшал нарса ташқары чиқмас ва гүё у маҳв бўлиб бораётгандек туолса-да, аслида, бошқа ёруғ бир нимарсага зврилиб, унинг бағридаги ўт тажаллийсига чулғаниб, жону жаҳонини янада баттарроқ, куйдиради.

У ҳатто намоздан, Каломуллоҳ мутолаасидан ҳам йироклашди. Ўзидаги бу ҳолатни англаёлмас, унга сари вужудига тағин-да куйдиргувчироқ ўт кетарди. Тунларни бедор ўтказаркан, қалбида Оллоҳ деган калом кун сайин кўкариб, гул очиб бораётганга ўхшарди ва бу сўз ададсиз рақам касб этарди. Шундай онларда у фақат ва фақат Фаззолийнинг сұхбатини истар, унинг ўзидан неча ёш кичик эканлигини билиб, бунинг маъносини шууридан ўтказиб турса ҳам унга томон талпинаверарди. Шоир дўстининг сұхбатини ихтиёр этаркан, ғойибона устози Үқлидуснинг уни мудом беором тутган бешинчи қоидасини эслади. Икки ёндош тўғри ҳад ҳеч қачон кесишмайди, деганди устоз. У икки ёндош чизиқни хаёлан уфқ сари йўлларкан, кўзлари илғаган маълум бир нуктада улар бирлашдилар. Демак, улар қачондир кесишади, бирлашади, фақат бунга бизларнинг ақлимиз қосирлик қилмоқда холос. Истиқболда улар бирлашур, илло у ва Фаззолий каби. Унда дин табиат илмларини, табиат илмлари динни исбот этиб, бир-бирларига хизмат қилурлар. У кунлар қачон келаркин?! Шундай пайтларда шоирнинг юраги ўртаниб кетарди.

Куръон Оллоҳ таборака таолонинг беадад илмидан бир улуши холос. Демак, ҳақиқат Қуръоннинг ижодкорида, соҳибида. Бундан аён бўладики, башарнинг шуури илғамас коинотда барча дин ва миллатлардан, ҳам устувор бўлган мутлақ ҳақиқат мавжуд. Балки ана ўша Мутлақият оламни бир бутун тутиб, моҳиятни барпо этар ва одамзотдан тортиб барча жонзоту наботот, туфроғу тошгача бир лисонда сўзлатор. Хайём бу нимарсаларни айни кунларда, яъни бедор куну тунларида кашф этарди. Ўша кунлари у ўзини ваҳмга ва ҳатто саросимага солған тушининг таъбирини ечгандай бўлди: Мастона кампирнинг Қуръони каримни ўтда ёқиб ўлтириши-унинг вужудига бемисл ўт солған улуғ Ишқ ташрифи, яъники Мутлақиятни англашимиди-үёғи энди Яратувчининг ўзигагина аён.

Фаззолий ила кечган навбатдаги сұхбат, ёйинки баҳсларида у мазкур фикрларни ҳам тўлғона-тўлғона изҳор этганди:

— Коинотни ўрганувчи, табиат асрорини фош этишда кўмак бергувчи илмлар мажусийлик авжида ниҳоятда ривож топмиш эди. Алар жумла осмонлар илмини, ҳайвоноту наботот асрорини, алжабр, ҳандаса, фалсафа, фаросат илмларини бағоят мукаммал эгаллагандилар. Алкимёни кашф этиб, аниг сирридин воқиф бўлиб, мисни олтинга айлантира олганлар. Жисмларни неча бора катталаштириб бергувчи заррабин шишани ҳам алар кашф этмишларки, ул ила маълони мушкулотсиз кузатмоқ мумкин. Ёки сирри мудом барчадин пинҳон кибра тул аҳмарни айтинг... Ҳа, мажусийлар барча илмларни табиат ҳодисотларига ҳамоҳанг тарзда ўрганмислар!.. — Хайём шеър айтаётган янглиғ завқу шавқ ила сўзларди ва бу шавқ тинглагувчига ҳам юқумли эди. — Ваниҳоят энди бани башар манглайига саодат нурини ёғдириб, улуғ Ислом дини юборилди. Инсон энди ҳалиги илмларни иймон торозуси ила ўрганмоқча киришди. Оқибат эса он қадар буюк. Агар илоҳий илмлар ривож топиб, табиат илмлари бир четда қолсачи? Унда хурофоту турфа бидъатлар авж олмайдими? Эҳтимол!.. Унинг акси ўлароқ илми табиийун юксаклаб, илми илоҳий тубандада қолса ҳам шу

аҳвол-рухий-аҳдоқий сифатлар таназзулга юз тутади. Демакки, ҳар неда меъерни, сирли оралиқни унутмаслик лозим!..

Ушанда Фаззолий ҳам бу фикрларга майл билдириб, сўзсиз қолганди.

Хайёмнинг ўшал меъёр ёхуд сирли оралиқ ҳақида ўзга назари ҳам мавжуд эдики, ани бировларга ошкор этмоқдан ҳамиша сақланарди. Бу сир шоирнинг шеърларига кўчганди. Эҳтимол унинг назмида ўшал рост сир борлиги учун ҳам эл ани суряр. Мана, ўшал чин сир: киши мастиликда ростликни англашга саъй этади. Мастилик ила ростлик аро шундайин бир муддат, балки сониядан ҳам камроқ муддат борки, ана ўшал вақтда ҳақиқат яққол ёлқинланади. Шул ёлқинни илгай олмоқ муҳимдир, саҳал у ёқ-бу ёққа оғмоқ католикнинг бошидир. Зоро, ғайб олами ҳам шу янглиғидир: киши Оллоҳ ишқида маству беҳуд бўлмоғи ва дунё ҳамда ғайб олами орасидаги сониялик барқни пайқай олмоғи лозим. Ўшал сониянинг ўндан бир улушича муддатда ғайб пардаси кўтарилиб, одам бутун бир оламни, осмонларни кўра олмоғи имконлидир.

Одам сафиюллоҳ яратилгунича, яъники, инсон бу дунёга келгунича қанча замонлар ўтган. Бундан кейин яна қанчаси ўтмоғи аник. Абадият қошида инсон умри, йиллар, асрлар бир лаҳза кабидур. Вале, инсон ана ўшал бир лаҳзада мангаликни хис этмоғи, англамоғи мумкин. Яъни, лаҳза ва мангалик бир бутун.

Хайём инсон умрини тушга қиёслайди. Одам тушида кўп нимарсаларни кўрмоғи мумкин. Бироқ битта муҳим воқеагина ёдида қолади ва ўшал воқеа эртанги куни учун башорат бўлиши ҳам мумкин. Ўшани эслаб қолса бас, сўнг эртанги куннинг мазмун-моҳиятини, ҳақиқатни англайди. Надоматким, бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди, акс ҳолда...

Одамзот яшар экан, шаҳарлар қуриб, сувлар чиқариб, китобот битиб, бир сўз ила айтганда, тамадунга эришар экан, у ибтидодан, яъни, ўз аслидан йироқлашиб бораверади. Асили сурату сийратидан мосуво бўлади. Унинг фожеаси ҳам шунда. Не этмасин, янги-янги урфлар, қоида ва таъзиқлар пайдо бўлаверади-да, аслидан жудоликка маҳкум.

Саодат замони оламга ёруғлик сочди. Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар соҳада умматларига ибрат бўлдилар. Не яхши нимарсага эришмасин бошқаларга илинди. Ҳар қандай ҳукмни адолат ила чиқарди. Шул боис ҳам кишилар ул зоти муборакка эргашдилар ва тинчу осуда, хотиржам яшадилар. Оллоҳнинг суюкли Пайғамбаридан сўнг эса... Ой сайин, йил сайин турфа одатлар, айрилишлар пайдо бўлиб бораверди. Суннат ва шариат аҳкомларига замон уламоларининг таъма-ю манфаатлари аралашди. Шариатда пайдо бўлган ҳар бир янги қоида, фатво кимларнингдир нафси учун хизмат қила бошилади. Оқибат эса..

Хайём ўшанда Фаззолийга бир ҳикоят айтиб берганди:

— Бир камбағал одам тирикчилик ташвишларидан, ниҳоятда, ҳорибди. Ақли паришон бўлиб, ихтиёrsиз кўйда замона шайхига рўбарў бўлибди. Бир таскин илинжида ул зотга ёрилибди. Рўзгори юпунлигидан, кун кўриш оғирлиги-ю замона адолатсизлигидан нолиб, кўз ёш тўкибди.

Шайхнинг унга раҳми келиб, шундай дебди:

— Сабр қилимок даркор, биродар, илло, чин баҳт, чин бойлик қиёматда сабрлilarга ато этилур. Ахир, Ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам не-не оғатларга, хўрликларга сабр этмадиларми? У кишининг хонадонида ҳатто емоққа нон қолмаган кунлари бўлган. Бу бизларга сабоқ бўлмоғи лозим...

Шунда камбағал шўрликтининг аламли овози эшитилибди:

— Унда барча — Пайғамбар ҳам, камбағал ҳаммол ҳам баробар

эди-да, тақсир!

Бу гап чин ҳақиқат эди, зеро, файзу барокат ва аҳилликнинг асли тенглиқдадур.

— Сиз Набий алайҳиссаломнинг ҳаётларини ўзгаларга ибрат қилур-сиз -бу бағоят соз, — деганди бир сафар Абу Ҳомид. — Вале, ўзингиз шеърларингизда Оллоҳга, унинг тақдирига исён қилмайсизми? Биз қай бир Хайёмга инонайлик?

Хайём ўйчан жилмайганди ўшандада:

— Фаззолий жаноблари билсинарки, менинг исёним, яъни, осийлигим Оллоҳ-соҳиби коинотга эмас, шу ҳаёт ва уни шу тарзда бино этаётган одамларгадур. Алар Тангри таоло яраттан барча нимарсаларни ўзларича қайта "ижод" этадилар-да, яратувчилик даъво қиласилар. Янги-янги тартиблар, таъқиқлар жорий этадилар. Ниқоблари дину иймон бўлгани билан, аслида, ундан эмас. Дин ташвиши алардан анчайин наридадур. Демак, алар ўзларини бу дунёning соҳиби деб биладилар. Шеърларимдаги исён ана ўшаларгадур.

Фаззолий кинояли табассум қилди.

— Чиройли сўзлайдурсиз, — деди, сўнг тагдор сўз айтди. — Ҳар тутул шоирлик этдингиз.

Хайём мулзам бўлди. Ҳамсуҳбатининг галидан сўнг чиндан ҳам соҳта сўзлаганини, ўзини оқлашга уринганини фаҳмлади. Аммо энди кеч бўлганди, айбини ёпмоққа уриниши уни икки ҳисса ошироқ ила баробар эди. Шунинг учун индамай кўя қолди.

Фаззолий буни сезиб, ўзича уни тўғри йўлга чорламоқчи бўлди:

— Шеърларингиздаги сўроғу хитоблардан уларни қай ҳолатда қандай ёзганлигинизни пайқаш мумкин. — У шоирнинг ўз шеърларини мастилиқда битганлигига ишорат қилмоқда эди. — "Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийларидан) ҳар водийда дайдишларини (яъни, ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ё нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтиргмаганларини тупроққа қоришлирини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми?"

Хайём хуш қироат ила «Шуаро» сурасидан айтилган илоҳий сўздан янада мутаассир бўлди ва бир лаҳзагина ўзига хиёнат қилиши, ўз феълига зид иш тутиши қанчалик оқибатларга солмоғини тушунганидан баттар хижолатга тушди. Илло, Фаззолий нишонни тўғри олганди. Чин сўз қаршисида ҳар не куч ҳечдири.

— Ҳа, мен ўз шеърларимни бошқа бир таърифга сиғмас ҳолатларда ёзамен, — деди ниҳоят тилга кирган Хайём. — Кейин алар ўзимга ҳам ғалат туюладур. Илло, бандамен, бу оламда не-не гуноҳлар қилмадим. Балки шеърларим ҳам ўшал гуноҳларимнинг биридир. — Шоир бу сўзларини чинакам истигфор оҳангидага айтди.

— Сизни кун келиб кимлардир майпараст бир шоир, бировлар белазир табиийунчи олим, бошқалар эса уммул Китоб билимдони ҳофизи Қуръон, дея сўйсалар ажабмас. Эҳтимолки, бунда ҳам Оллоҳнинг бир ҳикмати бордур.

Хайёмнинг аввалги шаштидан асар ҳам қолмаганди, суҳбатдошининг сўзларини сукутда бош этганча тингларди.

— Зеро, уч олам мавжуд, — дея сўзида давом этди Фаззолий. — Биринчи, тубан (қуий) ҳисли жисм олами. Иккинчиси, ўрталиқ руҳий, ҳар нимарса маъно касб этгувчи олам. Ва ниҳоят учинчиси, юқори олам-Илоҳнинг макони.

Куйи олам ҳамиша ўзгариб туради. Илоҳ олами эса Буюк Иродада туфайли ўзгармас ва мангудир. Тоза руҳли кишилар Илоҳ оламига мансубдирлар. Чунки улар Илоҳдан яралганлар ва унга қайтадилар. Ва лекин қуйи оламга мансуб қалблар ҳам юқори олам ила робитага киришмоқлари имконли, фақат тушда, руҳий муроқабада.

Хайём авваллари бўлганида бундайин гапларга қулоқ солиб ўлтирамасди, шартта узарди-кўярди. Бироқ, айни дамда рўбарўсидаги ёш шариатпешанинг сўзларини ихтиёrsиз равища жон қулоги или тинглар ва барини қалбига жо этарди.

— Унда мен қай оламданмен? — деда сўради у паст овозда.

Фаззолий анчагина сукутта толди ва ахийри:

— Фурсати илил аён бўлғай, иншооллоҳ! — деди мавҳум бир оҳангда.

Кузнинг ўрталарида Фаззолий шайхулисломнинг чорлови или Богоддога отланди. Сафар тадоригини кўраётган кунларининг бирида шаҳар четига чиқиб қайтди. Аммо Адам Шайх или кўришдими ёки йўқми, Хайёмга ҳам ноаёнлигича қолди.

Бу айрилик иккиси учун ҳам оғир эди. Улар бир-бирларидан нелардир олганликларини, руҳиятларида, кўнгилларида ҳам ажаб звилишлар рўй берганлигини сезиб турсалар-да, тан олмасдилар ёхуд тан олмоқни истамасдилар. Нега бундай-бу энди Яратувчининг сири эди. Ўтган кунлар, ойлар икки соҳиби илим ва соҳиби дилни гўзал маъволарга ҳамда ана ўшал маъволардаги бетакрор руҳ чаманларига, осмоний тажаллийларга ошно этди. Ўша кунлари Фаззолий сұхбат асносида шундай деганди:

— Ҳали бизлар ҳакимизда турфа уйдирмалар, маломатлар тўқийдилар. Ҳатто иккимизни бир-бирилизга аксил қўйиб, ўз нафслари учун хизмат қилдирмоққа уринадилар. Дунёдаги барча динлар танҳо Яратувчига ҳар тарафдан элтгани каби бизлар ҳам бир манзилни кўзлаган икки хил йўлдаги йўлчилар эканлигимизни кўпилар англамай ўтадилар. Лекин шунисига ҳам шукр. Зеро, Тангридан келганмиз, Тангрига қайтурмиз!..

Айрилик они узоқ хайрлашдилар. Ҳали кўп бор дийдор кўришмоқларини сезиб турсалар-да, кўз ёшларини тиёлмадилар.

— Сизнинг йўлингиз олис, ё шоири замон! — деди Фаззолий уни кучоқларкан. — Сиз барча оламларга мансубсиз!..

У Исфаҳонга Ибн Синонинг изларини излаб келган эди, англадики, Хайём иккисини топди...

— Хуш энди, дўстим Умар Хайём!

— Хуш!.. Хуш, азиз биродарим!..

2

Хайёмнинг дил ва руҳий ғалаёнлари баттар авж олди. Энди англайдики вужудини кўйдираётган Ишқ буткул ҳаловатини олганди. На илмда, на ибодатда, на шеърда ва на майда дардига малҳам тополмасди. Тез-тез кўз ўнгида Мастона кампир намоён бўлар ва ўз бағрига чорлайверарди. Ўкраб йигламоқ истарди, йиглолмасди, нужум ҳолидан фол очмоқ бўларди, юлдузлар ҳам ёлғончилик туюлиб кетарди, илим истарди, лекин ўрганаётган, яратадиган илмлари ҳечдек кўринарди, назм олами эса ундан юз ўтиргандек эди. Аввалига у бу кўйини Фаззолийдан айро тушганлигидан деб ўйлади, ахир, яхши йўлдош, ҳар бир сўзингни осонликча англагувчи дўстдан, сұхбатдошдан айрилиш осонми?! Одам тафтини одам олади, дейдилар. Энди мисл-сиз оловдан бино бўлаёттан тафтини олгувчи ўшал ҳамдами йўқ эди.

Аҳли расадхона ҳам ҳайратда-ҳаммалари ихлос қўйган, ҳайбатидан тоғлар мук тушган, ғайратидан ҳар не юмушнинг бўйни синган теран ақл ва унга итоатли дил соҳиби бўлмиш шоир Умар Хайём афтода бир ахволга тушмиш эди. Бу не ҳол, деда бир четларда ўлдириарди эрка шогирди Исфазарий, ул шариатпеша устозни қандайин жодуга солди?! Микоил хожасига гоҳ-гоҳ тикилиб қўярди-да, ул зот

олим одам бўлса, мен бир омий сангтарошу томошабоз, унинг аҳволини недин билурмен, дея Полвон ила андармон бўларди. Фақат кекса Риндгина уни тушунарди чорги. Чунки ҳамиша Хайёмга халал бермасликка уринар ва турфа саволу нигоҳлари ила таъқиб ҳам этмасди. Аммо хожасининг кун сайин ундан узоклашаётганлигини сезиб турарди.

Ўшал кунларнинг бирида шоирни вазири аъзам ўз ҳузурига чорлаб қолди. У Хайёмдаги ўзгаришни бирордан эшигтганмиди ёхуд айни дамда пайқадими, номаълум эди.

— Сенга не бўлди, эй саркаш шоир? — дея сўради у ўзининг мардана овози ила уни қаддини кўтармоқликка ундан. — Бетобмисен ва ёхуд толикдингми?

— Билмадим, ҳазрати олийлари! Ростдан ҳам толикдим шекилли! — Хайём бу сўзларни мавҳум оҳангда айтди.

— Унда ҳордиқ ол. Май ила ёрни тут. Бундайин аҳвол сенга ярашмайдир, ўғлим. — Вазири аъзам уни илк бора шундай аташи эди.

Бу меҳр туғуси ила айтилган сўз шоирга ҳам таъсир этмай қолмади-дод солиб ўқраб юборишига оз қолди. Бироқ уни мудом тарк этмаган фурур бўғзига урилган фарёдни тўсди.

Шундан сўнг гап қовушмади. Кўп ўтмай Хайём вазири аъзам даргоҳини тарк этди. Қайтаётиб бўсағада Қазвинийга йўлиқди.

Амирул шуаро энди ўзини анча ўнглаб олган, жисмида зухур этгувчи нотавонлик, руҳидаги гумон ва кўркув ҳам ҳозир сезилмасди. У бўлиб ўтган қаро кунлардан сўнг султон қаҳридан кўркиб, ўзини четга олиб юрди. Салтанат "об-ҳавоси" бир маромга тушиб, султону бошқа аркони давлатлар ҳам ўзга юмушлар ила андармон бўла бошлигач, унинг вужудидаги қора куртлар ғимирлай бошлиди. Не этиб бўлсада, Хайёмни олампаноҳга ёмон кўрсатиш учун режа тузмоққа тушди. Бироқ энди султон Маликшоҳ унинг сўзини унчалик ҳам сўз деявермас, вазири аъзам ва айниқса, Умар Хайём ҳақида ёмон гап олиб келишларини хушламай қолганди. Қазвиний буни биларди ва шул боис Хайёмни ёмонотлиқ қилмоқ учун айни кунда унинг шеърларидан ўзга маҳкамроқ туттугулик дастак йўқ, дея ҳисобларди. Филҳақиқат, сўнгти ҳафталаарда Хайёмнинг ғалат ва ҳаттоки, осийона талқинда битилган шеърлари кўпаймоқда эди. Амирул шуаро ана ўшандай шеърларни улкан умидворлиқ ила тўпламоққа жаҳд этганди. Шул ёнишлари асносида эшигдики, нужумпараст Хайёмнинг кўйи ҳам ўзгариб, аҳволи савдоинамо бўлиб қолган эмиш. Шоирлар амири бағоят шодланди ва улкан умидворлиги тагин улканлашди. Ажаб бўлгай, деди у кўзлари чақнаб, султонзода Муҳаммад Такашнинг уволи тутибди-да бул ногакорни! Хали бу ҳам кам, ҳадемай чиндан-да ақлидан мосуво бўлса ажабмас. Шундай килиб, Хайёмга астойдил кафан бича бошлиди. Хайём ила ҳозирги йўлиқуви ҳам унинг ўшал қувончли кунларига тўғри келганди.

— Ассалому алайкум, ё юлдузлар шоҳи! — деди у Хайёмнинг кўзларига синовчан ва ҳам кинояли тикилиб.

Кўнгли уйғоқ Хайём унинг боқишидаги маънони дарров пайқади. Савдойи деб гумон қиласидур бу дили сиёҳ, дея ўлади, қарашлари музаффарлик тантанасидек кўринадур. О, инсон боласи, ўзингнинг ҳолингдан ошиб, бирорларнинг кўнглини тафтиш этмоқдан қачон тий-иласан-а?..

— Шаҳарда камнамосиз? — дея давом этди тақи Қазвиний ундан кўзларини узмай. — Ёки биз дўстларингиздан этак қоқдингизми, жаноб?

Бу гапга муносиб жавоб қилмаса бўлмасди.

— Асло, эй амирул шуаро! Фақат дўстларимнинг яхшилик нури

ёғилган гүзәл ангорларига бокмоққа мен фақирнинг тоқатим етмас. — деди Хайём сўзларига кинояли жило бериб ва йўлига кетаверди. Шайтони лаъин эса кўнглига ғулу солиб, бул пачоқ башаранинг ёқасидан олиб, кекирдагини суғурмоққа ундарди.

Бундайин мумалани кутмаган Қазванийнинг кўзлари олайиб, туси бўз янглиғ ўнгиб кетди...

Фақат Марямгина... Хайёмнинг ўзига нисбатан аллақачон совиб ултурганлигини, аниқроғи, бефарқ бўлиб қолганлигини сезса-да, мудом унга талпиниб турарди. Айниқса, шоирнинг ҳозирги аҳволи қизни ортиқ безовталантира, ички бир сезим ила унинг туғёни боисини англаётгандек кўринарди. Хайём унга ҳамон ишонар, ўзгалардан пин-хон тутган кечмишини ҳам ундан яширмасди. Бироқ энди у Марям сари талпинмасди, васлига ошиқмасди.

— Устоз, зора ёрилсангиз! — деди бир куни Марям зорланиб, — Фаюрлар бу ҳолингиздан огоҳ бўлсалар, хавф наинки сизга, балки бутун расадхонага соясолур.

Хайём индамади, қизга маҳзун тикилди...

Сўнгги кунларда Хайёмнинг наздида, оламдаги жамики хилқатлар маъносизлик касб эта бошлади. Мавжуд нимарсалардаги фонийлик унинг кўнгил ойнасида тиник-равшан акс этмоққа тушди. Ўзининг барча уринишлари, даъволари зоедек туюлди. Олган илмлари фоний, шеър фоний, ҳатто манов улуғвор қоялар фоний, тириклик фоний-ҳамма-ҳаммаси фоний эканлигини англади. Англади-ю хўрлиги келди. Наҳотки еб-ичмоқ учунгина яралган бўлсам, дея наъра тортди қақраган бағри ўт ичра. Унда не боқий? Бу оламдаги не бир саъй зое эмас?! Танҳо Яратувчи, соҳиби коинот, яъники, энг олий шуур ҳақ. Вале, масжида саждага бош урган одамнинг ўз инсоний муддаоси бор бўлганидек, калисада сиғинган кимса ҳам риёдан холи эмас. Мажусий оловни, будпараст сангни Худо, дея ўз дардларини айтиб соладилар. Барчалари оддийгина маҳлук (яратилган), банда, қул эканликларини билгандар ҳолда, ожизона истак-илтижоларини тинглагувчи, ижобат этгувчи ёлғиз Зотни ҳам ич-ичларидан сезиб турадилар. Бироқ сўқир қалблари, ноқис ақллари исканжасида Яратувчини турфа суратларда, ўзлари каби ожизона қурбларда тасаввур этадилар. Аларнинг ақллари бундан ортиғига дош беролмас, фаросатлари эса ўшал ақлларига бандидир. Илло, бу оламда ҳар неки бор бандиликка, маҳкумликка элтур. Шоир эса бунга тоқат қилолмас. Инсон бўйнига илингандан бандилик занжирларини чил-чил қилмоқни истар.

Каъбаю бутхона қуллик хонаси,
Бутхона занги ҳам шум таронаси.
Мехробу калисо, тасбеху салиб-
Барчаси қулликнинг бир нишонаси.

Бу сатрлар кетидан ушбуси келди:

Бизга фалак иши-фақат ташвиш-ғам,
Бирини тикласа, бошқаси барҳам.
Ҳали келмаганлар бундан бехабар,
Хабар топа қолса келмас эди ҳам.

Шоир чинакам туғёнга келганди. У фоний умрга, ҳаммаси аввалдан битиб қўйилганлигига, бу битик-ҳаддан озгина бўлсин четлаш мумкин эмаслигига исён қиласарди. Унинг қалбида яратиш ишқи жўш уради. Бу ишқ унинг ихтиёридан айро равища инъом этилган тақдирни инкор қиласарди. Бу осийлик эди, ҳатто Оллоҳга ширк келтирмоқ ила

баробар эди. Аммо буни унинг ўзи тузукроқ англаб етмасди, олов, жазава оғушида эди. У ўзининг хато кетаёттанлигини гоҳо элас-элас илғаб қолар, бироқ фикр этмоғига вужудидаги оташ монелик қиласди. Тақи ўшал ихтиёrsиз тарзда ненидир, бир буюк эврилишни кутарди. Тушларида, ўлларида Мастона кампир уни тарк эта бошлади. Сўзсиз, итоаткорлик ила тарк этарди у. Энди оромини, хаёлини ўн беш ёшлар чамасидаги гўзал ва нурпош чеҳрали бир қиз ўғирламоққа тушди. У мислсиз соҳиби чирой эди, ҳар сафар кўзларига кўринганида юраги ҳил-ҳил оқиб кетарди. Бул беором руҳий ҳузурни қачондир ўқиган икки ракат намози асносида бир бора тотган эди. Энди унинг дийдори туфайли такрор ва такрор ҳузур оғушида...

Ўша куни шом маҳали расадхона ортида, тоғнинг пойидаги оғочзор ичра бир қуш узоқ ва асрорли сайради. Не қуш эди, беҳуд бўлган Хайём англолмади. Файб ишорати эди гўё бу. Чунки қушнинг саси аллақачон тинган бўлса-да, унинг қулоқларида акс-садо бериб тураверди. Бу ҳол то ярим кечагача давом этди. Тун ўзининг ҳикматли қисмига оғганда оромсиз шоир беихтиёр ўрнидан турди. Жаҳд ила расадхонани тарк этиб, шаҳар томон йўл олди. Бораркан, умрнинг бебақолиги ва Тангрининг васли ҳақида ўйлади. Ҳа, йўллар беададу манзил бир. Шундай экан, бир-бировни инкор этмоққа не ҳожат? Бу башарий худбинлиқдан, нафс қутқусидан ўзга нарса эмас-ку! Манзилга пиёда, ҳачир ёхуд отда бординг нима? Мухими манзилга етмоқ, фақат отдаги йўлчи ҳачирдаги ва пиёда кишига нисбатан аввалроқ етиб бориши мумкинолос. Бу худдики кетма-кет келгувчи сонларнинг бир-бирига нисбатларига уйқашдир-айирсалар озаяди, қўшслар кўпаяди. Дарвоқе, вақт ҳам бор. Ундан ғофил бўлмоқ-зиёда нимарсаларни бой бермоқ ила баробардур. Кетма-кет ўтаётган бир ҳил кунлар умрнинг зое кетаётганлиги. Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтмислар: "Кимнинг икки куни бир ҳил бўлса, бас, у алданган, кимники бугунидан эртаси ёмон бўлса, бас, у малъундир, кимки зиёдалиқда бўлмаса бас, у нуқсонда, кимки нуқсонда бўлса, бас, унга ўлим яхшидир." Бу ҳадиснинг унинг шуурига урилиши каромат эди, зеро у айни дамда Исломдан фалсафа сўқишига ожизлик қиласди. Ҳатто оғоч Тангрига ҳамд айтишда, зикруллоҳда одамдан зиёда экан, на одам, на наботот, на ҳайвонот бўлишилиқда фарқ йўқ. Зиёдалик иймонда, фидолик ва бахшидалиқда. Ўшанда мажусий зоҳид-мубоддан динингнинг асоси не, деб сўраганида, у шундай жавоб берганди:

— Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал.

Ё. Оллоҳ! Ахир, Исломнинг Фикр, Зикр, Шукр ҳикматига асосланган даъватига бағоят уйқаш эмасми бу?!

Хайёмнинг боши айланди. Ўлларининг аввали охирини йўқотиб қўйди. Шаҳарнинг нариги чеккаси сари бораркан, вужудидаги тӯфон тобора авжланмоқда эди. Бу бўрон ҳаловат илинжида беихтиёр шаҳар четидаги хонақоҳни-Адам Шайхнинг сирли даргоҳини кўзлаб борарди...

Хонақоҳ остонасига қадам қўйди. Ичкариларкан, ҳар қадам босганида вужудидаги ғалаён тобора тинаётгандек туюлди. Хонақоҳ ҳовлиси ўртасидаги ҳовузга етганда рўбарудаги хона эшигидан бир одам чиқиб, тўғри у томонга юрди. Бу одам баланд бўйли бўлиб, қуюқ узун соқоли оппоқ эди. Эгнида рангпар хирқа, бошида кулоҳ, мисоли учайётган каби қадам қўяр, атрофида бир қучоқ нур эргашиб юрганга ўхшарди. Эҳтимол унга шундай туюлдими... Хайём салом берди ёки салом бермоқчи бўлди, бироқ буни ўзи англолмади.

— Ва ниҳоят келдингизми, ё олимлар амири? — деди нотаниш киши унга ёвуқ келиб.

Шоирнинг хаёлига урилган биринчи савол шу бўлди: нега энди "сени" ламади? Шундан сўнг жисму жони эриб, ҳолсизланиб бораёттанлигини сезди. Дийдалари юмшаб, киприкларининг ости ачишиди. Хўрлиги келиб, дод солмоқни истади. Ана ўшаңда ҳалиги одам, яъни, энди у шуурининг аллақаेрида таниб улгургани Адам Шайх хирқасини икки ёнга қайирди. Шоир итоаткорона бош эгиб, юзини Шайхнинг кўксига босди, босгани ҳамоно шайх унинг бошини хирқаси ила ўради. У худди сув остига шўнигандек бўлиб, мисилсиз бир сукунат ва ҳузурбахш ҳаловат оғушига тушди. Шуури тиниқлашди, қулоқлари ҳали бирон марта бундайин сукунат овозини эшифтмаганди. Юраги жудаям осуда ура бошлади. Нигоҳи кўзни толиқлантимагувчи ёқимли ёруғликка тўлди. Ана, оппоқ суруш (фаришталар) улкан капалаклар мисоли учиб юрибдилар. Анови ёнма-ён ўлтирган кишилар ким бўлдийкин? Ё Оллоҳ! Бу, ахир, сайдидул анбиё Ҳазрати Рисолат саллоллоҳу алайҳи вассаллам-ку! Унинг кўзларидан дувиллаб ёш отииди. Йирагани сари вужудидан нимарсадир суғурилиб чиқар ва енгиллашарди. Ул зоти муборакнинг ёнларида завжалари Ойша онамиз ўлтирадилар. Ё Расулиллоҳ, дея ҳайқирди унинг қалби. Пайғамбар алайҳиссалом оҳиста у томонга қайрилдилар ва билинар-билинмас жилмайдилар...

Шайх уни кўксидан айирди. Йўқ, шоир ҳушидан оғмади, унинг борлиги мудом осудалиқда эди. Соҳиби хонақоҳ уни ичкарига бошлади. Хонақоҳнинг барча ҳужраларида шағам ва мойчироқлар ёниқ эди. Улардаги муридлар зикри ҳуфия ёхуд намоз ила машғул эдилар. Ўтиб боришаркан, бир ҳужра эшиги олдида ўқчиёттган йигитта рўбарў келдилар. Хайём уни бетобми, деб ўлади. Шайх унинг фикрини уққандай деди:

— Мана бир ойдирки бу фарзандимиз танаввул қилмайди. Неки еса, қайтиб чиқмоқда. Аммо сиҳати яхши, ўзи бардам. Ҳали бир бурда нон еб, бир пиёла сув ичганди. Мана, оқибати.

Хайём ёқа тутди.

— Оллоҳ субҳонаҳу таборака таолонинг сири бўлмиш рух неларга қодир эканлигидан ғофилсиз, эй валад (фарзанд)! — деган Адам Шайх уни олдинга бошлади.

Кенгроқ бир хонага кирдилар. Шайх уни ўлтиришга унدادи. У ўлтириб, ихтиёрсиз тарзда кўзларини юмди. Энди фақат пири комил сўзлади:

— Аввалги сархушлик-тан сархушлиги вужуд оловидир. Бунда ҳар дафъа шайтон алайҳилаъна хуруж этиб, ихтиёрни забт этмоғи мумкин. Сиз буни билурсиз. Сўнгра бир сукунат, сокинлик келадур. Бунда шуур, қалб тинаదур, тиниқлашадур. Буни пайқаган банда кўп гўзал маъволарни кўриб, соҳиби ҳол бўлади. Вале, бу кўйда ҳам хавф ва оғат бор. Сиз ўшандасиз. Интиҳода сархушлик бўлур-бу энди Илоҳ, муждаси. Унда хавфу оғат йўқ, фақат висол, руҳий насиба бор.

Деди:

— Малаҳда (чиғирткада) беш нарсага қобиллик бор: у юради, бироқ жадал эмас, учади, лекин юксак эмас, сузади-ю тез эмас, сакрайди, vale, йироқقا эмас, ковлади-ю чукур эмас. Демак, унда қурб бор, бироқ илоҳий жазава, истеъдод йўқ. Сизда ҳам ҳар нега қобиллик бор, фақат уларни тарбият этмоқ лозим. Шунда кўп улуғ насибалар олурсиз.

Сўнг айтди:

— Инсон ҳур бўлмоғи лозим. Бир нарсага жаҳд этдими, бошқа умидлардан дилни фориғ қилмоғи керак. Бутун вужудини, руҳу шуурини баҳш этса, ўшал юмушнинг оламда танҳо соҳиби бўлғай. Бизнинг талабимиз ҳам шул. Сиз, аввало, нимага жаҳд этганингизни тўла англаб олинг, бўтам!..

Бирдан рўбарўсида жанда кийган Мастона кампир пайдо бўлди. У аввалига бир пас маҳзун боқиб турди-да, сўнг ваҳимали ҳаҳ-қаҳ уриб, узоқлаша-узоқлаша юйиб бўлди. Энди эса соғида юзигача рўймол ёғлан теграсида нур ўйнаган фариштамонанд гўзал қиз кўринди. Унинг илкида коса бор эди. Косада лим тўла сут. У косани илкига олиб, дилдилидан: "Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм", деди-да, ютоқҳандай бўлиб сутнинг ярмини сипқорди. Косадан лаб узди-ю бир ваҳимали товушдан чўчиб уйғониб кетди. У ўз ошёнасида ётарди. Товуш эса Полвонники эди, у ғайритабииж безовталик ила ўқиради. Хайёмнинг бағри сирқираб, беихтиёр кўзларига ёш тўлди. У фаришта туттган ғойибона сутнинг ярмини ичолмаганига ўқинарди. Чунки шоир тушда сут ичмоқ Оллоҳнинг илмига соҳиб бўлмоқлик эканлигини яхши биларди. Ё Оллоҳ... Бу туш недин дарак, дея ўйлади у мудом сархуш, тушмиди ўзи бу? Унда хонақоҳ, Адам Шайх, муридлар, сирли сукунат- ҳаммаси тушмиди? Наҳотки туш бўлса?! Ўйининг охирига етолмади. Кўксидан отилган хоҳиш-илҳом ила таҳорат олмоққа шошилди.. Сўнг тавба нияти ила икки ракат аввобин (тавба қилувчилар) намозини ўқиб, изтироб ичра истиғфор айтди. У дунёдан буткул фориғ бўлмоқликни истади...

Хайём қирқ ёшга кирди...

Давоми келгуси сонда



НАЗМ



Абдумажид Азим

БИР КАЛЫКИҢ ШАХПАЛАДЫ
ДОЙЫМДА ФАНДЫ

Сенинг ҳар галгидек омадинг кулмас,
Олислаб кетгандек туулади үй.
Наҳот, танишларсиз ҳеч нарса бўлмас,
Кўксингни тимдалар аллақандай үй?

Тупроқли кўчалар кўзинг ўнгида,
Касалманд онангни тағин эслайсан.
Кўл силтаб барига, сафар сўнгида
Яйдоқ биноларга боқиб бўзлайсан.

Устингдан ҳамхонанг қилади эрмак,
Таъналар кўксингга ботади тиғдай.
Сарғайган қирларни кўмсайди юрак,
Тутундан бўғилган шаҳарга сифмай.

Эълон тахталарга қоқиб кўзингни,
Дединг: Қололмайман, кетаман бундан.
Шаҳар эшиитмади аммо сўзингни,
Бош олиб жўнадинг ёмғири тунда.

Яна қайтаяпсан ҳоргин изингга
Сарғайган қирларга тўймайди нигоҳ.
Йўллар, масофалар оқар изингдан
Яқинлаб келади қадрдон қишлоқ!

Тун — машшота келдими,
Юрак — бағрим тилдими,
Мен сени ёрим десам,
Ёр бегона бўлдими?

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан
Жоним фидо, ёр-ёр,
Иккимизни сўйдирган
Кодир худо ёр-ёр.

Маснадим эди осмон,
Осмонимда минг армон,
Еодан тирик айрилиб
Холим бўлибдир ёмон.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Афсонамиз, ёр-ёр,
Тун қўйнида адашиб
Девонамиз, ёр-ёр.

* * *

Мен узоқ яшадим. Қирқ йиллик ҳаёт
Кўзим қарогида мухрланган дош.
Айрилиб төғ мисол отамдан, ҳайхот.
Кўзимга келмади бирор томчи ёш.

Йигламоқ истадим ичикиб, ёниб,
Онажон, кўксингга кўйганимча бош.
Йигламоқ истадим юракдан қониб,
Э воҳҳим, кўзимда курибди кўз ёш.

Шамол етовида хислар сарсари,
Мени узокларга учирди бир пайт.
Она бошингдаги қирор гардлари,
Бу кун имо қилар: «Ўғлим ортга қайт!»

Ўғил кўрдим дея, сўйинган онам,
Ноқобил ўғлингнинг аҳволин тушун.
Итироб ўтида қовжирар танам,
Фақат ич-ичимдан йигларман бугун.

Яйдоқ йўлакларга дардим айтаман,
Юракда қайтадан бошланар тўфон.
Бағрингга бир кун қишлоқ, қайтаман,
Отам қўйларига бўламан чўпон.

Шеър ишқи кўнгилни айлаб девона,
Олис-олисларга бош олиб, кетдим.
Тошкент йўлларида мен яна-яна,
Кул босган юракни бехуда титдим.

Мен кетдим, кўнгилда орзулар осмон,
Армон, қадарлардан қувлашиб ўздим.
Бир кун соғинчлардан сарғайдим –
самон, ўзимни фариблар фариби сездим.

Бугун болаликнинг содда ўйлари
Силқийди кўзимнинг абрларидан.
Эгасиз қолибди отам кўйлари
Сурхоннинг қовжироқ адирларида.

Мен узоқ яшадим. Қирқ йиллик ҳаёт
Кўзим қарогида жонланар такрор.
Сурхон соҳиллари куйлаган баёт,
Қайнок бағрингизга қайтишим даркор.

* * *

Бир қалқиб тўхтади пойимда дунё,
Не гўзал хисларим ютибди сароб?!
Юрагим қаърида портлади гўё,
Армонли бир оғриқ, бўғиқ изтироб.

Не синоат сездим, нимани кўриб
Бу кун туюмокда бехуда, бекор.
Кўзимни беркитиб берибди фириб,
Томоша кўрсатиб чархи кажрафтор.

Фурсат ғаниматдир, тириқдирман то,
Жами сўзларимга берарман жавоб.
Бир қалқиб пойимда тўхтади дунё,
Эзгу туйғуларни айларман тавоф.

Ярадор шер янглиғ кўтариб наъра,
Юрак – суянчимдан сўрайман тўзим.
Мунгли ўйларимга қиларман зарда.
Ё, ҳаёт, ё ўлим энди ҳар сўзим!

Суюқ ўтмишларим, алвило, хайр,
Умрим тўлиб кетди сонсиз ёлғонга.
Рухим зинданнода тутқун бир тайр,
Озод хаёлларим учди осмонга.

Бордир сўнгги имкон тазарру учун,
Хато кечган умрим, тушунгин, қизгон.
Бошимни кундага қўймоқлик букун
Менга фавқулодда табиий, осон...

* * *

Менинг юрагимда
Йиглади баҳор,
Булбул нола қилди,
Юрак-бағри чок.
Менинг сўзларимга
Ишонгин бир бор,
Ташна кўзларимга
Дунёжон, бир бок!
Менинг ҳасратимни
Тушунгин ду кун,
Не боис фалакка
Исёнлар қилдим.

Юрагимни сенга
Кўрсатмоқ учун,
Кўксимни ланг очиб
Кошингга келдим.
Турибман ёнингда
Сўзсиз, паришон,
Бир оғиз сўз истаб,
Иstab бир калом.
Бу кун ҳасратимни
Тингла, дунёжон,
Бу кун шодлигимга
Шерик бўл, олам!



Ойгул
Суюндикова

ОЙГУЛ СУЮНДИКОВА

Олтин ранглар ўчди боғларда,
Кезинади олис хаёллар.
Күёш чиқиб келар тоғлардан
Сезилади совуқ шамоллар.

Улар қищдан беради хабар,
Оқ қорларга айланар ёмғир.
Ястанади кенгликлар қадар —
Кор остида қолиб кетган сир...

Бир күн бу сир очилар гулдай,
Анхорларда тұлікқанда сув.
Баҳор кулиб келгуси йүлда
Шамол дилга солгуси гулув...

Осмон чақиради, күш каби аёл
Күзини юммайды, چарх урар хаёл,
Күвонч ҳам, алам ҳам көлмайды малол,
Соат милларига урилар савол.
Онам тушларида күради мени,
Чунки, тушларимга киради онам...

Согинч чақиради, маъюс тикилиб,
Юлдузлар шұльласи кетди тұқишлиб.
Билдимки, баҳорлар ёнимдан ўтди,
Билдимки, минг азоб жонимдан ўтди.
Онам тушларида күради мени,
Чунки, тушларимга киради онам...

Шамол чақиради, изидан дудлуп
Бұлутлар кемаси сузади енгил.
Күрдимки, япроқлар йүлимни күтди,
Күрдимки, дилбар құз қүлимдан тутди.
Онам тушларида күради мени,
Чунки, тушларимга киради онам...

Ёмғир чақиради, тупроқ ошиғи
Осман куйлаёттир ҳаёт құшиғин.
Ёмғир сувларида оқиб кетаман,
Мен тонгни шу ёмғир билан кутаман.
Онам тушларида күради мени ,
Чунки, тушларимга киради онам...

Йүллар чақиради, адоги йўқдай,
Юрагимдан ўзга ардоги йўқдай.
Онамнинг олдида қолгим келади,
Дардларимни тўкиб солгим келади.
Онам тушларида күради мени,
Чунки, тушларимга киради онам...

Орзу чакиради, баланд тоғлардан
Күёш күтарилиб келган чоғларда,
Райхон исли боғни құшлар үйготди,
Мени тонготарда түшлар үйготди.
Онам түшларидә күради мени ,
Чунки, түшларимга киради онам...

Дардлашгинг келади, бирон-бир дүст йўқ,
Хали бу дунёда тўлган кам-кўст йўқ.
Мендан узокларга кетиб борар куз,
Пойимга тўкилган барглар — сўнгти сўз.

Бунчалар ёлғизсан, бунчалар ғамгин,
Бунчалар бенаво, бунчалар эзгин.
Айланади шамол, айланади чарх,
Сен ҳам ачиндингми умрингта, эй барг?

Бири кам дунёнинг гадоси бўлдим,
Битта ширин сўзниң адоси бўлдим,
Билмам, қай боғларнинг навоси бўлдим,
Сени тополмадим, сени, болалик...

Фанимат дамларнинг қадри қайдадир,
Ота уйим қайда, атри қайдадир?
Шамолга сочилик дардим қайдадир,
Сени тополмадим, сени, болалик?!

Нечун армонлардан кечиб кетмадим,
Нечун юлдузларни санаб етмадим?..
Айттин, яна қайга қадам етмади,
Сени тополмадим, сени, болалик?!

Товланади тилла барглар — тилла тангалар
Пойимга шовуллаб тўкилиб тушар.
Эниб ботаётган қўёшнинг сўнгги—
Нурлари кўзимда оҳиста жушар.

Кузги барглар сокин, шамоллар сархуш,
Ошиқ дил ёлғизлик истайди ёлғиз.
Боридан айрилган дараҳтлар билан
Айрилиқ куйини чалаётир куз...

Бу дараҳтлар менга яқин, қадрдан,
Баланд бўйли, қулоқ баргли, викорли.
Улар ҳар фаслда ёқиб ўтар жон,
Олтин табассумда, ёмғирли, қорли.

Бу кенг йўллар менга яқин, қадрдан,
Улар билан умрим оқиб ўтади.
Уларга сирини тўқади осмон,
Улар юрагимдан балқиб ўтади.

Бурайхонлар менга яқин, қадрдан,
Хидлари қалбимдан бўйлаб ўтади.
Улардан айрилгим келмас ҳеч қачон,
Улар мен ҳақимда сўйлаб ўтади.





Хамид Норкул

Истиқолол – соғинчга айланган Ватан
Яшілер... Жаңалық

Истиқолол – соғинчга айланган Ватан

Хар юртта доимо тинчлик танқисдир,
Танқисдир дунёда ягона Ватан.
Истиқолол йүлларин ёритган қуёш,
Ижобатлар, ниятлар күкарап ундан.

Юрт яна юксалар, баҳт ойдай ёруғ,
Ойдин орзулардан сүйлайди куртак.
Мусаффо осмоннинг ҳарир кўксида
Фасллар ўзига бичади кўйлак.

Тозарив боради элнинг умиди,
Даврага тўкилар файзли хосият.
Ўзини жаҳонга танитиб яшар
Навқирон кўзли бу – ўқтам Ҳуррият...

Истиқолол – қадрдан дўстнинг дийдори,
Истиқолол – соғинчга айланган Ватан.
Не ажаб, одамзод бугундан кўра,
Эртанги кун билан мукаммал экан.

Ўн беш йил – бир киприк қоқулик фурсат,
Буюк ўзгаришлар салобатлидир.
Тотувалик, барака, сабру қаноат
Бор халқнинг тонглари малоҳатлидир...

Үрик эрта гуллабди

Кўнгил сўраб келдим сендан, ўригим,
Қизғиши гулларингнинг лабларида қор.
Дунёда бормикан сендан ҳам кўпроқ
Баҳорнинг йўлига интиқ, интизор?

Кўкламнинг қўшиғин эрта куйладинг,
Ҳарорат ширин сўз айтгани чогда.
Бундок қараб кўйсанг бўлмасми, ахир,
Қара, жим турибди гиолослар боғда?!.

Синов

Хар кунинг – синовдан қолган фойдадир,
Тухтама, иқболинг бўлур зиёда.
Боқ, яёв кетмоқда отдан тушганлар,
Отга миниб олган қанча пиёда.

Чархпалак дунёмас, чархпалак феълмиз,
Шу айтар гапимни яхшиликка йўй:
– Отга мингандарга қўлингни берсанг,
Отдан тушганларга елканг тутиб кўй!

Отам

Ошини ошайды дунёда ҳар ким,
Ким савоб топгану кимдир шон-шуҳрат.
Бирорвни бир қарғыш излаб келганда,
Үзганинг эшигин қоқади раҳмат.

Бир умр имтиҳон қилмас-ку ҳаёт,
Бари бир синовдан ўтар йўлимиз.
Хамма ҳам жаннатга даҳлдор эмас,
Хатто, тенг эмасдир бешта қўнимиз.

Саксон йил қўнгилга қўприклар солиб,
Кишлоқдан нарига қўймади қадам.
Дунёдан қарзи йўқ, фақат Оллоҳдан
Бир парча жой сўраб яшайди отам.

Уйғонган болалар

Болалар ҳар куни байроқ қилишар
Кишлоқнинг чангитган кўчаларини.
Куёшни чилдирма қилмоқчи бўлар
Осмонга узатиб қўлчаларини.

Болалик ортидан қуваверишар,
Яна ҳам кенгайиб кетади Ватан.
Шу улуғ заминда ўсиб, улғайиб,
Иигитдай бўй тортиб қолади бирдан.

Тонгни уйғотади ҳар кун шовқинлар,
Яланғоч танларга нурлар ёқача.
Куёшни байроқдек кўтариб олган
Уйғонган болалар энди бошқача...





Абдураззок Күшша

ЁЛДОР ОТНИНГ ҚУЛУНИ

Хикоя

Турсунпўлат чол бир оғиз «Олмос!» деса бўлди эди, оти ёнига келиб, ер тепиниб турарди. Қишлоқда бирор яқин танишини кўриб отдан тушган чол қайтиб унга минмас, жиловини эгар қошига илдиради-да, қўлини белига кўйиб, уйга пиёда равона бўларди. Олмос эгасининг ортидан эргашарди. Ўтган-қайтган одамлар жуссаси тобора кичрайиб бораётган, бироқ ҳали бардам бу кекса чавандозга ва унинг итоатли отига ажабланиб қарашар ёқаларини ушлаб, ҳайратланишарди. Чол буни сезса-да, пинагини бузмай, сирли жилмайганича, оҳиста қадамлар билан йўлини давом эттиради. От доим бир табақаси очиқ дарвозадан ичкари киргач, тўппа-тўғри каттакон тут дараҳти остидаги яккамих олдига бориб, тумшугини баланд кўтарганча кишинарди. Чол эгар қошидан жиловни оларди-да, яккамихга боғларди ва бостирма остидаги фарамдан бир боғ пичан олиб ёғоч охирга ташларди.

Ичкари ҳовлида у-бу иш билан ивирсиб юрган Зухра кампир отнинг кишинагинин эшитиши биланоқ ташқари ҳовлига чиқарди ва катта ўғлининг номини айтиб:

— Келдингизми, Эшпўлат? — дерди.

Кампирини кўргач, Турсунпўлат чолнинг юзида хотиржамлик, овоздида майинлик пайдо бўларди.

— Саломатмисан, онаси?

— Тузукман, Эшпўлат.

Бу ҳол ҳар куни такрорланар, чолнинг назарида бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Кузнинг охири ва қиши ойларида бўладиган тўй кўпкариларида Турсунпўлат чол улоқ чопмаса-да, Олмосни миниб, чавандозлар даврасига кириб, чортоқ остини айланар, кўпкари қизиган паллада чавандоз кичик ўғли Тошпўлатга маслаҳатлар берарди:

— Уғлим ўртадан ёриб кир, лалайма... Жиловни бўш кўй... Отнинг қорнига пошнанг билан никта...

Чолга ўзининг улоқ чополмагани алам қиласади. «Эҳ, от ҳам, ўзим ҳам қаридим. На белда мадор, на билакда куч бор. Воҳей!» Бироқ, у Оллоҳ шу кунга етказганига, ўғилларидан бири улоқ чопиб, элнинг назарига тушганига шукур қиласади.

Эҳ-ҳе, Турсунпўлат чол кимлар билан улоқ чопмади. Кенжа ботир, Остон полвон, Фофир чўлок, Раҳмон полвон, Жўра бургут, Искандар

раис (ҳаммаларини худо раҳмат қиласин!)лар билан Фиждувон, Вобкент, Занданедаги тўйларга бирга борарди. Олдин уларнинг кўпкари тушишини томоша қилди, кейин эса, улардек солим учун тортищи. Турсунпўлат кўпкарига қатнашмаса, гўёки тўйлар файзини йўқотгандай бўлди. Ҳа, энди, Турсунпўлатни эл назарига туширган Ёлдор от ва Олмос эди-да.

Турсунпўлат ўн йилдан зиёдроқ Ёлдор отни миниб ҳам мироблик қилди, ҳам улоқ чопди. Кўшни қишлоқлик, узоқ қариндошли Зухрани кўргани Ёлдор отда борарди. Қизнинг оёқ товушидан пайқарди, жонивор. У келаверса, қулоқлари динг бўлар, кўзлари юлдуздек чақнаб, ўйноқларди. Зухра ҳам отдан чўчимасди. Унинг ёлини бармоқлари билан тараф туриб, севгилисига дил розини айтарди. Бир куни от учун ўзи зеб бериб тиккан ёпингич совға қилди. Ёлдорнинг янада кўракам бўлганлигидан Турсунпўлат беҳад севинди. Унтилмас, ширин дамлар эди. Зухра билан бўладиган тўйларига ҳеч ким монелик қилмади. Холавачча дугоналар — унинг ва Зухранинг онаси қуда бўлишга аллақачон аҳдлашган эканлар. Қайлигини Ёлдор отда олиб келдилар. Зухрани отта миндиришаётганида энгашибди, жонивор. Ақдли эди. Шундок кўнглингни, кайфиятингни сезарди-да. Сал хафа кўринсанг тамом, юзингни ялайверарди. Ҳа, Ёлдор шунаقا ажойиб от эди. Мурод мерганинг невара тўйида оёғи синди, жониворнинг. Майдонга кириб қолган бир болани босиб олмай деб, ўзини силтаб отди. Шунда мўнкиб кетиб, оёғи синди. Шундай тўпифидан синди, қарсилаганини ўзи эшитди. Воҳеъ! Шикастбанд Мадамин бобо кўриб: «Гузалмайди», деди. «Нега?» деди Турсунпўлат. «От одам эмас-ку жойхоб қилиб, оёғини кўтариб ётса», деди Мадамин бобо. Худди яқин кишисини йўқотгандай бўзлади Турсунпўлат. «Бир иложини қилинг, сяги майда-майда бўлиб кетганларни тузатгансизку! деди илтижоли. «Улар одам эди, бу отда», деди Мадамин бобо. Чавандознинг кўз ёшларини кўрмаслик учун хайр-хўш ҳам қилмай кетаверди. Боймурод сайис Ёлдорни отхонага олиб кетди. Раиснинг гапи билан кўп ўтмай уни гўштиликка топшириб юборишибди. Уша йиллар отларни гўштиликка олиш бошланган эди-да.

Турсунпўлат анчагача отхонага боролмади. Назарида Ёлдор от: «Мени асраб қололмадинг-а», деяётгандай бўлаверарди.

Бир кун Боймурод сайис маъракада айтиб қолди:

— Отхонага келмаяпсан, Турсунпўлат? Нима, Ёлдорни унута олмаяпсанми? Менга қара, бир той бор, бўладиган. Саманинг қулуни, Ёлдордан тўраган. Ёлини кўриб, худди Ёлдор дейсан. Юлдузни кўзлайди.

— Қандай қилиб Ёлдорнинг қулуни бўлсин?

— Эсингдан чиқдими, ўтган йил ёзда Ёлдорни айғирликка тўрт-беш кун бериб тур дегандим.

Турсунпўлатнинг чехраси ёришди:

— Ушанда Саман бияга чопибди-да?!

— Ҳа-да. Хўп десанг, раисга айтиб, шу тойни берай. Сенга десам, «йўқ» демайди. Тарбияласанг, шундай от бўлсинки, — деб Боймурод сайис пастки лабини тишлаганча, бошини сарак-сарак қилди. — Ёлдордан кам бўлмайди.

Турсунпўлат кўп ўтмай тойни уйига олиб келди. Ёлдорнинг яккамихига боғлаб кўйди. Тойнинг кўзлари ёнишини кўриб, «Олмос» деб атади. Бу ном Тошпўлатга ҳам ёқиб тушди. Тойга меҳрини кўйди. Емхалтасидан сулини аритмади. Икки ёшга етмаёқ, Олмос кўркам, гижингланган от бўлди, ҳатто Искандар раиснинг ҳам ҳаваси келди.

— Турсунпўлат, сенга ўзим миниб юрган Бургутни берай, хўп десанг Олмосни мен минай?

— Жоним билан раис, — Турсунпўлатнинг овози бироз титраб чиқди. — Лекин Олмос бироз асовроқ.

Ҳатто ўғлимни ҳам ўзига яқинлаштирумайди. Яна сизни ўсал қилиб күймасин, деб күркәман. Янгамдан нақд балога қоламан-а!

Раис чавандоз эмасми, гап нимадалигини, яъни, Турсунпўлатнинг Олмосдан ажралгиси келмаётганини сезди.

— Ҳазиллашдим, отинг ўзингга буюрсин. Кўнглингни бир билай дедим-да. Лекин отни асра, яна эҳтиётизлил қилиб уни ҳам Ёлдордай нобуд қилмагин. — Раис отга сукланиб боқди. — Омадинг бор экан, ёлини қара, худди олтиндек товланади-я!..

Турсунпўлат Олмосни миниб кўпкариларда кўп совринлар олди, тилдан тушмади. Ҳатто, бир пайтлар Олмосни янги «Победа» машинасига алмаштирайлик дегувчилар ҳам бўлди.

— Эр йигит дўпписини, пичоини ва отини сотмайди. Отингни сотдинг нимаю дўстингни сотдинг нима? Яхши от дўстдан кам эмас. Шундайми, Олмос? — дерди у отининг ёлларини силаб туриб.

Фойдасизлигини билиб, кейин унга ҳеч ким бундай таклиф қилмади.

Мана энди отнинг ҳам, ўзининг ҳам шарти кетиб, парти қолди. Лекин одамлар ҳануз уни ҳам, отини ҳам унтишгани йўқ. Давраларда кўпкаридан сўз бўлдими, Турсунпўлат чавандоз ва унинг улоқчи оти Олмос ҳақида албатта, гапирилади.

— Эй эсингдами, Бухородаги «Пахта байрами»да солимнинг teng ярмини Турсунпўлат чавандоз олган эди?

— Олмос зўр от эди-да!

— Тўғри айтгасан, зўр от эди...

Турсунпўлат чавандоз Пайғамбар ёшига етганида элга ош тортиб энди улоқ чопмай, тоат-ибодатга берилишини айтди.

— Мендан энди фақат ёшларни дуо қилиш, Оллоҳимдан уларни ўз паноҳида асрарни сўраш, — деди у.

— Сизга ҳали манаман деган йигитлар teng келомайди. Кўпкарини тарк этишингизга эрта, — деди чавандозлар.

— Ҳе, куруқ сумбатим қолган. Кампирим ҳам: «Қариб қолибсиз, дадаси», демоқда. Бир нимани сезганда, — деб ярим ҳазил билан жавоб қайтарарди у.

Турсунпўлат чавандоз Олмосни қайтиб минмади. Ёнига бориб ўтириб-ўтириб, дардини айтиб-айтиб қайтади. Унга нималар демади:

— Олмос совринларнинг ками бўлмади, эл оғзига тушдик-а?! Ҳеч қачон панд бермадинг. Сен менга кўрсатган оқибатингнинг чеки йўқ. Сендан меҳр, одамлардан эса озор кўрдим, Олмос. Биласанми, босмачининг ўғли деб нималар қилишмади? Жўраларим армияга кетганда, ҳатто мени чақиришмади. Бу юрагимга бир умр дард, армон бўлиб қолди. Отам канакасига босмачи бўлсин? Курол кўтариб, бир юртга бормаган-ку? Ўз элини ёвдан кутқарман, деб олишганда, Олмос! Хайрият ҳам Ёлдор ва сен бор экансан. Мени элга, даврага қўшдинглар. Бўлмаса итнинг орқа оёғи бўлиб қолардим-а, Олмос. Сени Зуҳрадан кам кўрмайман, Олмос! Буни кампирим яхши билади. Чўчима, у сендан асло рашк қилмайди. Зуҳра яхши кампир...

От чавандознинг гапини тушунгандай бошини силкиб-силкиб қўяди.

Кунлар ўтди, ойлар ўтди. Қувончиниям, дардиниям Олмосга айтди. Кампирига ҳам айтса бўлардию лекин нима қилади унинг дилини оғритиб. Яна, эр киши ҳамма гапни аёлига айтавермайди-да. Аффонда ҳалок бўлган ўғли Шопулатнинг фами етади унга. Эшпўлати хотин юртини макон қилди: шаҳардан уйландию шаҳарда қолиб кетди. Етти йилдан буён қишлоққа бегонадай келиб кетади. Э, қаерда бўлса ҳам омон бўлса бўлгани. Шукур, Тошпўлати кўнглидагидай чиқди. Чавандозларнинг хусусияти бор унда. Танти. Чирогини шугина ёқади, кўзи очиқ кетмайди...

Турсунпўлат чол бир кун эрталаб ўрнидан туролмади. Бели, қўл-оёқ бўғинлари зирқираб оғриди.

— Сизга нима бўлди, Эшпўлат? — деди кампири.

— Билмайман, лекин аҳволим чатоқ, онаси, — деди у инқиллаб.

Тошпўлат отасини иссиқ сувга, тузга, кумга киритди бўлмади. Табиба, сўнгра дўхтирга кўрсатди, бўлмади. Эшпўлати шаҳарга, катта дўхтирларга олиб бораман, деди. Бормади. Дардини берган, шифосини ҳам берар, деб умид қилди. Охир-оқибат қўлига ҳасса, кейин қўлтиқтаёқ олди. Оёғини судраб босди. Дарвозадан нарига чиқолмай қолди. Инқиллаб-синқиллаб Олмоснинг ёнига боради-да, арзу ҳол қиласди: «Дунёнинг ишлари шу экан, Олмос! Ҳеч кимга вафо қилмаган! Чопиб кетаётсанг устингга сакраб минардим-а! Энди бўлса, узангига оёқ қўя олмайман-а! Эгангни қандай ҳолга тушиб қолганини кўрдингми, Олмос?!»

Олмос ҳамма гапни эшитса-да, жим эди. Кундан-кун оғирлашиб бораётган калласини осилтирганча пишқириб қўяди.

Бир кун Тошпўлат отасидан сўраб қолди:

— Дада, Олмоснинг эти ёмон эмас, сўйиб қази қилсак қандоқ бўларкан? Энди на улоққа, на равага ярайди, минмаяпсиз ҳам.

Турсунпўлат чол ўғлидан бу гапни сира кутмаганди. Ҳассасини ерга тиқиллатиб урди:

— Нокас, қази егинг келдими?! Олдин менинг устимга тупроқ тортда, кейин Олмосни сўябер. Ушанда ҳам қабрда тик тураман.

Тошпўлатнинг кўзлари жовдиради:

— Билмабман, дада.

— Билмабман?! Олмосни сўярмиш-а! Қандай тилинг борди?!

Тошпўлат бошини эгди.

Турсунпўлат чолни савраклик дўсти Қосим чавандоз йўқлаб келди. Пешвоз чиқолмади. Бирам алам қилди-еъ.

— Ия, ишлар кўрпа-тўшак-ку! — деди дўстининг ҳолини кўриб Қосим чавандоз.

— Чойхонадагилардан «Нега Турсунпўлат кўринмаяпти?», деб сўрасам, «Билмаймиз, анчадан бери келмаяптилар» дейишиди. Тошпўлатдан сени сўрадим: «Тузуклар», дейди. Жўрачилик бундай бўлмабди-да, ахир!

Қосим чавандоз Турсунпўлатни юритиб, ўтиририб, яна ўрнидан турғизиб кўрди.

— Ҳимм... сен касал эмассан. Ҳамма бало от минмай қўйганингда. Конинг увишиб, бўғинларингда туз тўпланган. Ҳам ўзингта, ҳам отга жабр қилгансан. Отингни кўрдим, яккамихда ётаверганидан кўримсиз бўлиб қолибди.

— Минмагандан кейин нима ҳожати бор?

— Суф-еъ, сендай чавандозга! Ўзингта айт, шу бугуноқ отни тақалатиб, минишга тайёрлаб қўйисин. Эрта бир жойга борамиз.

— Қаерга?

— Қораҳонига, Бердиёр чавандоз невара тўйига айтиб кетди. Сени қаттиқ тайинлади. Катта кўлкари берармиш.

— Ахир, менинг аҳволимни кўриб турибсан-ку. Қандай бораман?

— Сени жин ҳам ургани йўқ. Айтдим-у, ҳаммаси от минмай қўйганингдан. Конинг увишган, холос, сенинг. Кампирининг қўлтиғида жон таслим қилибди, деган гапдан кўра йўлда отдан йиқилиб ўлибди деганлари яхшироқ. Билдингми?! — Қосим чавандоз шундай дедиу эшикни «қарс» ёлиб чиқиб кетди.

Эртаси куни Қосим чавандоз келганида, Олмос тақаланиб, минишга шай қилиб қўйилганди.

— Мана бу бошқа гап, — деди шодлигини яшиrolмай Қосим чавандоз.

Турсунпўлат чол қўлтиқтаёқса суюниб, инқиллаб чиқди.

— Қораҳонигача боролмайман, узримни Бердиёрга айт, жўра.

— Борасан, мен кафил, ўзингни бардам тут. — Қосим чавандоз Тошпўлатга юзланди. — Отни эгарла!

Олмос сайрга чиқаётганини билгандай ирғишлиб кишинаб кўйди. Қосим чавандоз отнинг жиловини тутиб турди. Тошпўлат отасини даст кўтариб, отга миндирди. Турсунпўлат чол худди отга энди минаётган одамдай эгарнинг қошини ушлаб, аранг ўтириди.

— Намунча энгашиб олдинг? Қаддингни ростла! — деди буйруқ оҳангда Қосим чавандоз.

Турсунпўлат чол эгар қошидан қўлини олиб қаддини тик тутди. Тошпўлат отасига ҳассани узатди.

— Кўй, ҳассанинг кераги йўқ. Кун санаётганини эмас, тўйга чавандозни олиб боряпман. Қани жўра, отнинг жиловини бўшат!

Қосим чавандоз ўзининг оқ тулпорида, Турсунпўлат чол эса Олмосда йўлга тушишди. Йўл юрган сайин Турсунпўлат чол қаддини ростлаб, атрофга ёш боладек боқар, куз шамолида дараҳтларнинг сарғайиб тущаётган япроқларини чирпирак бўлиб ўйнашидан завқланарди.

Йўл босган сайин Олмос худди ёшлик йилларида гидек, шахдам қадам ташлар, оқ тулпордан ортда қолмаслик учун ҳаракат қиласарди. Улар Дўрмонга етгач, Турсунпўлат чолнинг танидаги оғриқлар батамом унут бўлди, Деновдан ўтиб, Гиждувон ерига қадам қўйгач, ўзини бардам ҳис қила бошлади. Улуғ пир Ҳожаи Жаҳоннинг кароматлари, Гиждувон тупроғи енгиллигидан бу, деб ўйлади.

— Жўра, ўзимни яхши ҳис қилипман, — деди у Қосим чавандозга.

— Бу ерни Ҳожаи Жаҳон, дейдилар, — деди у дўстининг қўнглини билгандай.

Отнинг лўкиллаб юриши чолнинг увишиб қолган танасини ҳаракатга келтирган, қони юришган ва сайр унинг руҳиятини кўтарган эди.

Бердиёр чавандоз уларни жуда хурсанд кутиб олди.

— Хуш келибсизлар! Турсунпўлатбой, сизнам кўрар кун бор эканку?! Умаржон, меҳмонларни чодир остига бошла. Булар Ҳожаи Жаҳоннинг шогирдлари Моҳитобон юртидан келганлар-а!

Ўзиям тўймисан тўй бўлди. Ҳатто, Самарқанддан ҳам чавандозлар келишибди. Кўпкариям зўр бўлди. Бердиёр чавандоз солимга бир от, бир тия ва бир қанча жонлиқлар берди. Турсунпўлат чол билан Қосим чавандоз кўпкарига кирмаган бўлса ҳам елкасига биттадан ургути чопон ёпди. Ана хурмат, ана иззат. Бердиёр чавандоз борини тўкиб берди...

Турсунпўлат чол тўйдан хурсанд бўлиб қайтди. Шундан сўнг, бирор кун ҳам Олмосда сайр қилишни тарқ этмади. Кунора марказдаги чойхонага отда бориб келарди. Бир пиёла чой ичмай қайтган ҳоллари ҳам кўп бўлган. Лекин бормай қўймасди.

Илгари ўғли Тошпўлат кўмаклашиб турган бўлса, энди чолнинг ўзи отга миниб тушадиган бўлди. Кекса чавандоз инқиллаб-синқиллаб юрганларни кўрганда: «Бу бечоралар, от қадрини қаердан ҳам билсин», деб кўярди. Олмосга ҳам яккамихда кун бўйи боғлиқ ҳолда ётгандан кўра, эгасини олиб сайр қилиш хуш ёқар, дарвозадан чиқиши билан бошини баланд кўтариб, кишинаб юборарди.

Турсунпўлат чол бундан беҳад хурсанд бўлар, жиловни бўшатиб Олмосни Эркин кўяр, от баъзан қайси томонга йўл олса, унга бирибир эди. От Султонобод ариги бўйлаб оқар сув билан бақамти кетаверарди, кетаверарди...

Турсунпўлат чол бир кун сайрдан ўзини беҳол сезиб, вақтли қайтди. Кўксини нимадир қаттиқ гижимлаётгандай бўлди. Кўз олди қоронгилашиб, боши гир-гир айланди. Отнинг жиловини яккамихга зўрга илдирди. Каловланиб дарбанчадан ичкари ҳовлига зўрга кирди. Эрининг ранги ўчиб бир ҳолда турганини кўрган Зухра кампир унинг қўлтиғидан олди.

— Нима бўлди, Эшпўлат?

— Ўламан чофи.

— Ундай деманг, Эшпўлат.

Кампирнинг лаблари пир-пир титради. У эрини аранг уйга олиб кирди, боши остига баландроқ қилиб ёстиқ қўйди.

— Тошпўлатни... чақир! — деди чол зўрга.

Зуҳра кампир эшикдан чақибоқ овоз берди:

— Келин, ҳо келин! Тезроқ Тошпўлатни топинг! Бобонгиз сўраяптилар.

Кампир яна дарров хонага қайтиб кирди.

— Айтдим, Эшпўлат.

Жавоб бўлмади. Чолнинг кўзлари ярим юмуқ эди. Кампир эрининг кўксини титкилади.

— Кўзингизн очинг, Эшпўлат... Ҳозир Тошпўлат келади. Бирор нима денг... Қўрқитманг, Эшпўлат...

Чол жон таслим этганди. Кампир уввос тортиб юборди...

Мархумнинг таъзиясига яқину йироқдан тумонат одам келди.

...Олмос гўёки эгасининг ўлганини билгандай аянчли кишинади. Як-камихга боғланган ипни узмоқчи бўлиб, силтаб-силтаб тортид...

Мархумни қишлоқ чеккасидаги мўъжазгина қабристонга — отаси, онаси, Афғонистондан тобути келган ўғли — Шопўлатнинг ёнига дағн қилишибди.

Олмос уч кунгача на сувга, на ўтга қаради. Тўртинчи кун эрталаб Тошпўлат яккамиҳда отнинг или узилиб ётганини кўрди. Жўрасининг маъракасига ҳар тонгда келаётган Қосим чавандоз туёқ изларига қараб, йўл олди. Излар тўппа-тўғри қабристон томон олиб борди. Изларнинг нотекис, палапартиш тушиши отнинг гандираклаб-гандираклаб борганини билдиради.

Қуёш аста бош кўтариб, атрофга совуқ нурини сочар, қабристондаги сарғайган ўт-ўланларга тушган кузги шудрингларни ялтиратарди. Бу сариклик кишидаги хижрон ва айрилиқ туйғусини баттар алангалатарди.

Тошпўлатнинг кўзи куни кечакан янги пайдо бўлган отасининг қабри ёнида бошини осилтирганча тиззаларини букиб ётган Олмосга тушди.

— Қосим ака, ана Олмос!

Қосим чавандоз узоқдан отни кўрдию: «Э воҳ, дунё!» деди алам билан. Секин юриб от ёнига бордилар. От уларнинг келганини пайқамади ҳам. Унинг сўниб бораётган кўзлари қабрга маъносиз боқиб турарди. Гўёки, шу тупроқ орасидан эгаси: «Олмос!» деб чиқиб келаётгандай.

Тошпўлат отнинг жиловидан тортиб, уни турғазмоқчи ва уйга олиб кетмоқчи бўлди.

— Индама, эгасининг ёнида қолсин. Жўрамга ўрганиб қолган эди, жонивор. Энди унга ҳаётнинг қизиги йўқ.

Тошпўлат қўлинин тортиди. Уларнинг ортидан етиб келган қабристон қоровули Жўравой кал маслаҳат берди:

— Отни ҳалол қилиш керак, ҳаром ўлмасин.

— Отга тега кўрманг! Отам қабрларида тик турадилар-а! — деб Тошпўлат унга шундай ўқрайиб қарадики, Жўравой кал беихтиёр икки қадам ортга тисарилди.

— Отнинг бўйнидан юганини ол. Жонивор ҳеч бўлмаса, ўлими олдиндан ўзини эркин ҳис қилсан, — деди Қосим чавандоз Тошпўлатга.

Тошпўлат от бўйнидаги юганини аста ечди. Олмос қилт ҳам этмади.

Қосим чавандоз чопонининг барини тиззасининг остига олиб чўккалди. Қабристондаги ўлик сукунатни бузиб, Куръон оятлари янграй бошлиди...





Расулжон Камолов

ЕТИМЧАНИНГ ЮЛДУЗИ

Ҳикоя

— Ҳой, жувонмарг ўлгурлар, ўласанларми шу савил қолгурни ўйна-
масаларинг? Ит тинса тинадики, сенлар тинмайсанлар. Хотам ўлгур
энанг дуч келганга панд-насиҳат қилиб қулогини қоқиб олади, шуни
ўйнама демайдими? Бас қил, дедим сенга.

— Ҳой, Тоҳир! Анови молинг бўкиравериб миямни тешиб юборди-
ку?

Қариганимда худо деб тинчгина ўтираманми мен ҳам?.. Кофир бўла-
сан, аҳмоқ! Ҳазрати имом Ҳасанинг муборак бошлари-я бу... Хотам
ўлгур, барини сен бошлайсан, етимча. Анави чиллашир энанга айт,
кўринганга жаврагунча сени йўлга солсин. Ҳу безраймай қол...

Тошин кампир ҳар оқшом набирасини шу тариқа уйга чақиради,
ўз алами ўзига етмай, Зебунисо момонинг етимчасиниям «тишлаб-тиш-
лаб олади», муштай болада нима айб, ҳаммаси хотин-ҳалажнинг
ҳиши билан қилинган иш бўлса. «Тошин кампир дастурхончиликни
ўрнига қўёлмаяпти, Зебунисо момо бўлсин» дейишиди. Момо дастлаб
кўнмади «Қўйинглар, қўни-қўшни одаммиз, қўлдан келгунча эплаб
турибди-ку. Мен бўлсам, дили оғриб қолади», деса ҳам кўнишмади.
Ҳайитга келиб момо маҳалланинг дастурхончиси бўлди. Тошин кам-
пир ич-ичидан оғринди. Умурзоқ бригадирнинг тўйида бир сўри хот-
ин-ҳалаж ичидаги ўтириб: «Зеби, қачон дастурхончи бўламан деб ўлиб
турган экан-да. Тутун-тутун нарса кўтариб қайтади-я...» деди ўсмоқ-
чилаб. Сўрида ўтирганлар Тошин кампирнинг галини эшишиша ҳам
эшишмаганга олишиди.

Зебунисо момо Тошин кампирнинг ҳар қандай галига чираб ўртага
тушмасди, «нима бўлса ҳам қўни-қўшнимиз» дерди. Аммо бугун чида-
мади, кампирнинг етимча дегани жуда оғир ботди. Ўзини босишга ҳар
қанча уринмасин, тили қичиб, ёёғи ўзига бўйсунмай кўча томон тор-
таверди. «Наҳотки сочи оқариб, ёши бир жойга борган хотин шу бо-
ланинг ҳолини кўриб-билиб «етимча» дейди? Бир кўнгли « қўй, шу
билан тенг бўлмайин. Шаҳар кимники — шарманданики, жавраса,
жавраб ўлсин» деган жойда орқасига қайтмоқчи ҳам бўлди. Аммо кўз
олдига набирасининг ёш тўла кўзлари келиб, «ўксиган боламни та-
гин ўкситайми» дея бошига оқ рўмolini ташлаб кўчага чиқди. Тошин
кампир ҳали уйга кирмаган эди. Зебунисо момога илкис қаради-да,
зўраки илжайди.

— Вой, айланай овсии, тинчмисиз? Манов болаларнинг шовқинини
кўрмайсизми?

Зебунисо момо ҳассасига суянганича бир-бир қадам босиб Тошин
кампирга яқинлашиди.

— Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига, қўшни. Уялмайсизми шу
ёшга кириб бирорнинг боласини ўкситтани? Иккимизнинг борар жой-
имиз битта, ақалли у дунёдан кўрқмайсизми?

— Кимдан уялай? Болангиз бўлганидан кейин йўлга солингда!

Зебунисо момо бир гапга ўн гап қўшилишини истамади.

— Катта бўлса ақли кириб қолар.

— Беш вақт намоз ўқиганингизда Худодан фаросат сўранг, зора ақли кирса.

Зебунисо момо тағин шайтонга ҳай берди. Тошин кампирга бошқа гап қўшмади-да, Хотамнинг қўлидан етаклаганича уйига кирди. Тошин кампир бўлса жаги тинмай бидилмайверди, сағирдан олиб сағирга солди.

Ховли ичкарисида тик этган товуш борликқа жаранглаб эшитиларди, эна-бала ёлғиз... Хотам қунишганича ерга тикилиб, ҳаёлга толиб ўтирас экан Зебунисо момонинг бир-икки марта атайин тамоқ қирганига ҳам парво қиммади. Унинг калта бўйни елкасининг ич-ичига кириб кетгандек кўринарди. Зебунисо момо овқат пишириш учун узум тагидаги ўрадан сабзи олиб артишга уннади. Борган сари оёқ-қўлининг мадори қочиб тинкаси куриб кетаверди. Нафас олиши қийинлашиб, тердан баданига ёпишган кўйлагининг этагидан тутганича елпинди.

«Худойим», — дея масаллиқларни солиб ўчоқ бошига борган эдики, тўғралган сабзи коса-посаси билан ерга тушиб тупроққа беланди. «Вой шўрим!», — дея кўнгли бузилиб, қарилиқдан хира тортиб кеттан, сўлиқ-қан кўзларидан оққан ёш томчиси қизиб турган қозонга тушдида, жаз этиб қуриди.

Кампир қозонни чайиб қайта осгач, кичик хумдан калкирда сариёғ кўчириб солди.

— Эна, — деди анчадан кейин набираси. — Нега, Тоҳирнинг энаси бизни ёмон кўради?

— Бекорларни айтибди, ўша. Нима деса деявермайдими. Ҳам ўзига, ҳам набирасига тасалли берди. Эна-бала бир томонга қийшайган пастак сўрида ўтиришиб, гап-сўзсиз овқатланишгач, ўринларини солиб ётиди. Ҳар оқшом Зебунисо момодан ашула айтиб беришни сўрайдиган Хотам бутун тинч эди. Осмонга боққанча хаёл сурарди. Осмон тўла юлдуз минг бир тусда товланади. Шу юлдузлар ичидаги Хотамнинг етимча юлдузи ҳам бор. Бола уни ҳар тун излаб топади. Юлдуз ичидаги нурларга беланиб, жондан азиз онажониси яшайди.

На қўл, на нигоҳ ета оладиган олис-олислардаги юлдузларга Хотам ҳар куни учиб боргиси, онасининг бағрида ширингина ухлагиси кела-ди.

Тун. Осмонда етимча юлдуз милтиллайди. Сирли... Камалак рангида товланади.

Бирам узоқ...

— Эна, онам ростдан ҳам ўша юлдуздами?

— Ўша юлдузда, болам. Ўша юлдуз жаннат. Келсиной қизим жаннати бўлган ҳозир.

— Эна, жаннат нима дегани?

— Болам, онанг ҳозир фариштага айланган... Худодан сенинг омонлигингни сўрайди.

Сен йиғласанг, у ҳам йиғлайди...

— Тоҳирнинг энасини ҳам кўрадими?

— Кўради, ҳаммасини кўради...

Зебунисо момо боласининг хомушлигидан хижолат бўлиб гапга солди.

— Хотамбой, ашула айтиб берайми?

Хотам жавоб бермади. Осмонга термулганича ётаверди.

Хотамнинг кўзи уйкуга илингандай бўлди. Зебунисо момо кўча эшигини танбалаб қайтиб ўрнига ёнбошлади. Ёзниг туни бир тутамгина, ҳадемай хўрор қичқирди. Зебунисо момо ўрнидан туриб кўча эшик олдини супурди. Хонадонига ризқ-барака тилади, тонг қуёши ўз чимматини кўтарган пайт набирасини уйғотди.

— Тур, болам, қўйларингни эрта салқинда ўтлатиб кел. Хотам қўлини ёнбош қилиб, керишганича терс ўтирилиб олди.

— Майли, озгина ухла бўлмасам, — деганича товуқ катак устига қоки учун ёйилган памилдориларнинг устини очди. Сўнгра оқ қантак туршакларини елпиш тавоққа солиб елпида. Бу орада Хотам ҳам ўрнидан турди-да, човгумдаги сувдан бир ҳовуч олиб юзини чайди, эгнидаги якtagига юзини артиб, қўйхонадаги қўйларни ўтлоққа ҳайдади.

— Ўртоқларингта қўшилиб ҳаяллаб кетмасдан эртароқ келиб чойингни ичип кет.

Нонуштага қанақа овқат қилиб қўяйин? — деб набирасининг ортидан эргашди момо.

— Ҳолвайтар, — дея тупроқ чангитганича кўздан узоқлаши. Зебунисо момо уйда ёлғиз қолди. Товуқларига дон сепиб мол-ҳолнинг тагини қуруқлагач, Хотамнинг ўрнини йиғиштиришга тутинди. Энди овқатга урина бошлаганди ҳамки, эшикни тарақлатиб очганича Хотам кириб келди. Кун ҳали унчалик исимаган бўлса ҳам бола терга пишиб куйикиб кетган, уст-боши қумга беланганд, аламзада эди.

— Эна ановилар мени нега мени етимча дейди? Улардан мени қаерим кам? У шундай деганича йифлаб юборди. Зебунисо момо гангиб қолди. Кўлидаги дамтовоқ сирғалиб ерга тушди.

— Нима дединг?

— ...

— Ким шунақа деди?

— Тоҳир... Мени футболга қўшмади. Етимча билан ўйнамаймиз деган эди. Тоҳирни бир мушт урдим. Ҳамма унинг ёнини олди, болалар мазах қилиб қулипди, у шундай деб йиғлаганча ичкарига кирди-да, уй тўрида осиглик турган аяси билан дадасининг биргалиқда тушган суратини кўтариб чиқди.

— Мана уларга кўрсатаман, — деганича кўча томон югорди.

Зебунисо момо бирор иш қилгани қўли бормади, кўз ўнгида фарзандининг чеҳраси гавдаланаверди. Ҳаёлини Хотам берган савол чўлгайверди. «Етимчаманми?» деган сўз еру осмонни энлаб қулогига санчилаверди, ниҳоят сўрига беҳол ўтириб хаёлга чўмди.

— Эҳ, Келсинойим! Дунёга бир келдингү шундоқ ортингта қайтинга, жон болам. Пешонангта шу кунлар битилганини ким билибди? Кунлар ўтавераркан, энди келиб боланг сени сўрайгти, қизим, мен минг силаб-сийлаганим билан ўрнингни боса олмаяпман, — дея куюниб йиғлади... Уруш тутаган йилнинг биринчи баҳори эди. Зебунисонинг эрини ҳарбий хизматта чақириди. Зебунисо не қиласини билмай «Пешонамдагини кўраман-да» деб ўзига тасалли берди. Болтавой қассоб ичкари уйда кийимларини алмаштириди. Зебунисо кирди-да уй бурчагига ўтирганича йиглайверди.

— Йиглама, — деди Болтавой қассоб. — Тинчиб қолгандир ўша тамонлар ҳам. Уруш тугади-ку, хотин. Худо хоҳласа, уч йил ўтиб кетади.

Қассоб хотинининг гумонаси борлигини биларди. Кетиш олдидан уни соchlарини силаб «Мен келгунимча катта қилиб қўяркансан», деди ютиниб. Қишига бориб Зебунисонинг кўзи ёриди, қиз туғди. Яхши нијатлар билан Келсиной деб исм қўйдилар.

Болтавой қассоб хизматдан қайтунича қизалоқнинг тили чиқиб, дада дейдиган бўлиб қолди. Келсинойдан сўнг Зебунисо момо яна еттита фарзанд кўрди, бари турмади. Энди ўйинқароқ бўлганда дунёга сифмай кетаверишиди. Шунча ёмонни сиғдирган кенг дунё ҳеч бир гуноҳсиз норасидаларни сиғдирмади. Фарзанд кўйида кўнгили доғ бўлиб Болтавой қассоб хасталикдан кўз юмди...

Келсиной ўнинчи синфи тутатди. Зебунисо момонинг уйидан со-

вчиларнинг қадами аримай қолди... Тақдир насиб экан Келсинойни кўшни маҳалладаги Обиджонга узатиши. Келинлик либослари билан бурканган, бир чиройига ўн чирой қўшилган Келсиной янги хонадонга тез кўнишиб кетди... бу орада биринчи фарзанд туғилди. Унга Хотам дея исм қўйиши. Эри хўжаликда тракторчилик қилиб рўзгор тебратди. Ёш боши билан Келсиной кўп ҳаёт қийинчилекларини кўрди. Бир йил ичида икки меҳрибони, қайноти ва қайнонасидан айрилди. Айниқса, Баҳринисо кампир қазо қилганида жуда кўп куюнди. Ўшанда Зебунисо момонинг кўнгли бир нарсани сезгандек қизига насиҳат қилиб ҳар нарсани «ичига» олмасликка ундали. Бу дунё ўткинчи, вақт соати келганда ҳар ким ҳам боқий дунё сари рихлат қилишини бот-бот гапирди.

Нима бўлсада, оғир оёқ қизини кўп уринтираслик ташвишида бўлди... Биринчи қор ёққан тунда Келсиной безовталанди. Она қорнида яхши ривожланмаган болани шифокорлар жарроҳлик йўли билан олишган бўлсада онасини сақлаб қолишолмади.

Аёл кам қонлиги ва туғиши жараёнида кўп қон йўқотиши оқибатида ҳаётдан кўз юмди.. Хотам ҳар куни дадасини ишдан келишини пойлайди. Келса елкасига миниб олганича қиқирлаб кулади. Дадаси «Ким баланд» деса, «Мен баланд, янайм кўтаринг, озгина қатта бўлсан осмонга ҳам кўлим етади-а?» деганича Обиджоннинг бўйнидан қучоқлаб, соқолли юзларига юзларини босади. Тунлари дадасининг пинжига кирганича унинг уст-бошидан анқиёттан мой исидан боши айланиб ухлаб қолади.

Баҳор фаслидан бошлаб дадаси келмай қўйди. Энасининг айтишича дадаси катта шаҳарда яшайди. Уй олса уларни ҳам олиб кетади. Хотам дадасининг келишини кутар, тунлари бўйнидан ачомлаб ухлагиси, мазза қилиб ўйнагиси, машиналарда сайр қилгиси, маҳалла болаларига Тоҳир сингари мақтангиси келарди... Қуёш забтига ола бошлаган пайт Хотам кўйларини ўтлоқдан қайтариб келиб қўрага қамади, энаси тайёрлаган ҳолвайтарни нонга булав еяркан, Зебунисо момога юзланди.

— Эна, мен кетаман.

— Вой, болам катта бўлсанг албатта катта шаҳарларга ўқишга кетасан. Ишқилиб, Худойим йўлингни очсин.

— Йўқ, мен худонинг олдига кетаман. У ерда мени ҳеч ким етимча демаскан. У ерда одамлар раҳмдил бўлишар экан. Анор момо айтди.

— Илойим, Худога ихлосинг бундан ҳам баланд бўлсин, болам. Унинг олдига фақат юлдузи сўнганиларгина боришади. Сенга ҳали жуда эрта. Илоё, баҳтинг очилсин. Орзу ҳавасимни кўрайин болам, — дея кампирнинг юраги орзиқиб кетди... Кечки салқин эди. Кўча чангитиб болалар тўп ўйинларини бошлашди. Қишлоқ қўчалари бўйлаб набирасини чакирадиган Тошин кампирнинг овози учиди: «Хой, жувонмарг ўлгур...»

Ёз туни кишини аллалай бошлаган пайт. Зебунисо момо ўрнига ёнбошлаб, қадим қўшиқларини хиргойи қила бошлади. Хотам осмонга боққанича хазин оҳангдан эзилиб кўзига ёш олди. Зебунисо момонинг хирқи овози юлдузлар томон қанот чиқариб учайтгандек, нурли ошёндаги покиза, фаришта онасини чорлаётгандек эди гўё...

Хотам ўзининг кичик етимча юлдузини излайди. Зебунисо момонинг хиргойиси аста-секинлик билан буткул тинди. Хотам худди оҳанг қанотларида кўтарилиб, сирли манзил томон парвоз қилгандек сезди ўзини. Тунги осмон ичра кичик етимча юлдуз йилт этиб, милтир-милтир қилиб оҳиста кўздан йўқодди. Етимча юлдузнинг нурларига тўлиқ бағридаги масканда унинг онажониси бор... Боласини бирам соғинади...

Узоқ-узоқларда кичик бир шуъла кўринди. Хотам шу ёргуллик томон қанот чиқариб учди. Шуъла тобора узоқлашаверди, узоқлашаверди...



Шодмон Сулаймон **ТУФИЛГАН КУН**

Хикоя

Адібнинг уйини ҳовли дейиш, бириңчидан, мұнаққидлар таъбири билан айтганда, ҳаёт ҳақиқатини бузиб талқын қилиш бўлса, иккинчидан, бу таъриф бирорларга хуш келмаслиги аниқки, ўша баъзи бирорлар, аввало, ҳовлининг бошқа кишига эмас, айнан, Адига насиб этганидан безовта бўлишлари, табиий. Бунинг устига «ул бандай бечоралар» бу кошонанинг Адига йўқ қайси сармоя ҳисобидан келганлигини айтиб, писанда қилишдан ҳам асло қайтмайдилар. Шу боис, ҳаёт ҳақиқатига зид ҳам бормайлик «дўст» и гарифларимизнинг юрагига фулгула ҳам солмайлик-да, Адібнинг уйини шунчаки бир ҳовлича деб кўя қолайлик. Илло, Адібнинг бу ҳовличани тунни кунга улаб, фанинг алламбало тармоқларига оид кўлёзмаларни таҳрир қилиб бермокдан топган пулию, кекса отаси ва акалари рўзгордан орттириб йиғиб берган кўмак жамғарма (бу ҳам қарз)га сотиб олганлигини бу шаҳарда битта ўзи ва худо билади, холос. У-хў, ҳали бу ҳовличада оёқни узати-иб яшаашлари учун эр-хотин — «қўш ҳўқиз» яна қанча «қўш тортишлари» керак. Энг муҳими, бетон уйларда яшаб, ердан узоқдашиб кетяпман, дея юраги зардоб бўлиб юрган Адиг, ниҳоят, оёғи ерга текканидан хурсанд. Тўрт томондан ўраб олган (кўп қаватли уй, ахир) қўшниларнинг худа-бехуда фингшишидан зада бўлган Муниса кенгми-торми таги ерга, усти осмонга тегиб турган ҳовлича учун умрбод шукронга айтишга тайёр. Энг муҳими, энди Адиг куз ҳазонга айлантирган япроқларнинг алвидоларини эшитиб, ич-ичидан ҳўрсиниб йиғлай олади, энди ҳовлича юзидаги азим тутга ин қурган майнанинг полапонларига меҳрибонлик қилиб, чарх уришини кўрганда, энтика-энтика болалиги ҳақида ҳаёлга толади. Энди тўрт девор ичидаги қамалиб, пастки қаватда яшайдиган қўшнига халал бермаслик учун оёқ учидаги юришга маҳкум этилган болаларининг товони, ниҳоят, тўйиб-тўйиб ер ҳидлайди. Бугун Адібнинг туғилган куни. Мунисанинг таъналаридан инжибми, болаларининг тушлиқдан ортиб қолган пулларини йиғиб қандайдир режалар тузишаётганини кўриб кўнгли юмшабми, бир неча йилдан бери тарки одат қилгани — ўз туғилган кунини нишонлашга рози бўлди... Тириклик тумшуқ суқмаган эшик бор эканми? Туғилган кунни нишонлашга яна бир сабабу баҳона янги уй учун қилинадиган хайру худойи зарурати бўлди. Бу маслаҳат ҳам маҳалланинг тўю маъракасига аралашиб юрадиган Мунисадан чиқди, албаттага. Неча йилдан бўён Адигни «ипидан игнасигача» ўргангандан Муниса, ниҳоят, туғилган кун баҳона уни хонанишинликдан холос этмоқчи, ҳамкору ҳамфир дўстлари даврасига қайтармоқчи эди. Дўстлар-ку Адигдан воз кечишгани, ундан инжиб, этак силкиб кетишгани йўқ. Фақат адабиёт ҳақидаги, ижод ҳақидаги қараашлари сал ўзгачароқ бўлган Адиг, бирордлари даврасида ўзига муносиб бурчак топишга қийналди. Бунга кўп уринган бўлса-да,

табиатидаги ёлғизлиққа интилиш уни катта давраларга бегона қилди. Муниса ҳам қизиқ: «Үзингизни бунақа четга олиб юраверсангиз, борабора хонанишин бир ижодкорга айланиб қоласиз, ундан күра ҳаммаси ни йиғиштириңг-күйинг!» дейди-ю, аслида Адібнинг ёзишга, ҳақиқий маңнода ёзишга илжақ эканлыгини ҳис қиласи. Шу боис, Адіб дарду дунёси қоронғу бўлиб инжиқланганида ҳам тилига эрк бермайди. Бир кун эмас, бир кун ҳаммаси яхши бўлиб кетишини тақрорлашдан чарчамайди. Аммо, қачон?! Адіб кам эмас, кўп эмас, нақ Маркесга ўхшаб ёзишни орзу қиласи! Унинг «Ёлғизликнинг юз йили» романини, эҳтимолки, йигирма марта ўқиб чиққандир. Алал-оқибат иш шу даражага етдики, Адіб ишхонадаги ҳамкаслари, кўчадаги одамларнинг қиёфасиyo сажиясида роман қаҳрамонларини кўрадиган бўлиб қолди. Аҳён-аҳёnda ўзини роман воқеалари ичида яшайтгандек, атрофидагиларни роман қаҳрамонларидек ҳис қилиб қоладиган Адібнинг тушуниксиз қиликлари ҳамкасларига, дастлаб, унча маъкул келмаган бўлса-да, кейинчалик улар бунга кўнишиб ҳам кетиши. Адібнинг энг катта орзуси — ана шундай қаҳрамонлар яратиш. Шу боис, унинг асарлари ҳақида андак баландпарвоз гаплар айтилган давра сўнгида: «Ижодкор дегани ёзса — Маркесдай ёзса, яратса — Мелькиадесдай образ яратса. Яратган асарингда дилшикаста Урсулага, телба донишманд Хосе Аркадио Буэндиага, майли, енгилтак бўлса ҳам Пилар Тернерага ўхшаган қаҳрамонлар бўлса... Мен эса қаламни қийнаб юрган шунчаки бир нотавонман», дея тақрорлагани-тақрорлаган. Адібнинг бу дарвешона тантлигини фақат дўсти — Акбар ҳазм қилиши мумкин. Бошқалар.. Бошқалар: «Яна бошлади нотавон. Ким йўлингни тўсди? Ёзсанг ёз, бирор қаламингни тортиб олибдими?» дегандай бир-бирларига маъноли им қоқишиди, юз буриштириб: «Бу кунингдан баттар бўл!» дея гап чайнашдан тойишмайди. Яхшими-ёмонми, собиқми-садикми, Адіб ана шу жамоада шунча йил ишлади, тегманозик кассир опа ўз чўнтағидан чиқариб бергандай, миннат қилиб берган маошга шукр қилиб рўзфор тебратди. Ҳамкаслари ёқтиришадими-йўқми катта-кичик маъракаларига айтишни унтишмайди. Адіб ана шуларни-да ўйлаб, Мунисанинг таклифига кўнди. Бош муҳаррирининг хонасига кирап экан, унинг Адібга пешвоз чиқиб: «Ие-ие, Хосе Аркадио Буэндиа келибдилар-да!» дея ҳазил аралаш кучоқ очганидан кўнглига илиқлик интиб, чехраси ёриши. Мақсадини айтганида муҳаррири бунчалик ҳайрон бўлади, дея ўйламаган эди. Муҳаррирнинг бу қарорни кўпга кўшилишнинг хайрли мұждаси санаб, ҳар тугул: «Кесакдан ҳам олов чиқибди-да», дейищдан ўзини тийганини Адіб қайдан билсин? Зиёфат хабарини эшитган Акбар эса Адібнинг елкасидан қучиб, кўзида жилваланган меҳр ва хайрихоҳлик маъноси билан уни доимо қўллаб-куватлашга тайёрлигини англатмоқ бўлди. Адібнинг кўнглини кўтариш умидида тайёрлаб кўйган совфаси сирини, ниҳоят, ошкор этиш пайти келганлигини ҳис қилиб, ҳаяжони юзига қалқди...

Алқисса, бугун кўпдан бери кутилган ўша кун. Туни билан ҳар хил пишириқлар тайёрлашга уннаган Муниса, эрта тонгданоқ қўли кўлига тегмай супур-сиdirга, овқат тайёрлашга уннаб кетди. Ошхонадаги юмушларни енгиллаштириш учун мактабдан қолган қизи дастурхон тузашга киришди. Адіб анчадан бери меҳмон кутмагани учунми, саросимага тушиб, гоҳ ошхонага, гоҳ меҳмонхонага кириб чиқади. Дам кутубхонага мўралайди, дам ётоқхонага. Меҳмонлар тушликка яқин келиши мўлжалланган бўлса-да, хотинининг юзидаги жиддият, қизининг ҳар кунгидан кўра ўн чандон ҳаракатчан бўлиб қолганлиги унинг руҳиятига таъсир этмасдан иложи йўқ эди. Анчадан бери тамаки кутисини кўлига олмаган Адіб бир-икки бор тутатиб ҳам кўйди...

Кутилмаганда, дарвозани тепгандек қарсиллатиб кириб келган уч нотаниш, сўхтаси совуқ кимсани кўриб, аввалига фазабдан оёқларининг утига қадар титроққа тушган Адіб ҳалигилар ўзига яқинлашар

экан, худди уларни илгари ҳам күргандек, гүё уларни кутиб турғандек мубҳам кайфиятта түшди ва овозига құшилиб, бұғзіда музлаб қолған ғазаби ўрнини қўркұв аралаш хавотир эгаллади: «Ахир, булар Үрсулага қари телба Ҳосе Аркадио Буэндиани дараҳтга боғлашга кўмак берган ўша уч барзанги-ку! Нима, улар мени ақддан озган деб ўйлашяптими? Менинг Мунисагинам — Үрсулагинам ҳали дараҳтга боғлалиш вақтим келмаганини билади-ку! Тағин туғилған кунимда-я... Хотин зотидан дўст чиқмас экан-да... шунчалик бездирдимми, Мунис?!..» У ёқдан-бу ёққа бетоқат бориб келаёттган Адивнинг қадам товушлари чиқмай қолганиданми, кўнглига аллақандай ноҳуш ҳис оралаган Муниса ташқарига отилиб чиқди-да, уч барзанги қаршисида ожиз, мунғайиб турган эрининг ёнига етиб борди. Адив ва ҳалигилар ўртасида қоя мисол кўндаланг бўлди. Барзангилардан бири тилга кирди:

— Сиз Үрсуламисиз?

— Нима? Қанақа Үрсула? Нималар деяпсиз?!

Барзанги пинагини бузмади.

— Бизни сиз чақирирган бўлишингиз керак. Бу кишини, — Адивга ишора қилди у, — боғлаш керакми?

Муниса гангигандан-ганги: «Нима деяпти бу бадбахтлар. Мен чақирибманми? Эримни боғлаш учун чақирибманми?.. Боғлашни кўрсатиб қўяман сенларга...» Жўжалари ҳимоясига отилган она товукдек, хурпайиб ҳужумга ўтишга ҳозирланаркан, Адивнинг хотиржамлигини кўриб, шаштидан түшди. Китоб кўрган хотин эри олдида бегона эркаклар билан айтишиб туришни ўзига эп билмади.

— Мен яхшиман. Ҳали озгина вақт бор. — Томоги хириллаб пичирлади Адив. — Овора бўлиб келибсизлар, чой ичиб кетинглар...

Барзангилар юзларидаги ифодани ўзгартирмай, аста бош силкиб миннатдорчилик билдиргандек бўлишиди-ю, сас-садосиз чиқиб кетишиди.

— Ким экан булар, билдингизми ўзи? Аввал ҳам бир-икки ош-қатиқ бўлгандек чойга таклиф қиласиз?! Сўхтаси совуқ ярамаслар, — овозига куч берди Муниса.

— Шунчаки адашиб кирган бўлишса керак...

Бу кўнгилсизликни унугашга ҳар қанча уринишмасин, фойдасиз эди «Бетон уйда яшаёттган бўлсак-ку, ҳарна. Адашган-неттан эшик кўнғирогини босса, дарду ҳолини эшитар-эшитмас, юзига қарсиллатиб эшик ёпасан. Ҳовлига кўчиб ўтиб ҳам тинчимаймизми?» ўксинди Муниса. «Ҳар ҳолда, қачондир келиши муқаррар эди уларнинг. Аммо, бугун...» хўрсинди Адив.

Меҳмонларнинг «ана келади-мана келади» соатлари яқинлашган чоқда, Муниса яна ўз ишига берилиб кетган, барзангилар келмасдан бурун майин хиргойи қилаёттган қизи, тағин-да, хиргойи бошлаб юборган эди. Бола бола-да. Уни катталарнинг ўзларидан ҳам мураккаб ҳаётлари ҳақида бош қотиришга ким мажбурлай оларди?!.. Фақат Адив ҳали ўша мубҳам кайфиятдан қутулгани йўқ: «Қисмат менинг устимдан чиқарган ҳукмини ўқимоққа бунча шошмаса?! Неларга улгурдим, неларга улгурмадим?.. Улгурганимдан улгурмаганим кўпроқ! Тағин ёндафтадимга: «Мен ҳамма нарсага улгурдим. Ҳатто сиздан кейин келиб, сиздан олдин кетишига ҳам», дея ёзганимга бало борми?! Эҳтимол, қисмат башоратимнинг иккинчи қисмига мойилдир. Бугунги жумбоқ шунга ишорадир?!» Бир пайтлар Адив қаламга садоқат қилгину, ўзига хиёнат қилолмаган ҳаваскор бир шоирнинг ўзидаи тўпори, ўзи каби ўжар шеърини ўқиган эди. Шеърнинг бир мисрасини ҳали-ҳануз кирган даврасида такрорлаб юради: «Одамнинг ўлгани, асли, туғилған кун экан, дўстлар». Бу мисраси Адив кайфиятига қараб икки хил талқин қиласи. Илло, одамзод туғилған куни унинг пешонасига ўлим соати-да битилган бўлади. Илло, одамзод ўлган куни Ҳақ нури или қайта туғилгусидир. Аммо, бари бир, ҳаёт ширин, бари бир, тириклик баҳт! Жисм ўлса,

қисмат дея бош эгасан. Бироқ руҳингни ўлдирмоқчи бўлсалар, қандоқ чидайсан?! Адаб кекса Хосе Аркадио Буэндиа каби руҳиятига шикаст этишию дарахтга боғлаб қўйилишини кўз олдига келтирди-ю, юраги зирқираб оstonага чўкиб қолди...

Нихоят, дарвоза томондан аллақандай машинанинг товуши эшитилиб, меҳмонларни кутиб олиш мақсадида йўлакка чиққан Муниса дарвозанинг ланг очилган тавақаси олдида бир тўп лўлини кўриб, жойида қотиб қолди. Катта ва қўпол рўмолларга ўраниб олган, қоп-қора юзлари игна санчиб туширилган холларга тўлган, ўсмалари чаплашиб кетган бир тўда лўли хотинлар, қора-кура лўливаччалар, қўлларида таёқ, кулоқчинни эгри кўндириб, бот-бот мўйлов бураб ўзларига оро берадиган уч-тўрт лўли эркак дарвозадан ичкарига чувиллаб киришдию ҳе йўқ-бе йўқ тўгри меҳмонхонага йўл олиши. Адаб уларнинг орасида икки-учта анча-мунча олифтароқ, аммо, аллақандай ажнабий кийимлар кийган одамларни ҳам кўрди. Муниса ҳай-ҳайлаганча қолди. Бошига бир челяк совуқ сув қуйилгандек талмовсираб қолган Адебнинг тилига, тағин-да, ўша мубҳам кайфият тутун солди. Давангирдай лўли хезлангансимон овози зўриқиб, хириллай кетди:

— Бу нимаси ако?! Меҳмон атойи худо дейдилар! Бизни бу ерга насиба тортиб келди, ако, насиба! Ман билан сиз Худодан зўрмизмики, унга ундој қил, бунга бундој қил, деб ақл ўргатсан?! Кенг бўлинг, ако, кенг бўлинг! Бизга бир тишлам нон берсангиз, Худо сизга ўн қилиб қайтаради! Савуқ еган бачаларни ўйламайсизми, охи?!

Адеб юзига зўрма-зўраки табассум эндириб жилмайди:

— Майли, биродар, бемалол. Фақат меҳмон кутаётган эдик. Шунга...
Бугун туғилган куним. Меҳмонлар келишмоқчи эди...

— Иби, ман сизга курбон, ако! Бугун иминена дент? Илоҳим, бoshingiz тощдан бўлсун! Уйингизда тўй бўлсун, бошингиз тўйдан чиқмасун, ако! Аммо-лекин, нон эгаси билан ширин, дейдилар. Бизни ўёттирманг. Биз бир кўчани одами, андешадан Худо андак қисган. Кeling, ако, киринг!

Адеб ноилож меҳмонхонага кирди. Лўли хотинлару болалар аллақачон дастурхон атрофида жойлашиб олишган эди. Фақат икки лўли эркагу ҳалиги уч олифта худди келишиб олгандек мум тишлашган. Барзанги лўли Адебни қўярда-кўймай тўрга — савлатдор олифтанинг ёнига ўтказди. Адеб «меҳмон»ларга бир-бир назар солар экан, тағин эрталабки ноҳушникни эслади. Ёнида кимсан полковник Аурелиано ўтиради. Адеб алаҳсираяпман дея ўйлаб, хаёлини жамламоққа уринди. Бироқ, рўпарасида ўтирган одамнинг ўзига маъноли боқаётганлигини сезиб, тағин хоҳишига эрк берди. Шундоқ рўпарасида унга ҳикмат тўла қўзларини қадатан, алланелар демоққа шайланётган донишманд — Буэндиалар хонадонининг ибтидою интиҳоси ҳақидаги башоратни ёзиб қолдирган қария Мелькиадес турарди. Адеб лолу ҳайрон эди. Нимадир демоқчи бўлиб лабини қимиранлади, бироқ овози чиқмади. Унга пиёлада сув узатган кўл эгасига разм солар экан, қўлидан пиёла тушиб кетди. Кўл эгаси йигит ёшида лўлиларга қўшилиб кетган ёш Хосе Аркадио эди. Кўз ўнгидаги содир бўлган мўъжизадан тамомила гангид қолган Адеб кўраётганлари ўнгими-тушими фарқлаёлмасди. Илло, мудом хаёлларига асир бўлиб юрганидан гайриоддий туюлган ҳар бир ҳодисадан мўъжиза излашни одат қилган эди у... Кўнглида аллақандай нохуш хис ўрмалади. Наҳот, кетадиган вақт етган бўлса?!

Мелькиадес унинг хаёлларини ўқиётгандек, маънодор бош чайқади. Нималардир демоқчию, аммо тил билмаганидан афсус чекаётгандек, маъюс жилмайиб кўйди. Бу тариқа мубҳам кайфиятда ўтиравериш Адебга ҳам, учала «муҳожир»га ҳам нокулай эди. Хайрият, сергап барзанги лўлининг хирқириқ овози янгради:

— Эй ако, нима, уйда нону мевадан башқа нарсангиз йўқме? Янгам овқат повқат қилгандир?

Адиг тараффудланиб қолди: «Муниса бобиллаб бермаса эди. Ахир, лўлиларга едираман деб овқат қиляптими? Меҳмон кутиш нима бўлади, энди...»

Ошхонада бир-бирига суюнганча ҳиқ-ҳиқ йиғлаётган хотини ва қизини кўриб, Адиг тажанг бўлди. Уларга нималарнидир тушунтиришга ҳаракат қилгани фойда бермади: «Мелькиадес келган, ахир, Мелькиадес!» деб таракорлашдан нарига ўтмади.

— Қанақа одамсиз ўзи?! Ҳатто меҳмон кутишингиз ҳам одамларни кидек эмас-а. Нималар деб алжияпсиз? Мелькиадес нима қиласи бу ерда?! Меҳмонлар келиб қолишиша нима қиласман? Номусларга ўлдирдингиз мени, — уввос солди Муниса.

Адиг нокулай аҳволда қолди. Ноилож овқат сузмоққа тутинди. Муниса аввалига қараб турдио, сўнг, кўли юмушга ёпишмаётган эрига раҳми келиб, ўрнидан қўзғалди. Қизи косаларни меҳмонхонага ташиб турди. Сергап лўли Мунисани: «Янгажон, янгамулложон!» деявериб, ниҳоят, жилмайишга мажбур қилди. Адиг тағин полковник Аурелианонинг ёнига чўқди. Ўз уйидаги дастурхон бошида қисиниб-қўмтиниб ўтирган хотини ва қизи унинг кўнгли учун «меҳмон»ларга мулозамат қилиб туришди. Лўли хотинлар, лўливаччаларнинг нафси ўпқон эканми, косалар бир зумда бўшади. Муниса Адигнинг қўзидағи ифодани пайқаб, ўрнидан турдио, бир зумдан сўнг, дастурхонга иккинчи таом тортилди. «Меҳмон»лар янайм иштача билан, янайм Мунисага раҳмат айтиб-айтиб товоқларни бўшатиши. Адигнинг соғлиги учун қадаҳ уриштириб шароб ҳам ичиши. Вақт ўтиб борар, аммо, асл меҳмонлардан дарак йўқ эди. Адиг тоқатсизланди. Мунисанинг юраги сиқилди. «Меҳмон»лар эса, қўзғалишга шошилишмас, айримлари бемалол ёнбошлаб олишган эди. Сергап лўли қистайвериб магнитафон қўйдирди. Шўх мусиқа оҳангига йўрғалаб, хотинлару болаларни рақсга тортди. Меҳмонхона ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Фақат донишманд Мелькиадес, полковник Аурелиано ва ўспирин Хосе Аркадиоларгина пинак бузмай ўтиришарди. Меҳмонлардан дарак бўлавермагач, хўрлиги келиб, ўз қисматини лаънатлай бошлаган Адиг мана шу уччаласи борлиги учунгина меҳмонхонадан чиқиб кетмас, кетолмас эди. Фақат... Юраги чидаб берса бўлди! Чидармикин?.. Ўйларига бир пас эрк бериб, кўзларини юмганида, қулоги остида гувилаётган далли-девона мусиқа шовқинини ҳам, синиқ пиёлаю тараққаб қолган бўш идишлар аралаш-куралаш бўлиб ётган дастурхонни ҳам, қийшанглаб рақсга тушаётган ажи-бужи башараларни ҳам унугандай бўлди...

Кўзини очганида меҳмонхонада ўзидан бошқа зот йўқ, ошхонадан жавраб-жавраб идиш юваётган Мунисанинг овози келар эди. Дастурхон ҳали ҳам ивирсиб ётар, дайди лўлилар тўдаси қолдириб кетган пала-партишлик Мунисани, дарҳақиқат, жаврашга мажбур қилган эди. Адиг оғир қўзғалди: «Келишмади-я номардлар! Ақалли бир-иккитаси келмади-я. Ахир, мен ҳар куни дастурхон ёзиб, меҳмон чақираётган эмасдимку бир сафар келиб, бир сафар келишмас?»

Адигнинг хўрлиги келиб, юраги сиқди...

Рўй берган бу оний «савдо»дан гангиди, елкалари баттар буқчайиб, афтода бир ҳолга тушган Адиг, кутубхонасидаги ёзув столига яқинлашди. Деразаларига қалин пардалар тутилиб қоронғилатилган хона ўтрасидаги алланарсага қоқилиб йиқилашди. Бу — қалин қофозларга авайлаб ўралган, энг аъло сифатда, обрўли нашриётда чоп этилган қалингини китоб, Адигнинг китоби эди... Қанчалар орзу қилган эди-я, бу кунни... Ҳамма нарсага кўл силтаб, қоғозни қийнамасликка қасам ичиб турган пайтида, бу не савдо?! Кўзларига жиққа ёш тўлиб, китобни бафрига босди, Мелькиадеснинг кўнгли боя не сабабдан бирданига кўчага чиқ-

моқни тусаб қолганини, кутубхона эшиги олдида куймаланганини тушунгандай бўлди. Китобни бағрига босганча, хотинидан суюнчи олиш илинжида ҳовлига чиқди. Сабри чидамай, эшикка етар-етмас овоз берди. Заиф, мискин чорловига хотини жавоб берган-бермаганини англар-англамас, ҳушидан кетди. Эрталабдан бери бардош дарахти томирлариға аёвсиз болта урган дилхираликлар ортидан келган бу шодлик — ҳаяжонига дош беришга куч тополмади. Ошхона эшигига унинг сўзига маҳтал турган Муниса, кўксини чангаллаб қулаган Адигнинг тепасига елдек учиб, фарёд уриб келди: «Номинг ўчсин, Мелькиадес, уйинг куйсин, Мелькиадес!..»

...Мавхум кайфият бағрига чўккан ҳовлидан узоқлашар-узоқлашмас машинани тўхтатган, бошини рул чамбарагига кўйиб, Адигнинг уйидаёқ қалбига чўккан гусса юқидан малул бўлиб, юраги йиглаётган Мелькиадес кулоги остида жаранг берган фарёддан оёғининг учига қадар титроққа тушиб, машинадан сакраб туши. Ҳеч бир гап-сўзсиз, ортидан бирор қувандек, ҳаллослаб Адигнинг уйи томон югурди. Ҳамроҳлару «ҳай-ҳай»лаганча ортда қолиши. «Биродаргинам, жон жўрам, ўлмагин, шоиргинам! Ахир, сен жуда бардошлисан! Умрини гап сотиб кун кўришга сарфлашдан уялмаган баъзиларга ўхшаб ожиз эмассанки, дўстингнинг ҳазилини тушунмасанг! Чида, биродарим, мен етиб боргунча чида!» Мелькиадес юрагини ҳовчулаб югурап экан, бошидаги шляпасини, қоп-қора сочига у қадар уйғун келмаган ясама соқол-мўйловини юлқиб отди. Елкасидан босиб кела бошлаган гусса Адигнинг ёнига етиб борар-бормас оёғидан чалди. Мунисанинг аламли қарғишлари, аёвсиз туртқилаб-тепишларига дош бериб, эмаклаганча Адигнинг бошига келди, телбаланганча унинг беҳол тепаётган юрагига мадор солмоққа уринди: «Шоиргинам, кўнгли нозик биродарим, ўлмагин, жон жўрам, ўлмагин Сенинг тиришган пешонангдаги ажинлар, юзингдаги қайгу кўланкасини ўрнини ёруғ табассум эгалласин, дея умид қилган мен, бенаво кулфатингга сабаб бўлиб қоламан-ку, ахир!.. Бундан ортиқ бадбахтлик борми?! Кўзингни оч, оғайнижон!»

...Тубсиз ўпқон исканжасидан қутулиб, бир оз енгил тортган Адиг кўзини очганида, тепасидаги — қўлларини дуога очиб, алланималарни пичирлаётган телбанамо суратдаги кишини кўриб ҳайрон қолди. Фикри тиниклашиб, ҳалиги кишини таниди-ю, маъюс жилмайганча, дийдаси юмшаб, унинг билагини қаттиқ қисди... Адигнинг тепасида, кўз ёшлари юзидаги бўёқларини юваётган, кўриниши масҳарабозга ўхшаб қолган бўлса-да, елкасидаги гусса юқидан букчайиб айтиниб-айтиниб йифлаётган Мелькиадес — Акбар турарди.

Бир неча кунлик муолажадан сўнг, анча ўзига келган, тизгинизистак ва соғинч ила ёзув столига ўтирган Адиг, тоза қофозга янги ҳикоясининг сарлавҳасини ёзди: «ТУҒИЛГАН КУН».



Хайриддин Салоҳ

КИПРИГИМДА ТУТИБ...

Киндик қоним томган она ер,
Билмам, бурчинг қандай ўтадим?
Озми-кўлми тўкиб манглай тер,
Қалб гурурин сенга атадим.

Хаёлингдан олис кетмадим,
Куйдирсанг ҳам товоним ёзда.
Жунжитсанг ҳам таним аёзда,
Сирим сендан дариф тутмадим.

Узилса ҳам сендан оёғим,
Узилмагай юрагим мутлоқ.
Отам, онам, уруғ-аймоғим
Дафн этилган муқаддас тупроқ.

Ҳар бир сиқим, ҳар бир қатрангни
Алишмасман зар, қаҳрабога.
Кипригимда тутиб меҳрингни,
Оширмоқ-чун яна қадрингни
Келганман-ку ёруғ дунёга.

1960



Хусниддин Шарипов

ШОИРОНА ЗИЁ

2002 йил ёзи «Пахтакор» ўйингоҳидаги Республика шаҳмот клубида журналистларнинг анъанавий мусобақалари ўтаётган эди. Йигирмага яқин ҳамкасб дўстлар пешиннинг иссиғига қолмай, кўпроқ ўйнаб олиш иштиёқида, нафасларини ютиб, олтмиш тўрт тахтани кўзлари билан пармалашарди. Бирдан сукунатни кимнингдир гўнфирилаши бузди. Унга жавобан Озод Шарафиддиновнинг кескин жавоби эшитилди:

— Мен учун бош оғритманг. Нима қилишимни ўзим биламан.

Одатда, шаҳмот жангига ҳатто чивин «финг» деб ҳалал бериши мумкинмас. Ажабланиб, ҳакам билан бурчақдаги тахта тепасига келдик. Маълум бўлишича, Озод аканинг бир сипоҳи зарба остида беҳимоя қолиб кетган экан: тузоқ сифатида қолдирилганми ёки хаёл қочибми, ким билсин?!. Рақиб йигит, эҳтимол, ҳурмат юзасидан, Озод акага «бошқа юрсангиз ҳам майли», деган маънода такаллуф қилган бўлса керак, бояги жавобни олибди. Ўйин давом этиб, кучлар тенг бўлмаса ҳамки, узоқ дона суришлардан сўнг Озод Шарафиддинов барibir ғалабани қўлга кирилди, муҳими — ўртада губор қолгани йўқ. У ўйинда ўша суръат билан давом этиб, якуний ҳисобда ҳам биринчи ўринни эгаллади, қаламашларнинг бу йилги чемпиони бўлиб қолди.

Ҳалол кишининг ҳеч қачон тили қисиқ бўлмайди. Фақат шаҳмотда эмас, адабиёт оламида ҳам, маҳалла-кўйда, ҳатто, мамлакатда... Мен гапни ўйиндан бошлаб, Озод Шарафиддиновнинг: «Нима қилишимни ўзим биламан», деган сўзларини бекорга келтирганим йўқ. Бу — ўзбилармонлик ёки такаббурлик эмас. У, дарҳақиқат, адабиёт ҳақида, ҳалқ ва ҳаёт ҳақида кўп нарса биларди. Энг муҳими — ўзи билганича ва ўзи хоҳлаганича яшади.

Бунга ишонч билан шаҳодат беришимнинг сабаби — жуда кўп ийллар адабиёт дастурхонидан ризқимизни бирга териб едик, ҳаммаҳалла бўлдик, «Бешёроҷ» атрофини обод қилдик. Ўғлим у кишининг қўлида талаба, кейин аспираント бўлиб, олимлар қаторини тўлдириди. Адабий маълумотномаларни мундоқ варақласак, фамилиямиз ҳам олдинма-кейин кўзга ташланади. Бу камлик қилса, бисотимиизда қарийб эллик йиллик хотира қатламлари бор.

Тўғри, Озод Шарафиддинов киприги билан илм қудуғини қазий бошлаганида, мен ўрмончилик касбини ўрганардим. Биз — Хайридин Салоҳ, Наим Каримов, Шотурсун Гуломов сингари ёш шоир дўстлар Ёзувчилар уюшмаси хузуридаги семинар машғулотларида қайнаб-тошган маҳалларимизда Озод ака Москвадаги Жаҳон адабиёти институтининг аспиранти эди. Лекин, мажлисларда кам кўришсак-да, овозлари доим бизга етиб келиб турарди. Бу овоз, айниқса, у киши қайттач, эллигинчи йилларнинг охирларида, адабиётимизда ва хусусан, ўша пайтлардаги «Ўзбекистон маданияти» газетаси саҳифаларида лирика ҳақида бахслар бошланганидан кейин юқори пардаларга кутарили, шоир ва китобхонларнинг янги авлодини янги изланишларга даъват этди, чина кам шоирона каашфиётлар чуқур илдиз отадиган заминни тобга келтириш билан шуғулланди. Эркин Воҳидовлар авлоди — ана шу заминнинг ҳосили. Кейинроқ Озод ака мен ишләтган «Шарқ юлдузи» журналига Абдулла Ориповнинг дастлабки бир даста шеърини, ўзи оқ йўл ёзиб, олиб кеди.

1960 йил сентябрининг охирларида республика ёш ёзувчалирининг навбатдаги семинари бўлди. Озод Шарафиддинов, ҳозирги кўнникмаларга кўра ҳали ёш бўлса ҳам, семинар қатнашчиларига устозлик қилди. Дўрмондаги машҳур арғувон остида ўтказган сұҳбатига Марк Твеннинг энг гўзал «Том Сойернинг саргузаштлари» китобини асос қилиб олиб, барчамизни жаҳон адабиётининг энг юксак, энг нафис намуналарини мўлжалда тутиб қалам тебратишга даъват этди. Бу даъват акс-садосиз қолмади. Вақти етиб, адабиётимизда Хеменгуэй, Уитман, Кафка, Камю сингари мураккаб ижодкорларнинг нафаси пайдо бўлди. Бу нафас ҳатто ҳозирги насримиз ифода услубларида рўй берётган эркиниларда ҳам ўзини намоён этаётир. Лекин, на чора, кўпчилик учун гап нафас билан танишув атрофида тўхтаб қолди, чамамда. Бу сабоқни чуқурроқ ўзлаштириш масаласи, яъни, Озод Шарафиддинов бундан қирқ икки йил бурун ўртага ташлаган фикр, ҳануз ўз актуаллигини йўқотганий йўқ.

Айни вақтда, мамлакат раҳбарияти раҳнамолигида муммомога ечим топилди. Номи ўзига ярашган «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил этилди. Озод ака унга бош муҳаррир этиб тайинланди, катта майдонга олиб чиқди. Ўзбек китобхони адабиёт дурданалари билан мунтазам танишув имконига эга бўлган, айниқса, ёш ижодкорларнинг омади бўлди десак, мутлақо хато бўлмайди. Чунки, бу биринчидан, ёзувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам дидини чархлайдиган муҳим омил.

Олтмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб, адабиётшунослар сафи кескин кенгайиб кетди, бирин-кетин янги-янги фан докторлари пайдо бўла бошлиди. Кунларнинг бирида, кайфиятим бироз жанговар бўлса керак, Озод акани тергай бошладим, дўстона, албатта, нега бу масалада дангасалик қиляпсиз, деб. Ахир, ўйланг — у илмий даража олиш учун ҳатто китоб титиб ўлтиришининг зарурати йўқ эди, фан олами уни ўшандга ҳам худди ҳозиргида жуда яхши билар ва тан олар эди, ҳатто шогирдларининг анчамунчаси «докторлашиб» кетганди. Мабодо, ўзимиздагилардан кўнгли тўлмаса, Москвадаги қадрдоnlари орасида ҳам ҳурмати катта эди. Ҳаракат бошласа, бас...

Кийин-қистовларимни эшитиб, Озод ака, ҳеч бўлмаганда,

кўнгил учун «хўп» деб кўя қолса бўларди. Йўқ, у ростини айтди. Дардини айтди. Докторликдан нима фойда, деди. Мен шоир Чўлпонни, романнавис Чўлпонни, Чўлпон деган инсонни тикламоқчиман, ёргуликка олиб чиқмоқчиман. Мана шу менинг энг зўр илмий ишим бўлади, деди, қолганлари ўз йўлига...

У маҳаллар, ҳали «Тирик сатрлар» эндиғина жодидан ўтказилган паллаларда, Озод Шарафиддинов бу мақсад жуда катта ижтимоий қувватларнинг қўзғолиши билан, тузумларнинг ўзгариб кетиши билан боғлиқ экани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган бўлиши мумкин. Лекин унинг кўнгил хоҳиши тарих ғилдирагининг ҳараткат қонуниятлари билан мутаносиб бўлгани мана энди яққол кўришиб турибди.

Энди гапни кундалик турмушга бурадиган бўлсак, сўнгги ўн-ўн беш йил ичида «болалаб» кетган чўлпоншуносларнинг ризқи қайсар Озод Шарафиддинов томонидан ўша йилларда сочилган эди.

Озод ака Урта Осиёдаги энг нуфузли университетнинг домласи бўлса-да, ўзини ҳатто талабалардан юқори қўймас, ҳамма билан тепа-тенг хурсандчилик қилиб ёки баҳслашиб кетаверар эди, ҳатто бошқа олий ўқув юртини битирганлар билан ҳам. Шу сабабли, уни айниқса, ёш қаламкашлар жон-дилидан ҳурмат қилишарди.

Ҳамон эсимда, дўстим Хайридин Салоҳнинг «Иккинчи имтиҳон» деб номланган китоби эндиғина босилиб чиққан пайтлар эди. Дастребки, муаллифга тегишли нусхаларни олиб, у бирини Озод Шарафиддиновга тақдим этишини ният қилди-ю, анчагина дастхат ҳақида ўйлаб юрди. Ниҳоят, менга ёрилиб, устозни «олимлардан шоирроқ, шоирлардан олимроқ», деб таърифламоқчи бўлганини айтди. Бу фикр охири қандай шаклда қофозга тушганини билмадим, лекин мазмунан мутлақо ҳақиқат эди. Шеърият — ўзига хос нурли олам. Ҳар сатрида муҳаббат, вафо, соғинч, меҳр, ишонч, умид, табассум яшайди. Тўғри, ҳажвий шеъриятда найза бор, лекин у найзада заҳар бўлмайди. Шунинг учунмикин, Озод Шарафиддинов тўғрисида ўйлагандা, у муҳаррир, мақоланавис, нотиқ, таржимон бўлишига қарамасдан, кўз олдимга шеърият зиёси келаверади. Фақат айтишим қийин, бу зиё ундан тараладими ёки унинг ўзи бу зиёда чўмиладими?!

Бизнинг оила, пайдо бўлибдики, адабиёт билан озуқланади. Дехқоннинг ўз ташвиши бўлганидай, турсак ҳам, юрсак ҳам, дастурхон атрофида ўлтирасак ҳам, гапимиз шеърият атрофида айланади. Кунларнинг бирида оиласиз бекасининг қўлига 1986 йилги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси тушиб қолибди. Унда Озод Шарафиддинов билан ёзувчи Иброҳим Раҳим бир оз «найзалашибган» экан. Бекамиз бечора бирам хафа, бирам хафа, чуни, уларнинг икковини ҳам жуда яхши инсонлар сифатида, ҳалол, оиласизга ҳурмат билан қарайдиган, ижодда обрўси баланд инсонлар сифатида билар эди. Нега шундоқ яхши одамлар бирбирининг дилини оғритади, дейди у куйиниб. Зўрга юпатдим, — бу адабиётдаги оддий бир манзара, деб. Улар тенг вазнли курашчиларга ўхшаб, ким зўрлигини кўрсатишгаётганлари йўқ, деб. Билганинни ўртага ташлаб, ўз ҳақиқатларини айтишаётир ва, химоя қилишаётир, деб. Бундай курашдан душманлик эмас, фақат хушёрик туғилажагига ишонтирдим, ҳар ҳолда.

Шу ўринда, бекалар бўйича ҳисобни тенглаштириш учун, кен-

найимизнинг номларини тилга олмоқчи эдим. У кишининг исм-шарифлари гоҳ кино муҳаррири, гоҳ кино таржимон сифатида телевизор орқали юртдошларимиз қулогига ҳафтада бир-икки марта, демак, Озод аканинг номидан ҳам кўпроқ чалиниб туради. Худди шунинг учун ҳам Шарофат Кўшбоева ижодига шунчаки тил теккизиб ўтиш адолатдан бўлмайдигандай туюлди. Бу касбнинг мутахассислари кам, меҳнати мураккаб. Уни қадрлаган санъатшунослар ҳам йўқ даражада. Лекин бу қарзни узиш керак, албатта. Ўша, жиддий таҳлил туғиладиган пайт келгунча аввалги мавзуга қайтиб турамиз.

Биз шеърларимизни қўлтиқлаб, бирор мушоирага борадиган бўлсак, кўпинча хавотирланамиз: «Бу сафар ҳалойик қандай кутиб оларкин? Ёшларми, қарияларми? Нимани ўқий, қандоқ ўқий?» деб. Ўша йигинларда кўп бора яна бир нарсанинг шоҳиди бўлганмизки, ҳалойик шоирлардан кўра, кўпроқ Озод аканинг оғзига қарабди: «Устоз бу сафар яна қандоқ ҳақиқатни айтаркин?» дегандай. Ҳа, ҳалқ борки, унинг кўксига қат-қат орзу ва армонлари бор. У кўнглидагини оламга ошкор қилиб турмаса, ёрилиб кетиши мумкин. Шоир деганингга гапни ҳамма вақт ҳам ишониб бўлавермайди, кўпинча ўтлаб кетишади азаматлар. Шунинг учун одамлар ичларига сифмаган, депсиниб турган дарду қувончларини кўпинча Озод Шарафиддинов тили билан, хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки бўлсин, мукаммал бир шаклга тушган ҳолда изҳор этишни афзал кўришади. Унга эргашишади ҳам.

Менинг бир дўстим бор. Тожиддин Зокиров. 1946 йилдан бирга ўқиганмиз. Ҳозир у қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор. Қанд касали баҳона бўлиб, Озод ака билан қарийб бир вақтда оёғидан ажралди. Уйида ётиб қолди. Кунларнинг бирида у мени сўроққа тутди:

— Озод акани касал дейсиз, ахир, у киши бир кун мажлисда бўлса, бир кун радио ё телевизорда кўринса, у газетада мақоласи босилса, бу журналда — таржимаси. Яна — муҳаррирлик... Бунака яашашга ҳатто соғломлар ҳам ярамайди-ку. Менга Озод аканинг дардни енгиш сирларини билиб беринг...

Ўғлим Рустамжон ёрдамида бир оз «разведка» қилиб, дўстимга Озод аканинг машқу интизомини тушунтиридик. Ҳозир 71 ёшли Тожиддин Зокиров, иккинчи оёғидан ҳам ажралган бўлса-да, тушкунлики бошидан отиб ташлади. Республика пахтачилик илмий текшириш институтининг энг фаол, етакчи ходимларидан бўлганича қолди.

Озод Шарафиддиновнинг роса қирқ йил аввал босилиб чиқкан «Замон. Қалб. Поэзия» китобидан кейин дунёга келган илмий асарлари ва таржималари ёнма-ён қўйилса, бир-икки китоб токкасини тўлдириш мумкин. Уларнинг орасида бундан йигирма йил бурун худди шундай кунларда ёзилган «Ниҳол ўсиб, чинор бўлибди» деган асар ҳам бор. У каминанинг камтарона ижоди ҳақида. Ҳар гал бу асарни қўлга олганда бошим кўкларга етган бўлса, айни вақтда, мен миннатдор бошимни Озод ака қаршисида эгаман. Раҳмат! Ташаккур!

Қаҳрамонлик унвони кўпинча бирор-бир жанговар вазифани адо эттани учун, меҳнатда эса, барчани қойил қолдирадиган музайян натижани қўлга киритгани учун берилади. Озод Шарафиддинов бу унвон билан олим, устоз, ҳалол инсон сифатида ёниб-

яшнаб ўттан бутун умри учун тақдирланди, назаримда. Борди-ю, кимдир қаҳрамонликни, барибир, жанговар иш билан боғлайверадиган бўлса, яхши, бунда ҳам мантиқ бор: жаҳонда адолат, ҳақиқат, инсон учун, инсонларча яшаш учун кураш давом этаётир, ҳатто, авжланаётир ҳам. Озод ака бутун умр шу майдонда бир оташин жангчи сифатида бўй кўрсатди.

16.10.2002 йил.

Илова: Менинг бир камчилигим бор. Зарурат бўлмаса, ёзган нарсаларимни газета-журналларга тарқатиб юришга ўрганимаганман. Илгари кўпинча шеър ёки ёзма фикримни уларнинг ўзи сўраб оларди. Бу сафар, ташаббус ўзимдан чиққани учун, Озод ака билан жуда яқин журналнинг раҳбарига қимтанибгина мурожаат қилишга тўғри келди. У ҳам, биз устозни илгарироқ табриклаганмиз, деб, гапнинг дангалини айтиб қўя қолди. Яна бир журнал ва газетадаги шогирдлардан ҳам шундай жавоб олдим. Матбуотда жуда узоқ йиллар ишлаганим учун бу соҳа ходимларининг ҳар сўзини типла баробарида тортиб олишга арзиди деб биламан. Уларга ортиқча ғашлик қилиб ўтирадим. Бу гаплар ва ёзганларимни Озод акага ҳам етказмадим. Бегуноҳ кишининг кўнглини оғритиб қўйишдан ҷўчидим, рости гап. Мана энди, видолашув ўрнида, ўша ўйларни ушбу шеър билан якунлашга тўғри келаётир.

ОЗОД НАФАС

Фикр ва тасаввур жилови узун,
Донолар ҳаётни пайпаслаб юрмас.
Илҳом-ла кувлашиб ўйнамоқ учун,
Хаёл сурмоқ учун
оёқ зарурмас.

Кўз юмиб уфқлар ошмоқ ҳам осон,
Кайф қилсанг мабодо қалб бодасидан.
Ер хулқи иқлимдан бўлгандек аён,
Ёрни сезмоқ мумкин шаббодасидан.

Тан аммо, барибир, тилар озодлик,
Ҳеч кимса рақс тушмас, ахир, кишанда.
— Нечун teng сийламас барчани шодлик? —
Деган ўй эговлай бошлар ўшанда.

Балки жавоб берар бунга табиат,
Чўтга солаётир жами ишини.
Ҳақиқат бор бўлса,
айтсин ҳақиқат:
— Азоблаш шартмикин яхши кишини?..

16.12.2005 йил.



Машраб

ҚАЮ ТИЛ БИРЛА, ЭЙ ЖОНО, СЕНИНГ ВАСФИНГ БАЁН АЙЛАЙ

Малаксан ё башар, ё хуру ғилмонсан, билиб булмас,
Бу лутфу, бу назокат бирла сендин айрилиб булмас.

Ажаб берәхм дилбарсан, ажаб шүхи ситамгарсан,
Чароги ҳусни рүйингдан күнгүлни хам қилиб булмас.

Юзунгни офтобини күриб ҳайрон бўлиб қолдим,
Фалакка кўл узотиб шамси анварни олиб бўлмас.

Юзинг мисли қизил гулдур, кўнгул чун булбул шайдо,
Бу гулнинг ишқидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

Кел, эй Машраб, агар ошиқ бўлибсан, бўлмагил ғофил,
Бу ғафлат уйкусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

Агар ошиклигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Кишига ишқ ўтидин зарраи тушса бўлур гирён,
Бўлур бесабру бетоқат, юрак-бағри ҳамон ўртар.

Нечук тоқат қиласай, дўстлар, бу дард ила бўлуб ҳайрон,
Фамим бошқа, алам бошқа юрагимни ниҳон ўртар.

Мени бехонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,
«Нигоро!» деб отинг айтсам, ки, тавқингдин забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзим гирён, сўнгакларим чунон ўртар.

На қаттиғ кун экан, дилбар, висолингдан жудо бўлмоқ,
Менинг оҳим ўтиға бул замину осмон ўртар.

Юракда дарду ғам қат-қат, ки, менда қолмади тоқат,
Агар бир заррасин бул вақт десам ишқи баён ўртар.

Бу дард ила ҳароб ўлдим, келиб ҳолимни сўрмайсан,
Үнум чиқса юракдин бу тану жон, устихон ўртар.

Бу Машраб дардини, жоно, ки, ҳеч ким бошиға солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидан ўртар.



Өйбек Шахрисабзда Хотиротлар

Учинчи-түртінчи синфларда ўқырдик. Муаллимимиз синфдошлардан түрттамизни дарсдан кейин олиб қолди-да, хар биrimизга түрт қатордан шеърни ездіриб бұлганидан кейин:

— Ана шу шеърларни яхшилаб ёдлаб келсаларинг, мен сизларни катта шоир билан учрашувга олиб бораман, — деди.

Үйга суюниб келдім-да:

— Она жон, янги кийимларимни беринг, шоир билан учрашувга олиб бори-шаркан, — дедім күвончим ичимга сиғмай.

— Қайси шоир билан, ўғлим?

— Ойбек деган шоир билан деди муаллимимиз.

— У киши яқында радиодан шеър ўқиди, ўғлим. Ойбек улуғ инсон, бундай катта одамлар олдига қуруқ құл билан бормайдилар, — деб, онам бир тоза рүмөлгө яхшигина пишган сурхак узумидан узиб, туғиб бердилар.

Кишлоқдан чиқиб, шовуллаган бөг-роғлар, баланд-баланд қир-адирлардан ўтаяпмиз. Үқитувчимиз йүл-йүлакай ёдлаган шеърларимизни сұраб, қандай айтиш кераклигини ўргатиб бораяпты.

— Биласизларми, — дейди бизни эхтиётликка ундағы муаллимимиз, — бу шеър «Хайкал олдидә» деб аталади. Домла Ойбекнинг янги шеърларидан. Агар чиройли қилиб айтсаларинг, у киши жуда хурсанд бўладилар...

Анча йўл юрдик. Олдин бир кичикроқ дарёдан кечиб ўтдик, кейин дараҳтзорга кирдик. Дараҳтзор Қани қишлоғига уланиб кетганди. Яна бироз юриб дараҳтзор ичидаги ёлғиз иморат томон йўналдик:

— Ана, домла Ойбек, — деб юборди муаллимимиз бизларга иморат олдидаги турган кишилардан бирини кўрсатиб. Шоир оппоқ кўйлакда, соchlари жингалак, чиройли, худди китобдаги суратларига ўхшаб турарди.

— Сизлар шу ерда мени кутиб туринглар, — деб муаллимимиз тезгина бориб, у кишилар билан анча гаплашди-да, кейин келиб бизларни ҳам эргаштириб кетди.

— Салом катта инсонлар! — деб Ойбек домла ҳаммамиз билан кўришиб чиқди.

— Яхши ўқияпсизларми? Қандай китоблар ўқияпсизлар? Эртак китоблардан ҳам ўқийсизларми? — деб сўрадилар.

— Булар ажойиб болалар, домла, сизнинг шеърларингиздан ҳам ёдлаб келишган, — деб биздан олдин жавоб қилди үқитувчимиз.

— Шунақами? Қани, эшитамизми, Ҳуррам ақа? — деда ёнларида жимгина қўл қовуштириб турган одамга қаради Ойбек домла. Бу орада ўқитувчимиз бизларни бўй-бўйимиз билан сафлаб кўйди.

— Хўш, қани катта инсонлар, эшитамиз, — деди яна Ойбек домла.

Навбат билан шеър ўқишини бошладик:

*Кўйлаганди беш аср бурун
Халқни, ҳақни, ишқни бу инсон.
Юраги ҳам эркин, ёруғ кун
Дарди билан тепарди ҳар он.*

Улуғ Ватан кўксига шоир
 Бузун қаддин кўтарди баланд.
 Абадий тош либосидир,
 Кўлда китоб, кўзлари ўйчан.
 — Ассалом, Навоий! — дейди ёш авлод,
 Олқишилайди халқи баҳтиёр.
 Шоир, арзир қиссанг ифтихор,
 Сўзинг янграп, кўнгилларда ёд...

— О-о-о, гўзал, гўзал-ку бу ёшлар! Қаранг Ҳуррам ака, бу катта кишилар қандай зўр ўқийдилар, бирам мафтункор. Яхши, яхши. Үқинг, яна бир такрор!

Ойбек домла бу сўзларни шундай берилиб қувонч билан айтардиларки, қўлларини ўйнатиб, қулочларини кериб, бошларини баланд кўтариб, кўзларини беихтиёр юмиб, худди актёрлардай бегубор ва, айни пайтда, ҳайротомуз кўринарди, бизга. Ҳаммамиз маҳлиё бўлиб қараб турибмиз. Ҳатто муаллимимиз ҳам чурқ этмай, кўзини адибдан узмасди. Бирдан Ойбек домла жиддий тусга кириб:

— Исли шарифлари нимайди? — деб қолди муаллимимизга.

— Шариф, Шариф Воҳидов, — деди тезгина муаллимимиз.

— Раҳмат сизга! Зукко, билимдон этиб тарбиялабсиз шогирдларингизни. — Домла Ойбекнинг гаплари шу жойга етганда, ҳалиги Ҳуррам ака деган киши:

— Сизнинг отангиз ўқитувчи эмасмиди, йигитча? — деб қолди муаллимимизга.

— Ҳа, отам ўқитувчи бўлганлар. Сиз отамни танирмидингиз?

Жавоб билан бирданга савол ҳам берди муаллимимиз.

— Раҳматлик Абдувоҳид кўп зукко, билимдон, камтарин инсон эди, — деди-да, Ҳуррам ака Ойбек домлага қараб шуларни таърифлади:

— Ҳазора ажойиб манзарали узумзор жой. У ердагидай ширин узумни ҳеч жойда учратолмайсиз. 1933-йили қурғоқчилик бўлганди. Шаҳрисабз мұхитини ўрганиши мақсадида бўлса керак, Йўлдош Охунбоев келганди. Мен у пайтда органда ишлардим. Уларга қўшилиб Ҳазора узумзорларини айлангандик. Мана, бу ёшлар ўша жойнинг узумидан келтиришибди, бир татиб кўринг-чи, Ойбек ака, — деб идища тозагина қилиб ювилган узумни тутди.

Адид бир бош сурхак узумини олиб узоқ томоша қилди-да:

— Тозалигини қаранг-а, билурдек тиниқ кўринади-я. — Бир гужалани оғизларига олиб, хузур қилиб едилар ва: — Қани, катта инсонлар, ўзларингиз ҳам олингларчи, — деб бизларга ҳам ўз қўллари билан узум едиргандилар. Қанида Ойбекдек улуғ инсон билан учрашиб, бир олам завқларга тўлиб қайтгандек ўшанда.

— Йиллар еллар каби тез ўтиб кетавераркан. 1967 йил Ойбекдек буюк инсонни яна бир бора кўриш насиб этди. Афсуски, ноҳуш ҳолат эди унда:

Тошкент. Навоий театри. Халқ оқими бетиним тўлқинланиб келарди. Ҳалқимзининг севимли фарзанди — Мақсуд Шайхзода гулларга ўралганча, тобутда салгина боши кўтариб қўйилган ҳолда ётиби. Унг томонда Ойбек, чап томонда машхур ҳофиз Сирож Аминов, ҳар икквларининг ҳам билакларига қора латта бойланган, кўл қовуштириб туришибди. Ҳофиз ғамгин хиргойи қилиб туриби. Юзларидан кўз ёшлари оқиб тушяпти. Ойбек домла бўлса, қип-қизил тангизиб кеттан, юз-кўзлари ҳам бошқача, устиларида сарғиш макентош, улкан қоматлари ғамгин, марҳум билан видолашиб ўтгаётган одамлар оқимига не-не маъноларда жовдирашиб қаради... Бу Ойбек домлани сўнгти бор кўришим бўлди...

.... 1975 йиллар эди. «Ёш гвардия» (ҳозирги «Янги аср авлоди») нашриётида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, марҳум ёзувчи Эмин Усмон, таржимон Эркин Миробидов (у киши 1957 йили ТошДуни битириб, йўлланман билан Шаҳрисабзга келган ва ўша пайтда Амин Умарий номи билан юритилган ҳозирги Ойбек номли ўрта мактабда тарих фанидан дарс берган)лар билан сұхбатлашиб ўтирадик. Сұхбат айланиб, Ойбек домланинг Шаҳрисабзда бўлганликларига бориб тақалди. Шунда Худойберди ака: «Жаббор, сиз домла Ойбек уйида яшаб, ижод қилган ўша инсон билан батафсилроқ сұхбатлашсангиз, ахир, у киши ҳам кексайиб қолгандир. Улар тирик тарих-ку, мумкин қадар овози ёзиб олинса қандай яхши иш бўларди», деган фикрни айтди. Шундан кейин мен ўша Ҳуррам бобо Боқиев билан кўп марта учрашдим, жуда кўп нарсаларни билиб олдим.

1950 йил эди, — деб ҳикоя қилди Ҳуррам бобо. — Айни сурхак пишган пайт. Вилоят ўрмон ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиги Бекмурод Усмонов (у киши тошкентлик эди. 1994 йилда вафот этдилар) бир гуруҳ меҳмонлар билан

үйимизга кириб келдилар. Меҳмонлар орасида мен Ойбекни дарров танидим. Ҳаяжонланганимдан: «Сизни танийман, сиз — ёзувчимиз Ойбексиз», деб юборибман.

— Ҳа, бу киши сизнинг ёзувчингиз, бизнинг божамиз Ойбек бўладилар. Бу киши Зарифа опа, Ойбекнинг аёли, бу киши эса, Шарифахон — бизнинг жононимиз, — деб роса кулдириб, меҳмонларни таништириди Бекмурод Усмонов. — Ойбек бизнинг уйимизда 19 кун яшаб, иход қилди. У кўп ўйлар, кўп ёзар, эди. Мен у кишини дарё бўйларига, кир-адирларга, Мираки қишлоғига олиб борардим. Ойбек ака одамлар билан ҳол-аҳвол сўрашар, дилдан сұхбатлашиб, кўнгилларини кўтарарди. Лекин ҳеч қачон мен палончиман демасди. Баъзан бир жойда узоқ туриб қолар, олис-олисларга термулиб хаёл сурар, катта тош устига ўтириб олиб, дафтарига нималарнидир ёзиб қўярди. Бир куни туман раҳбарларидан бир киши келиб, ўтирасдан Ойбек билан икки дақиқа чамаси гаплашди-да, хайрлаша туриб, менга кўл узатди. Ойбек ака мийифида кулиб қўйдилар. Нонушта қилиб ўтирганимизда Ойбек ака ўз-ўзларидан узоқ кулдилар. Ҳатто, «Тавба» деб кўзларини рўмолча билан артиб ҳам олардилар. Нимага кулаётганикларини сўрасам:

— Покистонда бўлганимда бир ўзбек йигити: — Салом Ойбек ака, — деб мен билан сўрашиб қолганди. У инқиlobдан олдин Тошкентдан Покистонга кетган экан. — Нега ўз ватанингизга қайтмайсиз? — десам: «У ерда коммунистлар одамларни елкасидан тишилаб ер эмиш-ку!» деб жавоб қилганди. Ҳозир шу воқеа эсимга тушиб қолди. Қаранг, қандай нотўғри тарғибот, — деб жавоб қилгандилар Ойбек ака, — деб ҳикоя қилиб берарди менга адив ҳақида Хуррам бобо Боқиев.

Ойбек домла бу ерга божаси Бекмурод Усмонов ва рафиқаси Зарифа опанинг маслаҳатларига кўра дам олишга келган. Табиийки, бу ерда «Олтин водийдан шабадалар» романинг айрим қисмларини қайта ишлаган. Монанд манзаралар, муносиб характерлар топган.

Яна бир нарса муҳимки, Хуррам бобо Боқиевнинг оиласида Ойбек домланинг учта дастхатлари бўлган.

Хуррам бобо умрининг сўнгги йилларида кенжা ўғли Илҳом билан яшагани, отаҳонга тааллукли барча нарсалар унда сақланишини билиб, улуф адабнинг қўлэзмаларини топиб беришни илтимос қилдик. Илҳом буюк адабнинг ўз қўллари билан ёзилган дастхатларнинг иккитасини топиб берди. Минг афсуслар бўлсинки, дастхатнинг биринчисини топишнинг иложи бўлмади. Аммо, ўша дастхатдан айнан кўчириб олган нусхамиз (1985 йилда) бизда сақланмоқда, мана у:

«Шу гўзал табият каби тиник, тоза, мусаффо чехрангиз, сермазмун сұхбатларингиз, инсоний ғамхўрлигингиз бир умр қалбимда муҳрланиб қолади. Сизни хурмат қилиб Ойбек». Имзо.

Дастхатларни ўқир эканмиз, шундай буюк инсоннинг оддий бир одам, бир боғбон Хуррам бобо Боқиев билан сұхбатлашиш учун, вақт топганига, ҳаттоки, у кишининг тақдиди учун қайғуриб вилоятнинг энг катта раҳбарига мурожаат қилганини эшишиб Ойбек домланинг одамийлигига, муруватига таъзим қилгинг келади кишининг.

Хуррам бобо Боқиев ҳаётлигига ёқ, ўзи яратган боғнинг дам олиш масканига Ойбек домланинг номини қўйдиришга, буюк адабнинг сиймоси тасвирланган йирик панно ўрнатишга эришганди. Қани қишлоғидаги мактабга Ойбекнинг номи берилиши ҳам шаҳрисабзликларнинг улуф адив руҳига қалб эҳтиромидир.

Жаббор Халилов,
Шаҳрисабз.





БОЛАЛАР ДУНЁСИ



Султон Жўра

ХАДРОФЛАДР ОВЛМ ҒҶИСАРД...

Ой нечта?

I

Юлдуз, Кундуз сингил ва опа
Бошлидилар катта тортишув.
Юлдуз деди: — Ой битта фақат.
Кундуз деди: — Йўқ иккита-ку!
— Кеч бўлсинчи, кўрамиз, қани,
Кимнинг гали ростга чиқаркан?
— Юлдуз бўлсанг, ойни кўргани
Ундан илгарироқ чиқарсан...

II

Ана келди, кутган кеча ҳам,
Ёниб чиқди қизил ширмон ой.
Чолиб кетди Юлдуз кўчага.
Кундуз деди: — Ҳовлидан боқай.
Иккови ҳам кўраркан ойни,
Бир-биридан олишди дарак:
— Унда борми?
— Ха, биттаси бор.
Қайсисининг оий каттароқ?
Ишонмади бири-бирига.
Ва дедилар:
— Ой, нечта оий?
— Ётинг энди,
Фақат битта осмоннинг оий.
Катта бўлгач, айланайларим,
Ойнинг ўзин миниб кўрасиз.
— Ўшанда-чи, ойижон бизга
Катта тоти¹ олиб берасиз...

III

Мен ҳам шундай болалигимда
Ойни иккита деб юрардим.
Ўша пайтим тушиб эсимга,
Шу шеъримни ёзиб юбордим.

1940. Андижон.

¹Тоти — совға, мукофот.

Кимнинг хати чиройли?

Солиштириб кўрайлик,
Кимнинг хати чиройли?
Кани очинг дафтарни,
Меникидай хат борми?
Кўринг ҳамма ҳарфимни
Қизиқтирап ҳар кимни:
Ҳарфим аниқ, гўзал — хуш,
Қийналмай мумкин ўқиш,
Дафтардаги чизик-сим
Ва ундаги ҳар сўзим —
Қалдирғочдек тизилган.
У ёзилган тез -илдам.
Хафрлар бўлиб бўйсара,
Доим менга бўйсунар.
«Қийшайманг ҳар томонга!»

Деб бераман команда.
Соат ўқидай бирам
Теп-текис юрар пером
Ва бўяб ҳаммаёқни
Томизмайман сиёхни.
Ўтиришим тўғри, соз,
Коидага жуда мос.
Кўкрагимни мен сира
Утирганим йўқ тираб.
Чиройли ёз, ёзсанг хат,
Чунки бу ҳам зўр санъат...
Биз ҳам бўлайлик ҳатто
Алишер каби ҳаттот.
Шунинг учун лозим, шарт,
Хуснихатга муҳаббат...

1940. Андижон.

Султон Жўра — 1910 йилда Бухоро вилояти Шоғиркон туманига қарашли Қоғолтон қишлоғида туғилган. Бухоро билим юртини битириб ўқитувчилик қилган. Биринчи шеърлар тўплами — «Фидокор» номи билан 1940 йилда нашр этилган. Шоирнинг «Қалдирғоч», «Зангори гилам», «Чўнтак», «Кимнинг хати чиройли?», «Тиниши белгиларнинг мажлиси» сингари қатор шеърлари ва эртаклари ўзбек болалар шеъриятида алоҳида аҳамиятга эга. Султон Жўра 1943 йилда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган.



Аҳмад Ҳасан

Кунлар ўтар...

Кунлар ўтар... Ортга қайтмас тарих ғилдираги,
Чархпалак дунёнинг синовлари кўп оғир.
Ўйлаб ўйи тугамас одамзоднинг бир умр,
Жоним, ўзинг Зухро бўл, майли, мен бўлай Тоҳир.

Борликқа очик кўз-ла боқмоқ қандай хушбахтлик,
Севилиб яшамоқлик қора кунни йўқотиб?
Мусафро ҳаволарга кўкракларни тўлдириб,
Тонгларга кучоқ очмоқ ипақдек нурга ботиб.

Баъзан дунё дор каби икки кўлини чўзиб,
Шодлик билан қайғунинг елкасин тутиб турмиш.
Уммондаги наҳангдек оғзини катта очиб,
Бахтиёр дамларингни бир зумда ютиб турмиш.

Садоқатинг белингга лангар бўлсин, азизим,
Йиқилмоққа ҳаққинг йўқ, мададкоринг ўзимман.
Сайр айла тогу тошни, гулзорлардан атир уз.
Сафарга чиқмоқ бўлсанг жиловдоринг ўзимман.

Ёмғир ёғсин, қор ёғсин — бари-бари бор бўлсин,
Рангларини баҳш этгай қизғалдоқлар сен учун.
Юзингга тушса ажин, шудринглар ювсин наҳор,
Армоним боғларида бодомгулдек очилгин...

Яхшилик

Агарки, инсон номинг,
адолатга ташнасан,
Чехранг офтоби билан
оламни яшнатасан.

Бу ўтар дунё учун
донолигинг ҳазина,
Эзгулик қоясига
ҳар қадаминг бир зина.

Яхшилик қилиш учун
тириклик бор, имкон бор,
Мұҳаббат суви ила
сугорилган виждан бор.

Зероки, шундай экан
мехрингни дариг тутма,
Инсоф тарозисига
қўйган тошинг унутма.

Малҳамдори бўлгин сен
жароҳатли қалб учун,
Яхшилик қил, яхшилик
ҳаётга керак ҳар кун...

Миришкор

Маърифат Қосимова

Онамнинг дуоси

Баҳорим, ёзларим қайтар бир куни,
Шодликлар домига тортар бир куни,
Иқболим ортгандан-ортар бир куни,
Онамнинг дуоси қўллайди мени!

Баҳорим чечаклар олиб қайтади,
Саболар ёнимда алёр айтади,
Муаттар ифорли кунлар қайтади,
Онамнинг дуоси қўллайди мени!

Андухлар кўргоним ташлаб кетади,
Орзулар кулимдан ушлаб кетади,
Фанимлар кўзини ёшлаб кетади,
Онамнинг дуоси қўллайди мени!

Мен учун фидодир жисму жонидан,
Бевакт айирмагин меҳрибонимдан,
Хар нафас дуода менинг волидам,
Онамнинг дуоси қўллайди мени!

Ёлғизлик

Ёнимдасиз, етолмадим сизга бир умр,
Қарофимда лагча чўғни тутиб бораяпман.
Йулларимни сув босгандা симириб беун,
Тош келганда садо бермай ютиб бораяпман.

Узун-узун кечаларнинг эҳсони-азоб,
Туннинг қора қарғалари бағрим чўқийди.
Бошимда чарх урар минг бир гуноҳу савоб,
Исмисиз туйғулар унсиз афсун ўқийди.

Бағрим ёқсан ҳасратларим-вафодор йўлдош,
Юрагимдан паноҳ топган улар бегумон.
Тополмадим бу дунёда бегидир дилдош,
Ишқнинг ишқсиз зардобидан руҳим беомон.

Йўл тополмай, сарсон кўнгил сарҳадларида,
Андишанинг қўлларида дилим қон ютар.
Билолмайман, билмам, энди бу аросатдан
Кўнгил-да, сабр-да, қайга бош олиб кетар?

Андижон

Исмат Йўлдош

Майсаларнинг шивирида бир кўшиқ,
Майнин эсган шабадани маст қилас.
Хаёт нечун буюк ишлар турганда,
Майсага ҳам вақти келса қасд қилас?

Вақт етдими, биз — майсанинг илдизи?
Куриб, қақшаб ҳайқирмокда ботинда?
Майсаларнинг қисматига бу қадар
Ўҳшашлик бор экан инсон зотинда.

Майсазорга бошим кўйиб ўйлайман:
Хаётим ҳам, заволим ҳам қуёшдан.
Юрагимга сингиб офтоб нурлари,
Гўё дейди: Не наф бордир кўз ёшдан?..

Майсаларнинг шивирида бир кўшиқ —
Балки менинг ошиқ кўнглим кўшиги.
Умид билан кўкка қараб ётган зот —
Ҳеч ким эмас, ҳаётнинг бир ошиғи...

Олдин ҳам бу уйда яшагандайман,
Олдин ҳам... ҳаммаси бўлмоқда таクロр.
Бу сирнинг тагига етолмасам-да,
Бетакрор нимадир ҳаётимда бор.

Мен бу ерга нечун таクロран келдим,
Яна соғиндимми орифий сұхбат?
О, қанча яшасам, шунчалар билдим,
Ҳамиша бетакрор фақат мұхаббат...

Самарқанд

Инобат Қўчқорова

Оқшом чўқди. Қалбим эзмоқда бир ҳис,
Зулумот кечалар йиглар юрагим.
Сен кетиб борасан олисдан-олис,
Сен кетиб борасан... ёлғиз керагим.

Ажаб, тошни ёриб ўзмоқда бир гул,
Ишқнинг осмонидан соғинч түкилар.
Алданган севгидан титрайди кўнгил –
Азоблардан қақшаб чоки сўкилар.

Лаҳзалар ўтмокда, ҳануз қайтмассан,
Балки ёдингга ҳам келмасман – эзид.
Туманли кундузим сирин айтмасдан –
Мужгонлар бағридан ёш келар сизид.

Кутиб яшагайман мусаффо тонгни,
Баҳорий соғинч-ла ёришади кун.
Лоқал хабар қил, ўшал бир онни
Бағримга босайин, шодланиб бутун...

Қайтақол, тошни ёриб ўзмоқда бир гул...

Кулиб турар кўзларимда ёш,
Оппоқ тонгни ҳиссиз қучаман.
Соғинч дарди – дилимда бардош,
Сиз-ла фақат тушда учаман.

Нигоҳимда ҳайрат қотади,
Тушунолмам дунё ишига.
Севгисини арzon сотади
Кимдир, мұхаббатсиз кишига.

Тушларимда қувонгум фақат,
Сиз-ла қувонч ёнокларимда.
Хижронингиз ўсади қат-қат,
Илдиз отиб қарокларимда.

Чараклаган қуёш пойида
Дили хуфтон, дили кеча ман.
Хижрон мени шунча койиди,
Сиз-ла фақат тушда учаман.

Тошкент

Аъзам Раҳим

Ҳайрат кўзларига қон тўлар бугун,
бугун гупиради сокин ҳаяжон.
Гўёки, зулматни енга олган нур
ўлиқ сукунатга баҳш этади жон.

Ўша қарри толнинг паҳмоқ соchlари
кора рангга эмас, оқ рангга дўнар.
Ялтоланаётган музнинг ҳайбати
эркин хаёлларнинг тафтидан сўнар.

Гувала деворнинг ковакларида
асрий губорларнинг гуллайди барги.
Ёлғон эртакларин айтиб чарчаган
тунни ўйғотади нотаниш сезги.

Сийму зар тўқади қонталаш рўё,
йўйилган таъбири кенгликлар алвон.
Шиддат-ла қоришиқ руҳлар сасидан
энг нимжон гиёҳнинг тили ҳам бийрон.

Фақат лол чөхралар мудрайди узок,
минг бир титроғидан чиқмайди кори.
Фақат күвват берар, күвват берар тонг,
ёрқин ёмғирларнинг ўйноқи тори.

Тундайин кун бўлди, тундайин,
ялдога уланди пешлари.
Паришон хаёллар вақт сайин
айланиб боради тескари.

Эрк бериб дилафгор ҳисларга
ётибман, илкимда остона.
Хатласам бетайин сасларга
зулумот тебранган мастрона.

Қошлари чимрилган гуурнинг
яраси айланган исенга.
Кечаги алданган сурурнинг
хотири эврилган илонга.

Ўйларим ялдога муштарак,
узатиб боради бўйлари.
Иилт этган нур каби жон ҳалак
умиднинг ёришган рўйлари.

Уш

Дилфуз Қосимова

Иккимиз — тақдирнинг тор йўлагидан
Нур излаб, оламга сизмаган дилмиз.
Деворга чирмашиб, күёшни кутиб,
Күёшни соғиниб йиглаган гулмиз.

Иккимиз — хазонлар шивирида жим,
Ноласи осмонга учган титроқмиз.
Иложсиз, тақдирнинг йўлакчасига
Бахт топмай тўкилиб қолган япроқмиз.

Синдим, кўнгил парчаларига
Бокий нурдек илашиб кетдим.
Дайди руҳнинг кўчаларидан
Олов билан тиллашиб ўтдим.

Ҷевдим, гулнинг ғунчаларига
Узлигимни аямай тўқдим.
Калалакнинг қўлчаларига
Фақат, фақат умримни тикдим.

Кўқон

Мадамин Қўчқор

Билмайман, самода қанча минг юлдуз,
Юлдузлар — ой сўқмоғи, ойдин тун.
Улар она ерга ташлар ташна кўз,
Мен-да, кўз тикаман уларга мафтун.

Яхшилар юлдузи турсин юксакда,
Фарқсиз: таниш ё нотаниш, барибир.
Севаман барчасин юрак-юрақдан,
Томирдаги қоним — улар қадридир.

Эй сен, менинг гулим, очилган гулим,
Кўриб, кўрмаганга олдинг ўзингни.
Сезиб, сезмаганга олдинг ўзинг бот,
Иироқ бир нуқтага тикдинг кўзингни.

Шахло кўзларингда не дунё айланди,
Нигоҳинг уфқда боқасан қулиб.
Унда, мен кўз нуринг амрига бойландим,
Анвойи умидлар кўксимга тўлиб.

Шовот



Мавлоно Ҳожа Қози Пайвандий Ризоий ва унинг «Қуш тили» асари

Мустақиллик боис мумтоз адабиётимиз намоёндалари асарларини илмий жиҳатдан ўрганиш кўлами кентгайди. XVIII асрда Ҳоразмда яшаб ижод эттан Мавлоно Ҳожа Қози Пайвандий Ризоий Шарқ адабиётида кенг тарқалган мавзуз-кушларнинг рамзий саргузаштларига бағишлаб достон яратган. Бу достоннинг ҳозирча ягона кўлёзма нусхаси ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музеи фондида 127 рақам остида сақланмоқда. Мавлоно Ризоий достони ғоявий йўналиши ҳамда ҳикоятлардаги мазмунига кўра, ижодкорнинг чукур билим соҳиби бўлганлигидан далолат беради.

Асар кўлёзма нусхаси ҳақида кўйидагиларни айтиш мумкин.

Кўлёзма 15X24 ҳажмда. Гўзал нақшли муқовага эга. У тўртбурчак гуллар билан зийнатланган. Муқованинг марказида ўйиб ишланган нақш ҳам мавжуд. Унинг юқори ва қўйи қисмларида муқовачи томонидан тамғасифат босилган муҳрлар бор. Унинг ичида муқовани ишлаган саҳдоғининг номи араб ёзувида битилган. Унда шундай сўзларни ўқиймиз: «Амали Мұхаммад Юсуф саҳдоғ». Бу тамғалар кўлёзма бошидаги ва охиридаги муқова юзларига босилган. Накшлар давр ўтиши билан ўча бошлаган. Муқованинг четлари шикастланиб йиртила бошлаган. Кўлёзманинг инвентар рақами муқова тепасида ва китоб ёнига қороз билан ёпиштирилган. Кўлёзма муқовасининг ички томонида қаламда араб хати билан «Мантиқ ут-тайр туркый» деб асар номи ёзилган. «Мантиқ ут-тайр» достони матни 16 варагдан бошланади. Шу варакнинг остики қисми бироз йиртилган. Матн 9,5X17 см ҳажмдаги қизил жадвалга олинган жойга қора сиёҳ билан настальиқ хатида ёзилган. Достон матни жуда саводли кўчирилган. Айрим хатоларга йўл қўйилган жойларда хатолар ҳошияга тўғрилаб ёзилган. Матн пойгирлари изчил қўйилган. Ҳар бир саҳифага ўн беш қатор (ўттиз мисра) шеър икки устун қилиб жойлаштирилган. Кўлёзманинг умумий варақлар сони 150 ни (300 саҳифа) ташкил этган. Кузатишлар шуни кўрсатадики, кўлёзманинг сифатли кўчирилиши котибнинг жуда саводли, тилнинг яхши билимдони, балки ижод билан ҳам шугулланган бўлиши мумкин, деган хуносага олиб келади. Достон матни 148а саҳифада колофон билан якунланган. Қолган икки бўш варагида кейинги давларга оид турли ёзувлар мавжуд.

Ориф бин Султонали ал Хивақий томонидан Ҳонқоҳ қишлоғида Қози Мұхаммад Мусо ибн ал Мустафид нусхасидан 1232 ҳижрий йили кўчирилган.

Достон шундай сатрлар билан бошланади:

*Эй жаҳонни йўқ экач, бор айлаган,
Курагати зотини изҳор айлаган.
Субҳ янглиғ гайбдин айлаб зуҳур,
Солдинг оғоқи шаҳодат ичра нур.*

Достоннинг охирни ушбу тахлитда якунланади:

*Эй шағиқ ар топсанг ул Ҳазратга йўл,
Кўл кўтар қулукғаву ман қулни кўл.
Гар тирикман вар улук тутусун мудом,
Ўз бақоси бирла бокий вассалом.*

Достон матни тугагач, унинг ёзилиш тарихи баён этилади:

Чун күш тилидин киноят эрди бу китоб,
Туркий била бўлди "Мантиқ ут — тайр" хитоб.
Тарихини жон булбулидин сўрдум эса,
«Күш тили» била наво чекиб қилди жавоб.

Бу тарихдан Ризоййининг достони абжад ҳисоби бўйича 1171 ҳижрий, яъни, 1756-1757 милодий йида ёзилганлиги маълум бўлади.

Ризоййининг «Күш тили» достонида ҳаммаси бўлиб 156 сарлавҳа мавжуд. Булардан 66 таси достоннинг асосий бобларининг сарлавҳаларидан иборат бўлса, 33 таси ҳикоят номларини ташкил эттан. 53 та сарлавҳа Қуръон суралари ва ҳадислардан келтирилган араб тилидаги иқтибослардан иборатdir. Сарлавҳаларнинг ҳаммаси сурх билан ажратиб ёзилган. Достон жами 8474 мисра, 4237 байдан ташкил топган.

Китоб хотимасида асарнинг яратилиш тарихига оид маълумотлар берилиб, гарчи Ризойй уни таржима асар, деб атаса ҳам, лекин тадқиқотлар бу асарни ўзига хос сюжет ҳамда композиция, образлар силсиласига ва ўз гоявий-фалсафий мазмунни, бадиий-поэтик услубига эга эканлигини таъкидлаб, унинг фақат Ризойй қаламига хос эканлиги борасидаги фикрда асос борлигини келтиради. Чунки бу достон шу йўналишдаги бошқа асарлардан фарқ қиласи. Ризойй мавзуни ёритишида ўзига хос йўл тутиб, уни мажозий талқин усули орқали баён этади. У сўфиёна-фалсафий масалаларни қушлар образлари мисолида ёритиб беради.

Ризойй ўз олдига қўйган мақсадни амалга оширишда Қуръони карим ва ҳадислардан жуда кўп иқтибослар келтириб, уларнинг шарҳига катта зътибор қаратади. Ҳикоятларнинг аксар қисми диний-фалсафий руҳда ёзилганлиги ҳам мазкур достоннинг айнан шу масалаларни ҳал қилишга йўналтирилганини кўрсатади.

Ризойй инсонни дастлаб нафсоний иллатлардан фориғ бўлишга, сўнgra, ахлоқан баркамолликка етишгач Симурғ (Аллоҳ таоло) васлига эришишга қушларнинг Ҳудҳуд йўлбошлигидаги парвози орқали чорлади.

Ризойй ушбу сирадаги асарларни синчилкаб ўрганган. Форс-тожик ва туркий тилда яратилган шу мавзудаги достонларни, хусусан, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари билан, гарчи асарда у эслатилмаса ҳам, яқиндан таниш бўлганилиги, шубҳасиздир.

Ризоййнинг достони Аттор ва Навоийнидан фарқли ўлароқ, икки қисмга бўлинади. Биринчисида солик учун дастлаб зарур бўлган 10 тўша, яъни, Тавба, Зўҳд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Зикр, Таважжух, Сабр, Муроқиблик ва Ризо келтирилади. Бу озуқалар соликни руҳан поклайди ва уни навбатдаги 7 иқдими, яъни, Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Факру фано йўлларини босиб ўтишга ва Симурғ висолига эришишга чорлади.

Ризойй асарида ҳикоятлар сони (Атторда 200дан ортиқ, Навоийда 63 та) кам бўлишига қарамай, ҳажм жиҳатидан катта. Ризоййининг «Күш тили» асарида Аттор ва Навоий асарларида учровчи Шайх Санъон ҳақидаги ҳикоят йўқ. Уч-тўртта ҳикоятлар ўхшаш.

Ризойй мазкур достонни рамзий ишоралар орқали инсонни комилликка бошлаб, Ҳақ таоло даргоҳига олиб борувчи асар эканлигини таъкидлайди. Унда солик йўлига кирган бандаларга тариқат йўллари бирма-бир шарҳланади. Зоҳиран достонда ҳикоятлар афсонага ўхшаб туюлса-да, мазмун жиҳатидан улар ҳақиқат юзини кўрсатувчи мисоллардир. Ризойй бу достонни яратишида кўплаб асарларни ўрганиб чиқканлиги ва улардаги энг мақбул жиҳатларни ижодий ўзлаштириб фойдаланганилигини ҳам айтиб ўтади:

Яхшилар сўзини айлаб интихоб,
Етилиббур «Күш тили»дин бу китоб.
Гарчи ман яхши ҳалоийкдин эман,
Лек алар сўзидин ўзга сўз демам.
Яхшилик даъвоси гар етмас манга,
Яхшилар сўзин демаклик, бас, манга.
То магар бир яхши ҳоли хуш бўлуб,
Ёрлиқонғайман дуога туш бўлуб.

Мавлоно Ҳожа Қози Пайвандий Ризойй ва унинг «Күш тили» асарини ада-

биётшуносалик ҳамда манбашуносалик нүқтаи назаридан ўрганиш, шунингдек, бу достон матинни илмий муомалага киритиш мұхым ақамияттасындағы касб этади. Қуйида сиз, азиз журналхонларга мазкур асарнинг қоюятын ҳавола этилдесінде.

Шафоат Ҳасанова,
ҰзР ФА Алишер Навоий номидаги
Давлат адабиёт музейи аспиранти

Мавлоно Ҳожа Қози
Пайвандий Ризоий

Қуш тили

Хикоят

Бир куни ул Тамматул кубро лақаб,
Муршиди қоюятында асқоби талаб.
Бир назарда саъваны боз айлаган,
Исотак изҳори эъжоз айлаган.
Каҳф асқобитак ул ролий гүҳар,
Итни қилмиш кишиштак айлаб назар.
Чашмағон ҳаргиз қиличдин қошини,
Илгига олиб қуёштак бошини.
Пардага кирған шафактак қон сочиб,
Ваҳм этиб душман юзиғин қон чочиб.
Ул ҳидоят авжига најми Ҳудо,
Борча бу йўл кушларига муҳтадо.
Эрди маснағ устида ишроқ ўқуб,
Ул саодат буржиғин кунтак тутуб.
Ким кириб келди эшиқдин бир қари,
Сочи оқармиш, чиройи собкори.
Офтоби умрига етмишдур завол,
Орқаси ямдин хам андоғим ҳилол,
Тан сароси заъфдин андоғ забун,
Ким асо сақлаб они мисли стун.
Гар асо сингай эди ногоҳ ҷуруб,
Йиқилур эрди Сулаймонтак қуруб.
Бас, тўлуб парвони киби кўзига ёш,
Кўйди ул анжум ҳади оллинда бош.
Қилди изҳори нағомат к-эй рашид,
Эмдиким йўқтурса ҳаётимдин умид.
Тушти ёшишга талаб андишаси,
Шернинг ёшишга келди пешаси.
Ондаким қувват юзиғин шер эдим,
Ўзни бир шери жаёнин дег эдим.
Қилмадим бу пешани ҳаргиз ҳавас,
Бастаи занжирни ҳирс эрдиму, бас.
Дамбадам бир ўзганинг қонин тўкиб,
Ичиғин қонин ичиди, ёнин сўкуб.
Наҳвату кибр ичра андоғим паланг,
Кибрдин айлаб тўлун ой бирла жанг.
Ит каби ҳар жиғанинг олудаси,
Курттак ҳар дашту варқим будаси.
Умрим бор муттасил кечмак билла,
Кечти барзу янгли қон ичмак билла.
Зўр қилди сустийи пири манга,
Қолмади бир нечаи шере манга.
Не ямоналикларки бор эрди қилиб,
Тавбага келдим они яхши қилиб.

Бир нағомат бирла бўлди мустағис,
Ким қилиб бўлмас эрур ондин ҳадис.
Истаги бир тавбае бирла футух,
Ким ўлум ҳолига етганда насуҳ,
Шайх онинг гарду сўзини кўруб,
Истадимким, англакай ҳолин сўруб.
Билдимким, ул сўз баҳолий эмас,
Ким ҳас ўтига тушмагунча тутмамас.
Қилди ҳолидин тафаҳҳус ул лабиб,
Ким анга бор ишқ сўзиғин насиб.
Сўрдиким, сўз ичра андоғим чироғ,
Лолатпак гард ўтидин бағрингда дод.
Не эди ишу кучинг мундин бурун,
Қайси бир ерга эди санга ўрун?
Деди: Улдаким фароги бор эди.
Лолатпак бағримда доди бор эди.
Ул замонким бор эди фарзоналиқ,
Бўлди вақиъ бир ажид девоналиқ.
Қилди ул девоналиқ кўп авж манга,
Қолмади парвою ишу куч манга.
Қилмадим девоналиқдин иш ҳавас,
Қилғон ишим бир сеислик эрди, бас.
Ҳар куни ёлгуз кезарди гашт этиб,
Тўхтадим ҳаммом эшигига етиб.
Солди ул ҳаммомдин бир ой лумуъ,
Хутдин хуршид қилғонтак тулуъ.
Чиқти ҳаммом эшиқидин бир паре,
Ҳуртак боштин аёқи покворе.
Мен йиқилдим бир пари чолғон киби,
Ақлу ҳушимни жунун олғон киби.
Муддате бу ҳол ила эрмиш манинг,
Бешуур андоғ қаройирмииш манинг.
Маҳв мандин жумлаги наъту сифот,
Солаги янглишкни кўргай нури зот.
Кетиб ўздин йиқилибмиш мин, юзин,
Мусо йиқилғон киби билмай ўзин.
Чун бу ҳолатдин ифоқат берди гаст,
Кўрдум ўзни ишқ жоми бирла маст.
Англадим ўзимни бир масти ҳароб,
Ким агар оламни элтур бўлса об.
Манга ул сувдин тафовут этмагай,
Оғ янглиш тўпукумга етмагай.
Улки бўлдум маст онинг юзин кўруб,
Истадим билмаклик аҳволин сўруб.

Дегилар: Ул подшохнинг қизиидур.
 Ким кўрар кўз кўҳли оти изидур.
 Кўпдурур кўлгувчи султонлар они,
 Балким улус билгувчи хонлар они.
 Онига мирзаларга ўйқтур гастрас,
 Сен киби ўлонга тегмас бу ҳавас.
 Улки Билкиси замондур бехилоф,
 Истамаклик они сендиндур газоф.
 Ким они истарга бир хоне керак,
 Бал рафиъуш шаън Сулаймоне керак.
 Бордурур ойдин очуқ баҳти онинг,
 Кунтак олтундин эрур таҳти онинг.
Еткали таҳта бир ойе керак,
 Мингали ул таҳта Исойе керак.
 Улки риғъат бобига Исо эмас,
 Бўлмагай хуршид бирла ҳамнафас.
 Гарчи эл қилди насиҳат чўқ манга,
 Ул насиҳатлар эди бир ўқ манга.
 Ким кўнгул вайронасин ҳар дам йиқиб,
 Бу кулоқимдин кириб ондин чиқиб.
 Ҳеч бури кўнглум аро ер қилмади,
 Бас, кўнгул елтак ўтарин билмади.
 Бўлди ўтум тезрак ул ел била,
 Қолмади иссиқлиқим ҳеч эл била.
 Бўлди ўз элу куним бегонатак,
 Чиқдим ул эл ичидин девонатак.
 Бордим ул ой ёнига элдин ёниб,
 Ким ётай иштак эшигин ёстониб.
 Бевасилат онда чун бўлмас киши,
 Бор эди ҳар бир кишининг бир иши.
 Кўп қилиб анга турар андишасин,
 Бас, қабул эттим сейислик пешасин.
 Улки Ширин эрди мафтуни аниңг,
 Бор эди бир турфа Гулгунни аниңг.
 Намрў андоғи сув ичра кема,
 Гомига етмай равишда ҳеч нима.
 Ел била учғон учондин тезрав,
 Тезликда күш билан қилғон гарав.
 Соя янглиғ пўйда сайри сабук,
 Солмайин бир зарра чоқлиқ ерга юқ.
 Тез этарга урсалар маҳмиз анга,
 Қолмас эрди тезликдин из анга.
 Баски, ул Гулгун эди ширинманиш,
 Минар эрди они ул нишинманиш.
 От минардин гарчи кўп инмас эди,
 Ондин ўзга ҳеч от минмас эди.
 Қилди мироҳўр мани анга сейис,
 Сарв қилдим боқмоқига ақлу ҳис.
 Кўз ёшим бирла ерига сув уруб,
 Кипригим бирлан аёғин супуруб.
Даст берса бу эди нийят манга,
 Ким қилғай жон риштасин побанд анга.
 Ҳам тикиб кўз лардасин мужгон била,
 Жал қилиб ёпғайман они жон била.
 Кечаву кундуз тутуб афсоридин,
 Тинмадим бир лаҳзае тимсоридин.
 Баски, қилдим тинмайин тумор анга,
 Бўлди, афзун рангу ҳам рафтор анга.
 Тарбиятдун ўзга ранг олди туси,
 Бўлди шаффоф уйлаким кун кўзгуси.
 Мандин ул Ширин бу хизматни кўруб,

Манга Гулгунини топшурди сўруб.
 Манки ҳижрон қайдига побанд эдим,
 Они кўрмаклик била хурсанд эдим...
 ...Муддате эрдим бу хизмат бирла хуш,
 Ишқ завқидин бу хизмат бирла хуш.
 Манки ул Ширинга майлангез эдим,
 Ул сейислик бирла бир Парвез надим.
 Макр тийғин золи чарх айлаб сипез,
 Айлаги Фарҳодтак қонимга тез.
 Қилди бир Ҳусрав ўшал Ширинга майл,
 Қилди ўйлана, басе, молин туфайл.
 Субҳ янглиғ тўқти ганжи бекиёс,
 Қилди ул меҳр орзусин шартимос.
 Пешкалар бирла йиборди расул,
 То магар қавлини қиласайлар қабул.
 Бас, они ўз қавлига содик кўруб,
 Қилдилар кобин анга лойиқ кўруб.
 Ул замонким қилди ул Билқис ҳазм,
 Ул Сулаймони замон сорига азм.
 Отланувга қилди кун янглиғ шитоб,
 Ой киби чиқти ҳарамдин беҳижоб.
 Мироҳўрига магар бумиши сўзи,
 Ким сейис Гулгунни келтирисин ўзи.
 Ўзи отмарунки анга ром эзур,
 Онинг илтида анга ором эзур.
 Чун манга еткурди мироҳўр хабар,
 Етти чиқрон жонга ороме магар.
 Еттим ул ой ёнига отни иштиб,
 Зарратак хуршид нурида итиб.
 Янги ойтак ҳам бўлуб туттум рикоб,
 Токи отлангай анга ул офтоб.
 Мингали қилди рикобини оғир,
 Ҳасрат ўтидин манга куйди бағир.
 Ноз бирлан кўйди эгнимга илиқ,
 Итти мандин қуш киби хушу билик.
 Қўлтарурда илкин ул руҳи равон,
 Бир босим кўйдики, мандин кетти жон.
 Бу сўз асносида бўлди ул қари,
 Ҳушдин аввалда бўлғонтак бари.
 Етти мундин шайхга ҳоли ажаб,
 Шавқдин қилди, басе, шўру шаътаб.
Деди: На хушвақт эрур улким ҳабиб,
 Истаб ўз беморига бўлса табиб.
 Муддате чекмииш эгач ранжу фироқ,
 Ҳаддин ошқонда ярому иштиёқ.
 Жонидин қолғонда бир андак рамак,
 Зўр келтурганда ташвиру қалак,
 Лутф айлаб унгагай ўз қошиға,
 Марҳамат илгини кўйғай бошиға.
 Шевае кўргузгай элдин ёшурун,
 Жонини ул шевадин олғай бурун.
 Бергай ондин сўнгра бир жоне анга,
 Жонки, ўқтуп ҳеч поёни анга.
 Бас, деди, ул пирга шайх, эй қари,
 Ким ишишнг еткан эмишдур илгари.
 Ул мажоз ишини биткурган эмиш,
 Ким ҳақиқатга фанодур раҳнамуն,
 Чун ҳақиқатга фанодур раҳнамуն,
 Сен не дебмишсен анга мундин бурун?



Адҳам Дамин

Қоч, миљионер қеляпти!

Ўғлим Жаҳонгир бешинчи синфга ўтди-ю Мирзабекнинг асияларини ўхшатиб айта бошлади. Қочиримлари ҳам бинойидек. Хурсанд бўлдим: ахир ҳозирда қизиқчилик ҳам яхши касб, ўзбекнинг нимаси кўп-тўйу тамошаси.

Талант ҳам папалаб турилса энига-ю, бўйига ўсавераркан. Асияларига ҳангомалар, афанди-ю лофлар қўшилди. Баъзида ёлғонлаб кимни-дир «чув» тушириб, ҳаммани қулдиради. Қўшилиб мен ҳам куламан. Ахир буниси ҳам талантнинг бир қирраси-да! «Ҳали Мирзабекдан-да ўтасан ўғлим. Фоғир Гуломнинг шум боласи-ю Алдар кўса сенга «чикора» болам...»

Мақтодан кувонган Жаҳонгир, секин, жилмайганча мушук боласидек пинжимга суқилади-да, уялганнома футбол тўпига пул сўрайди. Ишхонада уч ойдан бўён ойлик насия. Шундан чўнтақ «касал». Лекигин талант ўксимасин! Тиш кавагида асраб юрган уч минг сўмни шартта чиқариб унга узатдим.

— Ма, ўғлим, тузукроғидан ол! Унча-мунча копток бу дўм тўйхонасининг темир устунлари-ю, арматура панжараларига ҳадеб «шўр пенонаси»ни ураверишга чидолмайди.

Хуллас, ўрганиб қолдим — оқшомлари Жаҳон қизиқдан бир нарса эшитмасам, уйқу келмайди. Аммо у ҳам иримчи чиқиб қолди — айтганига чўтал сўрайди. Келажакни ўйлаб индамайман. Гоҳида қарз бўлиб қоламан. Дафтар туттган — ёзиб қўяди. Пишиқ. Майли-да, ҳозирги замонда қайси талант бекорга бош оғритади.

Иттифоқо, яқинда — ёз бошида елвизакда ўтириб шамоллаб қолдим. Ёздагиси ёмон бўларкан. Кун бўйи кайфият чатоқ. Уйда дори ичиб, хо-

тиннинг бемеҳларча «ёздаям шамоллайдими, эркак киши» деган дашибномини эшишиб, эзилиб ётибман. Кечкуунлари шу тошмеҳ хотиннинг рўпарасида телевизор кўриш ҳам юракка сигмайди. Мактабдан таътилга чиққан Жаҳонгир ҳам уйда. Бироқ унинг талантини ҳам кўнгил хушламайди. Шу куйи ҳафта ўтаяпти. Ишга бормасанг, хотин билан қовоқ-тумшуқ қилиб юрсанг, кунларни ҳам унутиб қўяркансан.

Нонуштадан сўнг кўшалоқ таблеткани оғизга солиб ортидан чойни хўпларканман ўғлимдан сўрадим:

- Жаҳонжон, бугун нима кун? Пайшанбами?
- Ҳа, дада. Кеча чоршанба эди.
- Унда оқшом телевизордаги спортлото ўйинини кўрмадингми?
- Йўқ.
- Ия, сени қара-ю. Унта вариантни чизиб келганман-а. Дўмимизда кимдир ўйнаб туради дегандинг.

— Элёр акамлар. Лекин эртага жума — «Мулкдор»да чиқади-ку!

— Ия, қанақа одамсан! Эртагамиш... Ютиб, миллионер бўлган бўлсакда, эски бўйрадек уйда чанг босиб ётаверайликми? Бор қўнгироқ қил!

Жаҳонгир ошхонадан эринибгина чиқиб кетди. Ёстиққа ёнбошлигантча уни кута бошладим. Хиёл ўтмай у қайтди — қўлидаги бир парча қозода янги тиражнинг олтига ютуқли рақамлари ёзилган эди.

Чипталарни текшира бошладим. Сира яқинига йўламайди. Тўққизтасидан ҳафсалам пир бўлди, кўйди. Диққатим ошди: қачон бизга ой кулиб боқсанди, энди боқса! Истамайгина охиргисига кўз юргуртирдим. Ваҳ-ҳай-ҳай. Кўзларимга ишонмайман — қаторасига мен чизган учта рақам тўғри келяпти. Юрагим ҳаприқиб, чиптани тўнтариб кўйдим. Э, худо, қани энди яна биттаси тўғри келса, ютуқли бўлардим. Оҳиста бояги чипатни кўлга олдим. Ваҳ-ҳай-ҳай-ҳай. Мўъжиза! Қолган учтаси ҳам тўғри келса-я. Бунаقا баҳт, омад эртаклардагина юз беради. Менда эса...

Шартта ўрнимдан туриб ўйни гир айланганча нималар деб бақирганимни ҳануз билмайман. Айтишларича, овозимдан чўчиб дўмимиз олдидағи дарахтлардан қушлар бирвара-кайига «гув» этиб учеб кетганмиш. Кейин эса Жаҳонгирни даст қучиб кўтарганча «Отанг аноий эмас ўғлим. Топдим!!! Билардим бир кун омадим келишини. Ахир ойнинг ҳам ўн беши қоронги, ўн беши ёруг! — дея мақтаниб кетибман. — Ахир, шаҳарга ёзувчи бўламан деб келиб қанча қийналдим-а. Ҳақиқат бор экан. Буни қара-я, нақд олтига-я. Жэк-поти қанча эди? 25 миллион. Оҳ-ҳа-ҳа. Миллионернинг ўғлисан энди. Мактабга қатнаб ўтирмай «Жаҳон қизиқ» гуруҳини ташкил қиласкер! Ҳомий тайёр!»



Жаҳонгир гапларимдан сакраб-сакраб мендан баттар қувонди, мени қайта-қайта кучиб, касал бўлсан-да, юз-кўзларимдан жирканмай ўти. — Эшикни кулфлаб кўй, — дедим ўғлимга қараб жиддий тортиб.

— Кулф-ку! — деди у ҳайрон бўлиб.

— Ҳар эҳтимолга қарши-да. Ахир дўст бор, душман бор.

Лўлаболишига ёнбошлаганча хаёлга чўмаман. 25 миллион... орзуларга пойандоз... Хотинга оғзидан чиққанини олиб бераман, эрининг кимлигини, ёзувчиларнинг қўлига пул тушганда сахий бўлишини бир билиб кўйсин. Яқинда тутаётган романимга ҳомий қидириб ўтирамай, шартта ўз пулимга чиқара қоламан. Бировларга ялиниб аҳмоқ бўп юраманми? Дўстлар суюниб, душманлар куйиниб қолсин. Лекин ютуқли чипталарни мўмай пулга ҳам сотишади дейишади. Оладиганлар икки ҳисса кўп берармиш. Нақд 50 миллион-а! Ростдан сотсаммикан?.. Яқинда таътил. Бу йилгиси зўр ўтади энди. Балки неча йиллик ният — чет эл сафарига борарман. Мошина... ўзимизнинг «Нексия» ҳам чаккимас: бензинни тежайди, кўриниши «класс!» Эҳ-ҳе, гирт эртаклардаги бойвуччаларнинг ўзиман-а, нимани истасам, барчаси амалга ошади. Омад деганлари шу экан-да, дунё ўз-ӯзидан оёғинг остига юмалаб келаркан.

Илкис туриб бориб телефон гўшагини кўтардим. Еру дўстлардан суюнчи олиш керак. Энди гина учта рақамни тергандим, кўйлагимнинг енгидан кимдир торғқилаяпти. Қарасам, ўзимизнинг Жаҳон қизиқ. Ҳатто уни уйдалигини ҳам унутибман.

— Ҳа, нима дейсан? — дедим унга қараб миллионерларга хос виқор билан. — Пича халақит бермай турсанг ўласанми?

— Боя...

— Нима, боя... Гапир!

— Ҳазиллашгандим.

Телефон дастаги қандай қилиб кўлидан полга тушиб чил-чил бўлганини билмайман. Юрагим санчиб, бошим гир айланиб, кўз олдим қорон-филашиб, тил ўлгур калимага келмай, деворга суянганимча «шилқ» этиб полга ўтириб қолдим. Аҳволимни кўриб, Жаҳонгир кўрқиб кетди. Сўнг сув келтириб юзларимга септи, стаканда қолганини ичирди.

— Нега алладинг, аблаҳ? — дедим сал ўзимга келиб.

— Сизни бир хурсанд қиласай девдум-да, дада. Неча кундан бўён касалсиз...

— Эй, касал бўлмай мен ўлай, хурсанд қилмай сен ўл! Бирданига 25 миллиондан айрилган одам жинни бўп қолиши ёки юраги ёрилиб ўлиши мумкин-ку.

— Қечиринг!

— Йўқол кўзимдан. Мирзанинг кассеталарини ҳам бошқа кўрмай. Ҳе, ўргулдим сендақа хонаки масхарабоздан!

Жаҳонгир қовоқ уйиб чиқиб кетди. Яна секин лўлаболишига ҳолизгина ёнбошлайман. Пешонамни ушласам ёнади — ўт-олов, иситмам баланд. Туриб-туриб аламим ошади. Мана, болани эркалатишнинг оқибати. Топган қилигини қаранглар-а. У телефонда ҳеч ким билан гаплашмай, мен ўйнаган чипталардан биридаги чизилган рақамларни кўчириб чиқан экан. Ўргилдим-ей, сендақа ўғилдан. Қандай бойиган бўлсан, шундай тез гадо бўлдим-а. Эҳ-ҳе, бу туш бўлса ҳам майли эди...

Бу гаплар-ку ўтди-ю кетди-я. Аччигимдан ўша куни мен ўзимга ўзим бошқа спортлото ўйнамайман, деб ваъда бердим. Лекин ўша куни Жаҳон қизиқ кўчага чиққач, футболчи ўртоқлари «уйларингда нима тўпалон бўлди, кимдир бақирдими?» деб сўрашса, «қизиги қистаб» бор гапни оқизмай-томизмай айтиб берибди. Энди болалар мени кўришса, йўлакда ўйнаб турган футболни тўхтатиб, ўтиб кетгунимча бир-бирларига пичир-пичир қилганларича йўл бўшатадиган бўлиб қолишиди. Биринкитасининг «Қоч, миллионер келяпти» деганларини ўз қулогим билан эшитдим. Энди бунисига чидолмаяпман. Қасдма-қасд «Спортлото»-

га янада ружу қўйдим. Гоҳида оч қолсам-да, тушликка хотиндан зўрға олган пулга ҳам ўйнайвераман. Ютмаган ҳам номард, миллионер бўлмаган ҳам. Ҳали мени калака қилишларини бу шумтакаларга қўрсатиб қўяман...

«ШОИР АКАЖОНИМ-ЕЙ, ШОИРАКАЖОН» ЁКИ АЁЛЛАРГА БАФИШЛОВ

Ҳажвий ҳикоя
(Хотиним ўқимаса ҳам майли)

У дунёни билмадиму бунисида аёлларнинг сехру жодусига сонмингта газалу достон битилган. Бунга ялмоғиз кампир мисол. Ахир у ҳам — аёл! «Муштум»да чиқадиган ҳангомаларнинг, дунёнинг минг бурчагида минг хил тилда тўқилаётган латифаларнинг кўпида ҳам улар «бош қаҳрамон». Хуллас, жаҳондаги «ноёб ижод намуналари»нинг илҳомчиши улар.

Ҳўп, ҳўп, «берди»сини айтгунча пича сабр қилинг. Сезаяпман, тилингиз учига кўниб турган гапни: «Ўзларида-чи, шоир?» демоқчисиз. Десангиз денг-да, бу ёғини мендан эшигин...

Бизникидаям фазилатлар бисёр. Беайб — парвардигор, ахир! Худойтаола барча хотинларга илон ёғини ялатганда у ҳам куруқ қолмаган. Ичиб келган кунларим оғзига талқон солиб «инدامасойим» бўлиб олади. Болаларга қишлоқи хотин «молга ўт соп қўй» дегандек, «анавунга анави овқатни иситиб бер», қабилида имлаб, қош чимирганча секин туради-да, ётоққа кириб, ичидан қулфлаб олади. Кайф одамда нима кўп, дард кўп — эшитишни ҳам билмайди. Кўчанинг кенглиги-ю ўйнинг торлиги, хотиннинг қовоғи-ю ароқнинг кайфи омихталашиб нозик кўнгилни ўкситади. Мен ҳам дастурхондаги иситма овқатга қарамай, шартта туриб залга ўтаман-да, бошимга бир коса совуқ сувни қўйиб узала тушганча полни муштлаб «менинг дадам» дийдиёсими бошлайман. Хотини беписандлик қилган мендек эркакка раҳматлиқ отасидан бошқа меҳрибони борми, шу топда?! Эртасига қўшнилар мен гаридан эмас, хо-«тун»дан ҳол сўраб чиқишиди. «Айланай, Нозикхон, оқшом тоза йигладингизми? Шоирлар ҳам урарканда, а? Шундай шоирбек акам-а?! Э-сиз! Довдиратиб келаётганини кўргандик. Бир чиқай дедик, бир чиқай дедик... Пол дукурласа, ер қимирляптими деппис...»

Елғиз қолганимизда тилидаги илонёғни зўрға «асраб», «бирор жойингиз оғриса, суртиб қўяй» дегандек башарамга кинояли кўз ташлайди. Биласиз, илонёғ совуқ шамоллаган баданга даво. Бизники кечагининг таъсиридан ҳали совумаган. «Керакмас» дегандек жавобқараш қиласман. Қарашларимдаги илтижоли мунг тўзиб келаётган бўраша-ю тўфонларни шабадага айлантиради.

— Ўзимнинг шоиракажоним-ей, шоиракажон, ичмасангиз қандай яхши кўриб кетаман-а!

Ҳайрон бўламан: қаердан кун чиқди, шабадаям қора булутларни тарқатаркан-а? Шу менинг хо-«тун»имми? Во-ажаб... Бирдан сергакланаман.

— У-үү, «қанддай дединми? Нима, мени чойга соп эритмоқчимисан? — бош гаранг, ноxуш тикиламан. — Шу пайтда шўр-шўртак ўрнига ширинликдан гап очасан...

— Улақолинг-а. Шоиракажоним-ей! «Қандай!» — Хотиним мулойим жилмаяди. — Аслида, шу шеърларингиз илҳомчиси ҳам мен-а?..

Шу вақт савол-жавобга бало борми? «Ҳа» дейишга ҳам, «йўқ» дей-

ишига ҳам тилим келмайды, кейин ўйлаб қоламан: тилидаги илонёғта асал қориширганиккан-а? Таажжубим ошади: Бүйдөң эмас, эр киши ароқдан бошқасини қандай яхши күради? Қандай? Бу шеър дегани ўрмондаги ҳайвонми ё менинг ёзғанларим? Еки кечаги кайфда уйда яшириб қўйган «ёлғизгинам» — яримтани топалмай хунобим ошиб қато-расига санаб-санаб бешта чинни-ю тарелкани шунча пиёлага қўшиб синдирганимга шамамикан?..

Мана шунаقا, уйда ароқ сақлаб бўлмайди. Аммо кўчанинг зиёнини хотинга ҳўп тушунтиридим: «Ахир ўзинг ўйла, нозиккинам, уйда ичсам — уйга фойда, кони тежам, жа нари борса иштаҳа учун юз-икки юз грамм, ҳе бор-е, кетса мендан кетсин, яримта кетар. Кўчада-чи... бай-бай... ёнингда гапингни маъқуллаб ўтирган улфатинг бўлгач... аждарҳодекxo-«тун»инг бўлмагач... Кечирасан! Кейин шаҳарнинг у четидан бўлсада, мошинда келасан. Мастига йўлу такси пули чикора. Пул бўлмаса уйдагилар тўлайди-да. Бидасан, шу туришда мен гап уқармидим ёки кира-кашни танирмидим? Узингдан қолар гап йўқ. Уқдингми?» Лекин ҳеч тушунмади. Уйда ароқ сақлаб мен ҳам роҳатини кўрмадим.

Авваллари шанба — маза эди. Хотин — ишлайди. Биз — уйда. Болалар — мактабда. Ёлғизлик — ёмон. Секин яшириб қўйган жойимдан «бутилкахон»ни оламан. Фовлаган бошга парвариш керак. Бироқ бора-бора бу баҳтдан бенасиб бўлдим. Сира қўйган жойимдан излаб тополмайман. Э, қодири худо, не гап ўзи бу икки хонали торгина бетон «дом»да! Ё хотирамга бир бало бўлган, ёки бу уй ўлгурда кўзга кўринмас Барабашка-Шарабашкалар бор. Аммо хотин Барабашка эмас-ку, топганини изсиз йўқотса. Кир машина ичидағи эски кийимларга ўраб қўйдим, то-пиб олди. Бурчакдаги совутгич, телевизор, шкафларнинг орти-ю ваннанинг таги ҳам бечора бутилкага ошиён бўлолмади. Жавондаги китоблар орасига сифса ҳам сиғдиришмади. Балкондаги таъмирдан қолган ярим қоп алебастр ичидан чиққанда болаларнинг олдида уятдан ерга кириб кетай дедим. Кейин ёзда ҳатто қишки этигим ичидан ҳам ҳидини сезади. Юзта бўш бутилка орасига яширгандим, уларга қўшиб лўлига берво-рибди. Кўрга-ёстиқ тахмонлари орасидагилари «чил-чил» синди. Оҳ, энди нима қиласай? Ёки газетага эълон берсаммикан «қайга ящирай» деб. Ахийри ўтган кунги маошдан бир ойлик шанбаликларнинг расамадини қилиб иккита кулинг ўргилсан «оқи»дан ва «Самарқанд сайқали» деб «Самарқанд» конъягидан келтириб, халтага солдим-да, ҳожатхона шахтасини очиб, ичкарисидаги михга осиб қўйдим. Буниси охиргиси, йигит деганда фурур бор, сўзим-сўз. Агар шу қоронги, қўрқинчли зимистондан,

шу сассиқ
гўшадан
ҳам топиб
олса, таш-
лаганим
бўлсин!

Шанба — орзиқиб кутилган кун келди. Қарасам, у ерда ҳам йўқ! Во, дариф! Уйни остин-устун қилиб ташладим, йўқ! Хўп, шу ердан-да



топибдими, отаси-ю амакисигача раҳмат! Аммолейкин, у қаерга яширади? Үзи ичмаса ҳам ахлатга ташламагандир, ахир! Наҳотки, унинг ақлу фаросати меникидан-да устун!.. Э-воҳ, дўконга чиқишига чўнтақ касал, шундоқ ҳам қарздорман. Ҳазиначи эса «ҳо-тун!»

Лекин шу куни чидадим. Хотин ишдан қайтиб, соппа-соғ амманинг бузогидек ҳўшшайганча қофозларга ботиб ишлаб ўтирганимни кўриб қувониб кетди. Сўнг уйдаги ағдар-тўнтарларга ҳам парво қилмай чиройли жилмайди.

— Шоиракажоним-еӣ, шоиракажон, ўзимнинг шоиракажоним-еӣ!
— деганча оҳиста яқинлашиб совуқ пешонамга аввал кўлини, кейин лабларини босди. Кафт ҳам иссиқ, лаб ҳам. Ҳовуридан зора шўрлик пешонам исиса девдим. Қайда?! Үрнига совуқ тер чиқди. Хотиним ҳамон кулганча атрофга бепарво аланглаб қўшиб қўйди: — Нима бало, бу уйда учинчи жаҳон уруши бўлганми, дейман-ов, шоиракажон?

— Бўпти, — дедим асабий. — Сен ютдинг! Топибсан-да! Энди ичмайман! Чин сўзим! Фақат тўғрисини айт: сен қайга яширасан-а?

— О-оо! Сизга, шоиракажонларга ишониб бўладими? Шоиракажоним-еӣ!

Хуллас, ичмай қўйдим. Пинҳоний яшинтополоқ ҳам, шанба кунларидаги Шерлок Холмслик ҳам жонга тегиб кетди. Ичмай қўйсанг, ростданам тортмай қоларкан. Энди «любой» дўкон олдидан қалтирамай, довдирамай, фикрим чалғимай, бошим ғовламай, шахдам қадам босиб гўдайиб ўтилмани. Хотин ҳам хурсанд.

Олти ойдан кейин хотинжоннинг туғилган куни бўлди. Қирқقا кирганда илк бор дурустроқ совға қилдим: ўнта ароқнинг пули кетдиёв, ўзиям, «закускаси» билан... Стол устида ҳамма нарса бор, ичкиликдан бўлак... Бир пайт эшик кўнғироғи жиринглади. Очсан, қўшни аёл — гул-гул очилиб турибди. Қўлида пакет...

— Нозикхон опам айтгандилар. Манг! — дея у киприкларини пирпиратганича пакетни менга узатди. Очиқ пакетдан ўша менинг сўнгги йўқотганларим — бир жуфт «оқу бешполдуз» бўй товлаб турарди. Узоқ қариндошимни кўргандек севиниб кўзларимдан ёш чиқиб кетай деди. Шодлигимдан шу топда фариштадай кўринаётган қўшни аёлни кучиб ўпид олишимга сал қолди.

— Колганлари ҳам уйда. Мабодо меҳмон кўп келса... — аёл майин кулимсираганча аста узоқлашиди.

Қўлимда пакет, севинчдан кўз намчил, дил дардчил, илҳом келди, дарёдек тўлиб-тошиб:

Офарин-еӣ, офарин аёл зотига,
«Оқ-қизилим» жамласа, ўз бисотига.
Минг офарин, «тадбиркор» бизнинг «отин»га,
Ва олганин қайтарган қўшни хотинга.

Шунинг учун ушбу насрый ва назмий битикларимни ҳам уларга бағишлий қолдим. Ўзимизникилар, хафаси йўқ, а?..

«ОШИҚ ФАРИБ» БЎЛГАН КУНИМ

Ҳажвий ҳикоя

Россиядаман. Ўрисларнинг тилга тушган Уралнинг иқлими ҳам бор бўлсин-да: ўзимизнинг қўқонницидек инжиққина — бирпасда ўзгарди-қолади. Тўққиз қаватли уйнинг олтинчисида — бир вақтлар Хрушчев замонида курилган, уларча айтганда, «полтарашка»да тураман. Кичкина балкончаси ҳам бор.

Мен борган йил ёзниг иссиқ келиши-ю, куз илиқлигининг чўзи-

лиши қирқ йилда энди бир тақрорланаётган экан. Аммо бир кун бирдан ҳаво совиб, гупиллаб қор ёға бошлади. Күчадан совқотиб келдим-у, ёлғиз ўзим битта «чекушка»ни тортиб юбордим. Салда бадан қизиб күнгил балконни тусаб қолди. Чиқдим. Қор авжига чиқсан, рўпарадан келаётган изғирин кўз очиргани кўймасди. Совуққа беписанд бироз турдим. Шунда сал наридаги ўзимизникига ўхшаш ихчам, аммо ойнаси солинган балконга кўзим тушди. Не кўз билан қарайки, фира-ширада гўё ёғаётган қордек оппоқ либосдаги гўзал бир қорасоч аёл мен томон тикилиб турарди. Олдинига мусофирилигимни эслаб, юракда даст кўзғолган ҳаяжонни аранг босиб, пича ўзимни бепарвога олдим. Лекин охири чидолмадим: менам шартта бош кўтариб, у томон тикилдим. Аёлга менинг бу дадиллигим ёқдими, у сезилар-сезилмас кўл силтаб оҳиста жилмайиб кўйгандек бўлди. Мен эса бундан илҳомланиб, дарҳол чаккамни қашишга кўтарган қўлимни олабайроқ қилиб ҳилпиратдим. Аёл ҳам мендан-да чиройлироқ кўл силтаб жавоб қилди, гўё.

Кайф завқи бир ёнда, дил ғулғуласи бир ёнда, хурсандчиликдан оғиз курғур қулоқда. Юз-кўзларимни аёвсиз ялаётган изғиринга ҳам парво қилмай, жононга «ё мен кирай, ё сиз чиқинг» маъносида кўл ишорасини қилдим. У эса, бечора мен ошиқнинг фикрини тушунгандек, бир тебраниб, бир тўлғаниб, яна бир чиройли кўл силтаб, «ўзим чиқаман» деб мийигида кулғанча ияқ қоқди-ёв, чамамда...

Шундан сўнг хонага кирдим-у ширин хаёллар оғушида дастурхон тузай бошладим. Бисотимдаги яхши кунларга деб асраб қўйган «Русский размер» ароғи-ю, ўзимиздан келтирган писта-бодомларгача стол устига териб ташладим. Кейин не умиду, не илтижода диванга ёнбошлаганча, эшик жиринглашини кута-кута кўзим илинибди. Охири муҳаббатдан кайф ўлгур ғолиб келиб, донг котибман.

Эрталаб хомуш туриб хонимчани кутиб ололмаганимдан минг афсусда, уни узоқдан бўлса-да, яна бир кўриш илинжида тағин балконга чиқдим. Қор энди майдалаб ёғар, шамолга айланган изғирин кўз очирмас, губорли ҳавода икки қадам нарини илғаб бўлмасди. Қўлимни пешайвон қилғанча хонимнинг балконига тикилдим. Не ажабки, ул паризод кечагидек кўл силтаб мен томон ишва қилиб турарди. Ҳайронли-



гим ошди. Кейин ҳали бет-қўлимни ювмаган бўлсам-да, юракда кечадан бўён алангалаётган муҳаббат тафти ила чиройли аёлга сукланганча тикилдим. У ҳам саҳий маликалардек ҳамон бизнинг балкондан кўз узмасди. Сабрим тутади. Энди мусофиригимни ҳам унутиб, тусмолланганча қўшни подъезддаги унинг хонасини топиб бордим. Аммо эшикни мен куттандек у гўзал пари-пайкал эмас, балки бир қўлида қадаҳ тутган барваста бир йигит очди. Кўчада бир-икки саломлашиб танишиб қолгандик. Уни кўриб эсим оғай деди. Тилимга бир калима келмасди.

— Мен, мен... қўшни подъезддан, — дедим довдираб. — Уйда гугурт қолмабди. Бошқа ҳеч кимни танимайман...

— Мен сени танидим. Кир, киравер, «Қоравой!» Дунёга ўт кўймоқчи бўлсанг, гугурт топилади. Узим ҳам эрта кундан ёлғиз ичишга қийналиб тургандим.

Мени негирлардек «Қоравой» дегани ёқмаган бўлса-да, кирдим. У мени ошхонага бошлади. Стол устида эндигина очилган ароғ-у, ликопчада газаклар: У бўш рюмкани тўлатиб менга узатди.

— Ол, Қоравой, дўстлик учун. Мана, ҳадемай Янги йил киради.

Биз аллақачон «Рождество»ни бошлаб юборганимиз.

Биргалашиб шишани бўшатдик. Менинг хаёлим ҳануз балконда. Ўгринча назар ташлайман: ҳеч кимса кўринмайди. Уйда ҳам ул сулувдан ном-нишон йўқ. Ошхона-ю уйдаги тартибсизликлар эса бу уйда аёл туришидан дарак бермайди. Унда у жонон қаёқча кетди. Ҳар ҳолда анави барваста еб қўймагандир. Шуларни ўйлаганча унга чўчибгина қараб қўяман.

Шу пайт эшик қўнгироги жиринглаб қолди. Барваста секин туриб тебранганча эшик томон кетди. Мен эса пайтдан фойдаланиб шошганча ошхонадан балконга чиқдим. Не кўз билан кўрайки, балконнинг биз томонга қараган ярми очиқ деразаси тутқичига илинган каттагина елим-халтacha шаббодада тинмай тебраниб турар, унинг четига қатор терилиган Янги йил тақвими ёнита каттагина сурати туширилган гўзал аёл ҳамон менга қараб елка баробарида қўл силтаганча, чиройли кулги ҳадя қилиб турарди.



Журнал муқовасидаги рангтасвир асарлари ва ички
саҳифадаги ҳажвий карикатуралар муаллифи
Шавкат Музаффар

МУНДАРИЖА

ИСТИҚЛОЛ ТИМСОЛЛАРИ

Сирохиддин Сайид. Эзгулик аркаси 3

НАЗМ

Абдусаид Кўчимов.	Ярқираган нигоҳларингда икки дарё оқар шарқираб.	12
Зебо Мирза.	Бошимдан муҳаббат нурларини соч.	15
Абдумажид Азим.	Бир қалқиб тўхтади пойимда дунё	110
Ойгул Суюндикова.	Райҳон исли боғни қушлар уйғотди.	112
Ҳамид Норқул.	Ўзини жаҳонга танитиб яшар... Хуррият.	114

НАСР

Наби Жалолиддин.	Сийрат ва ниқоб. Роман	18
Абдуразоқ Кўшиша.	Ёлдор отнинг қулуни. Ҳикоя.	116
Расулжон Камолов.	Етимчанинг юлдузи. Ҳикоя	122
Шодмон Сулаймон.	Туғилган кун. Ҳикоя	126

УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ

Хайриддин Салоҳ.	Кипригимда тутиб	132
------------------	----------------------------	-----

ЁДНОМА

Хусниддин Шарипов.	Шоирона зиё.	133
--------------------	----------------------	-----

«БУ ИШҚ СИРРИН КИТОБ ЭТДИНГ...»

Машраб.	Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай	138
---------	---	-----

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАҚДИРЛАР

Жаббор Халилов.	Ойбек Шахрисазбда. Хотиротлар	139
-----------------	---	-----

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Султон Жўра.	Харвлар бўлиб бўйсара.	142
--------------	--------------------------------	-----

МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ

Анвойи гулларни кўксимга тақиб.	144
---------------------------------	-----------	-----

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Шафоат Ҳасанова.	Мавлоно Ҳожа Қози Пайвандий Рихзой ва унинг «Күш тили» асари.	148
------------------	---	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Адҳам Дамин.	Қоч, миллионер келяпти!	152
--------------	-----------------------------------	-----

Компьютерда сахифаловчи: Манзура Файзиева

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятта келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қиласи. * Обунага монеълик кўрсатилса ёки журнал етиб бормаса Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ёки унинг вилоят, туманлардаги тармоқларига мурожаат қилинсин.

Теришга берилди 10.03.2006 й. Босишига рухсат этилди 25.04.2006 й. Коғоз бичими 70x108^{1/16}. Офсет босма усулида 2-когоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Нашриёт ҳисоб табоғи 14,25. Адади — 1200 дона. Буюртма № 17

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

700005, Тошкент шаҳри, 8-март кўчаси, 57 ўй

«AVTO-NASHR» шўйба корхонаси босмахонасида чоп этилди



Истеъодли рассом,
Ўзбекистон Бадиий Академияси
Ижодкорлар уюшмаси аъзоси

ШАВКАТ МУЗАФФАР ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР



түш. 31600



**Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг рухи равоним сенсен.
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри азизи,
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.**

БОБУР